

М. 34

63.3(54)
4-34

Асрларни бўйлаган **БОБУР**

Джонсон
Матрафадов

Биржеси
Шекиралиев



68.3(54)48

М-34

Зокиржон Машрабов
Собиржон Шокаримов

68.3(54) ~~50551~~

М-34 Зокиржон Машрабов
Собиржон Шокаримов Бобур
7-97 104с


1193 8/Х-02 ~~50551~~

~~50551~~

55175

АСРЛАРНИ БҮЙЛАГАН БОБУР

1998



Тошкент
«Езувчи» нашриёти

1. Автордош.

Асрларни бўйлаган Бобур.—Т.: Ёзувчи, 1997.—176 6.
Машрабов З., Шокаримов С.

ББК 63.3(5У) + 63.3(0)4

Масъул мұхаррир Хайридин СУЛТОН

Азиз китобхон! Құлиңгыздаги китоб ҳам барча маърифат нурлари билан сугорилган китоблар янглын зэгу мақсадлар йўлидаги бир уринишdir. Муаллифларнинг бири — геолог олим, иккичиси — журналист ва тарихчи. Бугунги кунда жаҳон доирасида фаолият кўрсатадиган Заҳиридин Мұхаммад Бобур номидаги Халқаро жамгарма илмий экспедициясининг фидойи ва фаол аъзолари.

Экспедициянинг ёши ҳам истиқолимиз ёши билан баробар. Юртимизда ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизнинг ўқилмасдан келинаётган саҳифаларни ҳаққоний ўрганиш жараёнлари бошланган пайтларда маънавият жонкуяри, ажойиб инсон Зокиржон Машрабов ташаббуси билан тузилган жамгарма ва унинг илмий экспедицияси Бобур Мирзо юрган йўллар бўйлаб сафар қилиб, бобурийлар ҳақида янги маълумотлар тўплари ва уларни илмий истеъмолга киритди. Китобда ана шу ҳақда қизиқарли йўсинада ҳикоя қилинади.

Китапхана

Жинназ этикети Номи
Мемлекеттик педагогикалык
Институт ИНЗ

80991

4702620204—5
М 362(04)—97 36—1997

ISBN 5—8255—0425—7

© Зокиржон Машрабов, Собиржон
Шокаримов, «Ёзувчи» нашриёти,
1997 йил.

55/15

ХУРМАТ ВА ЭЪТИҚОД РАМЗИ

Она замин ўзи ўқи атрофида айланаверади.

Күёш чиқади, ботади...

Нисон тугилади, яшайди, оламдан кўз юмади...

Ер ўзи ўқи атрофида бир маромда айланар экан, ҳаёт ҳам бир текисда кечаверади...

Күёш остидаги ҳеч бир нарса абадий эмас. Тугвалиш бор экан, ўлим ҳам муқаррардир. Бу ёруғ оламни Парвардигор шундай яратган.

Ривоят қилишларича, Жаброил алайҳиссалом ҳафрати Нуҳдан сўрабдилар: «Дунё ҳақида қандай хуласага келдинг?»

Нуҳ алайҳиссалом дебдилар: «Иккى эшикли уйга ўхшайди: биридан кирдим, бошқасидан чиқдим».

Мана шу иккى эшик оғалингидаги ёруғ олам атальмиши миңтақада иносон яшаш билан баробар ўзидан аввал ўтгайларнинг ҳаёти, қилган ишларидан ибрат олади, уларнинг яхши томонларини ўзидан кейиниги авлодга сабоқ учун қолдиргиси келади.

Одамзод фахрланиш, маънавий меросхўрлик туйғуси билангина эмас, ўзидан нималарнинг қолдириш иштиёқи билан яшайди. Тимсолий маънолар билан айтганда, ҳар бир инсон ҳаёт зонгирига бир ҳалқа бўлиб қўшилгиси келади. Бусиз ҳаётнинг маъноси ҳечдир.

Азиз китобхон! Құлиңгыздаги китоб ҳам барча маърифат нурлари билан сугорилган китоблар янглын зэгу мақсадлар йўлидаги бир уринишdir. Муаллифларнинг бири — геолог олим, иккичиси — журналист, тарихчи олим. Бугунги кунда жаҳон доирасида фаолият кўрсатадиган Заҳиридин Мұхаммад Бобур номидаги Халқаро жамгарма илмий экспедициясининг фидойи ва фаол аъзолари.

Экспедициянинг ёши ҳам истиқолимиз ёши билан баробар. Юртимизда ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизнинг ўқис масдан келинаётган саҳифаларни ўқиш жараёнлари бошланыётган дастлабки паллаларида Зокиржон Машрабов ташаббуси билан оекқа турган бу илмий экспедиция ўз олдига Бобур юрган йўллар бўйлаб сафар қилиб, бобурийлар ҳақида янги маълумотлар тўплаш ва уларни илмий истеъмолга киритишин мақсад қилиб олган эди.

Сезиляптики, бу шунчаки оддий сайдханлик эмас, эзгулик йўлидаги хайрли сафар.

Тақдир тақозоси ила киндиқ қопи томган юртдан чиқиб, ўзга элларда тургун бўлган улуг аллома ҳақида ўйлаш, ҳурматини бажо келтириш ўзини Бобурга ватандош деб билган ҳар бир маърифатли инсоннинг иймомий бурчидир. Бобур қадамжойлари бўйлаб сафарга чиқдан сайдханлик максадлари ўз эътиқодлари йўлида содиқ туриб, ватандошлик бурцларини адо этиш эди. Китоб билан танишиш асосида улафининг ниятлари ушалганилигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Китобининг ҳар бир саҳифасида уларнинг улуг бобоқалонларига бўлган ҳурмат ва муҳаббатлари бўртиб туради. Китоб сафарнома эмас. Унда

илемий-бадний эссега хос томонлар етакчилек қиласы. Шу туфайли бұлса керак, муаллифлар күп үрнеларда шүнишке күзатувчи, бағичи эмас, балықи фәол иштирокчи сифатыда да мунисабатларни билдиради ва үқувчиларни мұшоқдалға чөрлейді.

Маълумки, Бобур үзи ҳақида тенгес тарихий обида («Бобурнома») ни яратып қойған. Үндән орттирип бир нағея дейніш, еки бұлмаса, уннинг йүккөлгөн саҳифаларини тұлдиріп мүшкүл бир ишдір. Муаллифлар «Бобурнома»ға күп мурожаат қиласылар, үндеги маълумоттар билан үзларни тұлпага, шохид бұлған маълумотларни бір-бірінша қиёслайдылар. Шу билан биргә, Бобур ҳақидағы кейінгі пайтларда яратылған бир күп китобларға ҳам тұхталиб, фикр тасдигини күчайтиришта зорылдылар. Бу, албатта, китобнинг үқувчилар учун бұлған ақамияттің көнгайтыра олган.

Китобда ўзбекистонник үқувчилар учун күп үнгиліклар бўлыв, шулардан бири Бобур ва бобурйлар томонидан яратылған меморчилук намуналарнинг бугунги кундаги аҳволидир. Муаллифлар ағрон, Покистон ва ҳинд тупроғида кўр тўкиб турған нобб ёдгорниклар ҳақида атрофлича маълумот берар эканлар, ерлик аҳолининг бобурйлағра бўлған мунисабатларни ҳам баён этишини ўринли деб биладылар. Албатта, Бобур қисмети билан озми-кўними таниш бўлған үқувчиди: «Бобурнинг ўзга юртларда бу даражада обрур-эътибор топа олишга қайси фазилатлари сабаб бўлди экан?» деган ҳақын савол ҳам туғилади. Бунга китобда жавоб бор.

Бобур шоҳликин шонирона қалбига бўйинсундира олган шахс эди. Шуннинг учун ҳам у «Бекайдмену ҳароби сим эрмасмен, Ҳам мол йигиштирур лаим эрмасмен», дейді.

У ўз тасарруфида бўлған ерлардаги бойлекларни юртига ташимади, ўша ерда қолдирди. Бу юрт довругини оламга ёйувчи шарқона меморчилук анъаналярнга таянган ҳолда обидалар қурдирди. Бу эса ўз навбатида ҳалқининг маънавий ва иқтисодий қадри ошувига омил бўлди.

Халқ ўз ҳәтида нурли из қолдирган алломаларни унумтайды. Мана шундай жўмард инсонлар сафида Бобур ҳам бор. Табиийки, бундай зотларнинг номлари дони ҳам ардоқланавермаслиги, мевали дараҳтга тош отилганидек, гоҳо маломат тошлари ҳам ёғилиши мумкин. Шўролар даврида ҳам улуғларимиз бошида калтаклар синди. Уларни ўрганиш чегарабалаб қўйилди. Натижада ёлғонлар ҳақиқат никобида жилвалэр қилди. Бир сўз билан айтганда, биз тарихдан ва дунёдан узиллаб қолдик. Истиқол олдиди ана шу томонларни ҳақиқат ҳаволарни билан тўлдиришдек масъулият турар эдики, муаллифлар баҳоли қудрат масаланинг мана шу нуқталарига ҳам ёндошишини мақсад қилиб оладилар.

Китобни бефарқ ўқиб бўлмайди. Айниқса, уннинг улуғ алломалар билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг бугунги аҳволини баён этувчи саҳифаларида күйинчаклик қабарыб турады, бу ҳам Бобур ватандошларнинг унга бўлған муҳаббати ифодасидир.

Үн беш йилдан ошган уруш Афғонистондаги бозорларнингина эмас, мозорларни ҳам аяничи аҳволга келтирди. Навоий, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур қабрлари ҳаробага айланғанларгини кўрган сайёхлар қалбидан чекисиз истироблар түғёнга келади.

«..Ҳирот билан таниша бошладик. Эски шаҳар ҳозирги Ҳиротнинг шимолий-тарбидә қолган. Үша томонга йўл олдик. Мана, машхур Мусалло ансамбли. Афесе ва юз афсулар бўлсениким, асрлар бўйи табиат ва қолаверса, ганимлар ҳужумига бардош бериб келган тарихий обидалар вайрон бўлған. Мусалло майдони ҳароб бир қабристонига айланған!..

Лойқ босған сой сүни зернебигина одиста оқмоқда. Бу «Бобурнома»да тилга олинган Жўйи Инжил сойнайдыр. Шу сойдан ўтибоқ ўиг қўлга буриламиш. Мўъжазгина мақбара, шундайгина Жўйи Инжил лабида. Ут-ўлан

босған йўлдан бориб мақбарага яқинлашамиз. Эшиги йўқ, очик. Ичкари кирамиз, девор сувоқлари тўллаган. Тўфт бурчак мақбаранинг юқориоқ қисмida ҳозирги замон замбарагининг шум ўқи зарб билан очган катта тешик. Тешик атрофи дарз кетиб, гиштлар уқаланиб кетган. Уртада туроқ, гишт синниклари қопланған мўъжазгина қабр. Ҳазрати Мир Алишер Навоий шу ёфда ётибидилар...»

Китобда илҳом билан ёзилған бундай ҳароратли үрнеларни кўплаб учратиш мумкин.

Азиз бобурпарвар дўстлар!

Сизнинг ҳукминингза ҳавола этилаётган ушбу китоб Бобур ҳақида ёзилған минглаб китобларнинг бири. Бундан кейин ҳам кўплаб китоблар ёзилади. Бу китобнинг аввалгилардан фарқи шундаки, унда сайёх олимларнинг илмий ниҳоҳи, кузатишлари ва қолаверса, улут бобокалонларига бўлған покиза эътиқоди устивордир.

Мен китобни ўқир эканман, орамизда улуғлар руҳи покларини эъзозлаган фидойи кишилар кўплигини сезиб, кўнглим кўтарилиди. Демак, алломаларнинг эзгулик йўлидаги ишларини давом этирувчи фарзандларни берган ҳалқинг, Ватаннинг келажаги ёрўг.

**ИСМОИЛ ТУЛАКОВ,
филология фандари доктори:**

ОНА БЕШИҚ — АНДИЖОН

Узбекистон—гўзал бир диёр. Шоир айтганидек, «чиройлидир гўё ёш келин, икки дарё ювар кокилин». Фарғона водийси эса узук кўзига ярашиб тушган дурдонасидир. Зероки, Фарғона водийси Узбекистоннингтина эмас, Марказий Осиёning энг сўлим, энг гўзал, фоят бой тарихга эга бўлган марказларидан биридир. Неча асрлар мобайнида Андижон Фарғона водийсинг шарқий дарвозаси сифатида бутун оламга маълум ва машҳурдир.

Бу водий — халқларининг тақдири, баҳти-саодати туташган мўътабар маскан. Дарҳақиқат, серфайз, ажойиб, такрорланмас латофату гўзалликларга эга бўлган бу водийда учтенг ҳуқуқли мамлакатнинг ери туташ. Бу водийда Узбекистон Республикасининг Андижон, Фарғона, Наманган, Тоҷикистон Республикасининг Хўжанд, Қирғизистон Республикасининг Уш, Жалолобод вилоятлари меҳнаткашлари ёнма-ён, елкама-елка туриб меҳнат қиласидар, бир дарёдан сув иҷадилар, яйлови бир, қуда-қудағай, қариндош-уруғсифат иноқ яшайдилар.

Фарғона водийси Узбекистоннинг шарқий қисмига жойлашган бўлиб, атрофи Тянь-Шань, Помир төғ тизмалари билан ўралган. Жанубий томондан эса чўққилари оппоқ қор ва музиклар билан қопланган Олой ва Туркистон тизмалари, шимолий томонидан Чотқол ва Қурама тизмалари билан чегарадош. Шарқий томонидан Фарғона тизмаси Тянь-Шань ўтлоқлари ва Хонтангри юксак төғ чўққиларидан ажралиб туради. Шундай қилиб Фарғона водийси фақатгина гарбий томондан Мирзачўл ва Даъварзин чўлларининг текисликлари орқали ўтадиган тўққиз километр кенгликдаги очиқ жой—ягона дарвозага эга.

Фарғона водийси текисликлари гарбда денигиз сатҳидан 300 метр, шарқда эса 1000 метр баландликда жойлашган. Водийнинг узунилиги гарбдан шарққа 300 километрга чўзилган.

Энининг кенглиги эса 140 километрга боради. Умумий майдони яқин 52 минг квадрат километрни ташкил этади.

Андижон вилоятининг маркази Андижон шаҳри — Фарғона водийсинг энг катта, Ўзбекистон Республикасининг эса Тошкент, Самарқанддан кейинги учинчи шаҳри ҳисобланади. Андижон шаҳри денигиз сатҳидан 450 метр баландликда оқадиган Андижонсойнинг қирғоқлари бўйлаб жойлашган. Ўрта Осиё давлатларини шарқий мамлакатлар билан боғловчи қадими Ипак йўли устида, жуғрофик жиҳатдан қулай ерга жойлашган.

Буюк Бобур юрти бўлмиш Андижон деярли икки минг йиллик тарихга эга. Олимларимиз Марказий Осиё шаҳарларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи билан кўп йиллардан бўён шугулланиб келадилар. Заҳматкаш олимларнинг илмий меҳнатлари натижаси ўлароқ Марказий Осиё шаҳарлари тарихи тикланмоқда. Жанубий Туркманистонда археологик қидибувлар оқибатида аниқланган Номозгоҳтепа, Олтинтепа, Улуғтепалар Шарқ услугидаги қадимги шаҳарчалар эканлиги аниқланди.

Фарғона водийсида ҳам худди ана шу услубдаги шаҳарлар эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларидаёт, шаклланган. Зарғалдоқ тепа, Чинбойтепа, Шўртепа, Чуст, Даъварзин, Ашқолтепа каби шаҳар типидаги қалъалар бронза даврининг сўнгти ва навбатдаги темир даврининг дастлабки асрларида ўлка иқтисодий ҳамда маданий ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Фарғона водийсида шаҳарлар тараққиётининг навбатдаги даври эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Андижондаги Эйлатон макони ана шу даврдан дарак бериб турувчи ҳозирча водийдаги ягона тарихий ёдгорликдир. Унинг умумий майдони икки юз гектарни ташкил этади. Ичкари қалъа қисми йигирма гектар. Топилган турли ашёлар шундан далолат берадики, бу шаҳарда ҳунармандчилик яхшигина рирожланган, тараққиётда шаҳарнинг роли ортиб борган.

Археологлар томонидан аниқланган ана шу шаҳарлар ҳақида қадими ёзма манбаларда ҳам айрим маълумотлар учрайди. И. Бичурин таржимасига мансуб бўлган қадими Ҳитой манбаснда ёзилганидек, Фарғонада «70 дан ортиқ катта ва кичик шаҳар»лар мавжуд бўлган. Грек манбаларида эса ўша даврдаги шаҳарлар «Эримата» деб аталган. Шаҳарлар икки қисмга — ташқи ва ички қисмга бўлинган. Ташқи ва ички девор билан ўралган.

Уша етмиш шаҳарнинг бири бўлган Эрши (Марҳаматда-

ти «Мингтепа») ҳам ташқи ва ички деворли шаҳар эканлиги маълум. Фарғонада мелоддан аввалги II—I асрларда Довон давлати бўлиб, унинг пойтахти ўша Эрши шаҳри эди. Олимларимизнинг тарихий далилларга асосланиб, Андижон шаҳри ҳам ўша даврда ташкил топган дейиш мумкин.

Мелодий IV асрдан бошлаб Марказий Осиёning барча дарёли водийларига туркӣ халқларнинг аста-секин кӯчиб кириши бошланади. Бу ўз ўрнида IV асрда турк халқининг пайдо бўлишига олиб келади. Фарғона водийси, қолаверса, Андижон халқи ҳам бу даврга келиб туркйлашади. Кенд (Конибодом), Кубо (Құва), Ўш, Ўзған Аҳсикент каби Фарғона водийснинг жанубий-шарқий томонига жойлашган Андижон шаҳри ҳам ўз атрофидаги дехқончилиги туркираган қишлоқларни бирлаштирган йирик иқтисодий марказга айланади. Аҳолининг турклашиш жараёни тезлашади.

Тарихий манбаларда шаҳар «Андугон» номида тилга олинганлиги маълум. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ўзининг машҳур «Матлаи Саъдайи ва мажмай баҳрайн» асарида аввал «Андигон» деб ёзади. Умаршайхга бағишлиган саҳифаларда эса «Андижон» деб тилга олган.

Ўша пайтларда шаҳар ободонлашиб, кўркамлашиб, сувга, бөғ-роғларга сероблиги, одамларининг меҳнатсевар, ширинаханлиги шарофати билан жанинатмакон бир жойга айланганлигига ҳам аниқ ишора бор. Яъни халқ этимологиясида 'Андижон' маъносида аталиб келинганлиги ҳақида ҳам далиллар бор.

Шу жиҳатдан юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўйидаги қўйма мисралари диққатга сазовордир:

«Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Фарибингга тараҳҳум айлагилким Андажонийдир».

Ҳа, Бобур қаерда, қайси ҳолатда бўлмасин, киндик қони томган Андижонни асло унутмаган. Шоирлар шаҳарга «Анда қолди жон», «Озодагон» деб лирик таърифлар ҳам беришган.

Чингизхон қўшинлари Мовароуннаҳрни эгаллагач Фарғона водийси мўғуллар давлатининг Чигатой улусига қўшилди. Ўзған шаҳри пойтахт бўлиб қолди. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Андижон йирик стратегик шаҳар ҳамда муҳим савдо йўли устида жойлашганлиги сабабли ўша давр ҳукмдорларининг доим диққат марказида бўлади.

Ниҳоят, XIV аср бошларида мўғул хонларидан Тува (Дува)хон Андижонга алоҳида эътибор билан қарай бош-

лайди. Ҳамидуллоҳ Қазвиний «Нузхат-ул-қулуб» асарида баёв қилишича, Дувахон Андижонни ободонлаштиради, қалья деворларини тиклаб пойтахти шу ерга кўчиради. Қўпгина масжиду мадрасалар қурилади. Андижон шаҳри, «Қуббат-ул Ислом» деган диний-маърифий ном олади. Дувахон ўз номига қурдирган Андижондаги машҳур «Дувахон» масжиди вайронаси қирқинчи йилларгача сақлангани маълум.

Ўша пайтларда шаҳарда ҳунармандчиллик авжга минган. Алоҳида-алоҳида ҳунармандларнинг номи билан аталувчи маҳаллалар вужудга келган. Уларнинг айримлари, масалан, «Жебачи», «Читгарлик», «Қўнчилик», «Қигизчилик» каби маҳалла номлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Кези келгандан шуни ҳам айтиш керакки, халқимизнинг мозийси донишманд даҳоларга, буюк мутафаккирларга бойлиги билан фоят фаҳрлидир. Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Исмоил Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Бобурдан тортиб то Абдулла Қодирийгача ўтган давр тарих занжирининг мустаҳкам олтин халқаларини буюк даҳолар узвий борлаб тургани янада қувончилидир. Улар қолдирган тарихий ва маданий меросларни ўрганиш, уни эъзозлаш, қадрига етиш муқаддас бурчимиздир. Зероки, ҳозирги мустақиллик давридаги мадниятимиз ва маънавиятимизнинг пойдевори ўша даҳоларга бориб уланади. Демак, ўзлигимизни билиш, англашда улар йўлчи юлдузлардир, дейишга хақлини.

Шу жиҳатдан қараганда, Андижоннинг кейинги бир неча асрлик тараққиёти темурийлар номи билан чамбарчас боғланниб кетади. Маълумки, Амир Темур иби Тарагай Муҳаммад баҳодир ҳижрий 736 сичон йилида, шаъbon ойининг 25 кунинда (1336 йил, 8 апрель) Шаҳрисабздан ўн чақиримча наридаги Хўжа Илгор қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси Амир Тарагай баҳодир ўзига тўқ, давлатманд, обрўли киши эди. Амир Темур ўз халқини 1219 йилдан то 1370 йилгача давом этган мўғул истибодидан холос этган буюк инсондир.

Соҳибқиён Амир Темур Фарғона водийсида 1377 йили мўғуллар ҳукмронлигини батамом тутатди. У Фарғона мулкими ўз ўғли Умаршайхга топшириди. Умаршайх Андижон шаҳри атроф деворларини қайтадан тиклаб таъмиратди. Шаҳар кўркамлашиб обод бўла бошлади.

Шаҳар ҳамда атрофдаги дехқончилик қилинадиган ерларни сув билан яхши таъминлаш мақсадида янги ариқлар қазилди. Зироат ундириладиган майдонлар кенгайтирилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг шоҳ асари «Бобурнома»да

тилга олган «Тўқиз тарнов» (ариқ) ўша даврда бунёд этилган.

Соҳибқирон Амир Темур 1405 йил 18 февраль чоршанба куни Утрорда вафот этди. Олтмиш тўқиз йил умр кўрган Амир Темур бунёд этган марказлашган буюк давлат унинг ворисларига мерос бўлиб қолди. «Зафарнома» муаллифи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Соҳибқирон Амир Темур вафот қилганда ундан икки ўғил, бир қиз, йигирма тўқиз невара, беш чевара—жами ўттиз олти нафар шаҳзода (қиздан ташқари) қолган эди. Булардан ташқари яна бир набираси бўлиб, қизи Оға Бегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзо (1380—1407) эди. Ана шу ворислар ўртасида таҳт учун кураш бошланади.

Умаршайх Мирзо иби Темур вафотидан сўнг ўзаро тўқнашувлар натижасида Фарғона мулки ва Андижон шаҳри ҳокимлари тез-тез алмасиб турдилар. Умаршайх Мирзонинг ўғиллари Искандар ва Мирак Аҳмад ўрталарида Андижонни талашиш оқибатида ўзаро тўқнашувлар юз берди. Мирак Аҳмад эса кейинчалик Мирзо Улугбек фармонларига бўйсунмай қўйди. Уртада ҳарбий жанжаллар келиб чиқди. Бу ноҳушликлар оқибатида Фарғона мулки, шу билан баробар Андижоннинг ҳам иқтисодий аҳволи заифлашди. Халқ қони ноҳақ тўкилиб, вайронагарчиликлар юз берди. Фақат Мирзо Улугбекнинг зукко раҳнамолиги туфайли атрофдаги мўғул қўшинлари ва улар билан тил бириктирган майдада амирзодалар тор-мор қилинди, Андижонда тинчлик ўрнатилди.

Мирзо Улугбек вафотидан (1449) сўнг Мовароунаҳр давлати Абу Сайд Мирзога қолди. Абу Сайд Фарғона вилоятини ўғли Умаршайх Мирзога мулк қилиб берди. Сирдарё бўйида жойлашган Аҳси пойтахт этиб танланди. Аҳси Фарғона водийсининг шимолида жойлашгани учун кўпроқ хавф-хатар остида эди. Чунки, Тянь Шань томонда ҳукмронлик қилаётган мўғуллар давлати чегарасига яқин турарди. Мўғуллар Косон ва Аҳси орқали келишиб Фарғонага тез-тез ҳужум қилиб турар эдилар. Ана шундай ҳужумлардан бирида Аҳси шаҳрини мўғуллар эгаллаб олади. Тахминан 1468—99 йилларда Аҳси яна қайтариб олинади.

Ана шундай бесаранжонликлардан сўнг пойтахт Андижонга кўчирилади. Сирдарё бўйида жойлашган ғоят баҳаво Аҳси шаҳри подиоҳнинг ёзги қароргоҳи бўлиб қолади. Умаршайх Мирзо ёз фаслини Аҳсида, йилнинг қолган ойларини пойтахт Андижонда ўтказар эди.

Умаршайх Мирзо мўғуллар хони Юнусхоннинг Қутлуг Нигорхоним исмли қизига ўйланади. Шундай қилиб Умар-

шайх Мирзо Юнусхонга қуёв бўлгац мўғулларнинг Фарғона-га ҳужуми тўхтаб, осойишталик ҳукм сура бошлади. Оқибатда Андижон Фарғона мулкининг пойтахти сифатида ободонлашади. Қадъ ва арк деворлари мустаҳкамланади. Сувли экин майдонлари ортиб Андижоннинг чегараси кенгаяди. Пойтахт сифатида шаҳар мавқеи янада ортади.

Хижрий 888 йил муҳаррам ойининг 6-кунида (мелодий 1483 йил 14 февраль) Умаршайх Мирзо ўғил фарзанд кўрди. Уша давр уламоларидан бўлмиш мавлоно Мунирхожа Марғонийдан чақалоққа исм қўйиб бериши илтимос қилишади. Мавлоно Мунирхожа исломдаги исм қўйиш одатига кўра, китобдан муҳаррам ойининг олтинчи кунини аниқлаб, «Захириддин Муҳаммад» деб исм қўяди. Юнусхон ва Эсон Давлатбеким (Бобурнинг катта онаси) ғоят суюкли набирасини Бобур (Иўлбарс) деб аташади.

Сарой кишилари уни, Захириддин Бобур Муҳаммад деб атар эдилар. «Тарихий Рашидий» асарининг муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Захириддин Муҳаммад ёш болалигига ёқ «сон-саноқсиз яхши фазилатларга эга эди, довюраклик ва валломатликда ҳамманинг орасида ажralиб турарди».

Кўриниб турибдики, соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг 78 йил ўтгач Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо дунёга келди ва ўн икки ёшида подшо бўлди.

Мана у «Бобурнома»да шундай ёзади: «Тангри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шарофати билан ва ҷаҳориёри босафоларнинг ҳиммати билан сесанба куни рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз тўқсон тўқузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшо бўлдум».

Захириддин Муҳаммад Бобур киндик қони тўкилган Андижон шаҳрини, Фарғонани ғоят севар эди. Мана унинг Андижон ҳақидаги юрак сўзлари: «Етти пора қасабаси бор; беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жонибida. Жанубий тарафидағи қасабалар бир Андижондирким, васатта воқе бўлубтур, Фарғона вилоятнинг пойтахтидир. Ошлиги воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур... Мовароунаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқе бўлубтур. Тўқиз тарнов сув кирап. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас... Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Аҳсида Умаршайх Мирzonинг фожиали ўлимидан сўнг Захириддин Муҳаммад

Бобур ҳаётининг энг мاشаққатли, суронли, хилма-хил воқеаларга ғоят бой даври бошланади. Умаршайх Мирзо ҳалокатга учраган пайтда Бобур Мирзо Андикондаги чорбогда эди. Бобур отамерос таҳти эгаллаш учун ўша куниёқ, яъни размоз ойининг бешинчисида Андикон арки томон йўлга чиқди. Бу улуғ Бобур босиб ўтиши зарур бўлган катта йўлнинг бошланиши эди.

Худди мана шу даврни тарихий далиллар асосида илмий таҳлил қилган олимларнинг фикрига ҳамда «Бобурнома»га асосланиб шуни айтиш мумкини, марҳум Умаршайх беклари ва йирик амалдорларнинг аксарияти холис ниятда эмас. эди. Хожа Мавлонойи қози Бобурнинг ёнига киради. Ганимлар ёш Бобурнинг ҳам бўлгувси давлатига ёвуз ниятда қараётган бир мураккаб қайт эди. Улар Фарғона мулкини Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзога топшириш ниятида эдилар. Бундай маҳфий фитна ёш Бобурга Ширим тоғойи орқали маълум бўлади.

Лекин Андиконда Бобурга содиқ инсонлар ҳам бор эди. Ана шулардан бири Фарғона вилоятида маълум ва машҳур бўлган Шайх Бурҳониддин Султон Аҳмад қозининг ўғли Хожа Мавлоний қози эди. Бобур Хожа Мавлонойи қози ва бошқа унга содиқ бўлган кишилар ҳамда ўз навкарлари билан Андикон аркини эгаллайди. Хожа Мавлонойи қози маслаҳати билан арк деворлари мустаҳкамланади, арк миноралари ҳамда шинаклари тартибга солинади, ҳимоя кучайтирилади. Бу орада Марғилон томондан Қосим қавчин ва Ҳасан Яъқублар ҳам етиб келишади ва арк ҳимосига қўшиладилар.

Умаршайх Мирзо ўлемидан сўнг Фарғона мулкини эгаллаш мақсадида Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо Уратепа томондан, мўгул хони Султон Маҳмудхон Қосон томондан, Қашгар ҳокими Абобакр дўғлат Узган томондан Андиконга ҳужум бошлашади. Ёш Бобур қон тўкилишини истамас, масалани тинч йўл билан ҳал қилиб, юз берган кескин вазиятни юмшатмоқчи эди. У ўз амакиси Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига элчи қилиб хожа Мавлонойи қози ҳамда Узун Ҳасанин жўнатди. Улар орқали қўйидаги мазмунда мактуб йўллайди:

«...бу вилоятда мулозимлардин бир кишини худ қўюлгусидир. Мен ҳам мулозим ва ҳам фарзанд, агар бу хизматни манга уҳда қилсалар яхшироқ ва осонроқ файсал топқусидир».

Бобур сўзлари билан айтганда, Султон Аҳмад Мирзо камсухан, фақир ва одми киши эди. Ҳар сўз ва иш—куч беклар-

сиз қарор топмас эди. Шу оқибат Султон Аҳмад бекларнинг маслаҳатига биноан Бобур йўллаган мактубда илгари сурилган доно фикрга рад жавобини беради ва Қувадан Андиконга ҳужум бошлайди. Бундан кейинги воқеалар ҳақида Бобур шундай ёзди: «Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи била ҳар ишимни ҳар маҳалда андоқким бояду шояд беминнати маҳлуқ рост келтирубдур... Қубонинг ботқоқлик қора сўйи бор, кўпригидин ўзга ердин кечиб бўлмас, қалин черик келиб кўпрукда тиқилиб, қалин от ва тева бу қора сувга йиқилиб зозъ бўлди». Шундай қилиб, Султон Аҳмад Қуванинг (ҳозирги Толмозор қишлоғидан ўтадиган) Қорасув кўприги қулаши натижасида катта талафот кўргач Самарқандга қайтиб кетади.

Бобур ва унинг атрофидаги бекларнинг зукколик билан иш тутиши ва сиёsat юритишлари туфайли тоғаси Султон Маҳмуд ҳам, Қашгар ҳокими Абобакр дуглат ҳам эгаллаб олган жойларини ташлаб чиқиб, орқага чекинадилар.

Юртда осойишталик бошланади. Отасининг ўлими туфайли ўтказилиши лозим бўлган расм-руsumларни энди бажо келтириш имкони туғилади. Бу ҳақда Бобур шундай ёзди: «Мундоғ улуғ вақое рўй бергандা Умаршайх Мирзодан қолган беклар ва йигитлар яхши қатланиб мардона жонлар тортилар. Аҳсидин мирzonинг онаси Султонбегим ва Жаҳонгир мириз ва аҳли ҳарам ва беклар Андиконга келдилар. Азо расмини бажо келтуруб, ош ва таом фуқаро ва масокинга тортилди».

Ёш Бобур давлат ишлари билан жиддий шүгуллана бошлайди. Узининг содиқ кишиларини катта лавозимларга тайинлайди: «Андикон ҳукумати ва эшик ихтиёри Ҳасан Яъқубға муқаррар бўлди. Ӯш Қосим қавчинга қарор топди. Аҳси ва Марғилон Узун Ҳасанға ва Али Дўст тағойиға тайин бўлди. Умаршайх мирzonинг ўзга беклари ва йигитлариға ҳар қайсиға фароҳчўр ҳоллари вилоят ва ер ва мучга ва ҷарга ва важҳи истиқомат муқаррар ва муайян бўлди».

Лекин, фитначиларнинг ҳали умиди узилмаган эди. Умаршайхнинг Фотима Султон исмли хотинидан дунёга келган, Бобурдан икки ёш кичик бўлган Жаҳонгир Мирзодан фитначилар ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишда фойдаланмоқчи бўладилар. Уни подшоҳ қилмоқчи бўлиб, Бобурга қарши қўядилар. Бобурнинг ўзи амал берган Андикон ҳокими Ҳасан Яъқуб фитна уюштириб, Жаҳонгир мирzonи подшо қилиш учун маҳфий фитна тайёрлайди. Лекин бу фитна Бобурга содиқ бўлган инсонлар томонидан ошкор этилади ва чора кўрилади. Бу ҳақда Бобур шундай ёзди: «Хожа

Қози ва Қосим қавчин ва Али Дўст тагойн ва Узун Ҳасан ва яна баъзи давлатхоҳлар менинг улуг онам Эсон Давлатбемининг қошида йигилиб сўзни бу ерга қўйдиларким, Ҳасан Яъкубни маъзул қилиб, фитнасига таскин берилгай».

Шундай қилиб, Ҳасан Яъкуб Андикон ҳокимлигидан четлаштирилади. Үрнига Қосим қавчин ҳоким этиб тайинланади. Ҳасан Яъкуб қочиб юриб, охири Аҳси атрофида бўлган жангда ўлади.

Бу даврда Самарқанд тахти учун кураш яна авж олади, Андиконда айрим беклар Бобурни Самарқанд тахтини ҳам эгаллашга ундирилар. Бобур Самарқандга 1496 йилнинг ёзида қўшин тортиб боради. Лекин қишида қайтиб келади.

Кейинги йили иккинчи марта Самарқандга юриш қиласи, Самарқанд атрофидаги қишлоқларни эгаллайди. Бу юриш муваффақиятли бўлиб, самарқандликлар ёш подшоҳ истиқболига чиқишиб Бобурни кутиб оладилар.

Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Хожа Диidorдин отланиб, Самарқандга мутаважжиҳ бўлдук. Иўлда акобир ва беклар ва йигитлар мутаоқиб истиқболига келдилар. Раббиулаввал ойининг авохирода келиб аркта Бўстонсарога туштум. Тенгрини таоло инояти била Самарқанд шаҳри ва вилояти мусаххар бўлди».

Шундай қилиб, Амир Темур бунёд этган буюк давлат пойтахти, дунёга машҳур бўлган Самарқанд Бобур ихтиёрига ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур шаҳарни талашга йўл қўймади. Бу ҳол катта бойлик ортириш илинжида келган айрим сарбозларда норозилик уйғотган бўлиши мумкин. Ана шундайлар Андиконга қайтиб кета бошлидилар. Бобур Самарқандда тобора ёлғизланиб қола бошлиди. Бу ҳақда Бобур афсусланиб шундай ёзади: «Аввал кишиким қочти Хонқули Баёнқули эди, яна Иброҳим Бекчик эди, Мўгуллар тамом қочтилар. Сўнгра сulton Аҳмад Танбал хам қочти».

Бунинг устига ғанимлар томонидан талон-торож қилинган Самарқандда аҳвол анча оғир эди. Ҳатто отларга ем, аскарларга озиқ-овқат ҳам етишмасди. Бу ҳақда Бобур шундай дейди: «Черик элининг ўлчаси туганди. Самарқандни олғонда Самарқанд андоқ хароб эдиким, мадад ва тухм ва тақовига эҳтиёж бор эди... Бу жиҳатлардин черик эли кўп танқислик торттилар».

Бобур Самарқандда ана шу тангликни бартараф этиш ташвишлари билан банд бўлган бир пайтда Андиконда Узун Ҳасан унга қарши фитна ташкил этган эди. Узун Ҳасан ҳамда Аҳмад Танбал Жаҳонгир Мирзо билан тил биринки-

риб, Бобур Самарқандда эканидан фойдаланиб, Аҳси ва Андиконни эгаллаб олиш учун қўшин тўплайдилар. Улар Самарқанддан—Бобур ёнидан қочиб келган бекларни ҳам йўлдан оздириб ўз томонларига оғдириб олишга уринадилар. Бу ҳақда Бобур ғазабиоклик билан шундай дейди: «Бу фитналарни ангиз қилғучи, мундин қочиб борғонларни ёмонликка тез қилғучи худ Узун Ҳасан ҳаромнамак экандур».

Ана шу парокандаликка барҳам бериш мақсадида Бобур ўша даврда катта таъсир кучига эга бўлган хожа Мавлонойи қозини Андиконга жўнатди. Чунки Бобур сўзи билан айтганда, «Узун Ҳасан хожа Мавлонойи қозига ўзини хейли мухлис ва мұътақид» тутар эди. Хожа Мавлонойи қози Андиконга Бобур илтимосига биноан қайтиб келди ва қочоқ аскарлар ва бекларни тўплаш учун кўп ишлар қилди, қаттиқ уринди. У ўз ихтиёридаги ўн саккиз минг қўйни Бобур тарафидан қолган сарбозларга, уларнинг оилаларига улашиб берди.

Лекин Андиконда аҳвол тобора хунуклашиб борар эди. Андикон Жаҳонгир Мирзо бошлиқ гурӯҳлар қамалида қолаётган эди. Шунинг учун Андиконга зудлик билан етиб келиши ҳақида Бобурга унинг онаси ва бувиси, хожа Мавлонойи қози номларидан чопар ва мактублар бориб турди: «...бизларни мундоқ муҳосара қилибтурлар. Агар келиб фарёдимизга етмасангиз иш вубол бўлғусидир».

«...Агар Андикон иликта бўлса, яна Тенгрин рост келтурса, Самарқандни иликласа бўлур».

Мана шундай мураккаб бир вазият вужудга келган пайтда Бобур бетоб бўлиб қолди. Аҳволи ёмонлашиб, оғзига сув томизиб турадилар. Бу ноҳуш аҳволни Бобур шундай ифода этади: «...тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимға пахта била сув томизурлар эрди. Менинг била қолғон бек ва бегот ва йигит-яланг менинг тирилмагимдан маъюс бўлуб, ҳар ким ўз фикрида бўлдилар».

Дарҳақиқат, Бобур атрофидаги айрим беклар умидсизликка туша бошлидилар. Бу ноҳуш аҳволни ҳад ким ўзича тушуниб, ўзича таҳлил қиласи, атрофга тарқатар эди. Бобурнинг оғир аҳвolda бетоб ётганлиги ҳақидаги совуқ хабар Андиконга ҳам етиб келди. Бу хабар Андиконда қолган бекларни ҳам умидсизлантира бошлиди, нияти бузуқларни эса ўз фитналарини амалга ошириш ҳақидаги мақсадларини алантанлирди.

Шундай оғир вазиятда умидсизликка тушмаган, иродаси мустаҳкам ёш Бобур тез кунларда тузалиб оёққа туради. Самарқанд шаҳрида юз кун подшоҳлик қилган Бобур ражаб

оин, шанба куни она бешик бўлмиш Андижонга отланади. У Хўжандга етиб келганда Андижондаги аҳволдан дарак топади. Бу нохуш хабардан афсусланиб Бобур шундай ёзади: «Хўжандга еттим. Ушул куни Андижондин бир киши бу хабарни келтурдиким, етти кун мундин бурун ўшул шанбаким, биз Самарқанддин чиқибтурбиз, ўшул шанба Али Дўст тогояйи Андижон қалъасини мухолифларга берибтур. Тафсили будурким, Узун Ҳасаннинг навкарлариким, менинг бехузурлуғумда манға кўрсатиб ижозат бердилар, мухолифлар Андижон қўргонини қабагонда бориб дебтурким, подшоҳнинг тили тутулиб эди, оғзиға пахта била сув томизадурлар эди. Ушбу таъриф қилғон йўсунлуқ бориб, Али Дўстнинг қошида онт ичиб айтибтур».

Маълумки, ўша кунлари хонилик йўлига ўтиб олган Узун Ҳасан Андижонни ўраб олиб, қамал қилиб турган эди. Бобурнинг қаттиқ бетоб ётгани ҳақидаги хабарни эшигтан Андижон ҳокими Али Дўст умидсизликка тушади ва қатъйликни йўқотади. Узун Ҳасан билан тезда сулҳ тузиб, Андижонни унга топширади. Ваҳоланки, Андижонни Узун Ҳасандан ҳимоя қилиш учун ҳамма шароит мавжуд эди. Бу ҳақда Бобур заҳархандалик билан шундай дейди: «Заҳирадин ва урушлар кишидин қўргонда ҳеч камлик йўқ эди. Ул мунофиқи намакҳаром мардакининг номардлиғи эди».

Бобурга нисбатан сотқинлик ва бевафолик йўлига ўтиб олган мунофиқлар Андижонни қўлга киритгач, ўта бераҳмлик ва пасткашликка ҳам бориб етадилар. Бобурга садоқат кўрсатгани учун хожа Мавлононин қозини арк дарвозасида беиззатона осиб шаҳид қиласидилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур гоят оғир аҳволда қолган эди. У Андижонни деб шаҳарни ташлаб чиқиши биланоқ Султон Али мирзо Самарқандни эгаллаб олган эди. Юқорида айтганимиздек, Андижон ҳам қўлдан кетган эди. Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбал Андижонга ҳукмронлик қилишарди. Бобур аро ўйла сарсон бўлиб қолади.

Бобур Хўжандда туриб юз берган парокандаликни барта-раф этиш ўйларини излайди. Бу пайтда тоғаси Султон Маҳмуд Тошкентда эди. Бобур сўзи билан айтганда, Қосимбек Тошкендга хон қошиға йиборилиб, Андижон устига юрмакни истидъо қилилди. Хон ҳам черик тортиб, Оҳангарон жилғаси билан келиб, Қандирлик довонининг тубига тушганда Бобур Хўжанддан келиб уларга қўшилди. Улар Ахсига келишади. Мухолифлар ҳам жунбушга келадилар, қўшин тортиб Поп қўргонини бекитадилар.

Бобурнинг таъкидлашича, тоғаси Султон Маҳмуд қатъий

бир мақсад йўлида шитоб билан ҳаракат қилмайди. У муҳолиф ва ғанимларнинг ёлғон сўзларига ишониб, улардан совфа-саломлар олади-да, Бобурни қолдириб ўзи қўшин билан Тошкентга қайтиб кетади. Бобур яна ёлғизланиб қолади ва Хўжандга қайтади. Шундай қилиб, Бобур рамазон ойини (1497 йил) Эсон Давлатбегим, онаси ва бошқа қариндошуруғлари, яқин кишилари билан Хўжандда ўтказади.

Бобур яна Султон Маҳмудга мурожаат қилиб мадад сўрайди ва Самарқандга юриш қиласиди. Муваффақиятсизликка учраб, чекинади. Шундан кейин ҳам Бобур умидсизликка тушмайди. Андижон ва Самарқандга юриш қиласиди, лекин иши илгари босмайди. Гоят оғир кунларни бошидан кечираётган Бобур: «Самарқанд ва Андижонга мукарраран юрушуб, ҳеч иш очилмай, яна ёниб Хўжандга келдук»,—дейди. Бу орада Бобур яна бетоб бўлиб иситмалайди. Лекин доим от устида йўлда бўлади. Бобурнинг бир ярим йиллик умри ўз яқицлари билан бирга Хўжандда ўтади. Отасидан мерос қолган салтанатида, унинг пойтхати—Андижонда ғазабнок ганимлар изғиб юришарди.

«Бормоққа не маскан мұяссар,
Турмоққа не давлат мұқаррар».

дея хитоб қиласиди Бобур ўша кунларда.

Бобур Ўратепанинг жанубидаги яйловда хомуш юрган бир пайтда Али Дўст тағойининг навкари келиб унга учрайди. Чопар Али Дўст тағойи қилган гуноҳлари учун Бобурдан кечирим сўраганини, Марғилонни Бобурга топшириб бундан бўён унга холис хизмат қилишга ваъда берганини айтади. Бу хабарни эшигтан Бобур дарҳол йўлга чиқади ва Марғилонга етиб келади. «Марғилон қўргонининг эшигига келдим,—деб ёзади Бобур.— Али Дўст тағойи дарвозанинг орқасида туруб, дарвозани очмай, аҳд илтимос қилди. Аҳда ва шарт қилғондии сўнг дарвозани очиб, дарвоза орасида мулозамат қилди». Шундан сўнг Али Дўст тағойи Бобурни яхши кутиб олиб, унинг атрофида келган 240 кишини алоҳида қўргонга жойлаштириди.

Бобур Марғилонга қелибоқ Андижондаги воқеалар билан қизиқади. Маълум бўлишича Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбал ўтказган зулм ҳалқда норозилик уйғотган. Уларга қарши галаси́лар бошланган. «Узун Ҳасан ва Танбал золим ва фосиқ ва коғирваш эллар эди, раият ва вилоят эллари булардан бисёр оғриб эдилар»,—деб ёзади Бобур. Зероки, золимлар зулмидан эзилган ҳалқ Бобурни кутар эди.

Бобур вазиятни обдон ўрганиш билан бирга Узун Ҳасан билан бўладиган тўқнашувга пухта тайёргарлик кўрди. Содиқ кишиларни яна ўз атрофига тўплади. Асосан ҳалқининг қўллаб-куватлаши, қолаверса, Тошкент хони Султон Маҳмудхон мадади Бобурга катта умид ва куч-шиддат бағишлади. Бобур ва Узун Ҳасан қўшинлари ўртасида дарё бўйида шиддатли жанг бўлди. Бобур Узун Ҳасанни енгиг, Андижон тахтини эгаллади. «Ота вилоятим, икки йилга ёвуқлашиб эдиким, иликдин чиқиб эди, Тенгри инояти била зулқаъда ойда сана 904 да (1499 й.) яна мусаххар бўлди»,—дейди Бобур.

Бобурнинг ҳужумига бардош беролмаган мухолифлар атрофга тирқираб кетади. Узун Ҳасан навкарлари билан ўзини Аксига олади. Аҳмад Танбал эса Жаҳонгир Мирзони ёнига олиб Ушга жўнайди. У ерда Бобурнинг тарафдорлари кўп эди. Оқибатда Ушга сизмаган Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир Мирзо Узганга бориб, йиқилган полвон курашга тўймас, услубида иш тутадилар, қайта ҳужумга тайёрланишади.

Бобур Андижонда тартиб ўрнатгач, Аксига—Узун Ҳасан устига юриш қиласи. Кўрнамак Узун Ҳасанин бўйсундириб Аксини ҳам эгаллайди. Узун Ҳасанинг мингга яқин навкарлари Андижонда қолишиб Бобурга хизмат қила бошлайди. Лекин, Бобурнинг булардан кўнгли қолган эди. Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал найрангларига учиб ҳалқни талаган, юртга путур етказганлар мана шулар эди. «...Элни ва Ҳожа қози ва мутааллиқларни тутқон ва талағон булар эдилар. Ўзларининг бекларига не вафо қилдиларким, бизга вафо қилғайлар»,—деб ёзди Бобур.

«Бобурнома»нинг дарак беришича, Бобур ҳалқни талаган, устози хожа Мавлонои қозини осиб ўлдирган ва оқибат натижада ишончни йўқотган ўша навкарларнинг мол-мулки талон-торож қилинишига руҳсат беради.

Бобурнинг ёзишича, онасининг икки сув оралиғидаги мавзенда минг беш юз, икки минг мўғул навкарлари бўлиб, улар мўғул хони Султон Маҳмудга қарашли эдилар. Бобурнинг булардан ҳам ихлоси қайтган кўринади. «Ҳамиша ёмонлик ва бузуқчилик мўғул улусидан бўла келгандур»,—декиноя билан ёзди у. Ишончни йўқотган ана шу мўғул навкарларига ҳам салбий муносабатда бўлади Бобур.

Лекин Бобур ўзининг ана шу йўлда тутган сиёсати но-тўғри бўлганлигини кейинроқ тўла тушунади. Талон-торож қилинган Узун Ҳасан ҳамда мўғул навкарларида Бобурга иисбатан норозилик ортиб боради. Ваҳолапки, гоят қалтис пайтда, яна мухолифлар қуршовида турган Бобур учун ана

шу навкарларнинг мадади, қўллаб-куватлаши ҳам зарур эди. Лекин бундай бўлмайди.

Бу хатони кейинроқ тўла ҳис этган Бобур шундай ёзди: «Ахир Андижондин иккинчи навбат чиқғонимизга, сабаб ушбу бетааммул ҳукм қилғонимиз бўлди». Дарҳақиқат, ўша иккичува оралиғидаги мўғул қўшинлари Аҳмад Танбал тарафидан туриб Бобурга қарши уруш бошлайдилар. Иламиш (Қорадарё) дарёсининг Ясси кечит деган жойида Бобурга қарашли Қосимбек қўшини Танбал қўшинлари билан тўқнашади. Бу жангда Аҳмад Танбалнинг қўли баланд келади. Танбал Ушни эгаллаб, ўз мавқенини мустаҳкамлашга кирди.

Аҳвол яна кескинлашади. Азоб-уқубатлардан эндигина халос бўлиб, юртда юз берган тангликин, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида бўлган Бобур учун яна бесаранжомлик бошланади. Мухолифлар билан бўлажак тўқнашувларга ҳозирлик кўра бошлайди. «...навкар ва сипоҳийни йигиштуруб, Тенгрига таваккул қилиб, муҳаррам ойнинг ўн саккизида Ҳофизбекнинг чорбогига сафар қилдим»,—деб ёзди Бобур. У худди мана шу жойда ўз қўшинини жаигга пухта тайёрлаб олгач, Ушга юриш қиласи. Бундан хабар топган мухолифлар бардоши чидамай Ушнинг шимолидаги Работи сарҳанг деган жойга чекинади. Душманнинг чекинганини эшигтан Бобур ўз қўшинлари билан ўша оқшом Лотканд кентга тушади. Уша ерда тунаб эрта тонгда Ушга от суради. Улар Ушга етиб келгандарида душман Андижон томонга йўл олганини билиб қолади ва зудлик билан ўз мухолифлари маркази бўлмиш Узганга ҳужум қиласи. Бобурнинг Узганда эканидан фойдаланган мухолифлар тунда Андижон қалъасига ҳужум бошлайдилар. Бундан воқиф бўлган ҳалқ қалъани ҳимоя қиласи. Аҳмад Танбал қўшинлари чекинишга мажбур бўлади.

Бобур қўшинлари ҳам Узганга кирмай орқага қайтадилар. Бобур ўз қўшинлари билан Таинбалнинг укаси Халилнинг мулки бўлмиш Уш яқинидаги Моду қалъасига ҳужум қилиб уни эгаллайди. Сўнг Бобур Ушга яқин жойлашган Үнжу Тўба деган кентга келади. Андижондан чекинган Аҳмад Танбал ҳам Бобур рўпарасига — Работи сарҳанг депарасидаги Обикон деган жойга етиб келади ва жойлашади. «Бу икки черикнинг ораси бир йиғоч йўл бўлғай эди. Бир ой-қирқ кунгача ўлтурулди, уруш бўлмади»,—деб ёзди Бобур. Ана шундай ғоят танг ва тифиз бир пайтда Қоратегиндан Султон Аҳмад Қоровул Қучбекнинг отаси, Ушдан Қаибар Али келиб Бобурга қўшиладилар. Бобур ҳужум билан Обиконни эгал-

лайди. Аҳмад Танбал Жаҳонгирни олиб, Бобур қўшинларининг ўнг томонидан ўтиб Андижон томонга чекинади, Хўбон қишлоғига жойлашади.

Бобур шиддат билан Хўбонга-душман устига юриш қиласди. Ҳал қилувчи жанг бошланади, Бобур енгади. «Тенгри таоло ўз фазл ва қарами била фатҳ ва зафар рўзи қилди»,— деб ёзди Бобур бевосита ўзи иштирок этган ана шу биринчи жанг ғалабаси ҳақида.

Бобур ўша ғалабадан кейин Узганга юриш қилиб у ердаги ғанимларни ҳам тор-мор қилиши мумкин эди. Лекин, озиқ-овқат таңқислиги, қолаверса, қишининг яқинлашиб келаётганини ҳисобга олиб Бобур ўз қўшинлари билан иккисув оралиғидаги Работак ўрчини томон кўчиб ўтади. Қишин ана шу ердаги Армиён ва Нўшоб қавоҳисида ўтказишга қарор қилинади. Бу қишлоқлар ҳақида Бобур шундай ёзади: «Бунавоҳи яхши овлоқ ерлар бўлур. Иламиш дарёсининг яқинидаги қалин чанглаларда бугӯр, марал ва тунқуз кўп бўлур. Ушоқ-ушоқ чанглаларда қирғовул ва товушқон қалин бўлур». Кўриниб турибдики, Бобур қишини шу ерда ўтказишга қарор қилганида ана шу табиат неъматларидан фойдаланишини ҳам кўзда тутган.

«Бобурнома»да ёзилишича, воқеаларнинг кейинги ривожи шундан далолат берадики, Узганга қочган Аҳмад Танбал куч тўплаб яна ўз ёвуз мақсади йўлида давом этади. Иродаси бўш айрим беклар яна Бобурга хиёнат қилиб уни ташлаб кетишади, Аҳмад Танбал томонга кўз тика бошлайдилар. Бир неча жанглардан сўнг Али Дўст ҳамда Қанбар Али саллоҳлар Бобурга Аҳмад Танбал билан сулҳ тузишни маслаҳат қиладилар. Бобур уларнинг маслаҳатига кўнишга мажбур эди. Чунки Бобурнинг ёзишича, агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса ўзга ҳақимлори ҳам бор эди. Шундай қилиб сулҳ тузилди. Сирдарёнинг Аҳси тарафи, яъни ўнг соҳилидаги вилоятлар Жаҳонгир мирзога, чап соҳили — Андижон томонлар Бобурга тегди. Сулҳда Самарқанд масаласи ҳам кўрилди. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «...мен ва Жаҳонгир иттифоқ қилиб, Самарқанд устига юргайбиз. Самарқанд тахти мұяссар бўлғоч, Андижонни Жаҳонгир мирзога берилғай».

Бу даврда Самарқандга Султон Али мирзо ҳокимлик қилар эди. Унинг ҳам аҳволи оғир эди. Катта мавқега эга бўлган Муҳаммад Мазид тархон Султон Али мирзони назарга илмай ўз ўғиллари билан катта ер-мулкка эга бўлиб олиб, бош кўтарган пайт эди. Бунинг устига Шайбонийхон атроғни эгаллаб Самарқандга хавф солаётган пайт. Айрим туту-

руқсиз беклар Шайбонийхон йўлига кўз тикиб турар эдилар.

Самарқанд Шайбонийхон қўлига ўтиб кетишини истамаган яхши ииятли кишилар Бобурга одам юбориб уни таклиф этадилар. Заҳирiddин Муҳаммад Бобур зулқаъда ойида (1500 йилнинг май ойида) ўз қўшинлари билан юриш бошлайди. Бобур катта умид билан Самарқандга отланиб. Қувага этиб келганда совуқ хабар эшитади. Бу ҳақда афсусланиб Бобур шундай ёзади: «Намози дигар хабар келдиким, Султон Аҳмад Танбалнинг иниси Ҳалил келиб Уш қўргонини ўтурлаб олибдур».

Лекин, олдинда Самарқанд турар эди. Шунинг учун Уш масаласини кейинга қолдириб, йўлдан қайтмасдан Самарқанд томон юриш бошлайди. «Бу хабар бизга келгач, турмоҳнинг ва яна булар била чирмашмоқнинг маслаҳатини неча жиҳатдан топмай, Самарқанд сари-ўқ мутаважжих бўлдуқ»,— деб ёзади Бобур.

Бу пайтда Шайбонийхон Бухорони ҳам эгаллаб, Самарқандга кўз тикиб турган эди. Мана шундай бир пайтда Султон Али мирzonинг онаси Зуҳрабеги Шайбонийхонга маҳфий киши юборади. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Султон Али мирzonинг онаси Зуҳрабеги оға билмаслигидин ва беақлигидин маҳфий Шайбонийхонга киши йиборур, бу мазмун била ким, Шайбонийхон ани олур бўлса, ўғли Шайбонийхонга Самарқандни бергай...»

Шайбонийхон ушбу хотуннинг ваъдаси била келиб, Боги майдонга тушти. Туш вақтида Султон Али мирзо бек, беготифа, йигит-ялангига, ҳеч кимга хабар қилмай, ҳеч ким била кенгашмай... Боги Майдонга Шайбонийхон қошига борди».

Султон Али мирзо Самарқандни Шайбонийхонга иккисуллаб тутқазган лайтда Бобур Кешда (Шаҳрисабз) эди. Самарқандни эгаллаган Шайбонийхон, ўз юрти, ўз ҳалқига бевафолик қилган киши менга нима каромат кўрсатарди, қабилида иш тутиб Султон Али мирzonи ўлдиртириб юборди. Шайбонийхон Самарқандда ўз «тартибини» ўрната бошлади.

Самарқандда Шайбонийхонга қарши бўлган инсонлар ҳам бор эдилар. Улар Шайбонийхонга қарши кураш олиб борадилар ва Хўжа Яҳё ҳамда Муҳаммад Мазид тархонлар Самарқандни Шайбонийхондан қутқазиб қолиш мақсадида Бобур билан маслаҳатлашиб иш тутадилар. Тунда Самарқанд дарвозасини Бобур қўшинларига очиб берадилар. 1500 йилнинг кеч кузидаги Бобур Самарқандни эгаллайди. «Мен Самарқандни олғонда саноғлиқ иккиси юз қирқ киши бор

эди»,—деб ёзади Бобур. Ана шу саноқли навкарлари билан Бобур пойтахтни эгаллаганида Шайбонийхон Туркистонга кетиб күч тўплай бошлайди. Шуниси ачинарлики, соҳиби қирон Амир Темур асос солган пойтахт—Самарқандни эгаллаган Бобур атрофига темурийзодалар жинслашмайдилар. лоақал қўшин юбориб унга мадад ҳам бермайдилар. Бу ҳақда Бобур гоят афсусланиб шундай ёзади: «Султон Ҳусайн миrzодек соҳиб тажрибалик подшоҳдинким, Шайбонийхоннинг афъол ва атворини Мирзодин яхшироқ киши билмас эди, ҳеч киши кўмакка келмади. Бадиуззамон миrzодин ҳам киши келмади. Ҳисравшоҳ худ ўзининг таваҳхумидин киши йибормади».

Келаси йилнинг баҳорида Сарикўлда Шайбонийхон билан бўлган жаигда Бобур енгилди. Елғизлик ва иқтисодий ноҷорлик туфайли Бобур Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Бу пайтда Андижонда қолган Аҳмад Танбал ва унинг ҳамтвоқлари беюзларча бевафолик билан иш тутардилар. Аҳмад Танбал Бобур билан тузилган шартномани бузиб Андижонни ҳам эгаллаб олган эди. Демак, бутун Фарғона мулки Танбал илкида эди. «Биз шаҳар ва вилояттин маҳрум, борур-туаримиз номаълум»,—деб хитоб қилган эди Бобур. Қанча-қанча беклару миrzоларга мурувват кўрсатиб яхшилик қилган, айримлари хоинлик қилганда ҳам кечирган Бобур сарсон-саргардонликда қолган эди. Мана бу қўйма сатрларнинг Ватан озодлиги учун улуғ Бобур қалбидан силқиб чиқишига ўшандай номард-надоматлар сабаб бўлган бўлса ажаб эрмас:

Ким кўрубтур; эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ?
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ.

Шундай қилиб, Самарқандни Шайбонийхон, Андижонни Аҳмад Танбал, Ахсини эса Жаҳонгир миrzо эгалладилар. Бобур Самарқанд билан Андижон ўртасида сарсон бўлиб қолди. Самарқандни эгаллаган Шайбонийхон Тошкент ва Фарғона мулкига ҳам хавф солиб туради. Буни яхши ҳис қилган Бобур Тошкентга боради. Тоғаси Султон Маҳмудхонни ана шу хавфнинг олдини олишга ундейди. Тоғаси Бобурнинг фикрини маъқуллайди. Лекин олдин ички фанимлар—Андижондаги Аҳмад Танбал ва унинг тарафдорларини бир тараф қилиш зарур эди.

Шунинг учун ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1502 йили Султон Маҳмудхон ҳамда унинг укаси Султон Аҳмадхонларнинг катта қўшини—30 минг аскар Фарғонага юриш қилади.

Тошкентдан чиқиб Оҳангарон жилғасига етганларида Бобур ва унинг кичик хон тоғаси илгарилаб кетадилар. Довоидан ошиб Зирқон ва Қарнон навоҳисига келиб бир кун дам оладилар. Таңбал ҳам ўз қўшини билан Ахсига келгани маълум бўлади. Хонлар машварат қилиб, душман орқасидан ҳужум бошлаш учун Бобурни ўшга жўнатадилар. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Маңга бир пора черик қўшқайлар, Ҳўжанд сүйини ўтуб, ўш ва Узганд сори бориб, орқасига эврулгаймен».

Ўша давр таҳлили шундан далолат берадики, Фарғона мулки Аҳмад Таңбал ҳукмида бўлган пайтда харобалашиди. Негаки, Аҳмад Таңбал солиқ солиши, халқни талаш ҳисобига маблағ тўплаш, мавқенини мустаҳкамлашга ҳирс қўйган эди. Бобурнинг ўғай укаси Жаҳонгир миrzо унинг қўлидаги бир қўғирчоқдай гап эди. Таңбал ҳокимиятини эгаллаш учун ҳеч нарсадан тоймас эди. Оқибатда шаҳар ва қишлоқлардан файз-барака кўтарилигни, халқнинг норозилиги кескинлашган, Бобурни эса халқ соғинган бир пайт эди.

Бобур Айюббекчиқ, Жон Ҳасан норин, Муҳаммад Ҳисорий дўғлат, Султон Ҳусайн дўғлат, Султон Аҳмад Миrzо дўғлат ва Қанбар Али каби қўшин бошлиқлари билан ўшга юриш бошлайди. «Карнондин хонлардин айрилиб, Сакон навоҳисидин Ҳўжанд сўйини сол била кечиб, Ҳўкон ўрчини била ўтуб, Қубони бостуруб, Олайлуқ ўрчини била ўш устиға илғадуқ... ўши топшурдилар. Биттабъ вилоят эли бизни кўп тилар эрдилар. Таңбалнинг қўрқунчидин ва бизнинг йироқлигимиздин чораларин топа олмаслар эди»,—деб ёзади Бобур. Андижон халқи ҳам Бобурни сабрсизлик билан кутар эди. «Андижоннинг эли ҳам биттабъ мени тилар эдилар»,—дейди Бобур.

Ўш, Узган, Марғilon Бобур тасаррӯфига ўтади. Бобур энди Андижон томон йўналади. Чилдухтарон тоғи ёнбағрига қелганди Бобур Қанбар Алини Андижонга юборади. Бир неча беклар билан Қанбар Али Андижонга Аҳмад Танбал қўйиб кетган одамлар билан келишиб шаҳар дарвозасини Бобурга очиб бериш учун келган эдилар. Чилдухтаронда Бобур тайёр ҳолда отдан тушмасдан хабарни кутиб турган эди. Бахтга қарши англашилмовчилик юз беради. Бу ҳақда Бобур афсусланиб шундай ёзади: «Ул юрушта наъҳуд ўрон алғози «Тошканд била «Сайрам» эди. Тошканд деса Сайрам дейилгай, Сайрам деса Тошканд. Бу орада—тўрда Ҳожа Муҳаммад Али илгиррак экандур. Мўғуллар: Тошканд, Тошканд деб келурлар, Ҳожа Муҳаммад Али сарт киши изтиробда бўлур, муқобалада ул ҳам, Тошканд, Тошканд дер. Мўғуллар ёғий

кишиси хаёл қилиб сурон солиб, таблбоз чалиб ўқ қўярлар». Келишиб олинган сўз (пароль) айтишда адашиш оқибатида Андиконга уюштирилган хужум пучга чиқади, Бобур Ушга қайтади.

Бир неча кундан сўнг яна Андиконга хужум бошлайди. Бу пайтда Аҳмад Танбалнинг кичик укаси Султон Муҳаммад Қалпук Андикон ҳокими эди. У беш юздан кўпроқ аскари билан шаҳар қалъасидан чиқиб Бобурга қарши боради. Бобур Қалпукни тор-мор келтиради. Кеч кириб қолганлиги учун шаҳарни хужум билан олишини эрта биланга қолдириб, Ҳоқон ариқдан ўтиб Работи Рӯзақ кентига тушади.

Бобурнинг Андиконга қилган хужумлари муваффақият-сизликка учраб турган вақтларда унинг тоғалари Султон Маҳмудхон ҳамда Султон Аҳмадлар шиддатли хужум билан Аҳмад Танбални исказнажага олиб Андикон томонга қувиб келадилар. Аҳмад Танбал улардан қочиб Андиконга, келганда Бобур юқорида айтганимиздек, Қалпукни яксон қилиб, хужумни эрта тонгга қолдириб Работи Рӯзақда тунаётган эди. Бундан хабар топган Танбал тунда тўсатдан хужум қилади. «Қаровул йўқ, жанговул йўқ, ғофил ётилиб эди. Тонг бошида эл чучук уйқуда эдиким, Қанбар Али қатраб қичқириб айттиким, ёғий етти, қўпунг»,—деб ёзади Бобур.

Аҳмад Танбал тўсатдан хужум қилган эди. У Бобур билан юзма-юз жанг қилади. Бобурга ўқ тегиб яраланади. Аҳмад Танбал қилич солади, Бобур бошидан яраланади, чекинишга мажбур бўлади. Ушга қайтади. Афсуски, Аҳмад Танбалнинг укаси Қалпукни тор-мор келтиргач Работи Рӯзақда тўхтаб, тонг отишини кутмай зудлик билан шаҳарга хужум қилганда Андиконни олган бўларди. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи шундай ёзади: «Агар қўрғон эшигига борсоқ экандур, бешаку шубҳа қўрғон иликка кирап экандур».

Бу пайтда Султон Маҳмудхон онаси Эсон Давлатбекимнинг боғига яқин жойга ўтов қуриб жойлашган, укаси Султон Аҳмад эса шу ерга яқин бўлган Бобо Таваккул лангарига тушган эди. Бобур сўнгти мағлубиятдан кейин тоғалари хузурига ташриф буюрди. Султон Маҳмудхон Фарғона мулкини укаси Султон Аҳмад ҳамда Бобурга бўлиб берганини айтади. Бу ҳақда Бобур шундай дейди: «Манга мундоқ узр айттиларким... Хўжанд дарёсининг жануби Андикон бошлиқ вилоятларни кичик хонга бермак керакким, анда юртлангай. Хўжанд дарёсининг шимоли Аҳси бошлиқ вилоятларни манга ваъда қилдилар. Дедиларким, мунда тўхтоғондин сўнг, юруб Самарқанд вилоятини олиб манга бергайлар. Андин сўнг Фарғона тамом кичик хонга бўлғай. ...Чора йўқ эди, хоҳи-

ноҳоҳи рози бўлдум». Шундай қилиб, Бобурга отасидан мерос қолган Фарғона мулкининг деярли ҳаммаси мўғул хонлари тасарруфига ўтган ҳисобланади.

Танбалнинг аҳволи оғир эди. У Андиконга чекиниб келиб қуршовда қолган эди. У энди хоинлик йўлига ўтади. Шайбонийхонга одам юборади, ёрдам, мадад сўрайди. Бу, албатта Ватанга хиёнат эди. «Таибал Шайбонийхонга оғаси Бек Телбани йибориб, итоат изҳори қилиб, тилаб эди»,—дейди Бобур. Аҳмад Танбалнинг Шайбонийхонга одам жўнатганидан воқиф бўлган Султон Маҳмудхон ҳам, Султон Аҳмад ҳам қўлга кириб турган Андиконни ғаним қўлида қолдириб Конибодом орқали дарёнинг узларини оладилар.

Уларни Марғилонгача таъқиб этиб борган Танбал енгил нафас олиб Аҳсига йўл олади. Чуни Бобур Аҳсида эди. Бобурнинг мана бу сўзларига қулоқ солинг: «Бир сабоҳи Марғилондин Жаҳонгир мирзо Танбалдин айрилиб қочиб келди. Мен ҳаммомда эдимким, мирзо келди, кўруштум. Ушбу замон Шайх Боязид ҳам изтироб била келди, олдорабтур. Мирзо ва Иброҳимбек алар дедиларким, Шайх Боязидни тутмоқ керак, аркни иликламак керак. Филвоқе ишнинг ҳисоби бу эди. Мен дедимким, аҳд қилибтур. Биз нечук нақзи аҳд қилғайбиз. Шайх Боязид аркка борди».

Бобурдаги мана шу темуруна улуғ хислат кишини лол қолдиради. Унинг қалби кенглиги, беғуборлиги, инсонга ишонувчанлиги, мардлиги киши қалбида катта бир ифтихор туйгусини уйғотади. Ҳам фахрланасан, ҳам ачинасан киши. Фахрланасан шу биланки, Бобур ўз даврининг мумтоз, теран, кишиси, Аллоҳ инъом этган инсоний бир улуғликка эга эди. Ачинасан шунинг учунки, шундай буюк инсон атрофида Танбалдай Ватан сотқинлари уймалашиб юрарди. Ахир ашаддий ғаним бўлган Танбалнинг укаси, айни пайтда Аҳсининг ҳокими бўлган Шайх Боязидни тутмоқ керак, десалар, унинг вაъдасига ишониб аркка рухсат бериш учун буюк Бобур бўлиш керак-да!

Аҳмад Танбал тонгта яқин Аҳсига етиб келади. Уч минг нафар аскари билан қўриқчисиз қолдирилган, кўприкдан ўтиб аркка киради. Шу пайтда Бобурнинг юздан ортиқроқ аскари бор эди, холос. «Менинг била Аҳсида юздин кўпроқ киши бўлғай эди»,—деб ёзади Бобур. Жанг бошланади. Кучлар тенг бўлмаган ана шу жангда Бобур Аҳсини ташлаб чиқишига мажбур бўлади.

Аскарларидан ажраб атрофида саноқли кишиларни қолган Бобурни таъқиб остига оладилар. Бобур Карнон қишлоғига бир хонадонда жон сақлайди. Аҳмад Танбалнинг Юсуф до-

руга бошлиқ жосуслари Бобурни қўлга оламиз, деб турганларида Қутлуқ Муҳаммад Барлос ҳамда Бобои Паргариylар етиб келишиб уни қутқариб қоладилар ва Андижонга таклиф этадилар. Бобур Андижонга келади. «Андижонға кириб, улуг хон додам ва кичик хон додамни курунук қилдим ва ўткан кунларни тамом баён қилдим. Хонлар билан тўрт ой бирга бўлинди»,—дейди Бобур.

Мана шу тўрт ой мобайнида Фарғонадаги вазият янада мураккаблашиб кескинлашди. Шайбонийхон солаётган хавфхатар тобора яқинлашиб келаётган эди. Аҳмад Танбал ҳамда унинг укалари—Шайх Боязид ва Бек Телбалар Шайбонийхонни гиж-гижлатиб туришарди. Ана шу кўрнамакларнинг кўмагида 1503 йилнинг ёзида Шайбонийхон Фарғонага юриш бошлади. Тошкент бўсағасидаги жангда мўғул хонлари енгиладилар. Шайбонийхон Фарғона мулкини ҳам эгаллади. У садоқат кўрсатган Танбал ва унинг укаларига муруват кўрсатади. Танбал Андижонни, Шайх Боязид Аксини, Бек Телба эса Марғилон ва Конибодомни эгалладилар.

Юз берган кескин вазият туфайли ҳар томонга тирқираб кетган уч юздан кўпроқ навкарлар яна Бобур атрофига тўпландилар. Балоғатга етиб навқирон йигит бўлиб қолган Бобур мулоҳаза қилас, юртдаги нотинчликларни таҳлилдан ўтказар, отаси—Умаршайх Мирзодан мерос бўлиб қолган ўз Фарғонасидаги тўқиз йиллик подшолик даври унинг кўз ўнгидан ўтар эди. Ўн иккى ёшида унга Андижон таҳти насиб этган бўлса, мана тўқиз йилдирки бирон-бир осуда дам йўқ. Туз ичиб тузлукқа тупурган сотқин танбаллару доим таҳт талашган хонлар Фарғонани хароб қилдилар.

Захириддин Муҳаммад Бобур хон тоғаларига тобе бўлиб яшар экан, тобора ўз она юртига сиғмай бораётганини юрак-юракдан, бутун вужуди билан ҳис қилас ва изтироб чекар эди. Ниҳоят у мана бундай қарорга келди: «Хотирамга келдиким, токай бу Фарғона вилоятида саргардон бўлуб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилойин деб».

БОБУРНИНГ ФАРГОНА МУЛКИНИ ТАРҚ ЭТИШИ

Ўзбекистон мустақиллиғи шарофати билан ташкил топган Бобур номли халқаро жамғарма қошидаги илмий экспедиция бир неча марта сафарга чиқди ва ўнлаб хорижий мамлакатларда бўлди. Бобур ва унинг аждод-авлодлари изидан бориб ҳозирга қадар юз минг километрдан зиёд йўл бо-

силди. Экспедиция масули сифатида кино, видеофильмлар яратилди, илмий мақолалар ёзилди, китоблар чоп этилди. Бобур ва унинг аждод-авлодлари ҳақида чет мамлакатларда чоп этилган китоблар келтирилиб «Бобур ва жаҳон маданийти» музейида жамланди. Ҳар сафар у улуг инсон босиб ўтган йўллардан юрар эканмиз, қалбимиз ажаб бир ҳис-туйғу, фарҳида тўлиб-тошар эди. Зероки, Бобур ва бобурийлар изидан бориб у улуг зотлар қолдирган бебаҳо тарихий, маданий месосни ўз кўзи билан кўрган ҳар бир инсон уларга фақат таҳсинлар айтиши табиий бир ҳолдир.

Ана шу сафарда юрган ва она бешик—Андижонга қайтиб келган чоғларимизда, Бобур Фарғона мулкини тарқ этиб Андижондан Ҳисорга қайси йўлдан чиқиб кетган, деган савол турар эди. Бу ҳақда йирик табиатшунос ва бобуршунос олим Ҳамидулла Ҳасанов «Бобур сайдеҳ ва табиатшунос», Узбекистон ФАНИНГ мухбир аъзоси, атоқли бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонова «Государства Бабура в Қабуле и Индии», Андижон Давлат университетининг доценти, бобуршунос олим Сайфиддин Жалилов «Бобурниң Фарғона давлати» каби асарларида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар.

Биз ҳам бир неча йиллик кузатув-изланишлар, ажойиб инсонлар билан учрашиб мулоқотда бўлиш ҳамда «Бобурнома» ва бошқа асарларни синчиклаб ўрганиш асосида ҳосил бўлган фикр-мулоҳазаларимизни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

«Бобурнома»ни синчиклаб ўрганиш шундан далолат беради, юқорида батафсил баён этилган алғов-далғов вазият Бобурнинг она юртидан чиқиб кетишини тақозо этар эди. Лекин у Андижондан қаёққа қараб йўл олиш ҳақида ҳали аниқ бир фикрга келмаган кўринади. Келинг, у улуг зотнинг сўзларига қулоқ тутайлик: «Охир мундоқ саргардонлиқтин ва бу навъ бехонумонлиқтин жонға еттим. Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб итсан яхши. Хитойга бормоқни жазм қилиб, бош олиб кетмакка азм қилдим. Кичикликдин бери Хитой сарига ҳавасим бор эди. Вале салтанат ва алоиқ жиҳатидин мұяссар бўлмас эди».

Лекин бу фикр Бобурнинг дилида қолган, ҳеч кимга айтилмаган сирли мақсад бўлиб амалга ошириш имкони бўлмади.

Маълумки, Бобур шу даврда Андижонда тўрт ой беҳаловат яшади Албатта, юқорида батафсилроқ фикр юритганимизга кўра ўша давр вазияти Бобурнинг Андижонда бундан буён қолишини тақозо этмас эди. Зероки, ана шу воқеалар

дан сўнг биз Бобурни Ҳисор водийсида кўрамиз. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Мұҳаррам ойида Фарғона вилоятидин Ҳоросон азимати била Илок яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоқларидиндур, келиб туштум. Ушбу юртда йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара қўйдум».

Демак, диққатга сазовор жойи шундаки, Заҳириддин Мұхаммад Бобур Ҳисор водийсига етиб борганда йигирма иккى ёшга тўлиб, йигирма уч ёшга қадам қўйган, яъни йигирма уч ёшнинг ибтидосида эди. Мальумки, Бобур ҳижрий 888 йил мұҳаррам ойининг олтинчи кунида (мелодий 1483 йилнинг 14 феврал) кунида Андижонда таваллуд топган. Демак, Бобур феврал ойида таваллуд топиб, йигирма уч ёшнинг дебочасида Ҳисорга етиб борган бўлса, хulosса келиб чиқадики, бу вақт йилнинг баҳор фаслига, яъни март, апрел-ойларига тўғри келади. Шубҳа йўқки, Бобур Ҳисор водийсига баҳор фаслида етиб борган.

Шу ерда бир савол туғилади. Бобур, ушбу Ҳисор юртига йигирма уч ёшнинг ибтидосида бўлганликларини аниқ айтмоқдалар. Кўпгина манбаларда, Бобур Андижондан йигирма бир ёшда чиқиб кетгац, дейилади. Бу аниқ ва тўғри фикр. Хўш, Бобур Андижондан йигирма бир ёшда чиқиб кетиб, Ҳисорга йигирма уч ёшнинг дебочасида етиб борган бўлса, ўттаги бир йилни қаерда ўтказди? Дарҳақиқат, Андижондан чиқиб қаерга борди?

Ана шу саволга ҳам жавобни Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг ўзлари айтганилар. У улуғ зот «Бобурнома»да шундай ёзадилар: «Исфара вилояті тўрт бўлуқ кўҳпоядур: бир-Исфара, яна бир Ворух, яна бир Сўх, яна бир Ҳушёр. Мұхаммад Султон Маҳмудхон билан Олачахонга шикаст бериб Тошканд ва Шоҳруҳияни олғон мақомда, ушбу Сўх билан Ҳушёр кўҳпоялариға келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўткариб, Кобул азимати қилдим».

Бобурнинг юқоридаги сўзларидан шундай хulosалар келиб чиқадики, у Фарғона мулкидан бутунлай кўнгил узиб кетолмаяпти. Зероки, Андижондан чиқиб Сўхга, сўнг эса Ҳушёр қишлоғига йўл олди. Демак, Ҳушёрга бир йил туриб Фарғонада кечган воқеаларни синчковлик билан кузатди. Фарғонада эса аҳвол тобора ёмонлашиб борди.

Уз Ватанига хоинлик ҳамда Бобурга сотқинлик қилган Аҳмад Танбалнинг кимлигини пайқаган Шайбонийхон Аҳмад Танбал ва унинг яқинларини осиб ўлдиртирди. Бобур Сўх ва Ҳушёрга туриб ана шу воқеаларни кузатган, Шайбонийхон хоин Аҳмад Танбалларни бутунлай мажақлаб ташлаб,

Фарғона мулкини ҳам тамомила эгаллагандан сўнгтина она юртидан умидини узган кўринади.

Ҳўш, Бобур Андижондан Сўхга қайси йўл билан чиқиб кетган бўлиши мумкин? Уш, Андижон, Асака, Марғилон ва Конибодом, кўйингки, бутун Фарғона мулки ёғий инон-ихтиёрида бўлиб, ҳар қадамда ғанимлар қутурган итдай изғиб юрган бир пайт эди. Ана шу мулоҳазаларга кўра Бобур Андижондан Ҳакан дарвозасидан чиқиб, адир оралаб ҳозирги Кулла қишлоғи томон борган. Асака ва Мингтепа қишлоқлари оралиғидан юриб, Қува ҳамда Марғилоннинг тепа қисмидаги төр ёнбағирларидан ўтиб, Сўх ва Ҳушёрга йўл олган, деган хulosага келдик. 1996 йилнинг март ойида илмий экспедициянинг навбатдаги сафари шу йўллар бўйлаб давом этди. «УАЗ-469» автомашинасида Андижоннинг Ҳакан дарвозасидан адир ошиб, төр оралаб Сўхга кириб бордик.

Сўх деганда бир-биридан гўзал ва сўлим бўлган қишлоқлар кўз олдингизга келади. Қалъача, Чўнгара ҳамда Тул қишлоқлари, айниқса, мафтункордир. Ана шулар орасидан Тул қишлоғи бизни оханрабодай ўзига тортиб турарди. Сўхга борганда бу қишлоққа бутун вужудимиз билан интилиб турар эдик. Негаки, Бобур назари тушган «Санги ойина» шу қишлоқда. Бу тош ҳақида Бобур шундай ёзади: «...Исфаранинг бир шаръисида жануб сари пушталарининг орасида бир парча тош тушубдур. «Санги ойина» дерлар, узунлиги тахминан ўн қари бўлғай, баландлиги, баъзи ери кини бўйи, пастлиги, баъзи ери кишининг велича бўлғай, ойнадек ҳар ини мунъакис бўлур».

Сўх дарёси бўйлаб Тул қишлоғига етиб бордик. Қишлоқни ўнг қирғоқ билан боғловчи кўпприк устида бир йигитга дуч келдик. У билан танишдик. Шу қишлоқлик Мұхиддин Дарабоев экан. Илтимосимизга кўра у машинамизга чиқиб ёнимизга ўтириб. Йўл бошлади. Чаф қўлга бурилиб Сўх дарёси билан төр оралиғига жойлашган Тул қишлоқнинг қоқ ўртасидан ўтган текис йўлдан юриб кетдик. Қишлоқ тугагач, ўнг қўлга, төр оралиғига йўл олдик. Рўпарада кўхна төр ястаниб ётибди. «Санги ойина» ана шу төр тепасида. Бу төрнинг атрофидан Қамишсој, Жиддасой, Қоқсој, Бургутия сойлари чиқади. Ўнг томонроққа бурилиб борсангиз Жиддасой томондан жилдираб булоқ суви оқиб ётибди. Асрга тенгдош тут дарахти ёзда зиёратчиларга соябон бўлади. Боришда ўнг томондан төр портлатилиб Сўх сув омбори қурилишига тош олинибди. Ҳозир бу ердаги мармар тошлар қурилиш иншоотларида ишлатилмоқда. Шу ерлик чўпон, 76 ёшли Бобо Расулов билан сухбатда бўлдик. Бизниң бошловчимиз Мұхиддин

ҳам, бобо Расулов ҳам Бобурнинг шу ерда бўлганилигини, «Санги ойина»га у улуғ зотининг нигоҳи тушганини яхши билашар эканлар. Бобо Расулов асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган Бобур шоҳ ҳақидаги ўз ҳикоясини завқ билан сўзлаб, шундай деди: «Бобур мана шу булоқ сувида муборак қўл-бетларини ювганлар, шу ҳаводан нафас олганлар, мана шу гўзал төғ манзараларига у инсоннинг нигоҳлари тушган. Шунинг учун ҳам бу ерлар. Фарғона водийсидаги муқаддас қадамжолардан саналади.

Афсуски, даврлар ўтиши билан «Санги ойина» Бобур нигоҳи тушган ҳолатда эмас. Бу табиий, албатта. Неча асрлар ўтиб кетди, «Санги ойина»нинг юзида қоп-қора доғ пайдо бўлган, чандиқлар юзага келган. «Санги ойина» қайси ҳолатда бўлишидан қатъий назар, у биз учун муқаддасdir, зероки унга Бобур Мирзонинг назари тушган.

Биз ҳам шу муқаддас булоқ сувида бет-қўлимизни ювиб, мириқиб сув ичиб, «Санги ойина»ни зиёрат қилиб, Сўх дарёси бўйлаб Хушёр қишлоғи томон йўл олдик. Мана ўша «Бобурнома»да тилга олинган, Бобур бир йил яшаган Хушёр қишлоғи. Хушёр ўзининг бетакрор латофати, мусаффо төғ ҳавоси, зилол суви билан инсонни мафтун этади. Парвардигор бу гўзал қишлоқни яратиб, ёмон кўздан сақлаш учун мана шу төғ орасига яшириб қўйгандай туюлди бизга.

Биз Лоҳутий номидаги ўрта мактабга бордик. Наврўз байрами ўтказилаётган экан. Мактаб директорининг мувонини Султонали Болтаев ва бошқа ўқитувчилар бизни самимий қарши олдилар. Мақсадимизни билга, Султонали Болтаев бизни Воҳиджон ота Олимов ҳузурига бошлади. Воҳиджон отанинг ўғли, олий маълумотли география ўқитувчиси Сухробжон ҳам бизга ҳамроҳ бўлди.

Воҳиджон ота Хушёрда туғилган. Жуғрофия бўйича му-такассис. Қирқ йилдан ортиқ ёшларга мураббийлик қилган.

Воҳиджон ота ҳузуридамиз. У кишининг дадаси Олим ота Бухорон шарифда таҳсил олган, ўқимишли, илмли инсон бўлган экан. Бобоси эса Улугхўжа. Ўз шажарасини яхши биладиган, яхшигина бобиршунос эканлар. У киши Бобур ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ғоят қимматли маълумотларни ҳикоя қилиб бердилар.

Воҳиджон ота Бобурнинг хушёрликларга кўрсатган катта мурувати, ихлоси ҳақида сўз бошладилар. Айтишларича, Бобур Афғонистонда ўз хукмронлигини тиклагач ҳам хушёрликларни эсдан чиқармаган. Бобур хушёрликлардан ўн иккى кишининг номларини аниқ ёзиб тўрт нафар махсус вакили орқали шу қишлоққа жўнатган ва уларни ҳузурига так-

лиф қилган экан. Бобур тайинлаган ўн иккى нафар ҳушёрлик Афғонистонга олиб борилган. Бобур уларга жуда катта иззат-икром кўрсатиб, қимматбаҳо совға-саломлар ҳадя этган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур Фарғона мулкини тарк этиб Ҳисорга чиқиб кетаётган вақтларда ғанимлар ўзи билан ўзи бўлиб қолган пайт эди. Бобурнинг ўз атрофида бир неча кишилари билангина ночор қолганини ёйилар ҳам билган бўлиши керак, албатта. Шунинг учун ҳам Бобурни таъқиб остига олмаган кўринадилар. Бу ҳолни Бобур ҳам яхши билар эди. Зероки, унинг ғоят эҳтиёт чоралари кўрганлиги ҳам сезилиб турибди.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғоят мураккаб вазиятда Хушёрга ўз атрофидаги саноқли яқин кишилари билан келган. Хушёрликлар Бобурни катта ҳурмат-эҳтиром билан қарши олганлар, алоҳида садоқат кўрсатганлар. Хушёрлик забардаст йигитлардан Бобур навкарлари сафига қўшилганлар ҳам бўлган. Хушёрда бир йил яшаб Бобур махсус чопарлар юбориб бутун Фарғона мулкида бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиш билан бирга Ҳисорга чиқиб кетиш учун қулай төғ йўлларини ҳам аниқлашга мұяссар бўлган.

Воҳиджон ота Бобурнинг Хушёрдан чиқиб кетишини аввал шундай таърифлади. Яъни Хушёр қишлоғининг пастида Сўх дарёсининг энг тор қисмида Бобур ўзи қурдирган кўпrigидан (ҳозир ҳам Бобур кўприги дейилади, сақланган, бориб кўришга мұяссар бўлдик) ўтиб дарё бўйлаб Жовпоя қишлоғига борган бўлиши мумкин. Сўнг Сўх дарёсининг бошланиш қисми—Зардоли қишлоғига ўтилади. Ўёғида Зардоли (Федъченко) музлиги бошланади. Катта довон ошгач Сурхоб лабида жойлашган Ҳайит қишлоғига борилади. Ҳайитдан Гарм томонга бурилиб Файзибод, Кафаниён, орқали Ҳисорга чиқиб кетиши мумкин эди. Биз экспедиция аъзолари Бобур кўпrigидан ўтиб, шу йўналишдаги йўлини, табиат жаренни кузатишга мұваффақ бўлдик.

Воҳиджон ота билан суҳбатимизни давом эттирад эканимиз, у кишига Бобурнинг, йигирма уч ёшнинг дебочасида Ҳисорга этиб бордим, деган сўзларини, бу вақт баҳор фаслига тўғри келишини эслатдик. Шунда Воҳиджон ота билан Бобур Сўх дарёси бўйлаб юрмаган, деган қатъий фикрга келдик. Чунки, юқорида айтилган йўл ва довондан Ҳисорга фикрат йилнинг июл—август ойларидагина от-улов билан ўтиш мумкин, холос. Бошқа вақтда ўтиб бўлмайди, ҳозир ҳам шундай шароит мавжудлигини кўриб, бунга имонимиз комил бўлди. Хушёрдан Ҳисорга чиқиб кетадиган янга иккى йўл мавжудлигини эсладик. Бири ҳозирги Ўш-Боткент йўналишидаги

Йўл бўйлаб юриш. Бобур бу йўлга юрмаган бўлиши керак, чунки бу йўл тоғ тизмаларининг пастки текисликлари, яъни ғанимларга яқин қишлоқлардан ўтган. Иккинчиси Туркистон тоғ тизмаларининг ёнбағирларидан ўтиб Ҳушёрдан Сувбушга борилади. Қора булоқ орқали Воруҳга ўтиб кетилади.

Дарҳақиқат, мана шу Ҳушёр-Сувбоши-Қорабулок-Воруҳ йўли Бобур учун таниш, қулай йўл бўлган.

Бобур тоғ этаклари билан юриб Воруҳга боргач, Лайлак орқали Даҳкатга ўтган. Биз экспедиция аъзолари Ҳушёрдан чиқиб Бобур изидан Даҳкатга йўл олар эканмиз, Тошкент радиосидан берилган эшиттириш ёдимизга тушди. Тожикистон республикаси Ҳўжанд вилоятига қарашли Фончи районидаги Янгиариқ Боло қишлоғида истиқомат қилувчи Абдулла Қаюмов ҳақидаги эшиттирища Бобур тўғрисида айтилган қимматли фикрларни ён дафтарларимизга ёзиб олган эдик. Ана шу инсонни излаб Туркистон тоғ тизмалари орасида жойлашган Фончи райони маркази орқали Янгиариқ Боло қишлоғига йўл олдик. Фончи марказидан тахминан 60 километр тоғ ичкарисига кириб бордик. Мактаб рўпарасига етганимизда истараси иссиқ бир йигитга дуч келдик. Ундан Абдулла акани сўрадик. У биз билан илиқ кўришгач, мен катта ўғиллари бўламан, исмим Абдуҳамид, дея бизни отаси ҳузурига бошлади.

Абдулла ака бизни эски қадрдонлардай қучоқ очиб кутиб олди. Чунки, у киши Бобур номли халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси фаолиятидан батафсил хабардор экан. Дастурхон ёзиб қишлоқнинг эътиборли кишиларини ҳам таклиф этди. Гурунг бошланди.

Абдулла Қаюмов 1935 йилда шу қишлоқда туғилган. Ҳўжанд педагогика институтининг физика-математика факультетини битирган. Қирқ йилдан бўён ўқитувчидир. Ингирма йил мактабга директорлик қилди.

Абдулла аканинг отаси Абдуқаюм Абдураҳмонов ҳам зиёли инсон бўлган. Абдулла ака етти пуштини яхши биладиган, ота-боболарининг удумларига содик, бағри кенг, гоят илмли, зукко, билимдон инсон экан. Унинг шахсий кутубхонасида олти минг жилдан ортиқ нодир китоблар, йигирма йиллик газета ва журналлар тахламлари бор. Ҳамқишлоқлари Абдулла аканинг ана шу зиё тарқатувчи хазинасидан баҳраманддирлар.

Суҳбатимиз Бобурнинг Фарғона мулкини тарқ этиб, Ҳисорга чиқиб кетиши масаласига келиб тақалди. Шунда Абдулла ака Бобурнинг Даҳкатдан чиқиб Ҳисор томонга юрган йўли ҳақида мароқ билан сўзлай бошлади. Биз суҳбатимиз-

ни ана шу йўлларни босиб ўтиш жараёнида давом эттиришни илтимос қилдик. Автоуловимизда тоғ ёнбағирликлари бўйлаб йўл олдик. Тахминан саккиз-ўн километр йўл юргач, Овчи дарёсининг бўйида тўхтадик. Даҳкат қишлоғининг тенасидамиз. Даҳкатнинг тепароқ қисмида Бобурчак деган гоят табиати гўзал жой бор. Бобур ана шу жойга тушган. Тахминан икки юз қадам юқорида Қоровултепа (ҳозир ҳам шу ном билан атайдилар) бор.

Бобур келиб шу ерга тушиб чодир тиккан тоғ орасидаги бурчаксимон гўзал жойни Бобур бурчаги деб атаганлар. У инсон Бобурчакда турган пайтларида тепага соқчи-кузатувчи қўйғанлар. Шунинг учун Қоровултепа деб номланган. Ҳозир ҳам Қоровултепадан назар ташласангиз, атрофдаги қишлоқлар кафтдагидек равшан кўриниб туради. Қоровултепа шундай гўзал жойки, кишини мафтун этади. Атрофи арчазор, ҳавоси мусаффо. Қоровултепадан тоғ ёнбағрига йўл бор. Шу йўл бўйида булоқ бор. Бобур ана шу булоқ лабига бир туп зирк ўтқазган эканлар. Яқин-яқинларгача ўсиб турар, уни зирки Бобур, дер эдилар. 1980 йили булоқни кенгайтириш пайтида зирки Бобур нобуд бўлган экан.

Бобур ана шу жойда тўхтаб нафасини ростлагач, Даҳкат ва Басманддан чиқиб Янгиариқи Бобо қишлоғидан саккиз километр тепадан Овчи дарёси бўйига чап қирғоқча ўтган. Юқорига қараб дарё бўйлаб кетган. Абдулла ака бизни Бобур юрган ана шу йўлдан бошлади.

Овчи дарёси бетакрор гўзаликка эга бўлган тоғ оралаб оқмоқда. Тахминан уч-тўрт чақиримча йўл боссангиз, Бобур тошига дуч келасиз. Үнг қўлда, хиёл тепароқда катта супасимон, усти теп-текис тош турибди. Тош тепасига чиқиб дарёга қараб ўтирангиз кўз ўнгингизда ажаб бир гўзал манзара намоён бўлади. Пастда дарё шовиллаб оқиб ётибди. Дарёнинг нариги бети осмонўпар тоғ, чўққида опопок қор, яна тепада оқ булатлар оҳиста сузади. Хиёл қиялаб кетган ёнбағирда кўм-кўк арчалар. Какликлар гала-гала бўлиб учиб юрибди, бетиним сайрайди. Тепароқда арчалар орасидан кийикларни ҳам кўриш мумкин. Айтишларича, Бобур мана шу тош устида намоз ўқиган эканлар, шу гўзал манзарага игоҳи тушган экан.

Етмишинчи йилларда йўл қурилди. Бобур тоши йўл устига тушадиган, уни четга олиб тацлайдиган бўлдилар, Абдулла ака бунга йўл қўймади. Шу ерга келганда йўлни дарё лабига буриб юбордилар. Бобур тоши ўз ўрнида сақланиб қолди.

Биз яна юқорига қараб йўл олдик. Бобур тошидан ўтга-

нингиздан сўвг кичкина гўзал водийча бошланади. Дарё бўйлаб тўрт-беш километр йўл боссангиз водийча тугаб Танги дарвозасига дуч келасиз. Овчи дарёси Туркистон тогини худди қовундан ингичка бир тилик олгандаи қирқиб ўтган. Дарвозанинг кенглиги тахминан йигирма метр келади. Пастда дарё оқиб ётибди. Дарё бўйида туриб ўнг томонга қарасангиз дўппингиз тушив кетади, қорли чўққилар, буёғи то Сармаканд томонгача чўзилиб кетган тоғ тизмаси ястаниб ётибди. Чап томонингиз ҳам худди шундай то Хитойгача чўзилиб кетган тоғ. Бобур мана шу Танги дарвозасидан ўтган.

Бу муқаддас жойларда ўзбек халқининг атоқли табиатшунос олими, академик Иброҳим Ҳамрабоев ҳам бўлган эканлар. «Бобурнома»да тилга олинган Туркистон тоғ тизмаларидағи қимматбаҳо маъданларининг пайдо бўлиш жараёнларини ва жойланишини аниқлаган ва табнат жараёнларининг даврлар оша ўзгариши бўйича илмий кузатувлар олиб борган эканлар. Бу азияз қадамжолар яна бир улуғ инсон Нуриддин Муҳиддиновни ҳам бефарқ қолдирмаган. У ҳам худди мана шу жойларда бўлиб Бобур тошини зиёрат қилганилар. Танги дарвозасида бўлиб кузатув ишларини олиб борган эканлар.

Яна юқорига юрамиз. Танги дарвозасидан чиқишингиз билан дарё икки ирмоқقا бўлинади. Боришида чап томондаги ирмоқ Угук қишлоғига олиб боради. Биз ўнг томонга кетдик. Тахминан уч-тўрт километр йўл босгач, Овчи қишлоғига етиб бордик. Намоз вақти эди. Овчилик оқсоқоллар масчидта эдилар. Улар Абдулла акани жуда яхши билишар ва эъзозлар эканлар.

Овчиликларнинг ардоғида бўлган Мулла Ҳайдар ота Аҳмедов, Маъруфжон aka Аюбов ва бошқа оқсоқоллар билан дастурхон устида гурунг қилдик. Овчиликлар ўз аждодларидан тилдан-тилга ўтиб келаётган Бобур Мирзо ҳақидаги ҳикоятларни баҳоли қудрат сўзлаб бердилар. Бобур Овчига етиб келгунга қадар уни пастдаги қишлоқ аҳли билмаган. Овчиликлар Ҳисорга ўтиб кетаётган Бобурни билиб қолишиб унга катта иззат-икром кўрсатган эканлар. Овчиликлар Бобурни қўшни қишлоқча кузатиб борганилар. Овчи дарёси шу ерда яна икки ирмоқقا бўлинади. Боришида чап томондан оқиб келаётгани, яъни Овчи дарёсининг ўн ирмоғи Оббурдон довони дарасидан, тўғридан оқаётган ирмоқ эса Фалғар довони дарасидан бошланади.

Бобур мана шу Овчи қишлоғидан Оббурдон довонига ирмоқ бўйлаб кун чиқиши томонга кетган. Овчи қишлоғидан ирмоқ бўйлаб тахминан ўн километр йўл боссангиз Оббур-



Экспедиция зилолари 5 сафар олидан. Ф. Расулов, З. Машрабов, М. Косяков, И. Мамарозиков.

дон довони остига етиб борасиз. Оббурдон довонига юриб яна тахминан ўн-ўн иккى километр йўл юрсангиз, Оббурдон қишлоғига борилади. Оббурдон қишлоғидан кейин тахминан ўтиз-қирқ километр юргач Зарафшон дарёсининг юқори қисмига чиқсан ва Мастчога йўл олган. Қоратегин довони орқали Ҳисорга ўтиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, Бобур Мирзо Андижоннинг Ҳакан дарвозасидан чиқиб Мингтепа қишлоғининг қуйи қисмидан Қува шаҳрининг юқори томони орқали Сўх-Хушёр-Сувбоши Қорабулоқ-Ворух-Даҳкат-Овчи қишлоқларидан ўтиб Фарғона мулкини тарқ этган. Ўзига таниш ва қулай йўллар билан Оббурдон, Қоратегин довонларидан ошиб, Ҳисор водийсига ўтиб кетишга мусассар бўлган.

Биз автомашинада Оббурдон довони остигача бориш имконига эга бўлдик. Оббурдон довонини синчилаб кузатдик. От-улов билан шу кунларда ҳам Мастчо томонга одамлар ўтиб турганликларини кўрдик. Апрел-май ойларидан то кузойларига қадар маҳсус автомашиналарда ҳам ўтиш мумкин экан. Бобурнинг Оббурдон довонидан ўтиб Ҳисор ва Кобулгача босиб ўтган йўлларидан юришини экспедициямизнинг навбатдаги сафарига қолдирдик.

БОГЛАР ШАҲРИ.

Боғишамол! Ёз чилласи. Андижон адирлари ястаниб ётиди. Узоқ-узоқларга назар ташласангиз йўлбарс сиртли адир чўккан. Баҳор ёмғиридан ниш уриб, кўкарган майсалар қуёшнинг кўйдирман, ёндираман дейдиган ўткир тифига дош беролмай қовжираган, сарғайган...

Ана шундай манзара орасида Бобур номидаги Миллий истироҳат боғи яшнаб турибди. Мевали дарахтларнинг шохи эгилган, фиж мева. Манзарали дарахт шоҳлари аста чайқалади. Анвойи гуллар гарқ очилган. Қушлар тинмай сайрайди. Чойхоналар одамлар билан гавжум.

Биз Ҳиндистон сафарига Заҳириддин Мұхаммад Бобур бомизнинг муқаддас қадамжолари бўлган мана шу Боғишамол масканидан йўлга отланмоқдамиз. Қўҳна Андижоннинг отахону онахонлари бизга оқ фотиҳа бердилар. Бобур изидан йўлга чиқдик.

Текис йўллар. Шаҳарларни, мамлакатларни бир-бiri билан боғлайди бу йўллар. Машинангиз соз, йўл текис-равон бўлса юзлаб, минглаб чақирим йўл босиш ҳеч гап эмас. Япония машинасозларига балли, синовдан ўтган мана шу «Тойо-

та»да узоқ сафарга чиқдик. Бу автомашинани вақтида соалаб олсангиз, сизни ҳеч қачон доғда қолдирмайди, узогингизни яқин қиласди.

Йўлимиз узоқ Ҳиндистонга эди. Вазият бизни яқин йўл—Афғонистон орқали эмас, Эрон, Покистон орқали Дехлига кириб боришни тақозо этарди. Биз ана шу узоқ йўлдан бормоқдамиз.

Эроннинг шаҳар ва қишлоқларидан ўтиб Покистон чегарасига етиб келдик. Покистон Жанубий Осиёдаги йирик ва ажойиб мамлакат. Эрон, Афғонистон, Хитой, Ҳиндистон каби давлатлар билан чегарадош, 803,9 минг квадрат километр майдонга эга бўлган Покистонни жанубдан Араб дengизи ўраб туради. Ўзига хос табиатга эга бўлган бу диёргининг асосий қисмида иқлим тропик, шимоли-ғарбида эса субтропик, қуруқ континенталдир.

Мамлакатнинг шимоли ва ғарбини Эрон тоғларининг чекка тизмалари, яъни Макрон, Сулаймон тоғлари ва қирлар эгаллаган. Шарқи ҳамда жануби-шарқи эса Ҳинд-Ганг текислигининг ғарбий қисмидир. Тар чўли Покистоннинг жануби-шарқигача кириб борган. Сувга сероб Ҳинд дарёси ҳавзасининг текислик қисмida Панжоб ҳамда Синд каби табиий ва тарихий-маданий фоят гўзал вилоятлари бор.

Панжоб фоят сўлим ўлка. У Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларида гуллаб-яшинаган бир водийдир. Машхур Ҳинд-Ганг текислигининг шимолий қисмига жойлашган. Ғарбда Сулаймон тоғларидан, шарқдан эса Жамна дарёсигача ястаниб ётибди. Панжобнинг серунум ерлари Сатлаж, Желам, Чиноб, Рави ҳамда Биас дарёларидан сув ичади. Бу беш гўзal дарё Ҳинд дарёсининг сўл ирмоғи бўлмиш Панжар дарёсига қуилади. Бу дарёлар, айниқса, ёзги муссон ёмғирлари даврида тўлиб-тошиб оқади, ҳатто ўзанини ўзгартириб ҳам туради.

Бу ерда суформа дэҳқончилик ривожланган. Покистоннинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ана шу қисмida қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фойдаланилаётган 6,5 миллион гектар ердан қариб 5 миллион гектари суфорилади. Бошқача қилиб айтганда, Панжоб мамлакатда етиширилаётган буғдойнинг 77 фойизини, шолининг 43 фойизини, пахта ва шакарқамишининг 70 фойизидан ортиқроғини, саноат маҳсулотларининг эса 45 фойизини беради. Панжоб вилоятининг шимоли ҳамда шимоли-ғарб қисмидаги аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланади. Бу ерларда зотли қўй ва эчкилар боқиласди.

Панжоб ўзининг қазилма бойликлари билан ҳам машхур. Бу ерда табиий газ, нефт, кўмир, сурма, тош, туз қазиб чи-

Қарилади, Заҳириддин Мұхаммад Бобур қадами етган Мұлтон шаҳрида ип-газлама саноатининг йирик корхоналари ишлаб турибди. Панжобда озиқ-овқат, күн-тери, машинасозлик, металсозлик, кимә, цемент, қозоз, пахта тозалаш корхоналари мавжуд. Бу ерда, айниқса, халқ ҳунармандчилиги ривожланган. Металл ва сополдан уй-рўзгор буюмлари, фил суюгидан ажойиб бадий буюмлар тайёрланаётганининг гувоҳи бўлдик.

Панжоб ҳақида гап кетганда яна шуни таъкидлаш керакки, бу ерлар энг қадимги маданият ўчоқларидан биридир. Тарихий манбаларининг гувоҳлик беришича, милоддан аввалини учинчи минг йилликда мана шу Панжоб ҳудудида анча ривож топган. Хараппа маданияти мавжуд бўлган. Иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Фарб ва Шимоли-ғарбдан Панжобга орйлар келиб ўнашганлар.

Вақт ўтиши билан улар маҳаллий аҳоли билан аралашиб чатишиб кетганлар. Натижада ҳинд-орий халқлари, қабила-лари ташкил топган.

* Шунингдек, қадимда ва ўрта асрларда Панжобга қўшни халқлар—форслар, юонлар, грек-бақтрийлар, кушанлар, эфталитлар, афғонлар, турклар бостириб кирганлар. Шундай қилиб, Панжоб милоддан аввали III асрда Мауря давлатининг вилояти, милоддан аввали II—I асрларда эса ҳинд-грек шоҳлари ўлкаларининг маркази бўлган. XI—XII асрларда эфталитлар, Газнавийлар давлатлари, сўнг Дехли султонлиги ва ниҳоят Бобурийлар давлати таркибига кирган. Мусулмон ҳукмдорлари, айниқса, Бобурийлар даврида бу ўлкаларда ислом дини кенг тарқалди ва мустаҳкамланди.

Биз қадими Кветта шаҳрига етиб бордик. Кветта Покистондаги Балужистон вилоятининг маъмурий маркази. Илгаритдан Эрон ҳамда Афғонистондан Ҳинд водийсига бориладиган йўл устидаги муҳим мудофаа ҳамда савдо нуқтаси бўлган. Кветта шундайгина Болан тоғ йўлаги яқинида жойлашган. Кветта шаҳри 1935 йилги зилзилада қаттиқ шикастланган.

Бу шаҳар Кветта маданияти билан дунёга машҳурдир. Бу ерда шимолий Балужистоннинг бронза даври археологик маданияти топилган. Дарҳақиқат, инглиз археологлари В. Ферсервис ҳамда С. Пиготлар Кветтада XX асрнинг 20-йилларида жуда катта археологик қазув ишларини олиб боргандар. Кветта маданияти ана шу даврдан маълум.

Кветта манзилгоҳлари хом гиштдан қурилган кўп хонали уйлардан иборат. Уйлар бир-биридан тор йўлак билан аж-

ралиб туради. Сопол синиқлари, суяқ ва мисдан ишланган куроллар, тош муҳр ва мунҷоқлар, аёлларнинг кичик, ҳайкалчалари топилган. Уларнинг сирти геометрик шакллар, ўсимлик, балиқ, қуш, ҳайвон суратлари билан нақшланган. Шуниси диққатга моликки, топилмалар Кветта маданиятига мансуб ибтидоий деҳқончилик қабилалари Марказий Осиё қабилалари билан яқиндан маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради. Аслида энг яқин йўл — Термиз шаҳрига бориб Амударёнинг нариги бетига ўтиб, Мозори шариф орқали Кобулга—Пешовар, Равалпинди билан Лоҳурга борса бўлар эди. Лекин Афғонистондаги мураккаб вазият бизни мана шу йўллардан айланниб Эроннинг Зоҳидон шаҳри орқали Покистонга кириб келишимизни тақозо этарди. Шунинг учун биз Миржовадан Покистон ҳудудига кириб, Далбандин чўлларни кесиб Кветтага келдик. Кветтадан Мұлтон шаҳарига боришимиз керак. Бу икки шаҳар ўртасида эса Сулаймон тоғлари ётиди. Мұлтонга бориш учун ана шу тоғнинг Болан давонини ошиб ўтишимиз зарур. Бу довон баландлиги, тикилиги, йўл қурилиши билан бошқа давонлардан кескин ажраблиб туради.

Тоғ бағрини тилиб илон изисимон йўл қурилган. Йўл тор. Айrim жойларда фақат битта машина юриши мумкин, холос. Қаршингиздан келган машинага кенгроқ, қулайроқ жойда четга чиқиб, йўл бўшатиб тўрасиз, ўтиб кетади. Ана шу йўлдан ҳали ўнгга, ҳали чапга бурилиб чўққига итилиб бораверасиз, кўтарилаверасиз. Роса чўққига кўтарилиб гоҳ чапда, гоҳ ўнгда қоладиган баҳайбат жарликка қарасангиз, туби кўринмайди...

Бу довонда юрувчи ҳайдовчиларнинг ўз темир қонунлари бор. Тушиб келаётган ҳайдовчи, кўтарилиб келаётган машинани узоқдан сезиши билан йўл бўшатиб туради.

Болан давонидан ўтар экамиз, такрорланмас гўзал тоғ манзараларини, ўсимликларни, ажойиб жилгаларни, қалтис йўлларни томоша қилдик, тарихни эсладик, Бундай давонлардан Искандар Зулқарнайи, Маҳмуд Газнавий, Амир Темурлар ўтганлар. У пайтда ҳозиргидай йўллар бўлган эмас. Улар от-улов, аскарлар билан жилгалардан сув кечиб, довон ошиб ўтганлар. Бундай давондан Заҳириддин Мұхаммад Бобур бобомиз ҳам от-улов, ўз аскарлари билан мардана юриб ўтдилар. Фарқи шундаки, Искандар Зулқарнайи, Маҳмуд Газнавий, Амир Темурдай буюк саркардалар яна қайтиб ўз Ватанларига келдилар. Лекин Заҳириддин Мұхаммад Бобур бобомиз қайтмади, умрининг охиригача ўша ёқда қолди...

Сулаймон төғининг Болан довонидан ошиб қадими Мўлтон шаҳрига келдик. Мўлтон Покистоннинг Панжоб вилоятинда, Чиноб дарёси ёнидаги қадими шаҳар. Мўлтон милоддан аввалги IV асрда барпо этилган. Милоддан аввалги 326 йилда Искандар Зулқарнайн босиб олган. 713 йилда эса араблар эгаллаган. Мўлтон VIII асрга келиб мустақил ҳокимликтинг марказига айланган. У ривожланиб X асрга келиб Қарматлар давлатининг энг йирик шаҳри бўлган.

Кейинчалик Маҳмуд Фазнавий бу шаҳарни эгаллади. 1938 йилда Амир Темур Ҳиндистонга юриш қилиб, Мўлтонни ҳам ўз империяси таркибига киритиб олади. Орадан 125 йил утгач эса, Захирiddин Муҳаммад Бобур улуғ бобоси изидан бориб, Мўлтонни эгаллади. Шундан бошлаб Мўлтон тарақкий этди ва то 1752 йилгача бобурийлар империяси таркибида бўлди.

Мўлтон қадимги архитектура ёдгорликларига бой шаҳар. Бу ерда 1150—52 йилларда қурилган шоҳ Юсуф Гардизи, 1320—24-йилларда қурилган Рукни Аъзам ҳамда 1780 йилда қурилган Шамси Табризий мақбаралари сақланган. Шаҳардаги тарихий обидаларни бориб кўрдик. Университетда бўлиб олимлар билан учрашдик, мулоқотда бўлдик.

Кўхна Мўлтон ортда қолди. Гўзал Лоҳур шаҳрига кириб келдик. Қуёш тифи бадани қиздиради, маржон-маржон тер оқади. Атроф сокин, дараҳтларнинг уни қилт этмайди, шабада йўқ. Машинамиз Лоҳурга яқинлашиб, жимиirlab оҳиста оқаданга катта сой бўйидаги кафтдек текис йўлга чиқсанда бадана ёқимли салқин тегди.

Сой бўйида сувга қониб, қуёш нурини эмиб ўсаётган салобатли сарвқомат дараҳтлар йўлга ҳам, сой бетига ҳам тангадек офтоб туширмайди. Болалар ва ўспирин йигитлар мириқиб чўмилишмоқда, яирашмоқда, баҳтли болаликнинг гаштини суришмоқда.

Шаҳарга оқшом чўкиши билан ана шу сой лабига ғоят дид билан ўрнатилган сон-саноқсиз электр чироқлари порлаб ёнади. Бу чироқларнинг ёрқин шуъласи сокин оқаётган сой сувнда аксланиб эртаклардагидай ажойиб бир гўзаллик кашф этди, кишига завқ бағишлади. Аҳён-аҳёнда сойнинг у лаби билан бу лабини боғловчи, фақат одамлар ўтиши учун дид билан қурилган маҳсус кўприклар кўзга ташланади. Бу кўприклар гўзал аркни эслатади.

Шаҳар табиатига нағис гўзаллик баҳш этган ана шу сой ёқалаб, тарихий обидаларга бой, жаҳонга машҳур алломаларни кўрган, бобурийлар сулоласининг марказларидан бири бўлган Лоҳур шаҳрига кириб келдик. Ассалом, Лоҳур

шаҳри. Ассалом, буюк бобомиз ҳазрати Бобур ва бобурийлар нафас олган, кўчаларингда шаҳдам қадам ташлаган, бағринда гўзал боғу роғлар бунёд этган, ҳуснингга ярашиғлиқ хол бўлиб тушган обидалар тиклаган, биз учун ҳам ғоят қадрли бўлган азamat, кўхна Лоҳур! Орзуларимиз ушалиб, бобомизнинг муборак пойқадами етган дарбозангга биз ҳам қадам қўймоқдамиз. Ассалом, буюк дўстлик ришталари ўтган азим Лоҳур!

Шаҳар марказидаги шинам меҳмонхонага жойлашдик. Ювениб, овқатланиб, нафасни ростлагач Лоҳурнинг тарихий обидалари, бобурийлар даврида барпо этилган боғу роғларни зиёрат қилишга отландик. Аввало Шоҳқалъага ошиқар эдик. Мана, ўша салобатли, асрий тарихдан сўзлаб берувчи Шоҳқалъя.

Кеч кириб бораётгани туфайли зиёратчиларнинг оёғи сепсилиб қолган эди. Қалъа дарбозасига яқинлашиб зина-поялардан юқорига кўтарила бошлаганимизда рўпарамиздан ўрта бўли, қадди-қомати келишган бир йигит чиқиб келди. Бизни кўриб тўхтади. Саломлашди. У форс тилида сўзлар эди. Бизнинг ҳамроҳимиз Муҳаммад Содиқ у билан равон сўзлаша кетди. Лоҳурлик келишган йигитнинг исми шарифи Навид Аҳмад экан. У шу ерда обидалар тарихидан сўзлаб берувчи—бошловчи бўлиб ишлар экан. У Шоҳқалъага кириш тўхтатилаётганини айтди.

— Қаердан, қайси ватандан келдиларингиз?— сўради Навид Аҳмад.

— Ўзбекистондан келдик,— жавоб қилдик унга.

Навид Аҳмад ҳайрон бўлиб, хижолатомуз кулиб бизга бокиб турарди. Ҳа, минглаб километр йўл босиб, минглаб одамлар билан учрашиб, улар билан мулоқотда бўлиб шунга амин бўлдикки, жаҳон харитасида рақамлар билан белгиланадиган мамлакатлар борлигини дунё билади, ачинарлиси шундаки, Ўзбекистондан кўпчилик бехабар, билмайди.

— Андижондан — Бобуршоҳ туғилган шаҳарданмиз, — дейишимиз билан Навид Аҳмаднинг қиёфаси ўзгариб хурсанд бўлиб кетди.

— Бобуршоҳ юртидан?

— Ҳа, буюк Бобур юртидан.

Навид Аҳмад қуchoқлашиб қайта кўришди, орқасига қайтиб бизни Шоҳқалъага таклиф этди.

— Бобуршоҳ юртидан келган азиз меҳмонлар учун эшигимиз ҳамиша очиқ, марҳамат, — деди Навид Аҳмад ва ичкари бошлади.

— Қани марҳамат, Шоҳқалъя ва Лоҳурга, обидалар та-

рихи билан сизларни мен ўзим танишираман, — деди Навид Аҳмад.

Дарҳақиқат, Навид Аҳмад Шоҳқалъа тарихини, кўхнадаги ҳар бир бинонинг ўтмишини яхши билар эди. У Шоҳқалъа сўзларди. Тарихий обидалар ҳақида завқланиб ҳикоя қилар экан, кўпроқ тарихий манбаларга мурожаат этар, Лоҳур тарихини битган олиму ёзувчилар номларини ҳам тилга олар, айниқса Каромат Алихоннинг «Лоҳурга бир назар ёхуд Лоҳур манзаралари китобини бир неча бор эслатар эди. Ана шундай аниқ тарихий манбалар асосида бобурийлар сулоласини ишонарли тасвирлаб берарди. Биз эса, унинг сўзларини оқизмай-томизмай ёзиб олишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, Лоҳур машҳур тарихчи ва географ Птоломей назарига ҳам тушган тушган шаҳар. У ўз эсдаликларида «Лавока» ёки «Ласока», яъни «Лава—қальъа-форт» тарзida тилга олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерларга қудратли ислом фалсафаси ва мағкураси буюк саркардалар томонидан олиб келинди. Шу нуқтаи назардан қараганда номи ғоят машҳур бўлган мусулмон саркардаси Маҳмуд Фазнавийнинг тарихда тутган ўрни каттадир. Тарихий манбаларда Лоҳур номи ҳам Маҳмуд Фазнавий давридан бошлаб тилга олиниди.

Лоҳур Панжобнинг пойтахти бўлиб, географик жиҳатдан шимолда жойлашган, ўзининг маданий, ижтимоий, сиёсий ҳамда савдо қудрати билан Шарқдаги энг машҳур шаҳарлардан бири бўлган ва ҳозир ҳам шундай.

Буюк аллома, бобокалон ҳамюртимиз Берунийнинг 1030 йилда ёзилган «Тарих-ул-ҳинд» (*Ҳиндистон тарихи*) асари оламга машҳурдир. Берунийнинг ана шу асарида айтилишича, мусулмонлар (яъни Маҳмуд Фазнавий кўзда тутилмоқда) Лоҳурга 1021 йилда келишган. Демак, ана шу даврдан бошлаб мусулмон фалсафаси, ислом ғояси одамлар қалбига кириб борган, маданият ривожланган. Лоҳур 165 йил давомида Фазнавийлар салтанатининг маркази бўлиб турди.

Ундан кейин Лоҳур хукмдорлари алмасиб турдилар. 1186 йилдан бошлаб Шаҳобиддин Қори қўлига ўтади. У 1193 йили Деҳли ҳокими бўлди. Шундай қилиб, Лоҳур уч асрдан ортиқроқ давр мобайнода турклар, холжилар, тўғлоқлар, сайдиллар, лўдийлар давлатининг пойтахти бўлиб келди.

Бобуршоҳ қадами Лоҳурга 1524 йилда етиб келди. Лоҳурнинг янги ҳаёти бошланди. Дарҳақиқат, бобурийлар хукмронлиги даврида Лоҳур асосий пойтахт бўлиб, ўз тарихида

гуллаб-яшнади, янги гўзал боф-роғлар, тарихий обидалар барпо этилди.

Бобурнинг невараси Жалолиддин Акбаршоҳ даврида Лоҳур, айниқса, тараққий топди.

Акбаршоҳ 14 йил (1584—1598) ўз салтанати саройини Лоҳурда сақлаб турди. Жалолиддин Акбаршоҳ даврида шаҳар қалъаси қурилишига катта эътибор берилди. Лоҳур қалъаси 13 та дарвозадан иборат бўлиб, ҳозирги кўриннишда Акбаршоҳ раҳнамолигида қурилган. Акбаршоҳ бобоси буюк Бобурнинг умидига содиқ қолиб шаҳарда янги боялар барпо этишга ҳам катта эътибор берди. Уша даврда Лоҳур, боғлар шаҳри, деб ном олиши ҳам бежиз эмас. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Акбаршоҳнинг бевосита раҳнамолиги ва ғамхўрлиги туфайли бу шаҳарга олиму фозиллар, донишманду шоирлар ҳамда моҳир саркардалар тўплланган. Бу ҳолат бобурийларнинг нақадар маърифатпарвар бўлганликларидан далолатdir.

Тарихий манбаларда айтилишича, Рави дарёси шаҳар девори остидан ўтган. Ана шу дарёда кемасозлик ишлари ҳам авж олдириб юборилган. Демак, ўша даврда бу ерга кемасозлик саноатини тебратга олган мутахассис усталар ҳам тўплланганлар. Шоҳ ўзи чўмиладиган ҳавзалар ҳам қурдирган.

Жалолиддин Акбаршоҳнинг ўғли шаҳзода Салим (Жаҳонгир) бу гўзал шаҳарга тез-тез келиб турар эди. У хотиралирида Лоҳур ва отаси ҳақида ҳароратли сатрлар ёзиб қолдирган. Уз васиятига кўра Жаҳонгиршоҳ шу шаҳарга дағи этилган.

Тарихий манбаларга суюниб шуни айтиш мумкинки, темурий салтанати Жалолиддин Акбаршоҳ томонидан икки манба асосида қурилган. Биринчиси, албатта унинг ота-бободари Туркистондан (Марказий Осиё) олиб келган давлат қурилиши тизимиdir. Иккинчиси эса, Акбаршоҳнинг бевосита ҳаётда дуч келган, ўз қўзи билан кўрган, умуман, Ҳиндистондаги мавжуд давлат системасининг такомиллаштирилган тизимиdir. Асосан, ана шу икки манба асосида бу ерда темурийлар салтанати, сиёсати ва маданияти вужудга келди ҳамда ривожланди.

Маълумки, Бобуршоҳ вафотидан сўнг Ҳумоюн Мирзо (1509—1556) таҳтга ўтиради. Лекин, тақдир тақозоси билан Ҳумоюншоҳга қарши укалари Комрон Мирзо (1509—1557) ҳамда Аскарий Мирзолар (1512—1558) исён кўтарадилар. Ана шу парокандалик вазиятидан фойдаланган бир неча афғон амирлари салтанатга қарши бош кўтардилар. Натижада афғон амирларидан бири Шершоҳ Сурий 1540 йили

салтанатни эгаллайди ва Ҳумоюншоҳни таъқиб остига олди.

Ҳумоюншоҳ исёнкор уқаларини бир тараф қилгач, 1955 йилда Сур сулоласига батамом барҳам беради ва ҳукмронликни қўлга олади. Ана шу иккинчи марта ҳукмронлиги пайтида Ҳумоюншоҳ давлатни бошқариш ва жамиятни табақалаш борасида айрим ўзгартиришлар киритди. Салтанат учун хизмат қиладиганларни у уч табақага ажратди. Биринчиси, давлат кишилари, яъни давлат бошқаришда бевосита ишти, ҳарбий ва маъмурӣ мансабдор кишилар ва яна сарбозлар, иккинчиси—саодат кишилари, яъни олиму уламолар, фозилу фузалолар ҳамда сўфийлар; учинчиси — мурод кишилари, яъни меъморлар, санъаткорлар ҳамда ҳофизлар.

Шуниси диққатга молидирки, бошқа темурийлар ҳам салтанат хизматкорлари сифатида тоифаларга ажратилганлиги тобе мамлакат ҳақидаги ақидаларга барҳам беради. Демак, темурийлар авлодига мансуб бўлиш ўз мустақил (салтанат ичидаги) га якка ҳоким бўлишдир, деган тушунчани асло бермас эди. Балки, ҳар бир темурий ўша даврдаги шоҳ (султон) га ноиб ва лойиқ меросхўр ҳисобланар эди.

Ҳумоюншоҳ лашкарларини турклар, чигатойлар ва эронларга бўлиш умуман мақбул эмас. Негаки, уларнинг этник жиҳатдан келиб чиқиши давлат сиёсатига таъсир кўрсатмас эди. Табризлик ва андимонлик давлат мансабдорлари тиллари бошқа бўлса ҳам давлат тизимини бошқаришда ягона анъанага амал қиласидилар. Ҳумоюн билан бирга чигатойлар, туркманлар, сафавий (қизилбошлар) вакиллари ҳамда ўзбек амалдорлари ҳам кириб бордилар.

Темурийлар сиёсатининг жорий этилиши бу ердаги майда қабилавий амирлар билан амалдорлар ўртасидаги зиддиятни кучайтиради. Чунки, марказлашган давлат вужудга келиши оқибатида маҳаллий майда амирликлар синиши, барҳам топиши керак эди-да. Умуман, ражпутларнинг мусулмон удумига даъват этилиши темурийлардан аввал ҳам норозиликка сабаб бўлган эди.

Ана шу муаммога Акбаршоҳ ҳам дуч келди. Шунинг учун Акбаршоҳ даврида сарой удумлари, давлатни бошқариш янада такомиллаштирилди. Бобурийлар давридаги сарой удумлари Абу-ал Фазлийнинг қўлёзмаларида батафсил изоҳлаб берилган.

Биз Шоҳқалъани ҳаяжон билан мириқиб томоша қиласар эканмиз, маҳсус кошона болохона рўпарасида узоқ сұхбатлашдик. Бу болохона рўпарасида фуқаролар тўпландиган

маҳсус гўзал майдон бор. Акбаршоҳ ҳар куни бомдод намозини ўқигандан сўнг, ҳалойиққа кўриниш учун мана шу болохона чиқар эди. Оддий ҳалқ, аскарлар, деҳқонлар ва бошқа фуқаролар шоҳни кўриш учун шу болохона рўпарасидаги ям-яшил майсанзор майдонга тўпланишар эдилар.

Ана шу маросимдан сўнг Акбаршоҳ «Девони хос»га киради. Бу шоҳона хонада у идора ишлари билан шуғулланар, ҳар бир кўрилган чора-тадбирларнинг адолатли эканини таҳлил қилиб ўрганар, фуқароларнинг шикоятларига сабротқат билан қулоқ солар эди. У барча табақа вакилларнинг ўз қалбидаги дардини шоҳга тўла айтишга имкон яратиб берар эди. Ҳалқ арз-дардини тинглаш ҳар бри шоҳ учун алоҳида маъсулият юкланини Акбаршоҳ яхши билар эди.

Ноғора садолари остида Акбаршоҳ салобатли улкан қаср-залда пайдо бўлар эди. Абу-ал Фазлийнинг ўша манзарани таърифлашича, ҳазрати олийларининг ўғиллари, неваралари ва сарой оқсоқоллари ҳамда бу маросимда иштирок этишга рухсат этилган барча аъёнлар ўзлари учун ажратилган жойда тавозе билан тик турар эдилар. Таниқли кишилар шоҳга салом бериб ҳурмат бажо келтирадилар. Арзга келгандар ўз дардларини баён қиласидилар, адлия ходимлари ўз ахборотларини баён этардилар. Акбаршоҳ баён этилган барча воқеаларни таҳлил этар, агар лозим топса, гувоҳларни ҳам назардан ўтказар эди. Салим катта шаҳзода саналар, шунинг учун у таҳтдан уч-тўрт қадам нарида, беш-олти қадам нарида эса шаҳзода Мурод турар эди. Энг кичик шаҳзода Дониёлга эса яқинроқ туришга рухсат берилар эди. Акбаршоҳ кўпинча навкарларининг яқинроқ туришини истарди.

Ҳазрати олийларининг қалбдан—руҳан яқин бўлган юқори мансабдаги аъёнлари фарзандлардан кейинроқ туришарди. Кейинги табақадаги амалдорлар эса улардан сўнг жой эгаллар эдилар.

Шоҳ таҳти алоҳида эътиборга молик. Таҳт олти қиррали қилиб, қимматбаҳо металлдан ишланган ҳамда қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Таҳт тепасига соябон ўрнатилган.

Бу ерда ўтказиладиган маросимда, яъни мансабга тайинланганлар, тақдимга сазовор бўлганлар шоҳга уч марта таъзим қиласидилар. Бундай маросимлар тахминан тўрт соат давом этар, сўнг шоҳ ҳарамга йўл олар эди. У салтанат остоносидаги ҳайвонларни ҳам кўздан кечиришга вақт топар эди. Кейин енгил тамадди қилиб, бироз дам оларди.

Дам олгандан сўнг, маърифат ишлари билан шуғулланар

эди. Сўфийлар, уламолар, тарихчи ва олимлар билан сухбатлашарди. Айрим манбаларга қараганда шоҳ эрталаб қабулдан сўнг филлар жангини томоша қиласа эди. «Девони хос алоҳида қабулхона бўлиб, унда фақат шаҳзодалар, алоҳид юқори мансабдорлар ҳамда шоҳга яқин кишиларгини бўлардилар.

Бобурийлар бир йилда уч марта байрам қилишар эди. У ҳам бўлса, шоҳнинг туғилган йили ва ойи (қуёш ва отақвимлари бўйича) ҳамда янги йилнинг кириши, яъни боргиги тенгкунилик—Наврӯз катта байрам сифатида нишонланар эди.

Шоҳлар қуёш тақвими бўйича туғилган кунларида ўзларининг вазини тофтариш эди. Бунда тарозининг қарши палласига тилло, симоб, ипак, атирупалар, мис, қалай, теми ва озиқ-овқатлар, туз қўйиларди. Ой тақвими бўйича туғилган кунларида эса кумуш, қалай, газлама, мевалар, қўрошин, зигир ёғи каби маҳсулотлар қўйилар эди. Буларни ҳаммаси табаррук совфа (садақа) сифатида маросим иштирокчиларига улашиб бериларди. Шаҳзодалар ҳам туғилга кунларида шу тарзда ўзларини тофтариш эдилар. «Вази́деб аталган ана шундай маросимлар ҳиндларда ҳозир ҳам учраб туради.

Шоҳлар томонидан эрталаб намоз ўқилиши, халқ ҳузурига таъзимга чиқиши, маҳсус қабул маросимининг ўтказилиши, ундаги аниқ тартиботлар, филлар жангини томош қилиш, мансабдорларнинг шоҳ ҳузурида сермулозамат билан туришлари, соябон ва кавкаба (олтин қубба) ҳамда бошқантананали маросимлар бобурийлар салтанатини янада салобатли, янада улуғвор қилиб кўрсатар эди.

Темурийлар келиши билан давлатни алоҳида мулк қилиб бўлиб берилishi барҳам топди. Турклар ва сафавийлар сулоласи ҳам давлатни улушдорларга бўлиб беришдан воқеячган эдилар. Лекин бобурийлар Ҳиндистон ярим оролидаги ўзларидан аввалги мусулмонлардан кўра анча такомилашган давлат тизимини олиб келдилар. Бобурийлар давлат тизими ҳинд давлати тизими билан ўхшашиб кетса ҳам, баробир бу тизимда ихчам бошқаришининг таъсири сезилиб турар эди. Бошқача қилиб айтганда, бу Акбарона давлат тузиш тизими эди.

Дарҳақиқат, Акбар ва унинг меросхўрлари Аллоҳ бергани давлат бошқариши қобилиятини намойиш этдилар. Бу қобилият ҳақиқий инсоний фазилатларга эга бўлган, инсоний хислатларни ўзида мужассамлаштирган бандасига наисиб этиши мумкин эди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қисқа муддат ичидаги Акбар ва унинг вазирлари Ҳиндистоннинг сиёсий қиёфасини ўзгартириб юбордилар. Ҳинд-Ганг воҳаси, Молва ҳамда Гужарат вилоятларига битта бек тайинланган бўлса ҳам, у ўзидан юқори мансабдаги ҳокимга тобе эди. Марказлаштирилган бошқарув тизими шу тарзда такомиллашиб бораарди. Темурийларча давлат бошқариш сиёсати барча табакалар билан юқорилаб, Акбаршоҳга бориб боғланар эди.

Ана шундай инсон яшаб, нафас олган шаҳар — Лоҳур, айниқса, дикқат марказида бўлди. Бу ерда жуда кўп тарихий мақбара ва масжидлар қурилди. Бу тарихий обидалар бобурийлар меъморчилигининг ёрқин дурдона намуналарига айланди.

Маълумки, Нур Жаҳон ўз даврининг энг гўзал, мунис аёлларидан бўлган. Нур Жаҳоннинг гўзаллиги олдида, ҳатто, ҳукмдор ўз салтанатидан воз кечишига тайёр эди. Лоҳурдаги тарихий обидалар орасида алоҳида ажралиб тургувчи ҳам малика Нур Жаҳон мақбарасидир.

Лоҳур шаҳрига Рави дарёсини кесиб кираверишда ана шу ноёб обида — Нур Жаҳон мақбараси кўзга ташланади. Худди шу ерда Жаҳонгир, Осафхоннинг мақбараалари ҳам жойлашган.

Султон Жаҳонгир Кашмирдан Лоҳурга қайтиб келаётган пайтда йўлда вафот этади. Унинг жасади малика Нур Жаҳон қурдириган Дилкушо борига дафи этилган. Бу мақбара қизил ва оқ мармардан Шоҳ Жаҳон томонидан қурдирилган. Дилкушо борига тенг 16 бўлакка бўлинган бўлиб, бир-биридан чиройли йўлаклар, анвойи гуллар ҳамда сержило фавворалари билан ажралиб турарди. Бу ёдгорлик ўз ноёблиги билан бобурийлар қурдириган меъморчилик намуналари орасида Аградаги Тож Маҳал мақбарасидан кейинги ўринда турган.

Осафхон (Нур Жаҳоннинг акаси) мақбараси ҳам ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Бу мақбара оқ мармардан ишланган бўлиб, ҳуснинатнинг энг ноёб намуналари мавжуд. Унда Аллоҳнинг 99 номи ўйиб ёзилган.

Бундан тахминан 300 йилча илгари Рави дарёси Бадшоҳий масжиди ҳамда Шоҳқалъа деворлари ёнидан оқиб ўтар эди. Ҳозир бу жойлар Иқбол бор деб аталувчи роят гўзал масканга айлантирилган. Шуниси характерлики, Покистон мустақиллиги ҳақидаги ҳужжат мусулмонлар томонидан мана шу ерда эълон қилинди. Ҳозир бу ерда ана шу муҳим воқеага бағишлиланган ноёб ёдгорлик бор.

Шуни айтиш керакки, Шоҳқалъа бир неча бор вайрон қилиниб қайта тикланган. Қалъанинг узунлиги 380 метр, эса 330 метрdir Қалъа тарихи 1021 йилдан бошланади. Яқинда қалъа ичидаги ўтказилган археологик қазиш пайтида 25 фут (1 фут — 30,5 сантиметртга тенг) чуқурликдан 1025 йилда зарб этилган олтин таңгалар топилди. 1241 йилда Чингизхон аскарлари қалъани вайрон қилдилар. 1267 йилда Гиёсiddин қайта тиклади.

Қалъа Акбаршоҳ даврида қайтадан дунёга келди, десак муболага бўлмас. Акбаршоҳ 1566 йилда қалъани тош ва гиштдан қайтадан қурдирди. Ана шу қурилиш даврида унга яна ҳашаматли қаср — бинолар ва гўзал, сўлим бўлар кўшилади. Янги тикланган гўзал Шоҳқалъа бобурйлар шуҳратини яна ошириб юборади.

Ҳатто синхлар ва инглизлар ҳам айрим биноларни қуриб қўшдилару, лекин улар бобурйлар барпо этган бинолар билан барбири тенглаша олмас эди. Чунки бобурйлар бунёд этган обидалар шарқона услуби, юксак дид билан ишланган ғоят нозик безаклари билан бетакрор эди.

Қалъанинг 1800 квадрат фут майдонни эгаллайдиган шимолий ва гарбий ички деворларининг ташқи юзасига бобурйлар ҳаётини ва жангномаларини тасвирловчи расмлар ишланган ҳамда от пойгалари, филлар жангиги, сарой манзараларини акс эттирувчи суратлар билан безатилган эди. Бу ерга Шоҳ Бурж боғи, Оламгири боғи ҳамда Девони Аълам, Девони хос, Марварид масжид, Наулаха, Шиш Маҳал ва бошқа бинолар жойлаштирилган эди.

Сарой майдонидаги Шиш Маҳал (кўзгулар саройи) айниқса, диққатга сазовордир. Бу ердаги «юлдузли» гумбазда ажойиб мўъжизанинг гувоҳи бўлдик. Ана шу гумбазли хонада тунда гугурт чақсангиз, бино пештоқига берилган турфа ранг — жило, унга ўрнатилган ноёб дуртошлар тунги тиниқ осмонга айланиб, сонсиз-саноқсиз юлдузлар жимирлайди, тунги очиқ табиатни эслатади. Юксак дид, нафис мозаика усулида нақшлар билан безатилган Шиш Маҳал маликалар учун бунёд этилганлиги бугун ҳам кўриниб турибди.

Ҳа, бобурйлар, наинки, бобурйлар, умуман, темурйлар сулоласини ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг ўша давр ҳаётига рамзий кириб бориш, дақиқаларда улар билан ўзингни ҳаминафас сезиши ҳар қандай инсоннинг маънавий дунёсини бойитади. Узбекона юриш-туриш, ўзбекона турмуш ҳаёт кечириш, хоналарни ўзбекона қуриш ва жиҳозлаш, маликалар, умуман, аёллар учун алоҳида, уларнинг нафис

дилига мос ва хос шароит яратиб бериш, ўзбекона боғ-роғлар бунёд этиш темурийларга хос хислат эканлигига яна бир карра иқрор бўласан. Авлод-аждодларимиз нақадар юксак, ўзига хос маданият чўққисига кўтарилигани қалбларда фаҳр туйғусини ўйготади.

Яна шуни айтиш жонз деб ўйлаймиз: бобурйлар севиш ва севилишни ҳам қалбдан ҳис эта олган, қадрлай олган инсонлардир. Лоҳурдаги Шалимар боғи «Севги маскани» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Бу машҳур боғнинг кираверишидаги баланд кўтарилиб қурилган хонақоҳ Шоҳ Жаҳоннинг хосхонаси бўлиб, бобурйлар меъморчилигининг алоҳида намунаси экан. «Севги маскани» номи билан машҳур бўлган бу учала боғнинг бирини Жаҳонгир ва қолган иккитасини Шоҳ Жаҳон қурдирган. Шу ном билан аталувчи учта боғ бор. Улар Шринагар (Кашмир)да, Деҳлида ва Лоҳурда жойлашган бўлиб, 1618—1619 ҳамда 1658 йилларда бунёд этилган.

Лоҳурдаги «Севги маскани» боғи 40 акр (1 акр-0,4 га) майдонни эгаллайди. Боғнинг атрофи баланд девор билан ўралган. Бу боғ илгари Шоҳ Нахр, кейинроқ эса Хансли номли ариқдан сув ичган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришинча, бу ариқ Али Мардонхон ва Мулла Аловулмулк Туний деган қурувчилар томонидан қазилган. Бу ниҳоятда сўлим, баҳаво, гўзал Шалимар боғига юқори мартабали кишилар, давлат бошлиқлари ташриф буорадилар. «Севги маскани» лоҳурликлар мириқиб дам оладиган, байрамларини ўтказадиган муқаддас макондир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шалимар боғи ўз тузилиши билан жаҳонга машҳур бўлган. Гап шундаки, боғ ичига кошона арклар қуриш, оқин сув олиб кириш, маҳсус зилол ҳовузлар жойлаштириш жаҳон боғ яратиш амалиётида бобурйлар сулоласиниг йирик олтин занжирларидан бири бўлмиш Шоҳ Жаҳоннинг муборак номи билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, боғ ичидаги баҳаво пештоқли айвонлар, ғоят кўркам арклар қуриш, боғ ичидан сўлим анҳорлар ўтказиши Шоҳ Жаҳоннинг ихтироси эди. Зероки, Шоҳ Жаҳоннинг тарихда қурувчи шоҳ номини олганлиги ҳам бежиз эмасди.

Бу «Севги маскани»нинг қурилиши 1641 йилда Халилуллоҳон раҳбарлигига бошланниб 17 ойдан сал кўпроқ вақт ичидаги битказилган экан. Бунда Али Мардонхон 100 миляли анҳор ўтказишига масъул бўлган. Ана шу анҳор Шоҳ Нахр деб номланиб, боғни сугоришга мўлжалланган эди. Бунга

Мулла Аловулмулк Туний кейинчалик баъзи ўзгартиришларни киритиб, янада гўзал ҳолатга келтирилган экан. «Севги маскани» боғини 1642 йил 31 октябр куни шоҳ қабул қилиб олганлиги тарихий манбаларда аниқ айтилган.

Бор ичидаги 7 та очиқ қаср қурилган эди. Улардан фақат учтасигина сақланиб қолган. Булар, Файзбахш, Ҳаётбахш ҳам Фарралбахш деб аталади. Ҳозир «Севги маскани» боғига кириладиган арк Шоҳ Жаҳоннинг оромгоҳи бўлган. Боғнинг ўртасидан оқадиган анҳор марказдаги қаср олдида барпо этилган улкан мармар ҳовузга қўйилади. Қўйи қасрлар ёзги дам оладиган жой бўлган.

Лоҳурга табиатнинг ўзи бир олам бетакрор гўзаллик ҳадя этган. Шаҳарга монанд одамлари ҳам тўла маънода гўзалдирлар. Рави дарёси соҳибжамол ёш келиннинг бир ўрим сочидай Лоҳурга бир ажиб гўзаллик бахш этган.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, мусулмонлар хукмрон бўлган даврда 36 та боғ барпо этилган. Маҳмуд Фазнавийнинг содиқ кишиларидан бири, шаҳар ҳокими бўлган Аёз Малик бу ерда биринчи бўлиб боғ қурганлиги маълум. Бироқ, кейинчалик сингхлар хукмронлиги даврида бу боғдан асар ҳам қолмаган. Шундай бўлишига қарамай, Шоҳ Аълам боғида Аёз Маликнинг қабри сақланиб қолган.

Иккинчи боғ Ҳумоюннинг укаси Мирзо Комрон томонидан барпо қилинган. Айтишларича, бу боғ ҳам ғоят гўзал бўлган, Жаҳонгир Султон Кашмирга қайтаётиб худди ана шу боғда дам олар экан. Бу боғ комплекси «Барадори» деб аталиб, ҳозир эса унинг фақат номигина қолган, холос.

Бобурийлар даврида барпо этилган боғлар орасида яна бир машҳури Дилкушо боғидир. Бу боғ Акбаршоҳнинг машҳур сарой аъёнларидан Навоб Маҳди Козимхон томонидан бунёд этилган ва унинг номи билан аталган. Жаҳонгир таҳтга ўтиргач, унинг маликаси Нур Жаҳон бу боғга раҳнамолик қила бошлади ва уни «Боғи Дилкушо», деб атади. Юқорида айтганимиздек, Жаҳонгир шу боғга дафн этилган. Шу боис кишилар уни, Жаҳонгир боғи, деб ҳам атайдилар. «Севги маскани»—Шалимар бунёд этилгунга қадар бу энг гўзал, сўлим боғ ҳисобланган.

Лоҳурнинг Лоҳур бўлиб дунёга танилишида бу ерда қурилган тарихий нодир масжидлар ҳам алоҳида ўрин тулади. Шаҳардаги энг қадимий масjid, айтишларича, Маҳмуд Фазнавийнинг Лоҳурни олиши шарафига 1021 йилда



Лоҳурдаги Шалимар боғида,

қурилган. У гиштдан тикланган бўлиб, «Киши» деб аталган экан. Бу масжиддан ҳеч қандай из қолмаган. Шаҳар қалъаси ичидаги минорани ҳам ана шу ғалабага бағишилаб тикланган, дейилади. Яна бир мўъжазгина масжид Аёз Малик қабри устида барпо этилган, ҳозир шоҳ Аъзам боғида кўзга ташланиб турган ёдгорликдир.

Акбаршоҳ 1598 йилда шаҳар қалъаси ичидаги, Девони Ҳозир бу масжидга мармардан безаклар бердири. Юқори қисмдаги мармар безаклар Шоҳ Жаҳон даврида ишланган. У бу масжидни, «Моти масжиди», деб атади. Сингхлар ҳокими бу масжид биносидан хазина омбор сифатида фойдаланди. Ҳозир эса қалъа хизматчилари фойдаланишиди.

Жаҳонгирнинг онаси 1614 йили Бегим шоҳи масжидини қурдиради. Бу масжид сарой аъёнлари учун мўлжалланган ва энг кекса ёдгорликлардандир. Масжид ўртасида таҳорат олиш учун мўлжалланган улкан ҳовуз бор. Бу тарихий обида 1850 йилда таъмирланди. Ҳозир уни, «Масжиди Барод хона», деб ҳам аташади.

Вазирхон масжиди — энг кўхна ва машҳур масжидлардан бўлиб, беқиёс гўзаллик намунасидир. У шарқона ва форс услубларининг ўзаро йўғрилиб уйғунлашган шаклида шаҳарнинг қоқ ўртасида қурилган. Масжид аркидаги (қашқарий) ёзувга қараганда уни Шоҳ Жаҳон даврида Лоҳур ҳокими бўлган Исломиддин Ансорий қурдирган. Шуни айтиш керакки, унга Навоб Вазирхон унвони берилган эди. Форсча ёзувлар масжидининг 1634 йилда қурилганидан дарак беради. Масжиднинг ҳар бурчагида миноралар бор. Ҳовли ўртасида бир ҳовуз ҳамда авлиё Зиёд Мирон Бадшаҳий қабри жойлашган. Масжид ҳужралари китоб сотувчилар учун мўлжалланган. Намозгоҳ тепаси — усти бешта гумбазли томдан иборат. Бу кўхна масжид асрлар оша мадраса-мактаб вазифасини бажариб келади.

Гўзал Лоҳурда бўлиб Бадшаҳий масжидини кўрмасангиз армонда қоласиз. Негаки, Аврангзеб Оламгир ҳаётини давомида яккаю ягона йирик бино қурган бўлса, у — ана шу масжид эди. Масжид Лоҳур қалъасининг Оламгир арки қаршисига қурилган бўлиб, қалъа билан маҳсус йўлак орқали туташган эди. Эндиликда бу ерда «Ҳозирги боя» барпо этилган. Йигирма икки пиллапояни босиб юқори кўтарилисангиз масжидининг ҳайбатли дарвозаси олдига чиқасиз. Бу масжид дунёдаги энг улкан масжидлардан бири бўлиб, Маккаю мукаррамадаги масжид рамзида бунёд этилган. Масжид ҳовлиси 528,8×928,4 фут майдонни эгаллаган. Гум-

базли намозгоҳи эса 275,8×85,7 футни ташкил қиласди. Чор бурчагидаги миноралар диаметри 67 фут, пойдевордан ҳисобланганда баландлиги 176,4 футдир. Бу улкан масжид бевосита Аврангзеб раҳбарлигига 1674 йилда қурилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу тарихий обида гўзал кўриниши, ҳайбатли тузилиши билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Унинг ичкариси улкан еттига арк билан узун хоналарга бўлинган. Марказий намозгоҳ ва меҳроб мармардан ишланган. Учта хонақоҳининг ичкариси гулли ва геометрик шаклдаги нақшлар билан безатилган. Қизил мармардан ишланган намозгоҳ деворидан ёруғлик тушиб соя акс этиб туради. Кираверишдаги хоналарнинг деворидаги безаклар Ислом дунёсининг ноёб намуналаридир. Масжид ҳовлиси ўртасида 50 кв. фут ҳажмда ҳовуз бор. Масжид ҳовлиси атросидаги ҳужралар Ислом таълимотини ўрганишга келган уламолар учун ётоқхона вазифасини ўтайди.

Сингхлар ҳукмронлиги даврида масжид биноси анча вайрон қилинди. Унга безак бериб турувчи қимматбаҳо тошлиари ўғирлаб кетилди. Ўзидан эса отхона ва омборхона сифатида фойдаланилди. Тўрт бурчакдаги миноралар 1840 йилги зилзилада шикастланди. Бу масжид 1961 йилда қайтадан тўла таъмирланди. Ҳозир бу ерда бир вақтнинг ўзинда 100 минг нафардан ортиқ одам намоз ўқиши мумкин.

Шоҳ Қалъадан чиқиб, маҳсус гўзал майдондан ўтиб рўпарадаги Бадшаҳий масжиди дарвозасига кўтарилишида чап томонда шонир, файласуф Муҳаммад Иқбол мақбараси жойлашган. Биз Муҳаммад Иқбол мақбарасини зиёрат қилиб, юқорида батафсил ҳикоя қилган улкан Бадшаҳий масжидига зинапоядан 22 қадам ташлаб юқорига кўтарилидик. Масжид дарвозасидан киришингизда ўнг томондаги хоналарга жойлашган ажойиб музей бор. Биз зиёратни ана шу музейдан бошладик.

Музей хоналарига тарихдан сўзловчи ашёлар қўйилган. Куръони каримнинг ноёб қўлэмаалари, Муҳаммад пайғамбарнинг муборак мўйлари, ислом рамзи — ҳаворангли саллалари, камзуллари, оёқларининг изи тушган тош, ҳассалари, мусулмон дунёси учун азиз ва мўътабар бўлган бошқа нарсалар киши диққатини ўзига тортади. Шунингдек, ҳазрати Алига таалуқли бўлган бошқа буюмлар ҳам музейдан ўрин олган. Биз ноёб тарихий ёдгорликни ҳаяжонга тўлиб-тошган ҳолда томоша қилдик, унинг тарихига оид маълумотларни ёзиб олдик.

Кўхна ва гўзал Лоҳурда тарихдан сўзлаб турувчи яна бир ноёб манба бор. У ҳам бўлса кишини ўйга толдирувчи

мақбаралардир. Бу мақбараларнинг энг ноёблари ҳам бобурйилар номи билан узвий боғланиб кетади. Ҳар бир мақбаранинг ўз тарихи, ижтимоий ҳоли, тарихда изи ва ўрни бўлган ўз эгаси бор.

Юқорида эслатганимиздек, Жаҳонгиршоҳ Кашмир сайдан қайтаётib йўлда узилади. Васиятига кўра хотини малика Нур Жаҳон уни Боги Дилкушога дағи эттиради.

Каромат Алихон шундай ёзди: «Тарихчилар Жаҳонгир мақбарасини унинг ўғли Шоҳ Жаҳон қурдирган, деб тахмин қилишади. Лекин Шоҳ Жаҳон қурдирган бинолар услубидан Жаҳонгир мақбараси форсий нозик усуlda қурилиши билан аёллар дидига яқинлиги сезилиб туради. Бу ҳол мақбарани малика Нур Жаҳон қурдирган деган тахминга олиб келади».

Дарҳақиқат, бобурйилар барпо этган обидалардан Жаҳонгир мақбараси миноралари, қурилиши, айниқса, олд кўриниши ҳамда нақш безакларининг ғоят нафислиги билан ажralиб турарди. Мақбара га шимол ва жануб томондаги улкан равоқдан кирилади. Гарбий қисми қизил ва оқ мармардан ишланган бўлиб, масжид вазифасини бажаради. Бу қисм карвонсарой деб ҳам аталарди. Қатор ҳужралар ҳам бор, Шарқ томондаги ҳужралар ўртасидаги равоқдан мақбара га кирилади. Дарвозадан кенг майдон — ҳовлига чиқилади. Гиштдан қурилган тўртта анҳор ҳовлини кесиб ўтади. Анҳор лабларида фавворалар ўйнаб турар эди...

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, қабр жойлашган хонанинг гўзаллиги кишини ҳайратга соларди. Мармардан қилинган қабр бутқул қимматбаҳо тошлар билан қопланган. Хонақоҳ деворлари соф нозик мармардан ишланган. Қабр тошига Аллоҳнинг 99 номи ўйиб ишланган. Бунда тўртта йўлак бўлган. Ҳар бири қабрга олиб борган. Бу мақбара Лоҳур ва бобурйилар меъморчилигининг гавҳар — инжуси саналган.

Нур Жаҳон эрининг вафотидан сўнг 18 йил умр кўрди. 1645 йилда вафот этди ва ҳаётлигига ўзи қурдирган мақбара га дағи этилди. Унинг мақбараси эри Жаҳонгир ва акаси Осафхон мақбараларининг гарб томонига жойлашган. Бу мақбара «Чор чаман» деб аталган, ҳар бири 100 ярд — яъни 10 гектардан майдонни эгаллаган тўртта борнинг ўртасида жойлашган. Мақбара биноси оқ ва жилокор мармардан ишланган бўлиб, унда муқаддас Куръондан камалалар битилган. Мармардан ясалган саркофаглар ва жиҳозлар юксак дид ва маҳорат билан ишланган.

«Тазкират ул-хавотин»да айтилишича, Нур Жаҳон бенининг қабр тошига ўзи битган мана бу байт ёзилган экан:

Бар мазори мо ғарифон
На ҷароғи, на гули,
На пар парвонә ёби,
На садойи булбули.

Мазмуни: Биз ғарифларнинг мозоримизда на чироқ, на гул, на булбул садосию на бир парвонани топасан.

Минг афсуслар бўлсинким, ана шу безаклардан ҳозир асар ҳам қолмаган. Фақат гиштдан қурилган мақбара турибди, холос. Сингҳлар Нур Жаҳон ва унинг қизи Лодила бегим қабр тошларини ҳам кўчириб олишган. Бизга айтишларига қараганда, ҳозирги қабр тошлар 1912 йили деҳлилик ҳофиз Ҳоким Акмалхон томонидан ўрнатилган экан.

Қабр тоши остида (яна бир қават ер остида) маҳсус хона бор. Амбарлар ана шу хонада осиб қўйилган маҳсус темир беланчакда сақланар эди. Бу беланчаклар ҳам олиб кетилган.

Лоҳурда «Анар кали» номи машҳур бўлган бозор бор. Ана шу бозор яқинидаги Анар кали, яъни Анер гули мақбара га жойлашган. Анер гули мақбара га ҳақида турли туман қизиқ-қизиқ афсоналар юради.

Айтишларига қараганда, бу мақбара Нодира бегим ёки Шаҳринисо исми билан машҳур бўлган аёл мақбрасидир. Бу аёл Акбаршоҳ саройидаги раққоса-канизаклардан бўлиб, унинг гўзаллигига ишора сифатида Анер гули тахаллуси берилган.

Афсоналарга кўра шаҳзода Салим ана шу канизакка ошиқ бўлиб қолади. Анер гули рақс тушаётган пайтда шаҳзода Салим у билан кўз уриширади. Буни Акбаршоҳ сезиб қолади. Айтишларича, шаҳзода Салимга ишқи тушиб қолган Дијором исмли канизак рашқ ўтида ёниб бу воқеани Акбаршоҳга етказиб улгуради. Одат бўйича паст табакадан бўлган аёлни саройга яқинлаштириш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам бу воқеадан ғоят ғазабланган Акбаршоҳ Шаҳринисони тириклайнин Loҳур қальяси девори орасига қўшиб урдириб юборган эмиш. Шаҳзода Салим хукмдор бўлғач, канизакка бўлган муҳаббати рамзи сифатида улкан ва гўзал мақбара қурдирди.

Бу ҳақда XVII асрнинг бошларида Покистонга саёҳатга келган европалик ёзувчилар Уилям Финч ва Герберийлар яна бошқача афсона тўқиганлар. Айтидан, европалик сай-

ёхлар ўз юртдошларини ҳайратга солиш учун ўзларича афсона тўқиган бўлсалар керак. Каромат Алихон европалик ёзувчилар афсонасини тарихий далиллар билан пучга чиқариб, шундай ёзади: «Қабр тошдаги ёзувга қараганда (ошиқ Салим Акбар ўғлидан) бу аёл шаҳзода Салимнинг хотини, Султон Парвознинг онаси бўлиб, Зайн хон Коканинг қизи эди. Аввал бошда Акбаршоҳ бу никоҳга рози бўлмаган. Кейинчалик ўғлининг муҳаббати кучлилнгни сезгач, розилик берган эди. У аёл Акбаршоҳ ҳам, шаҳзода Салим ҳам узоқ сафар пайтларида 1599 йилда вафот этган. Шаҳзода Лоҳурга қайтиб келгач, 1615 йили ана шу Анор гули мақбарасини қурдирган эди».

Соф муҳаббат рамзи бўлган бу Анор гули мақбараси мана асрлар оша инсон диққатини ўзига тортиб келади. Бу ерга зиёратга келганлар беихтиёр бобурийларнинг аёлларга бўлган чин инсоний муҳаббатларнига тасанно айтадилар.

Юқорида Осафхоннинг номини тилга олган эдик.. Мана энди ана шу инсон ҳақида икки оғиз сўз айтиш мавриди келди. Осафхон малика Нур Жаҳоннинг акаси, Аградаги Тож Маҳал мақбарасига дафи этилган Аржуманд Бегимнинг отаси эди. Осафхон Лоҳур ҳокими Шоҳ Жаҳоннинг вазири бўлган. Шу билан бирга шоҳнинг лашкарбошиси эди. Осафхон хонлар хони, унвонинг эга бўлган шахс эди.

Каромат Алихон шундай ёзади: «Агар Осафхонни синглиси Нур Жаҳон ўз вақтида тўхтатиб қолмаганда эди, Шоҳ Жаҳон таҳтга эга бўла олмасди. Чунки, Нур Жаҳон ўзининг аввалги эри Алиқулхондан туғилган қизи Лодила бегимнинг эри, Баҳонгирнинг ўғли шаҳзода Шаҳриёрни таҳтга чиқариш учун қаттиқ ҳаракат қилган эди. Шаҳзода Шаҳриёр ҳам Осафхон томонидан қамоққа олиниб, кейин қатл этилди. Шундай қилиб Осафхон Шоҳ Жаҳоннинг содик ҳимоячисига айланган эди».

Осафхон салтанатдаги энг эътиборли кишилардан эди. У ўз даврида Деҳли дарвозаси ташқарисида улкан сарой қурдирган. Тарихий манбаларда 1614 йили вафот этганлиги қайд қилинади.

Осафхон мақбарасини унинг күёви қурдирган. Меъморчилик иуқтаи назардан бу мақбара энг мукаммал бинолар намунасиdir. Саккиз қиррали улкан мақбара устига катта гумбаз ўрнатилган. Энг гўзал боф ичига жойлашган бу бино ғоят салобатли бўлган. Ички деворлари турли мармардан қашқар услубида безатилган. Ана шулар ҳақида гап кетганда Зебуннисо бегимнинг қабри, мақбараси қаер-

да, деган табиий савол туғилади. Маълумки, Зебуннисо бегим Аврангзеб Оламгирнинг қизи. Зебуннисо бегимнинг онаси Дилрабобону Шоҳнавозхонининг қизи бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Гулбадан бегим исмли фарзандига бориб боғланади. Аврангзеб эса Бобурнинг паниевараси эди. Демак, Зебуннисо бегим ҳам ота, ҳам она томонидан Бобурга бориб туташади. Зебуннисо бегим 1639 милодий йил, феврал ойида Деҳлида таваллуд топган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зебуннисо гоят гўзал ва оқила аёл бўлган. У ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям Бону қўлида саводини чиқарган. Аврангзеб ўз қизи Зебуннисодаги шоирлик истеъодни пайқаб, унга катта эътибор беради. Уша даврнинг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ҳамда Мулло Жевонни Зебуннисога муаллим этиб тайинлаган.

Дарҳақиқат, Зебуннисо бегимда Аллоҳ ато этган истеъодд мушассам эди. У ўзининг ғул-фангага, санъатга ғоят зийраклик билан интилувчанлиги, сермеҳнат хислати билан ноёб истеъоддини авайлаб такомилга етказа борди.

Зебуннисо бегим забардаст шоира, етук олима, моҳир танбур чертувчи созандга ва шулар билан бирга уста хаттот бўлиб етишиди. Латофатли Зебуннисо бегим араб-форс тилларининг сарфу наҳв-яъни морфология ва синтаксисини, фиқҳ, мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштирган темурий малика эди. Зебуннисо бегим настълиқ, насҳ ҳамда шикаста хатларини нозик маҳорат билан бита олган. Муқаддас Қуръонни бир неча марта гўзал ҳусниҳатда кўчирган ҳамда ёддан қироат билан ўқиган мўътабар, мунис аёл эди. Зебуннисо бегим араб ва форс тиллари сарфу наҳвни пухта эгаллаб, ана шу тилларда ҳам ижод қилган.

Етуклик чўққисига кўтарилиган Зебуннисо бегим шогирлар бошини силаб, улар қалбига меҳри зиё нури таратган, илм-маърифат, одоб, газалиёт бобида тарбиялаб, уларни камолотга етказган бобурий маликалардан бири эди. Шарқнинг буюк шоири мирзо Абдулқодир Бедил ҳам Зебуннисо бегимга алоҳида бир меҳр ва эҳтиром билан қараганилиги бежиз эмас, албатта. Бедил ўз қизини Зебуннисо бегим тарбиясига топширган. Оқибатда у шоирлик даражасига етишган. «Мунтаҳаб ат-таворих» ҳамда бошқа асарлардаги байтларда Мирзо Бедил қизига иисбат берилган:

Ерам маро баҳонайи таҳо нишонду рафт,
Гуфтам, ки ман губорам, доман фишонду рафт.

Яъни:

Ёрим мени ёлғиз ташлади-ю, кетди, ҳатто, йўлнингда губорингман десам ҳам этагини қоқти-ю кетди.

Зебуннисо бегим ўз отаси шоҳ Аврангзеб Оламгирни ғоят ҳурматлар ва яқин маслаҳатчи ҳам эди. Аммо тарихий манбалардан маълум бўлишича, Зебуннисо бегимнинг адолат ҳамда маърифат соҳаларида айтган маслаҳатлари, унинг эркин фикрлари шоҳ Аврангзеб Оламгирга ҳар доим ҳам ёқавермаган экан.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зебуннисо бегим ёшлигиде Оқилхон Розий исмли шоиртабиат йигитга кўнгил қўйган. «Хунар ва мардум» (Эрон) ойномасида ёзишларича, Аврангзеб Оламгирнинг етти вазири бўлган. Оқилхон Розий ана шу вазирлардан бири эди. У ёш, шўх, етук сухандон, шоир табиатли келишган йигит бўлган. Зебуннисо бегим ва Оқилхон Розий бир-бирлари билан махфий учрашиб, аҳду паймон қиласидар. Лекин шоҳ Аврангзеб қизи Зебуннисо бегимни унча-мунча йигитга раво кўрмас эди.

Шоҳ Аврангзеб уларнинг махфий учрашиб туришларидан хабар топгач, қайсарлиги тутиб тўйини тескари кияди. Ривоятларда айтилишича, кунлардан бир кун Зебуннисо бегим билан Оқилхон Розий боғда учрашадилар. Худди шу пайт боққа Аврангзеб Оламгир кириб келади. Ошиқ-маъшуқлар зудлик билан ўзларини панага оладилар. Оқилхон Розий боғнинг четидаги ўчоққа ўрнатилган катта дош қозон ичига тушиб, устидан дарҳол мис мис қопқоқни ёниб яширинади. Кўз қири билан зимдан кузатиб, ҳамма нарсадан воқиф бўлиб турган Аврангзеб дарғазаб ҳолда келиб, дошқозон қопқоғи устига чиқади. Баковулни чақириб, ўчоққа ўт ёқиши буюради. Ўт ёқилади, қозон қизиб, қопқоқ остидан жизғанак ҳид билан тутун чиқади-ю, лекин ҳеч қандай нидо эшишилмайди. Аврангзеб қозон устидан тушиб, баковулга қопқоқни олишини буюради. Қозон ичидан жизғанак бўлиб қорайган Оқилхоннинг жасади ётарди...

Бангл классик адабиётининг билимдони ҳамда ҳозирги замон бенгал адабий тилини бунёд этгандардан бири Бонкимчондор Чоттопадхайнинг (1838—1894) «Радж Синх» номли тарихий романни бор. Ёзувчи ўз романнада Зебуннисо бегимнинг севган йигити Оқилхон Розийни Муборак Али номи билан талқин этган. Бу тарихий романда Муборак Али (Оқилхон Розий) севги йўлида азиз жонини қурбон этишга тайёр инсон сифатида тасвирланган. Романда ўкувчини ларзага соладиган ҳаяжонли саҳифалар битилган.

«Тазкирати шоироти урду»да нақл қилинишича, мақсади-га ета олмаган Оқилхон Розийни қатл қилаётгандаридан, у қўйидаги ғазални айтган экан:

Баъдаз мурдан зи жафойи ту агар ёд кунам,
Аз кафан даст берун орам ва фарёд кунам.

Яъни:

Агар сенинг жафоларингни эсласам, ўлганимдан кейин ҳам кафандан қўлимни чиқариб, фарёд чекаман.

Тақдир қисматига тан берган Зебуннисо бегим бу дунёдан тоқ ўтган мунис аёлдир. Зебуннисо бегимга етишини орзу қилган, унга умр йўлдош бўлиб бир ёстиққа бош қўйиши истаган шаҳзодалар, амирзодалар, бекзодалар кўп бўлган. Аммо гўзаллар гўзали Зебуннисо бегим уларнинг ҳеч бирини ўзига муносиб топмаган. Зебуннисо бегимга ёстиқдош бўлишни орзу қилган шоирлар ҳам кўп бўлган.

«Олами ислом»да ёзилишича, Эрон шаҳзодаларидан бири Зебуннисо бегимнинг гўзалликда танҳолигини эшишиб, унга ройибона ошиқ бўлиб қолади. Унга бағишлаб ғазаллар битади, улардан бир байтни Зебуннисо бегимга жўнатади:

Туро, эй гулбадан, бешарда дидан орзу дорам,
Латофатҳойи ҳуснатро расидан орзу дорам.

Яъни:

Эй гулбадан, сени пардасиз кўриш, ҳусну латофатларингга етишиш орзусидаман.

Зебуннисо бегим қўйидаги жавобни ёзади:

Булбул аз гул битузарад гар дар чаман бинад маро,
Бутшарости кай кунад гар бараҳман бинад маро?
Дар сухан пинҳон шудам монади бў дар барғи гул,
Майли дидан ҳарки дорад, дар сухан бинад маро.

Яъни:

Агар булбул мени чаманда кўрса, гул баҳридан кечарди, агар бараҳман мени кўриб қолса, бутга сажда қилмасди. Гул ўз ҳидини япроқларига яширгандай, мен ҳам сўзда яширганман, кимнинг хоҳиши мени кўрмоқ бўлса, мени сўзда кўрсанн.

Зебуннисо бегим эрон шаҳзодасига ана шундай моҳи-

рона жавоб қайтаради. Зероки, юрагида Темур ва Бобурдай буюк инсонлар қони бўлган Зебуннисо бегим қалбидан Оқилхон фожиасидан сўнг янги ёр учун асло ўрин қолмакан эди. Поёнига етмасдан узилган ишқий достонини куйлаб ўтади. Зебуннисо бегим бетакрор камтарлик или шундай дейди:

Ҳар маторо ҳаридор аст дар бозори ҳусн.
Пир шуд Зебуннисо ўро ҳаридоре напруд..

Яъни: Ҳусн бозорида ҳар матога бор ҳаридор, аммо Зебуннисо қариди-ю, унга ҳаридор топилмади.

Зебуннисо бегим 1702 йили 63 ёшида Дехлида вафот этди. Уни «Зарзарий» қабристонига дафи этдилар. Зебуннисо бегимнинг мақбараси 1885 йилда темир йўл қурилиши баҳонасида батамом бузуб ташланган.

Ажабо, тақдирни қарангки, унинг мақбараси ҳам Зебуннисо бегим севгисидай вайрон қилинди. Ана шуларни ўйлаганимизда унинг мана бу ўлмас мисралари ёдимизга тушади:

Зулфи ҳалқа-ҳалқа у кўзи қаро бу ердадур,
Боқинши шафқатли-ю, нозик адo бу ердадур.
Киприги ханжар, карамма тигу кўз ташлаш яшин,
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Карбало бу ердадур.

Истасанг ҳуснинг закотини берарға мустаҳқиқ,
Қолки, бу Зебуннисо япглиғ гадо бу ердадур.

Ҳа, Зебуннисо бегим, ўз шеърлари билан доим қалбимиздадур.

Лоҳур катта полвонлар етишиб чиққан шаҳар ҳисобланади. Акбаршоҳнинг жияни Козимхон курашчи полвонларнинг гамхўри бўлган. Унинг ташабуси ва бевосита раҳнамолиги билан улкан курашхоналар қурилган. Рустами Замон, Гама, унинг жияни Бҳулло каби машҳур полвонлар Лоҳурдан чиққан.

Шунингдек, Лоҳурда чавгон ўйини ҳам кенг тарқалган. Мусулмон сулоласи асосчиларидан бирни Кутбиддин Ойбек чавгон ўйнаб турган пайтда вафот этган ва шу ерда дафи этилган. У Дехлидаги машҳур Кутуб Минорни қурдирган инсон эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XVIII аср бошлари-

га келиб бобурий шоҳлар кучсизланиб қоладилар. Шунга қарамасдан 1752 йилгача Лоҳур улар таъсирида бўлади. Ундан сўнг ҳукмронлик афғон Аҳмадшоҳ Абдали қўлига ўтади. 1767 йилдан 1846 йилгача Панжобда сингхлар ҳукмрон бўлдилар. Ана шу давр Лоҳур тарихида энг оғир давр бўлди. Мусулмонлар бунёд этган меъморий ёдгорликлар шафқатсизлик билан вайрон қилинди. Бинолар таг-туғи билан қўпорилиб, мақбаралардаги ноёб безаклар, мармарлар ташиб кетилди.

Тақдир тақозосини қарангки, киндиқ қони тўкилган ватанидан этак қоқиб чиқиб кетган Бобур марказлашган буюк империя — давлатга асос солди. Бобурийлар унинг улуғ ишини давом эттирилар, шаҳар-қишлоқларни обод қўлдилар, асрларга татигулик ноёб обидалар бунёд этдилар, катта обрўга эга бўлдилар. Лекин Бобуршоҳ ватанига у ёқдан ҳеч нарса, ҳатто, игна ҳам ташимади. Зероки, бобурийлар ўша ерлиларга айланиб, халққа сингиб кетдилар...

Гўзал Лоҳур шаҳрида бир катта музей бор. Вазирхон даврида ташкил топган бу музей, Панжоб санъат музейи, деб аталади. Музей хоналари ғоят юксак дид билан, тарихий-хронологик воқеалар ривожига илмий амал қилинган ҳолда жиҳозланган. Музей 19 қисм — йўналишда маълумот беради. Бизни, албатта, бобурийлар тарихи қизиқтираш эди.

Музей шаҳар марказида, катта йўлдан хиёл ичкарироқда жойлашган. Йўл билан музей биноси орасида кўм-кўк майсауз, манзарали сарвқомат дараҳтлар соя ташлаб турадиган гўзал хиёбон бор. Катта марказий дарвозадан музейга қадам қўясиз, кенг, узун йўлак-коридорга дуч келасиз. Музей хоналари ана шу марказий йўлакнинг икки томонига ва тепа қаватларга жойлашган.

Шундай киришингизда Акбаршоҳ портретига кўзингиз тушади. Беш қадам ташлаб, ўнг томонга боқсангиз Жаҳонгир портретини кўрасиз. Шунингдек, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб, Зебуннисо, Нур Жаҳон, Амир Темур ва бошқа темурийлар ҳамда салтанат ҳокимларининг портретлари қўйилган. Миниатюраларда бобурийлар даври воқеалари, жаңг манзаралари акс эттирилган.

Чап томондаги хонада бобурийлар даврига хос бўлган уй-рўзгор анжомлари қўйилган. Мис ва бронзадан ясалган катта иштислар, идишлар киши диққатини тортади. Чунки бўларнинг ҳар бирни ўз замонидан сўзловчи нафис санъат

асаридир. Ана шу анжомларнинг айримларида Бухоро ва Самарқанддаги тасвирлар учрайди.

Бобурйилар даврида ясалган қиличлар, қурол-аслаҳалардан намуналар ҳам музейдан ўрин олган. Камон ва найзалар, аскарларнинг кийимлари, қалқон, совут, дубулга, пичоқ ва ханжар ўша давр усталарининг маҳоратидан даражада берилган.

Бобурйилар даврига онд хилма-хил чолғу асбоблари кишини лол қолдиради. Товус кўринишидаги танбур қаршисида хаёлга чўмасан киши. Бу танбур қайси хонанданинг қўлида куйлаганинин, унга қайси ҳофиз жўр бўлганинин?

Ҳа, бу танбур рўпарасида биз ҳам узоқ туриб қолдик. Шоир Бобурнинг майин, дардли, бетакрор ғазаллари гўё қулоғимиз остида танбур садосига йўғрилган ҳофиз овози билан тақрорланарди.

Сарой аъёнлари, хонимлар кийган лиbosлар. Улар бирбирини тақрорламайди, бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бирига ўзига хос соғ олтин ип билан безак берилган, қиммат баҳо дуру гавҳарлар қадалган. Воажаб, кийим шунчалик жозибали, бу лиbosни кийган хонимлар қандай латофатли бўлганинилар?! Ана шу савол билан банд ҳолда уч-тўрт қадам олға ташласангиз, яна бир мўъжизага дуч келасиз. Фил суюгидан ясалган, нодир безак берилган аёлларнинг пардоз қутиси. Фил тишидан ясалган ойна, ати-упа соладиган аёллар пардоznомаси. Буларни кўрганингизда ўша даврда аёллар нақадар юксак дид ва маданиятга эришганиклилари, кийиниш, пардозу андозни нақадар меъёрига етказиб, товусдай товланиб нафис, майин, латофатли бўлганиклиларига яна бир карра амин бўласиз.

Бобурйилар даврида маҳсус ёрочдан ясалган ўймакор дарвозалар, ёшиклар ҳам сақланади бу музейда. Шунингдек, ўша даврга хос гиламларни кўрасиз. Бу дарвозадан қайси бобурий кириб чиққанинин, бу гиламлар тўшалган хонада қайси шаҳзода ўз маликаси билан ширин сұҳбат қурганинин, деган саволлар чўлғаб олади сизни. Буларнинг ҳаммаси яшаш, турмуш, юриш-туриш маданияти нақадар юксак чўққига кўтарилилганидан далолат берилган. Фақат, тасанин, дейиш жоиздир.

Музейнинг катта, ёруғ хонасига киргандага чиройли бир ҳолатга дуч келдик. Сарвқомат, хиёл қирра бурун, бодом қовоқ, қалдирғочканот қошли, нозик, гўзал Покистон қизи қўлидаги маҳсус кўп варақли қалин оқ дафтарга бобурйилар портретини чизар эди. Эгнида оддий чиройли чит кўйлак ва лозим. Хиёл бўртиб чиққан нафис кўкраги аро икки

елкасига тилла сувли жило берилган маҳсус оқ рўмол ташланган. Чиройли балдоқ таққан, тим қора сочини битта қилиб ўриб кўкракка ташлаган бу гўзал қиз гўё ўша бобурйилар даври билан ҳозирги даврни боғлаб тургандай туюлди бизга.

У билан танишдик. Ақифахоним Маннон экан. Ёши ўн саккизда. Ота-онаси ўқимишли, зиёлилар. Узи рассом бўлиш орзусида. Парижга бориб ўқимоқчи, катта рассом бўлмоқчи.

Ақифахоним музейни томоша қилишда бизга ҳамроҳ бўлди. У бобурйилар даврини яхши билар экан. Чунки кўп вақтини у шу музейга бағишлар, бу ердаги тарихий кишилар суратини машқ қилиб чизар экан.

Ақифахон Маннон бизни уйига таклиф этди. Лоҳурнинг гўзал бир маҳалласида, шинам ҳовлида яшар экан. Биз ташриф буюрган пайтда дадаси, онаси ишда эканлар. Бизни катта бувиси Ҳамидахоним Маннон илиқ кутиб олди. Самимий меҳмон қилдилар. Бир пиёла чой устида ширин сұҳбат қурдик. Ҳамидахоним ёшлари улуг, кўпни кўрган, чуқур илмли, ғоят маданиятли, мунис, мудойим онахон эканлар. Биз бу улуг онанинг сўзларидан Маннон оиласи бобурйилар тарихини чуқур ва кенг билишини, Бобуршоҳ ва унинг авлод-аждодларини ғоят ҳурмат қилишини ҳис этдик.

Ҳамидахоним Манноннинг мана бу сўзлари, айниқса, бизнинг юрагимизга ўрнашиб қолди: «Бобур Мирзо бизнинг юртимизда Ислом нурини олиб келди. Аллоҳнинг марҳамати ва у подшоҳнинг саъй-ҳаракатлари билан биз мусулмон бўлдик. Бунинг учун Бобуршоҳдан бир умр миннатдормиз». Бу сўзлар қайси ўзбекни тўлқинлантирилмайди, дейсиз?

Яна фахрланадиган жойи шундаки, Лоҳурда истиқомат қилаётган ёш ўзбек йигит — Абдулғаффор шаҳарда неча кун яшаган бўлсак, бизга ҳамроҳлик, таржимонлик қилди. У бир неча тилни мукаммал эгаллаган, ажойиб ташкилотчи йигит экан. Ҳамидахонимнинг юқорида келтирилган сўзларини ҳам ана шу дўстимиз таржима қилиб берди.

Дарақиқат, Лоҳурда ўзбеклар растаси — маҳалласи бор. Бу ерда бир неча оила истиқомат қилади. Биз уларнинг уйларида меҳмон бўлдик. Ажойиб инсон Ҳожи Абдужалил бизни шахсий машинасида олиб юриб Лоҳурнинг кўпгина гўзал боғлари, тарихий ёдгорликларини кўрсатади. Ҳожи Абдужалил ҳам бир неча тилда равон сўзлаша оладиган йигит экан.

Бу ердаги ўзбеклар лоҳурлик эътиборли кишилар билан дўстлашиб кетганлар, лоҳурлик ўзбекларни, ўзбеклар ўз ўрнида лоҳурликларни ғоят ҳурматлашлари бизда катта таассурот қолдирди. Ҳожи Абдужалил ана шундай азиз дўсти бўлмиш, олижаноб инсон, «Пакпанжоб Корпете» компаниясининг президенти Талха Зубаир билан бизни танишириди. У бизни меҳмонга таклиф этди. Унинг хонадонида бўлдик.

Талха Зубаир ўқимишли, ғоят тадбиркор, катта қалб эгаси сифатида бизда ўчмас таассурот қолдирди. Бизни истиқлолга чиққанимиз билан самимий қутлади, улкан мудавфақиятлар тилади. Ўзбекистонга ташриф буюришини билдириди. Биз Лоҳурда ана шундай дўстлар орттиридик.

Лоҳурнинг боғлари оралаб, тарихий обидаларга бой, тавжум кўчаларидан юриб, Бобур изидан яна йўлга отландик. Ҳайр, гўзал ва қадрдан Лоҳур.

ҚУШЛАР ҲАМ ҚАЙТИБ ҚЕЛМОҚДАЛАР

Гўзал Лоҳур шаҳридан Покистоннинг пойтахти Исломободга йўл олдик. Исломобод! Ҳимолай тоғларининг этагида, Потвар водийсида денгиз сатҳидан 550 метр баландликка жойлашган гўзал Исломободга ёз чилласининг қоқ ўртасида — 9 июл куни кириб келдик. Исломободнинг иқлим шароити жуда қулай, ёз чилласида энг юқори ҳарорат 39° даражага етади, холос. Биз кўриб келаётган ҳарорат олдида бу иссиқлик роҳатижон эди.

Маълумки, Покистоннинг аввалги пойтахти Равалпинди шаҳри эди. 1959 йили янги пойтахт — Исломободни қуриш ҳақида ҳукумат қарор қабул қилди. 1960 йилда бўлажак пойтахт Исломобод шаҳри лойиҳаси тайёр бўлди. Қурилиш, дастлаб 1961 йилда Равалпинди шаҳридан 28—30 километр нарида бошланди.

Биз кейинги 30—35 йил ичида қад кўтарган Исломобод шаҳрини зиёрат қилдик. Шаҳар асосан грек меъмори лойиҳаси асосида ажнабий ҳамда покистонлик қурувчилар томонидан бунёд этилмоқда. Кенг ва кўркам кўчалар, яшил хиёбонлар, истироҳат боғлари шаҳар ҳуснига алоҳида бир латофат баҳш этган. Асосан бир ва икки қаватли кўркам тураржой бинолари, савдо-сотиқ, молия, ҳукумат ва элчиҳоналар бинолари, ҳунармандчилик, енгил саноат корхоналари жойлашган маҳаллалар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб юборган.

Катта масжид, парламент биноси, университет, Покистон ядро тадқиқотлари ва технологияси институти, исломшунослик институти, Покистон миллий кутубхонаси бинолари ғоят ҳашаматли, салобат ила қад кўтарган. Шаҳар маҳаллий архитектура хусусиятлари билан уйғуналаштирилган ҳолда ҳозирги замон Европа шаҳарлари услубида қурилаётганинг шоҳиди бўлдик.

Замонавий услубда қурилган «Шаҳризод» меҳмонхонаси бизда катта таассурот қолдирди. Гўзал фавворалар ажиб бир латофат таратиб турган ресторанда тушлик қилдик. Уртамиёна тушлик овқат учун тўққиз киши 2700 рупий пул тўладик. Бу тахминан, юз (Америка) доллар деган гап.

Исломободдан чиқиб Пешовар томон йўл олдик. Пешовар Покистоннинг шимоли-ғарбий дарвозаси бўлиб жуда қадим ва кўҳна шаҳардир. Кобул дарёсининг ирмоғи бўлмиш Бар дарёси бўйига жойлашган. Ҳайбар довонидан 18—20 километр нарига жойлашган Пешоварнинг қадимги номи Пурушапура бўлган. Биринчи асрда машхур Кушан подшолигининг пойтахти сифатида гуллаб-яшнаган.

Милодий биринчи аср охири ва учинчи аср бошларида ҳозирги Марказий Осиёнинг катта қисми, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ва тахминан Синцзянни ҳам ўз ичига олган Кушан подшолиги ўзининг тараққиёт чўққисига кўтарилилган. Кушан-Бақтрия хатлари, Кушан тангалари, шунингдек Хитой маълумотлари Кушан подшолиги тарихини ўрганишда ғоят ноёб манба ҳисобланади.

Кушан подшолигининг асосчиси Кужула Кадфиз I (академик Я. Ғуломов фикрича, Герай»дан сўнг ҳокимиятни унинг ўғли Вима Кадфиз II, ундан сўнг эса Қанишка I эгаллаган). Кужула Кадфиз I урушлар олиб бориб Қашмир, Кобул дарёсининг ҳавзаси ҳамда Помирдан Парфиягача бўлган ҳудудни ўз давлатига қўшиб олган. Вима Кадфиз II эса пул ислоҳоти ўтказиб, олтин ва мисдан тангалар зарб қилдирган. Қанишка I даврида Кушан—Бактрия тили давлат тили сифатида қабул қилинган.

Утмиш кушанликлар тарихи, маданияти ўша давр тараққиётидан сўзлайди. Баграм, Балх, Беган, Сурх-кутал (Афғонистон), Косамби (Ҳиндистон), Сирсукх (Покистон), Айритом, Бозорқалъя, Далярзинтепа, Халчаён (Ўзбекистон), Кайқубодшоҳ, Кўҳнақалъя, Шаҳринав, Мунҷоқтепа (Тожикистон) ва бошқа кўпгина жойларда олиб борилган археологик қазилмалар Кушан подшолиги маданиятидан дарак беради. Кушан подшолиги даврида зарб қилинган тангаларнинг орқа томонида Микра-Митра (Қўёш худоси),

оташ (Олов худоси), Фарр (Омад ва Маъмурчилик худоси) тасвирланган.

Кушан тангалари Эфиопия, Скандинавия, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам топилган. Демак, Кушан подшолиги кўпгина чет мамлакатлар билан кенг миқёсда савдосотиқ, маданий алоқалар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Ана шу машҳур Кушан подшолигининг пойтахти бўлган—Пурушапура—Пешоварга етиб келдик. Пешовар юқорида айтганимиздек, қадимда ва ўрта асрларда Афғонистон, Эрон ҳамда Марказий Осиёдан Ҳиндистонга бориша савдо карвонларининг тўхтаб ўтадиган жойи-дарвозаси бўлган.

Пешовар Заҳириддин Мұҳаммад Бобур даврида (умуман, бобурийлар учун) муҳим стратегия ҳамда савдо шахри бўлиб ҳисобланган. Бобурнинг Ҳиндистон ичкарисига юришида Пешовар асосий таянч нуқталардан бири бўлган. Биз ана шу тарихий шаҳарга кириб бордик. «Галастик» меҳмонхонасига жойлашдик. Пешоварда катта университет, ислом коллежи, илмий-тадқиқот институтлари, тарихий ва замонавий китобларга бой кутубхона, музейлар бор. Пешоварнинг қадими қисми 16 дарвозали девор билан ўралган.

Пешовар шахри кўчаларида сайр қўлиб юриб ҳожи Амонилло Шамсни учратиб қолдик. У билан Маккан мукаррамада танишган эдик. Эллик ёшларга бориб қолган, новча-норгул, бақувват, истараси иссиқ бу инсон бошидан кўп оғир кунларни кечирган. Унинг айтишига қараганда, волидаси бухороликдир. Икки ёшида отаси Алланазар бой билан бирга ҳаж сафарига отланиб Бухородан таҳминан 1904—1905 йилларда чиқиб кетган, қайтиб келолмаган. Афғонистонда қолиб кетишган. Қизи улғайиб вояга етгач, афғонистонлик йигитга турмушга чиқсан. Улардан ҳожи Амонилло Шамс ва яна олти оға-инилар дунёга келдилар. Ҳожи Амонилло Шамс Кобулда таҳсил олди ва ўз шахри Кундузга қайтди. Ижтимоият тарихидан 12 йил дарс беради. Ниҳоят, собиқ совет қўшинлари Афғонистонга бостириб кирди. Амонилло Шамс оға-инилари билан қўлга қурол олиб мужоҳид сифатида жангга отландилар. Укалари — Гулиддин Кундузнинг чордарасида, Фазл Аҳмад эса Гултепада шаҳид бўладилар...

Ниҳоят, шўролар Афғонистондан батамом чиқиб кетгач, Амонилло Шамс ҳам Ватанинг фидойилари қаторида ҳаж сафарига отланади. Биз у билан ўша мўътабар жойда тасодифан танишган эдик.

Қадрдонлардай қучоқ очиб кўришдик. Биз жойлашган меҳмонхонага келдик. Биз Кобулга жўнаш тараддудида эдик. Ўша пайтда Афғонистон ҳудудида унча-мунча бесаранжомлик ҳукм сурган, отишмалар ҳали батамом тўхтамаган пайт эди. Биздаги кўнгил хижилигини илғаган ҳожи Амонилло Шамс дадил йўл кўрсатди:

— Дини ислом юраги — Макка мукаррамадан — ҳаж сафаридан ўзларининг азиз Ватанларига бораётган сиз биродарларни мусулмонлар удумига содик бўлган менинг юртдошларим мўътабар меҳмон сифатида кузатиб қўядилар, бунга ишончим комил,—деди. Зероки, биз Маккан мукаррамадан Ўзбекистонимизга Афғонистон орқали ўтишини мақсад қилганимизда ана шу исломий имон — эътиқод, мусулмончиликнинг муқадас удумлари юракка дармон, белга қувват баҳш этган эди.

Йўлга чиқдик. Ҳожи Амонилло Шамс бизни Афғонистон чегарасигача кузатиб келди. Уни кўпчилик танир ва ҳурматлар экан. Чегарадан ўтиб, ичкари юрдик. Бир мўлжал йўл босгач, шинамгина қишлоқда тўхтадик. Бир пиёла чой ичдик. Ҳожи Амонилло Шамс бизга оқ йўл тилаб қолди.

Пешовар—Жалолобод—Кобул йўлидамиз. Йўллар, йўллар, бу қадими йўллар. Кимлар юрмади бу йўллардан, кимлар ўтмади бу юртлардан. Исқандар Зулқарнайн, Маҳмуд Фазнавий, Амир Темур, Заҳириддин Мұҳаммад Бобур, э-ҳа, қанча буюкларнинг буюклари ўтмадилар бу йўллардан....

Ҳайбар довонидан ошиб ўтдик. Жалолобод томон бормоқдамиз. Замбаракларнинг зарбидан йўллар титилиб кетган, кўприклар вайрон бўлган. Йўл четида оёғи осмонда бўлиб тизилиб ётган танклар, замбараклар, БТРлар... хуллас, замонавий ҳарбий техниканинг ҳамма турини кўрасиа. Ичакчавори чиқиб титилиб ётиди. Яна йўл четида ўи беш-ийигирмата ёндириб-куйдирилган автомашиналар скелети сафтортган, булар ёнилғи ва бошқа «зарур» юқ олиб кетаётган автомашиналар сафи, мужоҳидлар зарбасидан жой-жойида тил тортмай қолган. Эвоҳ! Ахир бу техникаларнинг ҳар бирида битта эмас, бир неча навқирон йигитлар бўлган-ку... Ҳа, жиҳод ва мубориза кураши ўн тўрт йил давом этган бу ситамдийда афғон ютида қанча-қанча навқирон йигитлар нобуд бўлдилар. Биз Пешовардан то Мозори шарифга қадар йўл босиб ўтар эканмиз, ноҳақ афғон уруши тамға қолдирган инсон қалбини тилка-пора қилиб юборувчи гоят ноҳуш, надомат изини кўрдик. Дарё бўйлаб, тоғлар оралаб ўтган йўл четларида ўнлаб янги қабристонларга дуч кел-

дик. Кули кўкка совурилган, кимсасиз ҳувуллаб қолга, зоғ учмас қишлоқларнинг саногига етиб бўлмайди.

Тоғлар орасидан асаблар таранг тортилган ҳолда кичкинагина бир водийга чиқиб бордик. Сой бўйинда дараҳтлар соя ташлаган сўлим жойда тўхтадик. Унг томонда беш-олтичоғли эркак пахса урмоқда. Уларга яқинлашиб саломлашдик. Бир йигитнинг қўлидан белкуракни олиб, тепиб пишитилган лойдан қирқиб юқорига иргитиб бердик. Юқорида ҳаммага ақл бўлиб турган ўрта яшар, соқол-мўйлови ўзига ярашган киши тушиб келди. Илиқ сўрашди.

Бизнинг ҳаж сафаридан, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур изидан юриб жуда катта йўл босиб келаётганимизни эшитиб гилам ёэди, тўшак солди. Танишдик. Исми Муҳаммад Сулаймон экан.

— Бизнинг юртимиизга хуш келибсизлар,—деди у.—Бу ер биз учун муқаддасдир. Боболаримиз, момоларимиз шу ерда ётибдилар. Катта қишлоқ эди,—дея төғ багирлаб кул тепага айланиб ётган жойларга ишора қилди.—Биз катта уруғ эдик. Мана шулар қолдик. Биринчи бўлиб биз қайдик. Қарвонсарой қуряпмиз. Буёғи Покистон, Ҳиндистонга, буёққа эса Кобул, Мозори шариф, Балх, Ҳиротга шу ердан ўтилади. Йўловчилар бу ерда бир оз дам олиб сўнг сафарларини давом эттирасалар деган мақсадда қурилиш қиляпмиз — деди Муҳаммад Сулаймон.

У хижолат чекарди. Ноҳуш манзаралардан, юртдошлирининг ночор аҳволга тушганликларидан. Қўзлари ич-ичига кирган, лекин чақнаб турувчи, пешонасига ажин тушган, икки чаккаси ва соқолларига оппоқ қиров қўнган Муҳаммад Сулаймон истарасидан оғир ғамгинлик силқиб турарди. У садафдек тишларини ярқиратиб ғамгин жилмаяр эди. Шу пайт рўпарадаги пачоғи чиқиб кетган танк устига икки мусича келиб қўнди. Муҳаммад Сулаймоннинг чехраси булатлар орасидан ярқираб чиқсан қуёшдай ёришиб кетди.

— Қаранг, мусичалар. Биз келгандан кейин пайдо бўлишди. Ӯшанинг ичига икки дона тухум қўйишибди,—танкка ишора қилди.—Парранда зоти ҳам йўқолиб кетган эди. Улар ҳам одам билан тирик экан, одам бор жойда нафас олар, яшар экан. Бошқа паррандалар ҳам энди қайтиб кела бошлади...

Муҳаммад Сулаймонлар аввал ўзлари учун эмас, йўловчи-мусофиirlар учун карвонсарой қурмоқдалар. Улар ўз Ватанини катта-катта чет мамлакатлар билан боғловчи йўлни ўйлаяптилар, вайрон бўлган мамлакатни тикламоқдалар. Биз кўч-кўронларини машинага юклаб вайрон бўл-

ган ўз қишлоқларига қайтиб келаётган турнақатор ағфон оиласларини кўрдик. Улар билан бирга қуш-паррандалар ҳам тузиб-бузилган ўз маконларига қайтмоқдалар. Тумшукларида майнин хас-чўп ташиб ин қурмоқдалар, тухум қўймоқдалар. Юзлаб, минглаб қуш далада. Ер ҳайдалмоқда, тупроққа ризқ-рўз—уруғ сепилмоқда. Бағри қон Афғонистон тикланмоқда...

Умуртқаси узилган йўлдан бормоқдамиз. Бир неча минг километр йўлларни қушдай енгил босиб ўтган, тилимизда достон бўлиб «дулдул от» номини олган «Тойота» ҳам имиллаб қолди. Машинанинг қудрати ҳам энг аввало яхши, равон йўл билан эканига ишончимиз комил бўлди. Олға интиламиз, ўйлимиз кўпаймайди. Вайронага айланган катта катта қишлоқ ва янги қабристонларга дуч келамиз. Бир зум тўхтаб бу ерларда қатл этилган шаҳидлар руҳи-покига Куръон тиловат қилиб бағишлаймиз ва яна йўл босамиз.

Нангархор вилоятининг маркази Жалолободга фирашира қоронғилик чўқа бошлагандаги кириб келдик. Қайси пайтда бўлса ҳам йўл босиб Кобулга етиб олишни мўлжаллаган эдик. Бўлмади. Андижондан йўлга чиқиб, Туркманистон, Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликларидан яна Эроннинг кўйдирман-ёндираман деган саҳросидан ўтиб, Покистон чўлларида пишқириб елдай елган «Тойота»мизнинг биринчи маротаба олдинги ўнг ғилдирагининг дами чиқиб кетди. Йўл чеккасида тўхтадик. Машинамизни бир зумда йигитлар ўраб олишди, ҳол-аҳволимиздан воқиф бўлгач, бизга ёрдамлаша бошлидилар. Ғилдиракни алмаштириш зарур эди. Аксига олиб кўтаргич (домкрат) ҳам нобоп чиқди, синди. Ағфон йигитларидан икитаси дарҳол моторикшага ўтириб қаергадир жўнаб кетдилар. Атрофимиздаги ағфонлар ўзларича баланд овозда нималарнидир гаплашардилар. Обдан қоронғилик қаърида қолдик. Аҳён-аҳёнда ёнимиздан ўтаётган машина ва моторикшалар чироғининг нурсиз шуъласи ағfon йигитлари башарасини хира ёритиб ўчади. Улар оғзида папирос, беармон чекадилар. Атрофни қўланса тутун ҳиди босиб кетди. «Тойота»нинг орқа томонига ўтдик. Навбатдаги йўловчи машина ҳамсафарларимиз юзларига шуъла ташлаб ўтиб кетди. Уларнинг чарчоқ босган юзи ва чанқоқ қўзларида ташвиш аломатлари сезилиб турарди. Бегона юрт, бегона кишилар... деган фикр хаёлимиздан ўтди.

Шу пайт икки девқомат йигит келиб ағfonлардан нималарнидир суринтириди-да, бизнинг ёнимизга келишди. Улар шу ерли йигитлар экан. Ола-ғовурни тинчтишиди. Ҳамма

Уларнинг гапига қулоқ соларди. Тартиб вужудга келди. Кўттаргич учун яна одам жўнатилди. Бир зум ўтмай кўттаргич (домкрат)лар етиб келди. Улар тажрибали машина ҳайдовчилар эканлар. Ўзлари енг шимариб ишга тушиб кетиши. Машинамиз ўнгланди. Ҳалиги икки девқомат йигитлар машинамизга чиқишиб бизни Жалолободнинг марказий меҳмонхонаси гача бошлаб бордилар.

Меҳмонхона катта борнинг ўртасида қурилган экан. Ичкари кирдик. Ҳамма қаватдаги хоналар жанг мажруҳлари билан лиқ тўлган. Бирининг оёғи, иккинчисининг кўли, учинчисининг қовурғаси йўқ. Яна бошқасининг кўзи шикастланган... Оғир ярадорлар оҳ-воҳлаб ётишибди. Даҳшат!

Биринчи қаватдан жой кўрсатиши. Бир қисмимиз машинада қолдик. Ҳалиги икки девқомат йигит, эрта билан келиб бизни кузатиб қўйишларини айтишиб, уйларига кетиши. Оёқ босиши имконига эга бўлган майиб-мажруҳлар қўлтиқтаёқлиларига суюниб чиқиб келдилар. Машинамиз атрофига инқилаб-синқиллаб жойлашиб ўтирилар. Ҳасрат надоматлар бошланди. Уларнинг сўзларини эшитиб, этингиз жунжикади. Бири акаси, укасидан ажраган, яна бири ёлғиз ўзи қолган, бор-будидан маҳрум бўлган. Бунинг устига устак қўл йўқ.... Уша шум қўрошини ўқ жонини узиб олмаганига пушаймон... Уша маънисиз, тутуруқсиз урушга минг лаънатлар бўлсин!

Махсус идишларда неча минг чақирим йўл босиб энг яқинларимиз учун авайлаб олиб келаётган Оби замзам сувидан пиёлаларга қуйиб уларга улашдик. Ичдилар. Аллоҳга шукроналар келтирдилар, кайфиятлари чоғ бўлди...

Эрта билан Жалолобод марказида ширчой билан иссиқ чавати тамади қилгач, Кобул сари йўл олдик. Йўл бўйида елкаларига машҳур «Калашников»ни осиб олган соқчилар. Умуман, юмуш билан юрган эркак зотининг елкасида автомат. Энг янги — тўннинг ичиди қўлтиққа қисиб олсангиз сезилмайдиган калтасидан тортиб каттасигача — ҳаммасини учратасиз. Магазин тўла ўқ. Тепкини боссангиз бас.. Аҳён-аҳёнда автомат овози қулоққа чалинади...

Ассалом, Заҳрииддин Муҳаммад Бобур паноҳ топган кўҳна Кобул! Жафокаш Афғонистоннинг пойтахтига кириб бормоқдамиз. Дафъатан шаҳарга кириб келиб, қаерда тўхташин билмай, кўчадан-кўчага ўтиб кезиб юрдик. Шаҳар кўчаларида қум тўлдирилган қоплар тахлаб ташланган, ҳарбий механизмлар жанговар ҳолда турибди. Шаҳар барикада ҳолатида экан. Катта бир меҳмонхона ёнига келиб тўхтадик. Ундан паҳлавон бир йигит чиқиб келди. У ҳар-

бий кийимда эди. Биз осмондан тушгандай туюлдик, шекили, ҳайрон қолди. Сўраб-суринтириб, бизнинг кимлигимизни билгач, дарҳол ичкарига таклиф қилди. Дарвоза ёнидаги елкасида автомат осиғлиқ соқчилар орасида меҳмонхонага кирдик. Бу ерга жангчи мужоҳидлар жойлаштирилган экан. Дарҳол бир неча хона бўшатилиб, бизни жойлаштиришди. Машинамизга соқчилар кўйилди.

Бизга муруват кўрсатиб, раҳнамо бўлган паҳлавон йигит билан бир пиёла чой устида батафсил танишдик. Афғонистоннинг бокс устаси, мужоҳид Муҳаммад Али экан. У бир неча марта Тошкентда бўлган, катта ҳалқаро мусобақаларда қатнашган, Узбекистонни яхши биладиган, дўстлар орттирган ажойиб инсон экан. Нина зарурат бўлса тортишмай унга айтишимизни, ташқарига бемаслаҳат чиқмаслик кераклигини тайинлади. Кейин билсак, бутун Кобул шаҳри жангчи-мужоҳид аскарлар билан қўриқланаётган экан. Меҳмонхона ҳудудининг қўриқчи-раҳнамоси. Муҳаммад Али экан.

Кеч кириб қолди. Экспедиция аъзоларини тўплаш зарур эди. Тўпландик. Маслаҳат бошланди. Нима қилиш керак? Ҳамма ўз фикрини айтди. Икки хил фикр чиқди. Биринчиси — зудлик билан шаҳардан чиқиб кетиш, иккинчиси — қолиб Бобур қабридан хок-тупроқ олиб кетиш. Шу алфозда хона-хонага хомуш тарқалдик.

Биз бесаранжом эдик. Томоғимиздан ҳеч нарса ўтмас, ўзимизни қўйгани жой тополмасдик.

Шунча йўл босиб келиб Бобур Мирзо қабрини зиёрат қилмай кетаверамизми? Ахир биз Бобур деб йўлга чиқканмиз. Наҳотки, Кобулда туриб у улуғ зот қабрини зиёрат қила олмасак?

Муҳаммад Алини топиш керак, деган қарорга келдик. Топдик. Маслаҳатлашдик. Қенгаш қарорини унга рўй-рост айтдик. У кечаси сира ҳам йўлга чиқмасликни, яхшилаб дам олиш зарурлигини айтди. Зийрак ва довюрак йигит экан, эрта билан Боги Бобурга ўзи бирга олиб боришини, сўнг куппа-кундузи Мозори Шарифга борадиган машиналар карвонига қўшиб кузатиб қўйиншини айтди ва шундай қилишимиз зарурлигини уқтириди.

Биз қолдик. Кобул тун қўйнида. Ҳаво дим. Хона димиқкан. Дарпардаларни икки томонга сидириб деразаларни очиб қўйдик. Кобул осмонидаги юлдузлар жимиirlайди. Бундан беш юз йил муқаддам ўз юртига сифмаган Бобур ҳазратлари ҳам Боло-Ҳисордами, Чиҳил-Сутундами ёки Боги Бобурдами мана шу мусаффо осмондаги жимиirlаб турган

сон-саноқсиз юлдузларга термулиб Ватан ишқида ўртангай, газаллар битган, буюк режаларини дилга жо қилган.

Сизга таъзим ва тасанно, Бобуршоҳ! Биз-ку Ватандан йўлга чиққанимиза энди етмиш кун бўляпти. Шу етмиш кун ичидаги Ватан соғинчи бутун вужудимизга хукмон ғулдиқолди, қани энди қанот бўлса-ю, Андижон—Ўзбекистонга учсан! Сизга у бардоши Аллоҳ ато этган экан.

Фаррух Расул чой дамлади. Нон тишлаб чой хўпладик. Шу пайт шаҳарнинг ҳар жой-ҳар жойидан тасир-тусур оти-лаётган ўқ овози кела бошлади. Фаррух беихтиёр ўрнидан туриб деразаларни беркитди, дарпардаларни тортиб ёпди. Бизга қараб, дераза рўпарасида ўтирмай нарёққа ўтинглар, дей хонанинг тўрини кўрсатди...

Отишмалар тингандай бўлди. Тун. Кўзларга уйқу келмайди. Бобур Мирзони эсламиз. Унинг ҳазрат Алишер Навоий услубида ёзган қўйидаги рубойиси ёдимизга тушди:

Ед этмас эмиш кишини ғурбатда киши;
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.
Кўнглум бу гариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Ҳа, тўлиқ ўн бир йил давомида Мовароунинаҳр ўлкасида чигатой темурий ва ўзбек султонлари билан шундай жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг саногини батафсил баён қилишга қалам тили ожиз ва нуқсондир. Охир, ҳамроҳлари ва қариндошлари бўлиб жами 250 га яқин киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда беяроғ, худога тавакқал қилиб, Бадахшон ва Кобулга қараб йўл олдилар. (Гулбаданбегим «Хумоюннома») Юқоридаги тўрт қатор рубойи ана шу инсон қалбидан силқиб чиққан нидо эди.

Кобул қадимий ва кўҳиша шаҳар. Птоломей ҳам бу шаҳарнинг номини тилга олган. Унинг асарларида Кобур шаклида учрайди. Шаҳар Кобул дарёси водийсида, Асмон ҳамда Шердарвоза тоғлари орасидаги воҳада дентиз сатҳидан 1820 метр баландликда жойлашган ғоят хушҳаво шаҳардир.

Кобул Ҳинд дарёсининг энг катта ўнг ирмоғи бўлиб, узунилиги 460 километрни ташкил этади. Кўхи Бобо тоғтизмасининг ён бағридан бошланади. Шаҳар ана шу ҳаётбахш дарё номи билан аталган.

Кобул аввал Кушан подшолиги, кейинчалик эфталитлар давлати таркибида бўлган. Еттинчи асрда араблар босиб

олган. Кобулда сомонийлар, газнавийлар ҳукмонлик қилганлар. Ун учинчи асрда эса Чингизхон шаҳарни вайрон қилган.

Бобур 1504 йилда Ҳисор тоғлари орқали энг оғир йўллар билан Афғонистонга ўтиб кетди. Бобур у ерда тарқоқ ҳолда афғон қабилаларини бирлаشتirdi, ўзига қаратди. Аввал Кобул, сўнг эса Фазни вилоятларини эгаллади. Мустақил давлат тузди ва Кобулни пойтахт қилиб олди. Сиёсий мавқенни батамом мустаҳкамлаб олган Бобур 1508 йили ўзини шу мамлакатнинг подшоҳи деб эълон қилди.

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳали ҳам Самарқанд илинжида эди. У 1510 йили Исмоил Сафавийнинг (Эрон шоҳи) шайбонийларга қарши курашидан фойдаланиб, Самарқандга юриш қилди ва уни эгаллади. Бу пайтда Шайбоний ҳалок бўлган эди. Шайбонийлар чекинди. Бобур учун Самарқандни мустаҳкам эгаллаб олиш имкони вужудга келган эди. Лекин, Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъи билан иш тутиши унинг баҳтига зомин бўлади. Аҳолида, норозилик ўйғонади 1512 йил 28 апрелда Кўли Маликда (Бухоро) Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлар билан жанг қиласи ва енгилади. Кобулга қайтиб кетади.

Бобур Кобулда 1504 йилдан 1526 йилгача ҳукмонлик қилди. У марказлашган, бақувват давлат тузди. Бобур боғоси Амир Темур бошлаб берган тараққийпарвар анъаналарни зўр матонат билан давом эттириди. Мамлакатни ободонлаштириш ишларини кенг кўламда олиб борди. Карвонсаройлар қурди. Ички ва ташқи савдони кучайтириди. Янги ариқлар чиқариш, тўғонларни тартибга солишга катта эътибор берди. Экин майдонларини кенгайтириди. Янги боғлар барпо этди.

Ана шу ишлар билан шунчалик банд эдики, бошлаган газалларини охиринга етказиш учун фурсат тополмасди. «Ул фурсатларда бирар, иккяр байт айтур эдим. Вале газал тугайтмайдур эдим»,—дейди бу улуғ зот.

Бу даврга келиб Бобур ҳаёт чиғириқларидан ўтиб ҳар томонлама етук, тўла-тўқис баркамолликка эришган эди. У ўз даврининг буюк намояндасига айланган эди.

«Бобурнома»даги мана бу сатрлар мағзини яна бир чақайлик: «Кобул вилояти тўртунчи иқлиминдир.... Мухтасар вилоятдур. Атроф ва жавониби тамом тоғдор. Қалъаси тоғга пайвастдур... ўн бир-ўн иккяр лафз била Кобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўгулий,

Ҳинди, афоний, пашойи, марожий, габрий, баракий, ламроний. Мунча мухталиф аҳвом ва муғойир алфоз маълум ёмаским, ҳеч вилоятга бўлғай. Вилояти ўн тўрт тумандур».

Ҳа, Бобур Кобул атрофида истиқомат қилган аҳоли таркибини, табиати, географик тузилишидаги хусусиятларни, ўша давр маъмурий бўлининишини, тоғлари, сувлари, водий ва тоғларида ўсадиган дараҳт ҳамда ўсимликлари, ҳатто наранда дунёсини ҳам яхши билган ва тенги йўқ маълумотлар қолдирган. Бунинг учун зийрак ва зукко, синчков олим бўлиш керак эди. У ана шундай хислатларга эга бўлган етук инсон эди.

Бобур ўз давлати чегараларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш тараддуиди бўлди. 1520 йилларга келиб Бобур давлати мустаҳкам ва қудратли мавқега эга эди. Зероки, Бобур ўзининг йирик марказлашган қудратли давлат барпо этиш борасидаги эзгу орзусини шу ерда амалга ошира бошлаган эди. Оқибатда ана шу ниятига эришди. Унинг давлати, «Кобул улуси» номи билан атрофдаги кўпгина мамлакатларга довруғ сола бошлади. 1522 йили у Қандаҳорни ҳам эгаллади. Энди буюк Ҳиндистонга дарвоза очилган эди...

Ана шулар хаёлимиздан ўтди. Тонг отди. Ҳузуримизга Мұхаммад Али келиб, тунги ваъдага биноан бизга ҳамроҳ — йўл бошловчи бўлди. Ташқари чиқдик.

Тунги маслаҳат бўйича вазият ғоят қалтис бўлганлиги сабабли Бобур қабрини зиёрат қилиш ихтиёрий эди. Шундай бўлса ҳам яна бир карра, ким боради, дея сўралди. Хайдиддин Султонов, мен, албатта, бораман, дея сафга қўшилди.

Мұхаммад Али йўловчи машинани тўхтатди, ҳайдовчи билан гаплашиб бизни таклиф этди. Утирдик, машина жилди.

Кобул дарёси бўйлаб бориб чап қўлга бурилдик. Озгина юргач чап томонда гўзал боғ кўзга ташланга бошлади. «Боғи Бобур», — деди ўша томонга бақувват қўллари билан ишора қилас экан Мұхаммад Али. Дарвоза рўпарасида машинадан тушдик. Бу боғда ҳам мужоҳид аскарлар жойлашган экан. Улар Мұхаммад Алини илиқ қарши олдилар, бизга ҳам боғ ичкарисига кириш учун рухсат бердилар.

Боғи Бобур! Бу муқаддас жойга бир неча минг чақирим йўл босиб, юзлаб шаҳарларни, тарихий обидаларни зиёрат қилиб келдик. Бу муқаддас боғга қадам қўйган дақиқалардаги ҳис-ҳаяжон ўзгача эди. Шундай бўлиши та-

бии. Зероки, бу ерда буюк бобомиз Заҳириддий Мұхаммад Бобур ётибдилар.

Дарвозадан кириб боғ оралаб, тепаликка кўтарилиб бормоқдамиз. Анвойи гуллар, мевали манзарали дараҳтлар бир-бирига уйғуналашиб кетган, табиий бир гўзаллик кашф этган. Оқ нимранг марвартак ва қип-қизил анор рангли шотутлар фарқ пишган,

Яна тепага кўтарилиб борсангиз ўнг қўлда — зилол булоқ суви мил-миллаб оқиб ётибди. Юз-қўлинигизни ювиб, ҳовучлаб ичасиз, муздек, ширин. Пўлатга сув бергандай қизиган баданингизнинг тафти босилади, чанқоғингиз қониб, роҳатланасиз. Чап томонда эса мўъжазгина шинам мармар масжид. Ҳалиги булоқ суви ана шу масжид ҳовлисидан оқиб ўтади. Ундан нарида ҳовуз.

Яна тепага кўтарилимиз. Хиёл чапроқдаги қабр-мақбарага кўзингиз тушади. Мана шу ерда — төг бағрида — Боғи Бобурда эман ва аргувонлар соясида Бобуршоҳ ётибдилар. Бобур шу боғда бўлиб, эман ва аргувонлар соясида дам олиб, пуштиранг — қизил гулларни томоша қилишини яхши кўрар эди. Бугун ҳам, воажаб, эман ва аргувонлар унинг қабри узра соя ташлаб турибди. Гуллар чаман очилган.

Жалолиддин Акбаршоҳнинг ўғли, Бобурнинг эвараси Жаҳонгиршоҳ 1607 йилда бобоси Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг мана шу қабрига сафана қурдириб, қабр тош кўйдиради. Кейинчалик эса сафанага ут томони ёпиқ шинам шийпон қурилган. Сафана ва унинг бош томонига қабр тош тик ҳолда ўрнатилган. Қабр тош кул ранг, жигар ранг, қорамтири мармардан ясалган, бир томонига Бобур шаънига битилган мадҳиялар, иккинчи томонига сафананинг Жаҳонгиршоҳ томонидан ўрнатилганлиги ёзилган.

Улуғ бобомиз қабрини зиёрат қилдик. У зотдан ёдгорлик бўлиб қолган масжидда намоз ўқидик. Иўл бошловчимиз Мұхаммад Алиниг улуғ зот Бобур руҳига бағишланган ҳазин тиловатларига сомеъ бўлиб қулоқ тутдик. Бобур мақбарасига соя ташлаб турган азим дараҳт тагида ҳавзан Бобур мавжларига ўйчан термулиб турдик. Шу ердан бутун Боғи Бобур, гўзал бир водий ястаниб қўзга ташланади. Кобул дарёси Боғи Бобурга яқинлашиб келиб тўлганини ўнга бурилиб оқади.

Қабрининг бош, ўнг ва чап, оёқ томонларидан тупроқ олдик. Бу пайтда боғ деворининг нариги томонида пайдарпай ўқ товушлари қулоққа чалинار, төғ этакларида турли гуруҳлар ўртасида ўзаро жанг борарди. Ором олиб ётган

буюк жангчи, улуг шоир, тенги йўқ боғбон бобомизнинг руҳи поклари бу нотинчлик, бу бемаъни қирғинлардан бе-зовтадек бўлиб туюларди бизга...

Мұхаммад Али раҳнамолигида Чиҳил Сутун боғи ва саройини тамошо қилдик. Шаҳарнинг кўҳна қисми Кобул дарёсининг жанубий соҳилида экан. Боло-Ҳисор қалъаси. Мұхаммад Нодиршоҳ мақбараси ва бошқа тарихий ёдгорликлар ўтмишдан ҳикоя қилиб түрибди.

Маълумки, Бобур Қобулда мустаҳкам ўрнашиб олга ч юртни обод қилиш, янги боғ-роғлар барпо этиш билан шуғулланарди. Айниқса, янги ариқлар қазиб сув чиқариш, ерларни экинзорларга айлантириш темурийларнинг доим диққат марказида бўлган. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи Қобул ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирар экан, шундай ёзди: «Менинг аммам Улугбек Мирзо замонида Вайс атка мирзонинг аткаси бу тогнинг доманасида бир ариқ, чиқаритур. Доманадаги боғот тамом бу ариқ била маъмурдир. Поёни об Гулкина отлиқ маҳалладур, хилват гўшадур, галаба лавандлиқлар анда қилиб эди».

Бобур ғоят табиатни севувчи, сергайрат, хушфеъл улуг инсон эди. Шу ўринда атоқли давлат арбоби Жавоҳарлаъл-Нерунинг Бобур ҳақида айтган қўйидаги сўзларини келтириш жоиздир. «...гарчи Фарғонанинг олма, ўриги, гуллари, сергўшт таомлари, тогнинг музликлари ва оби ҳавосини ниҳоят қофинган бўлса ҳам, лекин Ҳиндистон гўзал диёр... деган эди. У Ҳиндистонда (гарчи) кўп вақтини урушларда ва Агра шаҳрида ҳашаматли бинолар барпо қилишга бағишилаган эди. У ниҳоят ёқимтой, жасоратли, сергайрат киши эди, санъатни, адабиётни, ҳаётни яхши билар эди».

Қобулдаги Бобур қадамжоларини знёрат қиласр эканмиз, «Бобурнома»ни 1826 йилда инглиз тилига таржима қилган Эрскиннинг қўйидаги сўзларини эслаймиз:

«Бобур ҳарактерининг энг мислсиз белгиси унинг бошқа мулқдорларникуга мос келмаслигидадир. Осиё тождорларидаги маҳобатли, ... сунъий ҳарактер ўрнига бизнинг кўз олдимизда Бобурнинг ҳарактери табиий, ҳаётий, севувчи, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур таҳтда ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган. Биз Осиёдаги ҳукмдорлар орасидан Бобур сингари гениал ва талантли кишиларни кам учратамиз... унинг ақддининг актив фаолияти, хушчақчақ, совуқ-қонлик ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетикилиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахиyllиги, мардлиги, истеъоддиллиги, фанга, санъатга му-

ҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз».

Офарин! Заҳириддин Мұхаммад Бобур ана шундай дунё тан олган улуг зот эдилар. Қобулдан Мозори Шариф томон йўл олар эканмиз, қалбимизда бир ғурур, ифтихор мавжурар эди.

ШАҲАРЛАР ОНАСИ — БАЛХ

Қобулдан чиқиб Афғонистоннинг шимолига, Бобур қадамжолари бўлмиш Мозори Шариф, Балх томон йўл олдик. Мана тоғ олди текислиги ястаниб ётиди. Афғонистоннинг бу қисмида нисбатан осойишталик мавжуд. Аҳён-аҳёнда олтин бошоқли буғдой ўраётган, уни ҳўқизлар ёрдамида янчайдиган, бўшаган майдонларда қўш суреб ер ҳайдаётган юпун дехқонлар кўзга ташланади.

Машҳур Бақтрия текислигини тилиб ўтган йўллардан бормоқдамиш. Бақтрия Марказий Осиёдаги энг қадимги вилоятлардан ҳисобланади. Бу ном эронча — божтар замин, яъни шарқ томондаги ўлка маъносини англатади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, қадимги Бақтрия вилояти Амударёнинг ўрта оқимиға жойлашган. Ҳозирги Тожикистаннинг жанубий қисми, Ўзбекистоннинг Сурхондарё воҳаси, Туркманистаннинг шарқий қисми ва Афғонистоннинг шимолий қисмини ўз ўрамига олган.

Энг қадимга ёзма маълумот ҳисобланмиш «Авесто» китобида, қадимги Эрон подшоҳлари Доро ва Ксеркс ёздириб қолдирган Бехустун ва Нақши Рустам китбларида, қадимги хинд маибалари «Ригведа» ривоятлари, «Рамаяна» достони ҳамда қадимги юон асарларида Бақтрия тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд. Ана шу манбаларга асосланиб айтиш мумкинки, Бақтрия чегараси Шимолда Бойсун тогларидан Шеробод дарёси оқиб чиқадиган тоғ унгурни — Дарбандгача, жанубда Ҳиндикуш тоғларигача, Шарқда Бадахшон, Фарбда Марв воҳасигача бўлган. Бу ерда қадим замонларданоқ дехқончилик асосий касб ҳисобланган ва анча ривож топган. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Бақтрия қулдорлик муносабатлари ривожланган энг обод ўлкага айланган.

Бақтриянинг бош шаҳри ўша пайтларда Зариаспа номи билан аталган. Бу шаҳар шимолий Афғонистонда, яъни Балх яқинида жойлашган. Бақтрияни милоддан аввалги 329-327 йилларда Искандар Зулқарнайн босиб олди. Давр ўтиши

билил Искандар империяси емирила бошлади. Маълумки, Сирдарёнинг қўйи оқимидан бу ерларга дай, даҳ ёки тохор қабилалари кўчиб кела бошлаган эдилар. Улар Бақтриядаги грек оппозицион кучлар билан бирлашиб милоддан аввалги 250 йилда қўзғолон кўтардилар. Оқибатда Тохорлар давлати ташкил топиб Бақтрия-Тохористон номини олади. Гарбий Европа олимлари уни Грек-Бақтрия подшоҳлиги деб атадилар. Милоддан аввалги II аср ўрталарида эса Шарқий Туркистондан келган Катта Юечжи қавмлари Бақтриядаги Тохорлар давлатини емириб, ўрнига Кушанлар давлатини барпо этадилар. Бу пайтда пойтахт Термизда бўлган, деган тахминлар мавжуд.

Бақтрия қулай географик шароитга эга бўлган. Яқин Шарқ, Ўрта дengiz вилоятлари, Олтой ва Сибир, Хиндистон ва Хитой мамлакатлари билан савдо ва маданий алоқалар ривожланган. Бақтрияда йирик шаҳар, қаср ва ҳашаматли ибодатхоналар жуда кўп бўлган. Шунинг учун ҳам уни «бир минг шаҳар» мамлакати, деб аташган.

Бақтрия иқтисодий-географик ҳудудининг йирик савдо, саноат шаҳри ва транспорт нуқтаси бўлган Мозори Шарифга кириб келдик. Мозори Шариф Балх вилоятининг маъмурӣ маркази. Ўрта асрларда ҳозирги бу шаҳар ўринида кичкинагина Хайр қишлоғи бўлган. Кейинчалик Хўжа-Хайрон номи билан аталган.

Халқ орасидаги юрган нақлга кўра, бу ерга халифа ҳазрати Али дағи этилган. 1481—1482 йилларда шу жойда ҳашаматли мақбара қурилган. Шундан сўнг Мозори Шариф—муқаддас мозор деб аталган. Шаҳар номи шундан олинган. Бу мозор шиаларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган.

Шиа исломдаги тўрт асосий мазҳабдан биридир. Хўш, шиа мазҳаби қаердан келиб чиқди?

Маълумки, Муҳаммад саллоллоҳу алайхи вассалам вакъфларидан сўнг Абу Бакр, Умар, Усмон ҳамда Алилар бирин-кетин халифалик (ўринбосар) қиласдилар. Уларни чорёлар (тўрт биродарлар) ҳам дейишади. Али халифалиги даврида Сурия ҳокими Муовия бош кўтарди. Муовия билан Али ўртасида кураш бошланади. Ҳазрати Али 661 йили шаҳид бўладилар. Шундан сўнг Муовия Араб халифалигини бошқарди. Кейинчалик Муовиянинг ўғли Язид билан ҳазрати Алиниң ўғли Ҳусайн ўртасида кураш кетади. Даҳти Қарбалодаги жангда Ҳусайн ва унинг етмиш нафар тарафдорлари (шиалар-тарафдорлар) шаҳид бўладилар. Шундан сўнг Ҳусайн тарафдорлари — шиа деган ном олдилар.

Бу кейинчалик шиа мазҳабининг шаклланишига олиб келди.

Шиа мазҳабидагилар Аллоҳ ҳамда Муҳаммад пайғамбаримизга имон келтириш билан бир қаторда пайғамбаримиз куёви Али билан қизи Фотимадан тарқалган авлодни ҳам имом атайдилар, уларга юксак эътиқод билан қарайдилар, жами ўн иккимиз имом: Али ибн Абу Толиб (661 й., шаҳид бўлган), Ҳасан ибн Али (625-669), Ҳусайн ибн Али (626-680), Зайн ал-Обиддин Али (вафоти 713 й.), Мухаммад ал-Бакр (вафоти 732 й.), Жаъфар ас-Содиқ (700-765), Мусо ал-Козим (вафоти 799 й.), Али ар-Ризо (вафоти 818 й.). Машҳадда машҳур имом Ризо мақбараси бор, Муҳаммад ат-Тақиј (вафоти 835 й.), Али ан-Нақиј (вафоти 868 й.), Ҳасан ал-Аскариј (846—873), Муҳаммад ал-Маҳдиј (ривоятларга кўра 874-878 йиллар орасида ғойиб бўлган). Бироқ шиа мазҳабдаги мусулмонларда охир замонда имом Маҳдиј қайтиб келди, деган гап бор.

Ҳазрати Али мақбарасини зиёрат қилдик. Мозори Шариф шаҳри билан танишдик. Машинасозлик, металлсозлик, озиқ-овқат, тўқимачилик, тери ошлаш, пахта тозалаш корхоналари, гишт ва ойна заводлари мавжуд экан. Бозорлари ғоят гавжум. Қоракўл тери, жун, дон, мева, ёнғоқ, кўн-чарм, хуллас, исталган нарсаларингиз топилади. Ошхона, чойхона расталари доим гавжум бўлади.

Шаҳар меҳмонхонасига жойлашдик. Бу ерда ҳам мужоҳид-аскарлар кўп эди. Уларнинг аксарияти ўзбек тилида сўзлашадилар. Үмуман, Мозори Шариф шаҳрининг қаерида бўлсак, соғ ўзбек тилида мулоқот қилишларининг гувоҳи бўлдик. Кейин билсак, Афғонистонда олти миллион туркӣ—тилда гаплашадиган аҳоли бор экан.

Бизнинг меҳмонхонасига жойлашганимиз хабари афсонавий генерал Абдурашид Дўстимга етиб борибди. Маҳсус киши келиб бизни генерал қароргоҳига олиб кетди. Абдурашид Дўстим кечки дастурхонга таклиф этди. Туркманистондан ҳам меҳмонлар келишган экан. Ҳаммамиз жамул-жам бўлдик. Абдурашид Дўстим 35 ёшларда, девқомат, ғоят келишган, бақувват йигит. Қорақош, кўзлари меҳригиёли, чақнаб кулиб турди, буғдойранг юзидан нур ёғилиб турибди. Ғоят хушчақчақ, дилкаш, ҳазилкаш, ўта зиyrak ва оқил йигит экан.

Туркманистондан ташриф буюрган меҳмонлар қўлларига дўмбиralарини олишиб Маҳтумқули сўзлари билан айтиладиган классик қўшиқ бошладилар. Сўнг узоқ йиллар Абдурашид Дўстим ёнида юрган муроҷид ҳофиз танбур черта

бошлади. Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган классик қүшиқ таралди. Мўйсафид мужоҳид ҳофизнинг ғоят ширали овози Алишер Навоий битган ғазал сўзларининг маъно-мағизи билан ҳамоҳанг йўғрилиб бизни ром этиб қўйган эди.

Сўнг навбат бизнинг Адҳамжон ҳофизга келди. У торини қўлга олиб Бобур рубойиси билан қўшин бошлади:

Толиъ йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.
Уз ерини қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ераб, шетайин, не юз қародиг бўлди.

Адҳамжон бутун вужуди билан куйларди. Ҳамма уни берилиб, борлиқни унугтган ҳолда, оҳиста тебраниб тингларди. Ҳофиз эса торни мароқ билан, куй-оҳанг мақомининг ҳолини ҳолинга қўйиб чертар, Бобур қалбидаги дард-аламларни биз тингловчилар қалбига кўчирган эди.

Адҳам ҳофизнинг Бобур ғазаллари билан кетма-кет айтган бир неча қўшиғини тинглар эканмиз, Бобур боғомизнинг ички фожеасини, унинг соғ инсоний ҳис-тўйгула-ри, олий ғояларини ҳамда ўша давр ҳаётида мавжуд бўлган чуқур зиддиятларни ҳис этдик. Ҳа, Бобурни ўз Ватанингда тинглаш бир олам экан, мусоғирликда тинглаш эса бир жаҳон!

Ҳофизларга олқишлиар айтилади. Биз генерал қароргоҳида қолдик. Доктор Элмурод Арғун билан шу ерда танишдик. У 1951 йилда таваллуд топган. Ўрта маълумотни сарсон-саргардонликда эгаллаган. Үқишини қишлоқда бошлаган Элмурод Арғун Кобулга кўчади, сўнг Найманга, ундан Мозори Шарифда ўқиди. Кейин 12-синфни охири Найманда тугатди. Тарақий, Амин даврида зинданбанд қилинди.

Элмурод Арғун мужоҳидлар раҳнамоси сифатида курашади. Ҳали уйланмаган. Элмурод Арғун ғоят ўқимишли, зийрак ва зукко инсон, ҳақиқий ватан фидойиси. У умр бўйи китоб тўплайди. Кўп мутолаа қиласди. Ўз Ватани, ҳалқи, қолаверса, Туркистон тарихини чуқур биладиган теран олим ҳамдир. Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийларнинг тарихини, улар қолдирган меросни кенг ўрганган ажойиб инсондир. Жаҳон адабиёти, маданияти билимдони эканига бир неча кун ҳамнафас — ҳамсуҳбат бўлиб ишонч ҳосил қилдик.

Доктор Элмурод Арғун экспедиция аъзолари — бизга бўлган муносабатини ғоят нозик бир лутф шаклида изҳор

этиб: «Сизлар Бобурга ошиқ экансизлар, биз сизларга ошиқ-миз», дейди. У ўзининг шинам қароргоҳида бизни меҳмон қилди. Узоқ ўтиридик. Иўл босиб ҷарчаган ҳамсафарларнинг айримлари уйқуга кетиши. Ҳужрада Элмурод Арғун билан қолдик. У Бобур ҳақида жуда кўп билар экан. Пешоварда катта шахсий кутубхонаси бор экан. У Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида бир ҳикоя сўзлаб берди.

ЭЛМУРОД АРҒУН ҲИКОЯСИ

Бобур Кобул томон отланиб, машаққатлар билан тоғ-доғон ошади. Ҳориб-ҷарчаган навқирон Бобур бироз нафасни ростлаб олиш учун кичик бир водийда тўхтайди. Ёнидаги икки юз элликка яқин пиёда юриб ҳориган кишиларига ҳамдам беради. Ўзи ов қилиб кўнгил юпатиш билан шуғулланади.

Уша пайтда Кобул ҳокими Арғуннинг балоғатга этиб қолган, ғоят гўзал Нозанин цемли қизи бор эди. Аллоҳнинг инояти билан қиз тушида Бобур Мирзога ошиқ бўлиб қолади. Шу боис Нозанин отасидан Бобурга ёрдам беришни илтижо қиласди.

Бу орада темурзода ёш Бобур Кобулга яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар тарқалади. Кобул ҳокими унга пешвоз одам жўнатиб, аҳволни аниқ билмоқчи бўлади. Отасининг бу мақсадини фаҳмлаган қиз, мен ҳам бораман, деб туриб олади. Ота кўнмади. Элчи жўнатиш кейинга сурилаверди. Қиз сўзида қатъий туриб олди. Ўз суюкли қизининг сўзини қайтара олмаган Арғун рози бўлди. Ўзига содиқ, кўпни кўрган, зийрак лашкарбошиси билан икки минг аскар қўшиб Бадахшон сари юборди. Қиз йигитча кийинтирилиб, қуроллантирилди, аскарлар орасида сир сақланган ҳолда жўнатилди. Кобулистон ҳокими Арғун бу ёрдамини Шайбоқхон сезиб қолиб душманлик кайфияти ортиши мумкинлигини ҳисобга олиб лашкарларни «Ҳирот аскари» деб айтишини буюрди.

Бир неча кун йўл босиб улар Бобур ҳузурига этиб келдилар. Танишиб, дўст тутиндилар. Кунларнинг бирида Бобур янги дўстини овга таклиф этди. Отда овга чиқдилар. Чакалакзор, ёввойи йиртқич ҳайвонлар тўдаларига дуч келишди. Бобур овга қизиқиб чакалакзор ичра от солиб кетди. Дўсти эса ортда қолди. Бобур ҳамласидан ҳар томонга тирқираган йиртқич ҳайвонлар дўстининг атрофидан жон талвасасида қоча бошлади. От ҳуркиб, икки олдинги оёғини ҳавода муал-

лақ күтариб, кейинги иккى оёқда тик бўлди, қишинаб ўқдай чопиб кетди. Тоғ бағрига яқинлашиб, ўнг томонга кескин бурилиб кетди. Чавандоз «йигит» мувозанатни йўқотиб отдан ерга қулади.

Бу пайтда от суреб тепароққа күтарилиб кетган Бобур ёввойи тўнғизлар тўдасига дуч келган ва уларга наиза отиб ов қила бошлаган эди. Галадан жон талвасасида ажрабчиқкан тўнғизларнинг бир нечтаси отдан қулаган чавандозга бостириб кела бошлади. Ерга зарб билан тушган чавандоз ўзини ўнглаш учун қўзголган эди, яқин келиб қолган нар тўнғиз тумшуқ тиши билан ерда ётган чавондознинг йўғон сочини тилиб ўтиб кетди. Чавандоз хушидан кетди.

Бобур қайтиб келиб, не кўз билан кўрсинки, дўсти қонга беланиб хушсиз ётибди. Уни дарҳол табибга жўнатди.

Табиб ярани боғлаш баҳонасида ечинтириб кўрадики, йигит эмас, қиз экан. Шу пайтгача бу сирдан ҳеч ким воқиф бўлмаган эди. Бу хабар дарҳол Бобурга етиб боради. У зудлик билан қиз ёнига келади. Табибдан не қилиб бўлса ҳам қизни ўзига келтиришни илтимос қилади, Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайди.

Дори-дармон қиладилар. Қиз аранг ўзига келиб, қўзларини оҳиста очади. Бобурни кўриб энтигади. Кимлиги, қаердан ва нима учун, қандай қилиб келганини Бобурга айтиб беради. Уни қаттиқ севишини айтади... кўриб энтигади. Кимлиги, қаердан ва нима учун; қандай қилиб келганини Бобурга айтиб беради. Уни қаттиқ севишини айтади...

Элмурод Арғун қўзойнагини олиб нафис рўмолчаси билан артди, сўнг рўмолчани хиёл ёш қалқиган қаро қўзларига оҳиста босди.

Биз унинг ҳикоясига маҳлиё бўлиб, мижжа қоқмай қараб турардик. Давомини эшитгимиз келарди.

— Хўш, кейин-чи?

Элмурод Арғун яна ҳам жиддийлашди.

— Кейинми,— давом этди у.— Кейин Бобур ҳар қанча уринмасин қиз ўзига келмабди. У кўп қон йўқотган эди. Бобур қўлида жон берибди. Бобур ана шу қизнинг соғ севгиси ҳаққи-хурмати учун қирқ кун мотам тутибди...

Элмурод Арғун билан бобурхонлик қилиб тонг оттиридик. Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни муқаммал билувчи, уни севувчи самимий дўст орттирганимиздан бениҳоя шод бўлмб, Аллоҳга шукроналар келтирдик.

* * *

Иккинчи сафар чогида биз машинамизда Мозори Шарифдан Шибирғонга йўл олдик.

Мозори Шарифдан Шибирғонга олиб борадиган йўл Балҳ шаҳрининг шундайгина биқинидан ўтиб кетади. Балхга кириб ўтмоқчи бўлдик. Иўл бошловчимиз Муҳаммад Ризо қайтишда кирамиз, деб розиллик бермади. Иўл босиб бормоқдамиз. Иўл бўйида бир неча йил қаровсиз, эгасиз қолиб ишдан чиқаётган, сонсиз-саноқсиз ҳарбий техника топтаб ҳолдан тойдирган ерларга сув бостириб қўйибдилар. Сувни эмб юмшаган ерларни эса қўш-омоч билан ҳайдамоқдалар, дон сепмоқдалар. Аҳён-аҳёнда олдинроқ уруғ сепилган ердан униб чиққан кўм-кўк яшил гилам — майсазор кўзга ташланади.

Олдинроқ қайтиб келган оилалар уй, қўрғон тош-деворларини тиклаб олганлар. Қайтадан ўтқазилган мевали дараҳтлар кўкариб қолган. Дарвозадан кириб чиқаётган, тўпланишиб ўйнаётган болаларга аҳён-аҳёнда қўзингиз тушади. Иўл бўйларида гишт қуйиб, йигирма-ўттиз минг хом гиштни бир жойга Миср эҳромларидек тахлаб қўлбola усулда ўтин ёқиб пишираётган заҳматкашларни учратасиз.

Машина олға интилади, интилаверади, иккى ённингиздан ағон ҳаётини худди кино тасмадагидай лип-лип ўтаверади. Бу томонларда шаҳидлар дафи этилган қабристонлар унча қўринмайди. Ажал уруғи сочувчи ҳарбий техника қабристонлари ҳам йўқ. Чунки, биринчи ҳамладаёт бу ердагилар нариги томонга туриб-улоқтириб ташланган. Бу томонларда рус армиясининг қўмандонлари ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб олишган.

Мана, ўша машҳур Бақтрия текислигига жойлашган Шибирғонга ҳам етиб келдик. Шибирғон Афғонистоннинг шимолий қисмидаги, Дарёи Сафед (Оқардарё)нинг қуий водийсига жойлашган тарихий шаҳар. Жузжон вилоятининг маъмурий марказидир. Бу шаҳардан Мозори Шариф — Ҳирот автомобил йўли ўтган.

Шибирғон шаҳрига кириб бормоқдамиз. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Шимолий Афғонистоннинг тўққиз вилоятига (бу вилоятларда асосан ўзбеклар истиқомат қиладилар) раҳнамолик қилаётган генерал Абдурашид Дўстим ўша кунлари Саудия Арабистонига ташриф буюриб. Маккан мукаррамани тавоб қилиб қайтган пайти экан. Шаҳар ва қишлоқ оқсоқолларини қабул қилиш маросими ўтказилаётган пайтга биз ҳам етиб борибмиз.

Қабул маросимида иштирок этдик. Оппоқ соқолли, файли, чехраларидан нур ёғилиб турган нуроний оқсоқолларга Маккан мұкарамадан олиб келинганды оби зам-зам сувидар махсус пиёлала құйиб узатилди. Оқсоқоллар құл очиб дүкілдилар.

Бизни шаҳардаги махсус меҳмонхонанага таклиф этдилар. Меҳмондорчиликда бўлдик. Ёзувчи-шоир Муҳаммад Яхе Хофизий ва бошқалар билан танишдик. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар ҳақида мароқли суҳбат бўлди.

Мозори Шарифга қайтдик. Бу ерга бобуршунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, знёлилар тўпланиши. Кўҳна Туркистон тарихи ҳақида, соҳибқирон Амир Темур, Бобур ҳақида суҳбат қизиб кетди. Биз шу ерда Амир Темур ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлати байроқларининг аниқ тасвирини, Амир Темур ҳақида чоп этилган янги китоби кўрдик.

Кечки пайт меҳмонхонанага қайтдик. «Мозори Шариф» меҳмонхонасида бизни бир неча киши кутиб турган экан. Маълум бўлдики, бизнинг дарагимизни эшишиб бир гурӯҳ ёзувчи, шоир ва олимлар Шибирғонга ташриф буюришган экан. Улардан бехабар биз Мозори Шарифга қайтиб келибмиз. Бундан хабар топган дўстларимиз вертолётда уларни орқамиздан Мозори Шарифга етказибди.

Меҳмонхонанинг катта ва шинам залида жонли учрашув бўлди. Бир неча марта Узбекистонга ташриф буюрган Андижонда ҳам бўлган таниқли шонра Шафиқаҳоним Ерқин, Муҳаммад Яхе Ҳофизий, Муҳаммад Назир, Ҳалим Ерқин, Абдулғаффор Баёнӣ ва бошқа адабиётшунос олим, шоир ва ёзувчилар билан мулоқот бўлди.

Шафиқаҳоним ва бизнинг шонримиз Тўлан Низом янги шеърларини мороқ билан ўқиб бердилар. Узбекистонимизнинг ўтмиши ва ҳозири ҳақида тарихчи олимимиз Сайфидин Жалилов сўзлади. Бобур изидан босиб ўтган йўллар, амалга оширилган ишлар, олдинда турган мақсадлар ҳақида тўлиб-тошиб гаплашдик. Учрашув мароқли ва мазмунли бўлди.

Мезбонлар орасида мозориширифлик Абдулғаффор Баёнӣ ҳаммамизни хонадонига таклиф этди. Унинг хонадонидаги меҳмондорчилик қуюқ бўлди. Темур ва бобурийлар ҳақида суҳбат узоқ давом этди...

Эрталабки нонуштадан сўнг бизга биркитилган йўлбошловчимиз Муҳаммад Ризо тўғри Мозори Шариф вилояти қўмондонининг қароргоҳига олиб борди. У ердан қўмондонининг ўзи ва яна қуролланган икки аскар йигит бизга ҳамроҳ бўл.

дилар. Қўмондон ҳайдовчимиз ёнига ўтирди. У Балх шаҳридан экан. Кеча Шибирғондан сим қоқиб бу ишни шахсан қўмондонининг ўзига тайинлатибди. Тушундикки, Балхда вакият анча нозик экан ўша кезлари.

Мозори Шариф шаҳридан чиқиб, гарб томонга йўл олдик. Шибирғон томон бориб ўнг қўлга бурилдик. Кўҳна Балх! Бу шаҳар милоддан аввал еттинчи асрдан дунёга маълум бўлган. Балх тарихда Уммул билод, яъни шаҳарлар онаси номи билан тилларда достон бўлган. Юоннлар эса бу шаҳарни Бактра деб атаганлар.

Балхга кириб бордик. Гумбази кўкка бўй чўзган масжид рўпарасида тўхтадик. Аввал қуролли икки аскар, сўнг қўмондон ва биз машинадан тушдик. Икки қуроли аскар бир неча қадам нарида бизни муҳофаза қилиб борар, қўмондон ёса олдинда йўл бошлар эди. Муҳаммад Ризо бизга Балх тарихидан сўзлаб берарди.

Мана, хожа Абу Порсо масжиди ҳамда мақбараси. Бу тарихий обида ўн бешинчи аср охирларидан қурилган, айрим шикаст топган жойларини ҳисобга олмаганда яхши сақланган. Сал нарироқ бордик. Бобораҳим Машраб қабрини кўрсатишди. Қабр ғарип аҳволда, айтишларига қараганда, шонир дастлаб шу ерга дағи этилган, сўнг унинг муҳлислари хокиши олиб бориб Ишкамишга дағи этигандар.

Муҳаммад Ризо Балхнинг энг қадимий харобалари томон бошлади. Боло Ҳисор! Атрофи мудофаа девори билан ўралган бўлган. Үндан жануброқда эса янги Балх жойлашган. Кушанлар даврида шаҳар Тепаи Заргарон ҳисобига анча кенгайган. Уша даврда шаҳар қалъаси Боло Ҳисордан инги Балхга кўчирилган. Шунинг ҳисобига Боло Ҳисор, Тепаи Заргарон ҳамда янги Балх ҳудудларини ўз ичига олиб бирлаштирувчи шаҳар девори вужудга келган.

Археологик қазишлар ўтказилиши туфайли қадимги девор ҳамда шаҳар арки деворлари топилган. Тарихий манбалар шундан далолат берадики, Балх ахманийлар давлатига, сўнг Искандар Зулқарнайн империясига қарам бўлган. У буюк империя инқирозга юз тутгач, юқорида айтилган Грек-Бақтрия подшолигининг пойтахти бўлган. Бу милоддан аввалги 250—130 йилларга тўғри келади. Милоддан аввалги II асрдан эса Юечжилар, кейнироқ Кушанлар подшолиги таркибида бўлди.

Археологик қазишлар натижасида топилган ашёлар шундан далолат берадики, ана шу даврда шаҳар юксалган, хунармандчилик ривожланган, пул зарб қилинган. Эрон, Ҳиндистон, Хитой билан савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилган.

Шаҳарда ўша пайтда аҳоли зич бўлган. Балх ичкарисида аҳоли тўлиб, ташқарисига тошиб чиқиб уй-жойлар қурганилар. Балх Шарқ билан Фарбии боғлаб турган — олтин нуқта, яъни «Ипак йўли»даги тараққий этган йирик савдо шаҳарларидан бири бўлган.

Шаҳарлар онаси — Балх қанча-қанча баҳтли даврлар шоҳиди бўлди, шу билан бирга унинг бағрида баҳтиқаролик даврларининг ҳам изи қолди. Саккизинчи асрнинг бошида араблар Балхни вайрон қилиб, босиб олдилар. Унинчи асрда яна тикланди. Қадимги давр девори бузиб ташланиб, ўрида янги шаҳар девори тикланди. Газнавийлар, фурнийлар даврида Балх яна гуллаб-яшнади.

Ун учинчи асрнинг бошларига келиб Балх тепасига яна кулфат ёғилди. Мўгуллар ҳамма нарсани вайрон қилиб кириб бордилар. 1370 йилан бошлаб бу жабрдийда Балхнинг жонига Амир Темур бобомиз оро кирдилар.

Маълумки, 1370 йилдан соҳибқирон Амир Темурнинг ҳукмронлиги бошланади. Ана шу йили Амир Темур ўзининг рақиби бўлган қайноғаси Амир Ҳусайнни жангда мағлубиятга учратади. Дарҳақиқат, Балх шаҳрида бўлган жангда Амир Ҳусайн аскарлари батамом мағлубиятга учрайди. Мовароунинаҳр ҳукмдори бўлмиш Амир Ҳусайн ўлдирилади. Соҳибқирон Амир Темур Амир Ҳусайннинг хотини Сарой Мулкхонимга уйланади ва ўз номига «қўрагон» сўзи қўшиб айтиладиган (яъни Чингизхон авлодининг куёви маъносида) бўлади.

Балх шаҳрида тўплланган мовароунинаҳрлик қўшин бошлиқлари соҳибқирон Амир Темурни оқ кийгизга ўтқазиб удумга кўра бошлари узра тепага кўтарадилар. Амир Темурнинг пири Сайд Барака дуои фотиҳа бергач, соҳибқиронни Мовароунинаҳр амири деб эълон қиласидилар.

Ана шу санадан бошлаб Балх Темур ва темурийлар давлати таркибига кирди. Темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар даврида шаҳарлар онаси — Балх ривожланган муҳим вилоят ҳисобланиб, катта илмий марказга айланган. Ана шу даврда Балхда кўплаб тарихий, жўғрофий ҳамда адабий асарлар битилди.

Бу вақтда шаҳар икки қисмдан иборат эди. Яъни, шаҳри дарун (ички шаҳар) ҳамда шаҳри берун (ташқи шаҳар). Ана шу даврдан дарак берувчи масжид, мадраса, ҳаммом, раста ҳамда бошқа ёдгорликлар ҳозиргacha сақланиб қолган.

Шаҳарлар онаси Балх буюк сиймолар таваллуд топган муқаддас жой ҳамдир. Жалолиддин Румийдек буюк инсон

1207 йилда Балхда дунёга келди. У ёшлигидеёқ Кичик Осиё (Кўннега) келиб ўқиди ва мударрислик қилди. Буюк шоир, машҳур файласуф даражасига етган Жалолиддин Румий озод фикрлаш ва назарий тафаккурнинг тараққиётига муносаб ҳисса қўша олган алломадир. Е. Э. Бертелс сўзи билан айтганда: «Жалолиддин лирикаси бу соҳада башарият эришган энг буюк ютуқлардан биридир. Агар, у Фарбда кенгроқ маълум бўлганида, унинг номи жаҳон адабиётининг Шекспир, Гёте, Пушкин каби гигантлари қаторига ўтиши шубҳасиз эди». Балх ана шундай буюк инсоннинг киндик қони томган азиз шаҳар.

Қалъа-қўргон ичидаги Балх шаҳрини сайр қилдик. Одамлар гавжум. Расталарда турли-туман буюмлар, кўзни қамаштирувчи мевалар. Ҳунармандчилик растасида барча ўз ташвиши, юмуши билан машғул. Ҳамма ҳаракатда. Бу ерда эмизикли боласини бағрига босган ёш жувонлардан тортиб, оппоқ соқолли нуроний кексаларни, ясан-тусан қилиб олган, ўзига оро бериб кетаётган ёш қизлару. сипо йигитларни учратасиз. Ҳа, шаҳарлар онаси — Балх яшаган, яшамоқда ва яшайди ҳам. Балх кўчаларини кезар өканмиз, ана шу гап хаёлимиздан ўтди, унинг ёшариб, яна куч-куватга тўлиб бораётганини кўрдик.

Хайр, омон бўл, шаҳарлар онаси — Балх!

АССАЛОМ, ҲИРОТ!

Кўпдан бери орзиқиб кутган дамлар етиб келди. Учинчи сафарга отландик. Самарқанд, Бухоро зиёратидан сўнг Амударёдан ўтиб машҳур Мари (Марв) шаҳрига келдик. Мурғоб дарёси ва Қорақум канали бўйига жойлашган ҳозирги Мари гоят гўзал шаҳар. Биринчи ва иккинчи сафарга чиққанимизда ҳам, қайтишимизда ҳам бу оҳанраболи шаҳарда бўлиб, бироз нафасни ростлаб, сўнг йўл босганимиз. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Туркманистон давлати Мари вилоятининг маркази бўлган Мари замонавий шаҳардир. Бу ерда завод-фабрикалар, кўп қаватли ҳашаматли бинолар, маданият саройлари, сўлим истироҳат боғлари бор. Тарих музейи, кутубхоналар мавжуд. Янги шаҳардан 30 чақирим шарқда қадимги машҳур Мари харобалари сақланиб қолган.

Бу сафар йўналишни ўзгартириб Мари — Ашхобод йўлидан Кушка томон бурилиб кетдик. Бу чегара шаҳар Кушк дарёси водийсига жойлашган. Кушк Мурғоб дарёсининг энг йирик чап ирмоғи ҳисобланади. У Паропамиз тоф тизмасининг шимолий тармоқларидан бошланади. Шаҳар Мари — Қан-

даҳор (Афғонистон) автомобил йўлининг устидадир. Мана шу Кушка яқинида катта писта ўрмон хўжалиги ҳамда машҳур Бодхиз қўриқхонасиning маркази жойлашган.

Кушка ортда қолди, Ҳирот йўлига чиқиб олдик. Иўлга темир-бетон плиталар ётқизилган. Собиқ СССРнинг оғир ҳарбий техникаси бу йўлдан қатнайвериб, қобирғасини узиб юборган, қани энди йўл кўпайса, дўқир-дўқир, дўқир-дўқир, машина энтикиб, уҳ тортади, ичак-чавоғингизга келади...

Ез чилласининг куйдирман, ёндираман, дейдиган қуёши қоқ қиёмга келганда тоғлар оралаб, «гўр азоби» — йўл бошиб Ҳирот дарвозасига келдик. Ҳамманинг чеҳраси бир зумда очилди-қўйди, йўл азоби унүтилди-кетди.

Ҳирот! Қўхна шаҳар биз турган жойдан, ўзимизнинг Бонишамолдан кўзингизга Андижон шаҳри қандай кўриниса худди шундай кафтдагидек бутун ҳозирги бор бўйича яққол бўлиб туради. Шаҳар катта ва ғоят гўзал воҳага жойлашган. Воҳа машҳур Ҳерируд дарёсидан сув ичади, гуллаб-яшнайди.

Машинамиз тоғ ёнбағридан шаҳар томон эниб бормоқда. Ҳирот кўзимизга яна ҳам яққолроқ ташланади. Тасвирчиларимиз Тўлқинжон ва Фарруҳ Расул илтимосига кўра қулий бир тепаликда яна тўхтадик. Машинадан тушиб Ҳиротнинг қоқ ёлкасида туриб уни томоша қилдик. Тўлқинжон, Фарруҳ Ҳиротнинг тепадан кўринишини фильм — суратга тушира бошладилар.

Бизнинг бу кўхна шаҳар ва унинг буюк алломалари, саркардалари ҳақида кўпдан буён ўқиганларимиз, эшитган ва билганларимиз хаёлимиздан кино тасмасида акс этгандай бирма-бир ўта бошлади. Ҳирот! У милоддан илгари маълум ва машҳур бўлган. Айниқса, сомонийлар даврида гуллаб-яшнаган, ривожланган.

Еттинчи асрдан ислом нури Ҳиротга ҳам кириб келган. Араб халифалиги таркибида Ҳирот яна ҳам ривож топди. Сомонийлар даврига келиб эса Ҳирот Хурсоннинг асосий шаҳрига айланди. Ҳирот гурийлар, ғазнавийлар даврида ҳам юксалиб борди.

Бу кўхна шаҳар бағрида ҳам гоҳ яхши, гоҳ қаро кунларнинг изи қолган. 1221 йили Ҳиротни Чингизхоннинг қўшинлари бутунлай вайрон қиласидилар ва сўнг эгаллайдилар. Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтга эса Үктоҳон Марв ҳамда Балхни вайрон қиласидилар. Оқибатда Марказий Осиёдан Ҳиндистон ва Хитойга йўл олган карвонлар Ҳирот орқали ўтишга мажбур бўлганлар.

Уз ҳалқининг ҳалоскори Амир Темур ҳаддидан ошган мўғуллар жиловини тортди. Үнлаб, юзлаб қишлоқ ва шаҳарлар мўғуллар ҳамласидан ҳалос бўлди, ҳалқнинг елкасига офтоб тега бошлади. Ҳирот, ҳам, ҳиротликлар ҳам ана шулар жумласидан эди. 1383 йили Амир Темур бобомиз Ҳиротни ўз давлати таркибига қўшиб оладилар. Ҳиротни — Ҳирот қиласидан кунлар — давр бошланади...

Мана шу биз турган жойдан темурнилар даврида бунёд этилган, довруғи етти иқлимга маълум ва машҳур бўлган Мусалло ансамбли миноралари кўриниб турибди. Киночиларимиз терлаб-пишган ҳолда ишни битказдилар. Улар хурсанд, ҳамма шод. Иўлга тушдик. Шаҳарга кириб бормоқдамиз. Ўзаро курашлар бу кўхна шаҳар — Ҳиротда ҳам ўзининг ноҳуш изини қолдирган.

Тўғри Ҳирот ҳокимлиги жойлашган бинога бордик. Бу ерда ҳам ҳарбий интизом мустаҳкам. Ҳокимлик жойлашган бино шундайгина қатта боғ ёнида, шинам йўл ажратиб турди. Боғ сўлим, осмонўпар манзарали дараҳтлар, таги майсазор. Қаровсиз қолганлигидан, анча файзи кетган. Ҳиротликлар ҳозир узоқ давом этган бемаъни уруш асоратларини бартараф этиш билан бандлар. Улар вайрон бўлган уй-жойларни тиклаш, ишдан чиқаётган ерни ўзига келтириш билан машғулдирлар. Уларнинг дард-аламлари кўп.

Ҳокимлик биноси рўпарасида қофоз-қалам билан ўтирган кишиларни кўрдик. Улар ҳокимликка турли илтимос билан келаётган фуқароларга ариза ва илтимоснома ёзиб берниб, чойчақа олар эканлар.

Ҳирот вилояти ҳокими Муҳаммад Исмоилхон бизни жуда яхши кутиб олиб, ширин суҳбат қиласиди. Мақсадимиз аён бўлгач, маҳсус одамига бизни ўз қароргоҳига олиб бориб жойлаштиришни буюрди. Қароргоҳ шаҳарнинг кўркам жойида экан. Янги, замонавий бино, ҳовлиси шинамгина, сўлим боғ. Икки қаватли, хоналари ёруғ, баҳаво, ҳамма қулайликлар мавжуд.

Юваниб дам олдик. Кечқурун шу ернинг ўзида ташкил этилган зиёфат дастурхонига Ҳирот вилоятининг ҳокими Муҳаммад Исмоилхон ёнида юқори лавозимли кишилари билан ташриф буюрди. Дастурхон устида мазмунли суҳбат бошланди ва узоқ давом этди...

Тун, Ҳирот осмонида юлдузлар чарақлади. Кўзларимиздан уйқу қочди. Ҳаёлимизга яна Ҳиротнинг ўтмишию, буюк алломалар кела бошладилар. Ҳирот! Буюк инсон Алишер Навоий бешиги — Ҳирот, Амир Темурнинг қутлуғ қадами етган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ташриф буюрган, Ҳусайн

Бойқаронинг она-бешиги бўлган шаҳар — Ҳирот бу. Хаёлларимиз мозийга етаклади бизни. Беихтиёр, ўша 1405 йилнинг даҳшатли кунлари ҳақида ўқиган-билгандаримизни Ҳирот осмонидаги юлдузларга тикилганча ўртоқлашдик.

1405 йилнинг 18 феврал (17 шаърон 807 й.) чоршанба куни шом билан хуфтон намози ўртасида жаҳонни ларзага келтирган машхур саркарда, буюк ҳукмдор соҳибқирон Амир Темур қўрагон Ўтрорда ҳаётдан кўз юмди. Ўлеми олдидан буюк ҳукмдор: «Маълумингиз бўлғайим, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валинаҳд этиб тайинлайдурмен, токи Самарқанд таҳти ва аркони давлат анинг ҳукми фармонида бўлғай», — деб амри фармон қилган эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ўша пайтда Газнада турган Пир Муҳаммад Мирzonинг ҳузурига мактуб билан Ҳизр Қавчинни жўнатадилар. Мактубда соҳибқироннинг ўлим олдидан қилган васиятларига кўра, Пир Муҳаммад Мирзо тезлик билан Самарқандга этиб келиб, салтанатни ўзи эгаллаши зарурлиги таъкидланади. Бундан ташқари, Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзога, Бағдодда Мироншоҳ Мирзога, Табризда Умар Мирзога, шунингдек, Форс ҳамда Ироқдаги шаҳзодаларга ҳам хабарчилар юборилади.

Бироқ буюк ҳукмдор Амир Темурнинг жасади ҳали совумай туриб, таҳт учун кураш бошланади. Тошкент ва Сайрамда қишлоғда турган қўшин бошлиғи Халил Султон Мирзо бобоси ўлимини эшитибоқ Самарқандга юриш қиласди. Туркистонда турган Султон Ҳусайн Мирзо ҳам зудлик билан Самарқандга қараб йўл олади. 1405 йилнинг 18 март куни Халил Султон Мирзо Самарқандга кириб, улуғ бобоси Темурнинг таҳтига ўтиради. Буюк ҳукмдор васият қилган валиаҳд четда қолиб кетади. Таҳт учун қонли кураш бошланади. Бу Амир Темур империясига, умуман, темурийлар сувласига дарз кетганидан далолат эди. Таҳт учун қонли кураш бошланди...

Бу пайтда Шоҳруҳ Мирзо Ҳирот ҳукмдори эди. 1407 йил 22 февралда Пир Муҳаммад Мирзо вазири амир Пир Али тоз томонидан бўғиб ўлдирилади. Халил Султон Мирзодан жангда енгилиб Балхга қочган ҳақиқий валиаҳднинг анашу фожиасидан сўнг, Шоҳруҳ Мирзо Самарқанд таҳтига даъвогар сифатида майдонга чиқади. Зероки, бу пайтда Мовароунаҳр ҳамда Хурсондаги темурий шаҳзодалар орасида ёши улуғи ҳам, истеъоддлиси ҳам Шоҳруҳ Мирзо эди. Унинг ота таҳтига даъвогар бўлиши қонуний ва табиий эди. Шоҳруҳ Мирзо курашда ғолиб чиқади, Халил Султон Мир-

зо Мовароунаҳр ҳукмдорлигидан воз кечади ва у Рай вилюятининг ҳокими этиб тайинланади.

Шундай қилиб, Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга 1409 йил 13 майда кириб келади. Самарқанд аркон давлатини ғанимлардан тозалайди, тартиб ўрнатади. Ўз ўели Улугбек Мирзони Мовароунаҳр ҳукмдори этиб тайинлайди. Иккинчи ўели Иброҳим Султон Мирзони Балхга, собиқ валиаҳднинг ўели Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони Ҳисор ва Соли Саройта, Умаршайх Мирzonинг ўели Аҳмад Мирзони Фарғонага ҳоким этиб тайинлайди. Узи эса Ҳиротга қайтади. Шундай қилиб Ҳирот ҳукмдори Шоҳруҳ Мирzonинг ақл-заковати, ҳаракати шарофати билан тез путур етабошлаган Амир Темур империяси устунлари анча мустаҳкамланади.

Ҳирот ҳукмдори Шоҳруҳ Мирzonинг нигоҳи доим Самарқандда бўлди, ўели Улугбек Мирзони қўллаб-қувватлаб, унга зарур пайтда мадад бериб турди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Андижон, Аҳси — Фарғона водийси тақдири ҳам Ҳирот ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо эътиборидан четда қолмаган. Маълумки, 1413 йилнинг кузида Улугбек Мирзо билан Фарғона ҳукмдори, ўз амакибачаси — Аҳмад Мирзо ўртасида келишмовчилик вужудга келади. Улугбек Мирзо қўшини билан келиб Андижон ва Аҳсини жанг билан олади, тартиб ўрнатади. Аҳмад Мирзо эса Қашқарга ўтиб кетади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Ҳирот ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо 1415 йил 25 майда Фарғона водийсида мўгулларни ёнига олиб сувни лойқалатаётган Аҳмад Мирзога мактуб йўллаган. Мактубда шундай жумлалар битилган: «Эштишимизга қараганда, Аҳмад Мирзо билан фарзандимиз Улугбек орасида фисқу фасодчиларнинг номўтабар сўзларига эътиборан шаҳарлар ва фуқароларнинг ташвишларини ортирувчи кечмиш юз берибди. Бу хабарни Ироқ мамлакатида эканлигимизда эшитдик, аммо масофа йироқлиги туфайли, унинг тадорикини кўришга кириша олмадик. Доруссалтанаат Ҳиротга келгандан кейин эса эшитдикки, у фарзанд Мўғилистон томон кетаётган эмиш. Бу ҳол биз учун бағоят маслаҳатдан йироқ ва ажиб туюлди. Чунки биродарлар ва фарзандларга чисбатан бизнинг «бешикдан тобутгача» ғамхўр эканлигимиз унга маълумдир. Ота-болалик биноси қўзғолмай турувчи тоғлардек собит бўлмоғи учун у фарзанд бизнинг ҳузуримизга ҳомийлик паноҳини сўраб келишига ишончимиз комил ва эътиқодимиз кучлидир...»

Шундай қилиб, Аҳмад Мирзо 1416 йилда Қашқардан

Ҳиротга келади. Ҳиротда у Илангир Мирзо билан ҳамтовоқ бўлиб шаробхўрликка муккасидан кетади. Бундан хабардор бўлган Шоҳруҳ Мирзо Аҳмад Мирзони Қаъбатулло зиёратига жўнатишга фармон қилади. У зиёратдан қайтиб келмаган ва 1425 йилда вафот этган.

Шоҳруҳ Мирзо ўз акалари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо ҳамда Мироншоҳ Мирзо авлоди — таҳт даъвогарларини ўз қўл остига бирлаштиришга эришади. Шундай қилиб, Озарбайжон, Мовароуннаҳр, Хурросон ҳамда Шимолий Ағонистондан иборат йирик ва бақувват давлат жиловини ўз қўлига олади. Ҳирот ва унинг ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо соҳибқиён Амир Темур асос солған империянинг мустаҳкам ва забардаст устунига айланади.

Шоҳруҳ Мирзо даврида Ҳирот, умуман, сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий жиҳатдан гуркираб ривожланди. Оқибатда мамлакат пойтахти Ҳирот Шарқининг энг нуфузли ва гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Масжид-мадрасалар, хона-қоҳ, мақбара, даҳма, мусофирихона, шифохона, кўпприк ва сардобалар қурилди.

Шоҳруҳ Мирзо Шероздан Ҳиротга қайтиб келаётган пайтда йўлда касалланиб, 1447 йилнинг 12 март куни қазо қилади. У суюкли катта хотини Гавҳаршод бегимнинг аралашуви оқибатида умрининг охиригача валинаҳд тайинлаш борасида бир муқим қарорга кела олмаган эди. Оқибатда Гавҳаршод бёгим қўшин қўмандонлигини Абдуллатиф Мирзога (невараси, Улуғбекнинг ўғли) топширади. Лекин, зудлик билан Ҳиротга Алоуддавла Мирзога (суюкли невараси, Бойсунқур Мирzonинг ўғли) «Ҳиротни мустаҳкамлаш» ҳақида маҳфий мактуб битиб, чопардан жўнатади. Буни фаҳмлаб қолган Абдуллатиф Мирзо бувиси Гавҳаршод бегимни маҳбусликда сақлайди, Амударё томон юриб бобоси Шоҳруҳ Мирзо вафоти ҳақидаги хабарни ўз отаси Улуғбекка етказади.

Шундай қилиб, темурийзодалар ўртасида яна низо бошланади. Мактубни олган Алоуддавла Мирзо қўшин тортиб келиб Абдуллатиф Мирзога қўққисдан ҳужум қилиб, уни мағлубиятга учратади ва бувиси Гавҳаршод бегимни қутқаради. Абдуллатиф Мирзони Ҳиротга олиб келиб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўяди. Шоҳруҳ Мирzonинг жасадини эса Гавҳаршод бегим мадрасасидаги Бойсунқур мақбарамасига дағи этадилар. (1448 йилда эса Улуғбек Мирзо Ҳиротни вақтинча қўлга киритган вақтда, отаси Шоҳруҳ Мирzonинг хокини Самарқандга олиб келиб, Гўри Амирга дағи эттиради).

Шундай қилиб, Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин Ҳирот таҳтини Алоуддавла эгаллади. Афсус ва надоматлар бўлсинким, Улуғбек Мирзо Хурросонни жанг билан қўлга кирилди, лекин бу ғалаба унга шуҳрат эмас, балки ўз ўғли Абдуллатиф Мирзо ўртасида ўнгланимас низони келтириб чиқарди. Бу пайтда Улуғбекнинг йўқлигидан фойдаланиб Абдулхайрихон Мовароуннаҳрга бостириб кириб, Самарқандга яқинлашиб қолади. Улуғбек Абдуллатифни Ҳиротда қолдириб, Самарқандга қайтид. Бундан хабар топган Абулқосим Бобур Мирзо Сарахсан қўшин юбориб Ҳиротни эгаллади. Абдуллатиф Балхга қочди.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда вафот этади. Шундан сўнг Самарқанд ҳукмдори Султон Абу Сайд Мирзо Ҳиротни қўлга киритади. 1459 йилда у Самарқанд таҳтини катта ўғли Султон Аҳмад Мирзога бериб, ўзи Ҳиротни пойтахт қилиб олди.

1468 йилнинг феврал ойида ғарбий Эрон ҳукмдори Жаҳоншоҳ вафот этади. Ҳирот ҳукмдори Эронни қайта қўшиб олиш учун юриш бошлайди, у 1469 йилдаги жангда ҳалок бўлади.

Султон Абу Сайд Мирзо ҳалок бўлганда ундан беш ўрил қолганди. Катта ўғли Султон Аҳмад Мирзо — Самарқандда, иккинчиси — Султон Маҳмуд Мирзо — Ҳисорда, учинчиси — Умаршайх Мирзо — Андижонда, тўртинчиси — Абубакир Мирзо — Бадаҳшонда, бешинчи ўғли Улуғбек Мирзо Кобулий — Кобулда ҳукмрон эди.

Уша даврдаги вазият Ҳирот таҳтига Султон Ҳусайн Бойқаронинг келишига йўл очди. 1469 йилда Ҳирот таҳтига Султон Ҳусайн Бойқаро ўтириди. У Умаршайх Мирzonинг набираси эди. Она томонидан эса Мироншоҳ Мирzonинг чевараси бўлган...

Хаёлимиздан ана шулар кечди. Эрта билан ионуштадан сўнг Ҳирот шаҳри билан танишишини бошладик. Эски шаҳар ҳозирги Ҳиротнинг шимоли-ғарбида қолган. Уша томон йўл олдик. Мана, машҳур Мусалло ансамбли. Афсус ва юз афсуслар бўлсинким, асрлар бўйи табиат ва қолаверса ғанимлар ҳужумига бардош бериб келган тарихий обидалар вайрон бўялган. Мусалло майдони хароба бир «қабристон»га айланган. Ағонистон тупроғида бир неча йил давом этган уруш мана шу муқаддас маскандада ҳам тил билан ифодалаш қийин бўлган хунук из қолдирган.

Лойқа босган сой суви эринибигина оҳиста оқмоқда. Бу «Бобурнома»да тилга олинган Жўйи Инжил сойидир. Шу сойдан ўтибоқ ўнг қўлга буриласиз. Мўъжазгина мақбара,

Йўлдан бориб мақбарага яқинлашасиз. Эшиги йўқ, очик, шундайгина Жўйи Инжил лабида. Ўт-ўлан босган ёлғиз оёқ йўл Ичкари кирасиз, девор сувоқлари нураган. Тўрт бурчак мақбааранинг юқорироқ қисмида ҳозирги замон замбарагининг шум ўқи зарб билан очган катта тешик. Тешик атрофи дарз кетиб, гиштлар уқаланиб ётибди. Уртада тупроқ, гишт синиклари қоплаган мўъжазгина қабр. Ҳазрати Мир Алишер Навоий шу ерда ётидилар. Ҳаммамиз хомуш ҳолда бошимизни эгиб у улуғ зот руҳи покларига атаб Қуръон тиловат қилдик.

Мероси жаҳон маданиятнинг ноёб обидалари сифатида яшаб, юксак қадрланаётган инсон шу аҳволда ётса. У инсон ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз сиймоси. Ҳиротда дунёга келди ва шу ерда ётибди. Бу буюк инсоннинг ҳаёти муракаб ва зиддиятли бўлди. Бобомиз Алишер Навоий қабр-мақбарасида туриб мавлоно Лутфий сўзлари ёдимизга тушди. Ёш Алишер Навоийнинг:

Оразин ёпқоч, кўзумдан сочишур
 ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз,
 ниҳон бўлғоч қуёш

матлаъли ғазалини тинглаб мавлоно Лутфий: «Агар мұяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-үй икки минг форсий ва туркий байтими шу ғазалга алмаштирадим...» деганлар.

Абу Сайд Мирзо бадахшонийлар қўзғолонига хайриҳоҳ бўлган Алишер Навоийни Заҳириддин Муҳаммад Бобур сўзи билан айтганда, Ҳиротдан «ихрож» (сурғун) қиласди. Алишер Навоий ўша давр йирик маданият маркази — Самарқандга келади, машҳур олим Фазулллоҳ Абдуллайсий мадрасасида таҳсил олади. Ҳусайн Бойқаро Ҳуросон тахтини эгаллагач, Алишер Навоий Ҳиротга қайтади.

Нақадар ҳаяжонли дамлар. Ҳаяжонланимай бўладими, ҳозир биз турган шу заминда Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлганлар. Ҳудди биздек мана шу Жўйи Инжил лабида туриб атрофга назар ташлаганлар, Ҳирот кўчаларида юриб, обидаларни зиёфат қилганлар. Келинг, у кишининг сўзларига қулоқ тутайлик:

«Ингирма кунким, Ҳирийда эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим...» Бу йигирма кунда машҳур саройгоҳлардан бир Султон Ҳусайн Мирзонинг хо-

нақоҳидин ўзга ер кўрилмаган шояд қолмади экин, Гозургоҳ ва Алишербекнинг борчаси ва жувози қозоз ва Тахтиостона ва Пуликоҳ ва Каҳдистон ва Боги Назаргоҳ ва Нематобод ва Гозургоҳнинг хиёбони ва Султон Аҳмад Мирzonинг хазинаси ва Тахти Ҳожибек ва Шайхи Баҳоуддин Умар ва Шайх Зайнiddин ва Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг мазорот ва мақобирини ва намозгоҳи Мухтор ва Ҳавзи Мөҳиён ва Соқи Салмон ва Биллурийким, асли Абувлалид экандур, имом Фаҳр ва Боги хиёбон ва мирzonинг мадорис ва мақобирини ва Гавҳаршод бегимнинг мадрасаси ва мақбрасини ва масжиди жомени ва Боги Загон ва Боги Нав ва Боги Зубайда ва Султон Абу Сайд Мирзо солғон Дарвозаи Ироқнинг тошида Оқсанарой ва Пўрон ва Сўған Тирандазон ва Чарғолони ва Мирвоҳид ва Пулимолов ва Ҳожа Тоқ ва Боги Сафид ва Тарабхона ва Боги Ҳаҳоноро ва Қўшқ ва Муқаввийхона ва Савсанхона ва дувоздақ бурж ва Ҳаҳоноронинг шимоли тарафидаги улуғ ҳавз ва тўрт тарафидаги тўрт иморат ва қалъанинг беш дарвозаси: Дарвозаи Малик ва Дарвозаи Ироқ, Дарвозаи Фирузобод ва Дарвозаи Хуш ва Дарвозаи Қипчоқ ва Бозори Малик ва Чор Су ва Шайхулисломнинг мадрасаси ва Маликларнинг масжиди жомен ва Боги Шаҳар ва Бадиuzzамон Мирzonинг Жўйи Инжил ёқасидаги мадрасаси... борини андак фурсатта сайр қилдим».

Мана Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлган Ҳиротнинг кўриниши. Ҳиротни бундан ортириб таърифлаш мумкин эмас. Бундай маҳорат Бобур Мирзога Аллоҳ томонидан ато этилган буюк хислат.

Бобур бобомиз Алишер Навоийдек буюк шонрга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қараганлар. «Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас», — деб юксак баҳолайди Бобур. У киши қурдирган муҳим бинолардан бири «Унсия» эди. Алишер Навоий Ҳиротда кўп забардаст иморатлар «Унсия»да шоир ўзи яшаган ва бу ерда мукаммал кутубхона ташкил этган. Бобур ҳазратлари Ҳиротда бўлган вақтларида ана шу «Унсия»да ва Алишер Навоий солдирган бошқа ҳашаматли биноларда бўлганлар. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай дейдилар:... «Алишербекнинг ўлтурур-йулариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жоменинким, «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, «Ҳалосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва дорушшифосиниким «Сафоя» ва «Шифоя» дерлар».

Бобур Мирзо Ҳиротга келган вақтида Алишер Навоий-

нинг уйидаги турган. У бу ҳақда шундай дейди: «Боги Навоий бир кечада бўлдим, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиротдан чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўрган Навоийнинг анашу мадрасаларида Амир Бурхониддин Атоуллоҳ Нишонпурӣ, Қози Ихтиёриддин Ҳасан Турбатий, Амир Муртоз, устоз Муҳаммад Низомий, Амир Жамолиддин Асилий, Амир Садриддин Машҳадий, хожа Имомиддин Абҳарий, Мавлоно Гиёсиддин Муҳаммад бинни Мавлоно Жалолиддин каби машҳур олимлар турили илмлардан дарс берганлар. Мирхонд ва Ҳондамир каби буюк тарихчилар ўз асарларини Алишербек кутубхонасида ёздилар...

Навоий қабрини зиёрат қилиб, мақбарадан ташқари чиқдик. Мақбаранинг орқа томонида, ўша хомуш оқаётган Жӯйи Инжилнинг у бетида тўрт минор бор. Мана шу осмон ўпар, фоят ҳашам кўтарилиган тўрт миноранинг ўртаси Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий даврида мадраса бўлган ва «Мусалло» ансамблига кирган, гуллаб-яшнаган энг гўзал, энг гавжум маскан бўлган. Ҳозир тўрт улкан минора қолипти, холос. Бу миноралар худди вайронна қабристонга санчиб қўйилгандай. Бу миноралар ҳам ўқ еган, бутун танаси жароҳатланган.

Навоий мақбарасидан чиқишингиз билан, хиёл ўнг томондаги мақбарага кўзингиз тушади. У нисбатан яхши сақланган. Бу ўша машҳур Шоҳруҳ Мирзонинги суюкли катта хотини Гавҳаршод бегим мақбарасидир.

Гавҳаршод бегим Чигатой зодагонларидан бўлмиш Фиёсiddин Тархоннинг қизи эди. Гавҳаршод бегим 1379 йилда турилиган, 1393 йилда Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзо унга уйланган, ундан ўч ўғил, икки қиз кўрган. Тўнғич ўғли — Улугбек Мирзо, ўртанчasi — Бойсунқур Мирзо, кичиги — Муҳаммад Жӯқи Мирзо.

Гавҳаршод бегим ҳусн бобида беназир, юксак дидли, зийрак-фаросатли, тадбиркор, бир сўзли — қатъиятли аёл эди. У салтанат ва девон ишларига аралашиб турарди. Тарихий манбалар шундан далолат берадики, Шоҳруҳ Мирзо ўзининг кенжаси ўғли Муҳаммад Жӯқи Мирзони валиаҳд этиб тайинлаш мақсадида эди. Лекин бу мақсад маликага ёқмайди. Чунки у набираси Алоуддавла Мирzonи валиаҳдликка муносиб кўради. Аммо бу мақсадни ошкора амалга оширишга тўнғич ўғли Улугбек Мирзодан ҳайиқар эди. Буни Шоҳруҳ Мирзо қўли билан амалга оширишини ўйларди.

Гавҳаршод бегим Ҳиротдаги жуда кўп қурилиш ишлари-

га раҳнамолик қилди. Ҳиротда иккита катта мадраса қурдиради.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин таҳт учун авж олиб кетган қонли кураш тепасида Гавҳаршод бегим турарди. У невараси Алоуддавла Мирзони ҳукмдор қилиш учун турли макр-ҳийлалар ишлатади, лекин мақсадга ета олмайди. Емони шундаки, темурий шаҳзодалар ўртасида қонли тўқишауввларни келтириб чиқаради...

Саксон ёшга яқинлашиб қолганда ҳам Гавҳаршод бегим ўз мақсадидан воз кечмаган эди. У чевараси Султон Иборахим Мирзони Ҳирот ҳукмдори Султон Абусайид Мирзога қарши исён кўтаришга ундиади. Гавҳаршод бегимнинг бу ҳаракатидан воқиф бўлган Султон Абу Сайд Мирзо маликани чопиб ташлашга фармон қиласди. 1457 йилда Гавҳаршод бегим чопиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунқур даҳмасига дағи этилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳусайн Бойқаро ҳам шу атрофга дағи этилган. Вайрона оралаб кўп юрдик, лекин Ҳусайн Бойқаро қабрини топа олмадик, бошловчимиз ҳам аниқ бир гап айтила олмади. У Ҳирот марказида бир олим борлиги, у билан эртага яна шу ерга келишимизни айтди.

Биз тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишда давом этдик. Ҳирот Жоме масжидини (13-14-асрларда қурилган) қўрдик. Пештоқи ҳамда миноралари 1936—1944 йилларда қурилган. Бу фоят ноёб обида бизда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, мавлоно, Абдураҳмон Жомий ва бошқа улуғ инсонлар қабрини зиёрат қилдик.

Эртасига йўлбошловчимиз айтган олимни топдик. У кинши олтмиш ёшларга яқинлашиб қолган, оқсоқол, нуроний, файзли инсон — Мавлавий Анбарий эканлар. Бу тарихчи олим бизга ҳамроҳ бўлди. Биз яна Мусалло ансамбли, Жӯйи Инжил бўйига йўл олдик. Мавлавий Анбарий бу ерларни яхши билар экан. Бизни ўша машҳур Жӯйи Инжил ёқасига-ча тўғри бошлаб бориб, ўнг қўлга бурилди. Алишер Навоий мақбараси ёнидан ўтиб, бироз боргач, чап қўлга бурилдик. Вайрона оралаб бормоқдамиз. Оёқ остида ғиж-ғиж ўқдан бўшаган гилзалар. Худди бутун афғон уруши шу ерда бўлгандай.

Мавлавий Анбарий қоп-қора қабртош ёнига бориб тўхтади. «Ҳусайн Бойқаро мана шу ерда ётибди», — деди олим. Уша машҳур «ҳафт қалам» қора қабр тоши, етти қават ўйиб нақш ишланган. Фоят юксак маҳорат, юксак дид соҳиби бўлган ўша давр усталарининг такрорланмас, тенги

йўқ ҳунарларидан далолат бериб турибди. Жаҳонда ўхшаш йўқ бу нодир қабр тош ҳам қаттиқ жароҳатланган. Бу қабр тош улкан мақбаранинг ичидаги бўлган. Лекин, мақбарадан асар ҳам йўқ, обдон вайрон қилинган.

Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро 1500 йили вафот этди ва шу ерга дағи қилинди. Ҳа, Хурросон ҳукмдори, ўзбек шоири, темурийлардан Умар Шайхнинг эвараси — Ҳусайн Бойқаро мана шу «жабрдийда» тошнинг тагида ётибди.

Ҳусайн Бойқаро Абу Сайд Мирзога қарши курашиб, 1470 йили Ҳирот таҳтини эгаллади ва то умрининг охир гача ҳукмдорлик қилди. Дўст-қадрдони Алишер Навонийн аввал мұхрдор, сўнг бош вазир этиб тайинлади. Ҳусайн Бойқаро давлати шимолда Хоразмдан жанубда Қандаҳор ва Сейистонгача, шарқда Балх ва Газнадан гарбда Дамгоянга бўлган ҳудудни ўз ичиға олган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотинлари ва хос канизларидан 14 ўғил ва 11 қиз бор эди. Хотинлари орасида энг суюклиси Ҳадича бегим эди. Ҳадича бегим 1451 йилда Ҳиротда таваллуд топган, 1475 йилда Султон Абу Сайд Мирзо Ҳиротни эгаллагач, унга инъом этилган хос канизлардан бири эди. Ҳусайн Бойқаро Ҳирот таҳтини эгаллагач, шаръий иддаси (уч ой) тугагач, Ҳадича бегимни кўриб, севиб қолади ва ўз никоҳига киритади.

Шоҳғарип Мирзо, Музофар Ҳусайн Мирзолар Ҳадича бегимдан туғилган фарзандлар эди. Ана шу фарзандларнинг онаси бўлмиш Ҳадича бегим гўзал, латофатли, димоғдор, табиатан ичи қоралик, макр-ҳийлагага мойил аёл эди. Заҳириддин Муҳамад Бобур Мирзо Ҳадича бегимга бекам-кўст баҳо берган: «ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй (эзма) хотун эди, рофизия (шия мазҳабининг оқими) ҳам экандур».

Ҳадича бегим ўз ўғилларидан бирини валиаҳдликка мўлжаллаб иш тутар эди. Лекин Алишер Навоний бошлиқ сарой аҳли валиаҳдликка Бадиузвазон Мирзонинг ўғли Мўмин Мирзони муносаб деб билишар ва бу фикрини сultonга айтишган эдилар. Ҳасад олови аланталанган Ҳадича бегим вазир Низом ул-Мулк иштирокида Султон Ҳусайн Бойқаронинг мастилигидан фойдаланиб, ўша пайтда Ихтиёриддин қалъасида қамоқда ётган Муҳаммад Мўмин Мирзони тезлик билан қатл этиш ҳақидаги фармонга мұхр бостириб олади. Уша кечасиёқ ҳукм бажарилади. Мўмин Мирзо қатл этилади. Ҳа, темурийлар ниқирозидан нишона — Мўмин Мирзо ўлими юз беради.



Экспедиция аъзолари.

1506 йилнинг апрел ойнда Султон Ҳусайн Бойқаро Мұхаммад Шайбонийхонга қарши жангга кетаётib, Бобо Илоҳий мавзенига етганда сакта касали билан оғриб, 69 ёшида оламдан ўтди. Мана шу ерга дағи этилди. Мана Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқародек буюк инсонлар деярли ёнма-ён ётишибиди.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўлимидан сўнг Темур империясининг мустаҳкам устуни бўлган Хуросон яна кучсизланади бошлайди. Ҳадиҷа бегимнинг салтанат ишларига аралашини оқибати ўлароқ қўш ҳокимиятчилик бошланади. Тахти икки шаҳзода — Бадиуззамон Мирзо ҳамда Ҳадиҷа бегимнинг ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзо эгаллайдилар. Бу паронандаликдан фойдаланиб Шайбонийхон Хуросонга хужум бошлайди.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур ўша даврдаги Ҳиротни мұкаммал қўриб-билган, одамлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлган инсон эканлигига имонимиз комил бўлди. Зероқи, Бобур Мирзо тийрак ақл-заковат эгаси, энциклопедик олим ҳамдир. Одамларни ўзига қаратса олиш хислатларига эга, моҳир ташкилотчи, чидамли, бардоши кучли, имони бутун, марду-майдон ўтқир йигит эди. У ҳар қандай оғир ишин аввал ўзи елкасига олар, жангда энг олдинда борар, ақл-заковат билан иш тутар, оғир дамларда атрофдагилар билан бирга бўлиб, мاشаққатни ҳам улар билан бирга баҳам кўради.

Ҳиротда юрган пайтида Кобулдан нохуш хабарлар кела бошлайди. Энди баҳт юлдузи порлай бошлаган Бобур Мирзо безовталанади, Кобул тақдирини ўйлади. Қиши фасли, қорлы-қировли күнлар эди. «Қиши бўлди ва орадаги тоғларда қорлар ёди. Кобул тарафидин ҳануз дағдаға кўпрак бўлди», — деб ёзади Бобур Мирзо.

Шаъбон ойининг еттисида Ҳиротдан чиқиб тоғлар оша Кобулга жўнайди. Оғир йўлдан тоғлар ошиб Чахчаронга келганиларида қалин қор ташлайди ва яна қор ёғиши кучая бошлайди. «Чахчарондин икки-уч кўч ўткач, қор асрү улур бўлди: узангудин юқорироқ эди, балки аксар ерда отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди», — деб ёзади Бобур.

Шу алфозда улар Чахчарондан ўтдилар. Қалин қор босиши оқибатида тоғ йўлини топиш амримаҳол эди. Улар кенгашдилар. Уларнинг қаршисида икки йўл турарди: бири мешаққатли, лекин яқин тоғ йўли, иккинчиси енгил, лекин узоқроқ бўлган Қандаҳор — Кобул йўли. Қосимбек Қандаҳор йўлини узоқ деб, ўёққа юришга унамади. Тоғ йўлидан

кетдилар. Қекса Султон исмли одам йўл бошловчи эди. У ҳам йўлни йўқотди. Қосимбек раъига қараб шу йўлга юрилган эди. Унинг орияти тутиб ўзи олдинга ўтиб қор тепиб йўл оча бошлади.

Лекин, аҳвол оғир эди. Бобур Мирзо ўз аскарлари билан бирга юриб, қор тепиб, йўл очишиади. Изгиринли қиши, қалин қор, совуқ тоғ ҳавоси. Ҳамма ҳориб, чарчаган. Тунда Бобур Мирзони маҳсус тайёрланган форга таклиф қиласидилар. У унамайди. Атрофдаги бошқалар қатори очиқ ҳавода, қорда тунайди. «Қўп эл от устида-ўқ тонг оттурди, ҳавол торроқ кўрунди. Мен ҳаволнинг (фор) оғзида курак олиб, қор кураб, ўзумга бир такия миқдори ер ясадим, қорни кўкусгача қоздим, ҳануз ерга етмайдур эди. Бир нима елга паноҳ бўлди, ўшанда-ўқ ўлтиридим. Ҳар неча дедиларким, ҳаволға боринг, бормадим. Кўнгулга кечтиким, борча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била, мунда борча улус ташвиш била мешаққатта, мен мунда уйку била фароғатда?! Мурувваттин йироқ ва ҳамжиҳатликдин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва мешаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин, бир форси масал бор: «Марг бо ёрон сур аст» («Дўстлар билан ўлиш тўйдир»). Ҳашандоқ чопқунда қозғон, ясағон чуқурда ўлтурдим.. бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт эллик қор бор эди. Ушул кеча қулогимга совуқ таъсир қиласди».

Ана шу бир неча кунлик мешаққат эвазига қўйидаги қўйма сатрлар буюк инсон қалбидан силқиб чиқди:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?

Ҳирот сафари оёқлаб қолди. Биз кетиши тараддусини кўра бошладик. Шунда бошловчимиз, Ҳиротда яна бир сизлар кўрадиган, таъбир жоиз бўлса, знёрат қиласидиган жой бор. Уша ерни қўриб кетмасаларингиз, биз ҳиротликларнинг кўнглиминиз жойига тушмайди, дейди. Биз ҳайрон бўлдик Ҳиротда бормаган, кўрмаган, знёрат қиласиган жой қолмади-ку. Қарасак, улар ранжиб қоладиган, рози бўлдик.

Машиналарга ўтириб йўлга тушдик. Ҳирот шаҳридан чиқиб, Ҳусайн Бойқаро барпо этган тоғ бағридаги боғни ёнлаб тобора баландлаб бораардик. Ўнг қўлга бурилиб тоғ оралаб қетдик. Кимсаиз тоғ жилғасидан бориб темирдан тикланган янги аркка рўбарў белдик. Машиналар кетма-кет келиб, шу арк олдида тўхтайди-да, ундан одамлар тушиб аркдан ўғинга пиёда борадилар.

Биз ҳам машинадан тушдик. Арк пештоқига, номаълум шаҳидлар қабристони, лавҳаси битилган. Қабристоннинг узунлиги бир неча юз қадам. Ҳар ўн-ўн беш қадам жойдан чорқирра «тўйнук — мўри» очиб, тепаси маҳсус ойна билан ҳаво чиқмайдиган ва кирмайдиган қилиб мустаҳкам беркитилган. Мўри ердан одамнинг бели баробар кўтарилиган. Бундай мўрилар бир нечта. Ҳар бир ойнаванд мўриннинг чор атрофида одамлар энгашиб пастга — чоҳга қарайди. Кўлларида рўмолча, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган эркагу аёлни учратасиз. Қайтиб чиқаётгандарнинг кўзлари йиғидан қизарган. Кекса чол-кампирларни йигитлар суюб олиб чиқмоқдалар...

Биз ҳам аркдан ичкари кириб биринчи дуч келган туйнукка энгашдик. Е алҳазар! Бир неча метр пастда ўликлар қалашиб ётиди. Иккинчи, учинчи, ... бешинчи ва ҳоказо туйнукка энгашиб қарайсиз, бир-бирдан даҳшатли мурдалар. Ёш гўдакдан тортиб, ёшини яшаб, ошини ошаган қариялар, аёлу эркак кийим-боши билан, деярли ҳаммаси қоқ пешонасидан ўқ еган. Бу ер ўликлар кўмилган катта бир ўра, тепасидан туйнук-мўри очиб қўйишипти.

Биз Германиядаги Веймар шаҳри чеккасига жойлашган Бухенвальддаги 56 минг маҳбуслар қийнаб ўлдирилган концлагер ва музейида бўлганмиз. Одамхўр фашистларнинг анашу «кушхона»сидаги даҳшат кўз олдимишга келди. Айтишларига қараганда, қўлига қурол олиб тоф-тошларга чиқиб кетган Ҳирот мужоҳидларининг ота-оналари, aka-укалари, опа-сингиллари, қариндош-уруғлари — ҳамма-ҳаммаси аниқланиб, бир кечада мана шу кимсасиз жойга олиб келиниб, қоқ пешоналаридан отиб, қалаштириб ташланган. Орасида ҳали жони узилмаганлари ҳам бўлган. Устига ёппасига тупроқ тортиб юборилган. Ҳиротнинг ўзидан бедарак йўқолган уч-уч ярим минг кишининг ёстиги мана шу ерда қуритилган, улар мана шу тупроқ остида ётидилар.

Айтишларига қараганда, бу қонли фожиа 1987 йилда юз берган. Бу ўликлар ўраси 1992 йилда топилди. Ҳиротга келганки афлониклар, чет элликлар бу ерга, албатта келадилар, наинки Ҳирот, бутун Афғонистон фожиасини ўз кўзлари билан кўриб кетадилар.

Юраклар ларзага келган, бутун вужудимиз зирқирайди. Хомуш изимизга қайтидик. Ҳусайн Бойқаронинг тое бағридаги боғи тикланмоқда. Таъмирланган ҳовуз тиниқ сув билан лиммо-лим тўлиб, ажиб бир манзара кашф этибди. Ҳиротнинг навқирон, юрагида ўти бор шўх йигитлари мириқиб чўмилишмоқда. Мана шу ердан Ҳирот яққол кўринниб ту-

риди. Одамлар сергак, меҳнат қилмоқдалар, Ҳиротнинг жароҳатлари битиб ўзига келмоқда, тикланмоқда.

Шошмай тур, Ҳирот! Сенга айтар гапимиз бор. Сен ҳеч қаҷон ғанимларга енгилган эмассан, енгилмайсан ҳам. Душманлар сенинг қаддингни букишлари мумкин, лекин синдира олмайдилар.

Элмурод Арғуннинг Балхда айтган сўзлари ёдимизга тушди: «Биз бу курашда ўзлигимизни янада чуқурроқ билдик, кимлигимизни пукта, яққол англаб олдик. Ватанга, миллатга бўлган эътиқод кучайди, пўлатдай тобланди».

Ҳа, ана шундай соф виждонли, имони бутун ўғлолинг бор, Афғонистон!

ПАНИПАТ ҚИССАСИ

Ҳирот сафаридан сўнг Ашхабодга қайтиб Эронга йўл олдик. Гўзал Машҳад ва кўхна Зоҳидон ортда қолди. Биринчи сафар чогида босиб ўтган йўл — Покистон тупрогига қадам қўйдик. Кветта ва Мўлтон орқали боғлар шаҳри сўлим ва гўзал Лоҳурга кириб бордик.

Тушки пайт. Қуёш борлиқни қиздиради. Биз Шоҳқалъани зиёрат қилиб, шаҳар марказидаги миллий боққа кирдик. Шу пайт ҳавони қалин булут қоплаб ёмғир ёға бошлади. Ёмғир бирдан тезлаб шундай шитоб билан ёға бошладики, машина ойнагидан ташқари кўринимасди. Бир зум ёғиб тинди. Дов-дараҳтлар, ям-яшил майсалару, анвойи гулларни ювиб топ-тоза қилиб қўйди. Ажиб бир манзара, гул баргларида ёмғир томчиси, ҳаммаёқ мусаффо. Лекин бундай ёмғир қуёш тафтидан обдон қизиган йўлни, иморатларни, ерни совутаолмайди. Ёмғир тиниши билан машинадан тушдик. Гуп этиб баданга иссиқ ҳарорат уради. Бунинг устига ҳаво намлиги ўта ортиқ. Узимизнинг Фарғона водийси манзарасини, унинг ёмғирдан кейинги ҳузурбахш ҳолатини эслаймиз...

Тушлик қилиш учун шаҳар марказидаги шинам ошхонага кирдик. Бу ерда ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Барча ҳўрандаларнинг нигоҳи бино шифтига осиб ўрнатилган маҳсус мосламага қўйилган телээкранда эди. Бизнинг Андижон — Бобур юртидан эканимизни сезиб қолган ошхона эгасининг кайфияти кўтарилиб, телевизорда Бобур ҳақидаги фильм намойиш қилинаётганини айтди. Дарҳол телевизор рўпарасига қулай жой тайёрлаб бизни таклиф этди.

Бизнинг нигоҳимиз ҳам ойна-жаҳонга қадалди. Шоҳона

хона. Хона марказида оғир бетобликда Ҳумоюн ётибди. Бобуршоҳ қўлларини кўкка чўзган ҳолда бетоб ётган фарзанди атрофида салобат билан айланмоқда, парвардигордан Ҳумоюннинг сорайиб кетишини илтижо қўлмоқда...

Бобур ва унинг атрофидаги тарихий шахслар қиёфасида ўйнаган артистларнинг исм-шарифларини айтмолмаймиз, лекин улар муҳит руҳини ғоят таъсирили, меъёрига етказиб ифодалай олганликлари бутун томошибинлар диққатини экранга миҳлаб қўйган эди. Аллақачон овқатланиб бўлган хўрандалар ҳам қимирамай Бобур ҳақидаги рангли фильмни томоша қиласидилар. Экранда эса ғоят таъсирили саҳналар ўта бошлади...

Биз Лоҳурдаги машҳур миллий музейда (Лоҳур ва музей ҳақида биринчи сафар таассуротларида батафсил ҳикоя қилинган) бўлдик. Музей раҳбари, Покистондаги таниқли ва йирик олимлардан бўлмиш Сайфи Раҳмон жаноблари ўта билимдон, хушмуомала, буғдойранг юзларидан нур ёғилиб турган олижаноб инсон экан. Суҳбатимиз давом этиб Бобур фильмнiga келиб тақалди.

Кечакида тасодифан Бобур фильмнинг бир қисмини кўрганигимизни, ғоят ҳаяжонланганligимизни айтиб Сайфи Раҳмон жанобларидан бу ҳақдаги фикрларини сўрадик.

— Бобур ҳаёти ва фаолиятини тарихий манбалар асосида тасвирловчи бу фильм халқимиз маданий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди, — деди профессор Сайфи Раҳмон жаноблари. — Ингирма қисмдан иборат бу фильмда Бобурнинг ёшлик пайтидан бошлаб умрининг сўнгти дақиқаларигача бўлган фаолияти ҳаққоний тасвирланган....»

Биз «Бобур» фильмни ҳақида лоҳурлик бошқа дўстлардан ҳам яхши фикрлар эшидик. Дарҳақиқат, Бобур бу томонга босқинчи сифатида эмас, балки бу юртларни, ўлкаларни обод қилиш учун келганилиги, амалда буни исботланганлигини покистонлик ва Ҳиндистонлик дўстлар яхши билар эканлар.

Экспедициямиз томонидан Покистонда кино тасвирга олинган «Бобур» фильмни тасмасидан бир нусха харид қилиниб Андижонга олиб келинди. Лоҳур шаҳридан Ҳиндистонга йўл олдик. Лоҳурдан Ҳиндистон чегараси жуда ҳам яқин. Покистон божхонасида расмий ишларни битиргач Ҳиндистон чегарасига бир неча дақиқада этиб бордик. Темир дарвоза очиқ экан. Машинамизни чегарачилар ҳаяжонлатиб тўхтатишиди. Бу чегарадан сўнгти етмиш-саксон йил (илгари ҳам) мобайннида биронта чет эл машинаси ўтмаган экан. Худди биз машинамиз билан осмондан тушгандай, чегарачилар ҳангуманг бўлиб қолган эдилар.

Орқага қайтиб, чегарадан ташқарига чиқишимизни айтди. Биз ҳам қаттиқ туриб олдик. Ҳиндистоннинг Тошкентдаги мухтор элчиси берган руҳсатнома кўрсатилди.

— Утинглар, марҳамат, ўтинглар, хоҳлаган шаҳарларимизга боринглар, лекин машинага руҳсат беролмаймиз,— деб чегарачилар ҳам қатъий сўзда туриб олдилар.

— Бўлмаса машина, одамларимиз шу ерда турсинлар, бир-иккитамизга руҳсат беринглар, Деҳлига бориб машинага яна алоҳида руҳсат олиб келамиз, — талаб қилдик.

Тўғри-да, Бобур изидан Ҳиндистон сафарига озмунча ҳозирлик кўрилдими? Утган йилнинг кузидаги йўлга чиқиб қўшини мамлакатлардаги сиёсий вазият тақозоси билан Ҳиндистонга этиб боролмай қайтилган эди. Бу сафар неча минг чақирим йўл босиб келиб Ҳиндистон днёрига бир неча қадам кириб яна орқага қайтиб кетиш...

Чегарачилар ҳам буни тушундилар, бизнинг аҳволимизни ҳис қилдилар. Аниқроғи, биз ҳам тушунтира олдик. Чегарачилар машинамизни маҳсус жойга тортиб, бизга яхши шароит яратиб бердилар. Раҳбаримиз поездда Деҳлига расмий руҳсат олиб келиш учун жўнаб кетди.

Биз чегара шаҳар — Амритсарда қолдик. Мўъжазгина мусоғирхона, орқа томони боғ. Манзарали дараҳтлар, яшил, майин майса гилам. Мусоғирхона ва боғ девор билан ўралган. Нариги ёғи шолипоя. Ёз чилласи, иссиқ, намиқдан ҳаво. Билч-билч терлайсиз, кийим баданга сирачлангандек ёпишиб қолади.

Яланроҷ бўлиб олганмиз. Дараҳт соясида, майса-гилам устига «тўшак» ташлаб ётибмиз. Шолипоядан чиққан чивин, пашибалар (айниқса тунда) хуруж қиласиди. Кўзимиз Деҳли йўлида, раҳбардан эса дарак йўқ...

Қўлимизга «Бобурнома»ни оламиз, варақлаймиз, Бобурда Ҳиндистонга юриш фикри қачон ва қай вазиятда пайдо бўлди? У Ҳиндистонни босиб олишни режалаштирган ва унга маҳсус тайёргарлик кўрганмиди?

Бу саволларга жавобни Бобурнинг ўзидан излаймиз. Маълумки, Бобур Қандаҳорни олиб, Қандаҳор вилоятини Носир Мирзога беради. «Қандаҳорни Носир Мирзога иноят қилиб, Носир Мирзога руҳсат бериб, Кобул азимати қилилди».

Шу пайтда Шайбонийхон Қандаҳорни босиб олиш пайига тушади. Буни сезган Бобур ўз атрофидаги бекларни тўплаб кенгашади:

«Бу хабар келгач (Шайбонийхон Қандаҳорни босиб ол-

моқчи бўлаётгани ҳақидаги хабар — муаллифлар) бекларни тилаб машварат қилди. Бу сўзлар ораға туштиким, ўзбек ва Шайбақхондек ёт эл ва қари душман жамиъ Темурбек авлодининг илиги даги вилоятқа мутасарриф бўлдилар. Турк ва чигатойдин ҳар гўша ва канорда ҳам ким қолиб эдилар, баъзи рағбат била, баъзи қарҳ билан ўзбекка пайваста бўлдилар. Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқовамат қилмоққа мажол. Мунча қувват ва қудрат. Ўзумизга бир ер фикрини қилғулукдир ва бу миқдор фуржа ва фурсатда қавий душмандин йироқроқ айриғулуктур, ё Бадахшон жониби, ё Ҳиндустан сори жазм қилмоқ керак».

Бу муаммо юзасидан икки хил фикр билдирилади. Қосимбек ва Ширимбеклар Бадахшонга боришини таклиф этадилар. Лекин, Бобур ўша пайтда Бадахшондаги вазиятни яхши ва чуқур билар, у ер ҳам кўнгилдагидек натижа бермаслигига кўзи етар эди. Шунинг учун у бошқа йўлни танлади. «Бобурнома»да бу ҳақда у шундай дейди: «Мен ва баъзи ички беклар Ҳиндистон тарафи бормоқин таржиҳ қилиб, Ламғонга мутаважжих бўлдук».

Шундай қилиб, Кобулда Абдураззоқ Мирзони қолдириб Бобур Ҳиндистон томон юзланади. Шу пайтдаги ўз аҳволини шундай таърифлайди: «Не бормоққа ере муқаррар, не турмоққа юрте муайян, юқори-қуйи яна бир хабар олгунча юрттин кўч қилиб кўчулур эди».

Бизнинг фикримизча, Бобурнинг Ҳиндистон томон йўл олишига яна бир муҳм сабаб бор, дейиш мумкин. Юқорида айтганимиздек, тарихдан маълумки, Буюк Темур 1398 йили Панжобни эгаллаган эди. Амир Темур Ҳиндистондан қайта туриб сабиқ Деҳли сultonларига қарашли ерларнинг бир қисмини Хизирхонга берган эди. Унинг (Хизирхон) вориси Муборак Шоҳ ўз ҳукмронлигининг дастлабки даврида темурийларга ўлпон тўлаб турган эди. Бу тарихий фактни Бобур яхши билар эди. Бу ҳақда у шундай дейди: «Темурбек Ҳиндистонга кириб чиққанидин бери бу неча вилоятим, Беҳра ва Хушоб ва Тоноб ва Чанут бўлгай. Темурбекнинг авлодининг тавоби ва лавоҳиҳи тасарруфида эди».

Шундай қилиб, Бобур ана шуларга асосланган ҳолда Ҳиндистон сари отланади. Бу даврга келиб Самарқанд орзуси чилпарчин бўлган эди.

Бобур Бажур вилоятини Хожа Қалонга иноят қилиб Бекра томон йўл олди. У бир қисм аскарларини Лағмонда қолдирган эди. Яна бир қисм кучини Хожа Қалон ихтиёрида қолдириб Беҳрага юриш бошлиди. Негаки, Беҳра Ҳин-

дистоннинг дарвозаси эди. Уни қўлга киритса Ҳиндистонга юриш учун йўл очилишини яхши билар эди. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай жумлаларни учратамиз. «Бажурдинким ёнилди. Беҳра хаёли била ёнилиб эди... Чун Ҳиндистоннинг сарҳади Беҳра ёвуқ эди, хотирға кечтиким, филҳол жарида кирсак, черик элининг илтига бир нима тушса..»

Юқорида айтганимиздек, Бобур Панжоб ерлари бир вақтлар катта бобоси Амир Темур давлати таркибига кирганлиги ва яна темурийлар бу ерларга ҳукмронлик қилишини табиий бир ҳол деб ҳисобларди. «Чун ҳамиша Ҳиндустон олмоқ хотирда эди, бу бир неча вилоятларким, Беҳра ва Хушоб ва Чаноб ва Чунут бўлгай, неча маҳал турк тасарруфида эди, буларнинг худ мулкимиздек тасаввур қилур эдук, — дейди Бобур. — Зўр била ё сулҳ била ўзимизнинг мутасарруф бўлуримизға мутаяққин эдук».

Заҳиридин Муҳаммад Бобурдаги улуғ хислатлардан бири — масалани қон тўқмасдан, тинч, юқорида таъкидланганидек, сулҳ йўли билан ҳал этиш эди. Бобур ана шу хислатга содиқ ҳолда, бу тоғ эли билан яхши маош қилмоқ вожиб ва лозим, деб ҳисоблади. Бу ҳалқнинг мол-мулкига сира ҳам зиён етказмаслик ҳақида фармон берди. Шу билан бирга ўз аскарларига ҳалқни хафа қилмасликни тайинлади. Ўзининг эътиборли кишиларидан бўлган Абдураҳим бекни Беҳра ҳокими Алихон (Лоҳур ҳокими Давлатхоннинг ўғли) ҳузурига масалани тинч йўл билан ҳал қилиш учун вакил қилиб жўнатди. Шундан сўнг, «Давлатхон Юсуф Хайлнинг ўғли Алихоннинг навкарларидан Дева Ҳинду яна Сактунинг ўғли Беҳранинг арбоблари била келиб, бир от пешкаш қилиб, мулозамат қилганликларини Бобур алоҳида таъкидлайди. «Беҳра элига зарар ва заҳмат тегурмай, Беҳранинг шарқида Бакат суйининг ёқасида бир зорда («сабзазорда» бўлса керак) тушулди».

Шундай қилиб, Беҳра тинч йўл билан олиниди. Бу сафар оқибатида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иши анча илгарни босди. Беҳра вилояти Ҳиндубекка берилди. Чаноб вилояти эса Ҳусайн Чиракка иноят қилинди.

Бобур ўз атрофидаги кишилар билан ғоят дилкаш бўлган. Уларнинг хоҳиши-истакларини ҳам инобаттга олиб иш тутган. «Бобурнома»да шундай жумлалар бор. «Муҳаммад Али жанг-жангнинг Беҳрада турмоққа ҳаваси бор эди. Беҳра чун Ҳиндубекка иноят бўлди. Шунинг учун Беҳра билан Синд дарёсининг орасидаги вилоятлар — яъни Қорлуқ, Ҳазора, Хотий, Faёсвол ва Китиб ерларини Муҳаммад Али жанг-жангта иноят қилади. Булар Бобурнинг яқин, ишонган

кишилари эдилар. Бу вилоятларнинг барчаси келажакда Ҳиндистон ичкарисига юриш қилишда нақадар катта азамиятга молик эканлигини Бобур яхши билар эди. Зероки, Бехра Ҳиндистоннинг дарвозаси саналарди.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур бундан кейинги юришларда ҳам асло қон тұқмасликни, масаланы тинч йўл билан ҳал қилишни истар эди ва бунга амалда ҳаракат қилди... Уз аскарларини элни таламасликка чақирди. Дарҳақиқат, бунинг бу ўлкаларга юриш қилишдан мақсади бойлик орттириш эмасди. «Чун түрк ултурушлик вилоятларни ўзумизнинг тасаввур қилиб әдүк. Үл жиҳатдан талон-тарож бўлмади. Ҳамиша элнинг сўзи бу әдиким, агар мусалаҳа жиҳатидин элчи борса, туркка тааллуқ вилоятларга музояқа қилмоғуларидур».

Бобур Лоҳур ва Деҳлига тинч йўл билан кириб боришни хоҳларди. Маълумки, Бобур Беҳрани тинч йўл билан ўзига қаратган пайтларда Деҳли ҳокими Султон Искандар вафот этган ва ҳинд салтанати унинг ўғли Султон Иброҳимга қолган эди. Бобур мавлоно Муршидни Деҳлига Султон Иброҳим ҳузурига элчи қилиб юборади. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи шундай ёзади «Мулло Муршидни Султон Иброҳимғаким, отаси Султон Искандар ўшул беш-олти ойда ўлуб, Ҳинд салтанати мунга тегиб эди, элчиликка тайин қилиб бир қарчай ғибариб, қадимий туркка тааллуқ вилоятларни тиладук. Давлатхонга битилган хатларни ва Султон Иброҳимга битилган хатларни топшуруб, оғиз сўзларни доги айтиб мулло Муршидға рухсат берилди».

Қўриниб турибдики, Заҳириддин Мұхаммад Бобур Лоҳур ҳокими Давлатхон, Деҳли подшоси Султон Иброҳимларга ўзи номидан битилган хатлар билан элчи жўнатган ва қадимий туркка (Амир Темурга) тааллуқли вилоятларни тилаган, тақрорлаймиз — тилаган! Хуш, бу хатларнинг тақдирни нима бўлди? Бу саволга жавобни Бобурнинг ўзидан оламиз: «Борғон кишимни Давлатхон неча кун Лоҳурда саҳлатиб, не ўзи кўрди ва не китобатни Иброҳимға ғибариб. Неча ойдин сўнг борғон кишимиз ҳеч жавоб топмай Кобулга келди».

Бобурнинг юқоридаги сўзларидан, бизнинг фикримизча, афсусланиш сезилиб турибди. Негаки, Лоҳур ва Деҳлига элчи юборишдан унинг мақсади масаланы тинч йўл билан ҳал қилиш эди. Афсуски, ё ҳа, ё йўқ, жавобини ололмади. Лекин, Бобур етти ўлчаб бир кесадиган, мақсад қилдими ундан асло қайтмайдиган зукко инсон ва буюк саркарда эди. (Амир Темурга ўшаган).

Хўш, нега шундай бўлди? Бобуршунос олимларнинг фикрларига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкини, Давлатхон Бобур элчисини Лоҳурда ушлаб қолган. Демак, у Бобурнинг мақсадидан хабардор бўлган. Лекин, у ҳадиксираган. Бир томондан, Султон Иброҳим Бобурнинг таклифини қабул қилган тақдирда улар яқинлашиб, дўстлашиб кетишиларига ғайрлик қилиб, чўчиган. Иккинчи томондан, Султон Иброҳим Бобур тилагини рад этиб Панжобга юриш қилишидан қўрқсан. Натижада Бобур элчисини Лоҳурда бирмунча вақт ушлаб туриб, сўнг изига қайтариб юборган.

Тарихий далиллар шундан далолат берадики, Бобур Беҳрадалик пайтида Қандаҳор ва Бадахшонда анча бесаранжомлик вужудга келади. Қандаҳорга Шоҳбек Арғун хавф sola бошлади. Бадахшонда эса Мирзахон вафот этади, бошқариш ёш Мирза Сулаймонга қолади. Ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, Заҳириддин Мұхаммад Бобур Ҳиндистон ичкарисига юришни вактинча тўхтатиб Қобулга қайтади.

Зероки, Заҳириддин Мұхаммад Бобур Ҳиндистонга беш марта юриш қилган. Биринчи ва иккинчи юриши ҳақида «Бобурнома»да батафсил ёзиб қолдирган. Лекин, учинчи ва тўртинчи юриши ҳақида «Бобурнома»да ҳеч нарса дейилмаган. «Бобурнома»да 1508—1509 йил воқеаларидан сўнг 1519 йил воқеалари берилган. Орадаги йиллар очиқ қолган. Шунингдек, 1519 йил билан 1525 йиллар орасидаги воқеалар ҳам «Бобурнома»да учрамайди.

* * *

Заҳириддин Мұхаммад Бобур Ҳиндистонга бешинчи марта юриш қиласи. Бу юриш Бобурга катта зафар келтиради, Ҳиндистоннинг ичкарисига кириб боради. 1525 йилнинг охириларига келиб Панжобда вазият кескин ўзгаради ва жиддийлашади. Давлатхон ва унинг катта ўғли Фозихон деярли Панжобни ғаллаб оладилар. Бобур қўлида фақат Лоҳур қолади, холос. Бу вазият Бобурни Ҳиндистон юришига даъват этган ва тезлаштирган бўлса ажаб эрмас.

Бешинчи Ҳиндистон юришига Бобур пухта ҳозирлик кўрди. Бу даврга келиб у ўз бошидан ҳаётнинг бир қанча иссиқ-совуқларини кечирган, Ҳиндистон бир қисмининг шароитини, иссиқ табиатини, кишиларини кўрган. синчковлик билан ўрганганди. 1525 йилнинг нояброда Бобур Кобулдан чиқиб Ҳиндистон сари юзланади.

Пўлда Заҳириддин Мұхаммад Бобурга Ҳумоюн ҳамда Ҳожа Қалон ўз қўшинлари билан келиб қўшиладилар.

Бу ҳақда Бобур шундай дейди: «Якшанба куни сафар ойнинг ўн еттисида сабуҳий қилилиб эдиким, Ҳумоюн келди.. Ҳожа Қалон Газинидин ушбу кун келди». Ҳожа Қалон Бобурнинг энг тадбиркор, ақл-заковатли, тажрибали саркардаларидан бири эди. Ҳумоюн эса вояга етиб келаётган навқирон шиддатли, ўтқир зеҳили йигит эди. Ҳумоюн ва Ҳожа Қалондай инсонларни қанотига олиб Бобур олға босди.

Бобур ўз қўшинлари билан Биграмга етиб келганда Давлатхон ва Фозихон йигирма-ўттиз минг аскар тўплаб Қалъа нурни олганлиги, Лоҳур устига юрмоқчи эканлиги ҳақида хабар олади. Бобур зудлик билан Мўмин Али тавочини Лоҳурга жўнатиб, то ўзлари етиб бормагунча уруш бошламай туришин бекларга буюради. Бобур ўз қўшинлари билан Баҳлулпур томон йўл олди ва Сиялкутга тушди. Сиялкут атрофида Давлатхон ва Фозихонларнинг шарпаси сезилмасди. Дарҳақиқат, Бобурнинг яқинлашиб келаётганини билган Давлатхон ўзини йиришириб ола бошлаган эди. Бобур, Сиялкутдан Шоҳим Нурбекни Лоҳур бекларига жўнатди. Душманнинг қаерда, қайси аҳволда эканини аниқлаб, хабарини етказиши буюрди. Шундан сўнг, Бобур душманини таъқиб остига олиб олга интилди.

Бобур Парсургра етиб боргандা Мұҳаммад Али жангжанг, Ҳожа Ҳусайн, яна бир неча йигитлар келишиб Бобурга мулозамат қиласидилар. Бобур ёғийнинг доираси Рови сувнинг Лоҳур тарафида эканидан хабар топади. Заҳириддин Мұҳаммад Бобурнинг тобора яқинлашиб келаётганидан хабар топган ёғийлар бир-бирига боқмай бурилиб қочишга тушадилар. Бундан хабардор бўлган Бобур илдам ҳаракат қилиб Қалъанурга келиб тушади. Мұҳаммад Султон мирзо ва Одил Султон ҳамда бошқа беклар келишиб Бобурга мулозамат қиласидилар.

Бобур Милват қўргони кўли бўйига келиб тушади. Шунда Давлатхон одам юбориб Бобурга мурожаат қиласиди. Фозихон тоққа қочиб кетганлигини Бобурга етказади. «Менинг гуноҳимни афв қиласалар, қуллуққа бориб, қўргонни топшурай», — дейди.

Бобур бу илтимосни эшитгач, хожа Мирмиронни юборади. Давлатхон ўз ўғли Алихон билан бирга Бобур ҳузурига келадилар. Бобур Давлатхонни кечиради, унинг оиласининг ҳам ҳаётини сақлаб қолади. Фозихон эса қочиб кетади. «Фозихонни қўргонда тасаввур қилур эдук, ул беҳамият номард ота, оға, инисини ва она-эгачи-синглинни Милватта ташлаб, маъдуде била тор сари қочибтур», — дейди Бобур.

Заҳириддин Мұҳаммад Бобур ўша мураккаб вазиятданодир китобларни нақадар қадрлаганлиги кишини лол қолдиради. У Милват қўргонига кириб саир қиласиди. Мана, унинг сўзига бирга қулоқ тутайлик: «Фозихоннинг китобхонасига кирдим. Бир неча нағис китоблар чиқти, бир нечасини Ҳумоюнга бериди, бир нечасини Комронга йибордим».

Қаранг, нақадар зукколик, фарзандларга дур-жавоҳирлар эмас, модир китобларни раво кўриш Бобурдай пири бадавлат, меъдаси ва назари тўқ улуг инсонга хос фазилат—хислат эди.

Бобур бу ерда узоқ тўхтамайди. Мұҳаммад Али жангжангни Милват ҳокими этиб тайинлади ва Арғунни бир пора йигитлар билан унда қолдириб, Деҳли томон олға босади. «...Химмат рикобига оёқ қўйиб, таваккул инонифа илик уруб, Султон Иброҳим бинни Султон Искандар бинни Султон Баҳлул Лўдий афғоннинг устираким, ул тарихда Деҳли пойтахти ва Ҳиндистон мамолики анинг таҳти тасаруфида эди, ҳозир черигини бир лак дерлар эди, ўзида ва бекларида мингга ёвуқ фил ченалар эди, мутаважжиҳ бўлдук», — дейди Бобур.

Бобурнинг буюк саркарда эканига тан берадиган жой шундаки, у ўз рақибини обдон ўрганиб улгуар эди. Ҳатто, Иброҳим Лўдий аскарлари ва бекларининг кайфиятигача, уларнинг кучи қанча ва қандай жойлаштирилганингача олдиндан билишга ва шунга қараб иш тутишга интиларди. Бобурнинг юқоридаги сўзларидан ана шу хислатларни ўқиб лол қоласан киши. Зероки, бу даврга келиб Заҳириддин Мұҳаммад Бобур ҳарбий саркарда сифатида ғоят юқори чўққига кўтарилиган эди. У Шайбонийхондай ўта маккор, кучли рақиб билан олишиб, унинг ҳарбий соҳадаги сирасорларини ўрганган ва билган. Яна Исмоил Сафавий, Султон Ҳусайндай йирик шоҳларнинг жанг қилиш санъатини ўрганган ва эгаллаган пайти эди. Қолаверса, улуғ бобоси Амир Темур ҳазратларининг ҳарбий санъатлари Бобур Мирзога мерос эди...

Ҳамон чегара шаҳар—Амритсардамиз. Икки кеча-кундуз ўтди. Раҳбардан ҳамон дарак йўқ. Ўзимизни қанчалик эҳтиёт қилиб «соя-салқинга» урмайлик, бутуни баданимиз қопқорайиб пўлатдай «чиқинди». Ниҳоят, бошлиғимиз ҳузуризмизга қайтиб келди. Унинг қуруқ қайтмаслигига имонимиз комил эди. Мана, у Деҳлидаги олий мартабали раҳбарларнинг ўзидан рухсат олиб қайтди. Чегарачилар қонун шуни

талаб қилишини яна бир бор бизга тушунтирган бўлиб, узр сўрадилар ва оқ йўл тиладилар. Иўлга тушдик.

Ҳиндистон! Деҳли томон бормоқдамиз. Иўлнинг икки чеккасида осмонўпар қалин дараҳтлар соя ташлаган. Ҳиндистон табиатига мос бу дараҳтлар шунчалик гўзал, шунчалик латофатлики, бутун ҳиндистонликлар, қолаверса, бутун жонли маҳлуқ унинг соясига интилади. Тасмадай йўл бўйидаги тик ўсган дараҳтлар бир-бири билан бўй талашади.

Иўлнинг икки томонида чеккаси уфқа туташиб кетган кўм-кўк шолипоя. Бир томонда кўчат қилаётган шоликорлар, аҳён-аҳёnda қишлоқлар, қамиш чайлалар кўзга ташланади. Ана шундай ўзига хос, такрори йўқ ранг-бараг манзаралар аро Панипат шаҳрига етиб келдик. Кеч кириб қолган эди. Иўл бўйидаги мусофирихонада тунадик.

Эрта билан ионуштадан сўнг иўлга тушдик. Шаҳар оралаб бироз йўл босгач, чап томондаги лавҳага кўзимиз тушди: «Панипат жанг очиқ музейи». Иўл кўрсатиб қўйилибди. Чапга бурилдик. Деярли шаҳар чеккасига чиқиб, яна чапга бурилдик. Темир дарвоза кўринди. Машҳур Панипат жанг майдонига етиб келдик. Жанг бўлган жойда турибиз. Ҳаяжондамиз.

Панипат жанг очиқ мемориал музейининг темир панжарали катта дарвозаси, атрофи тош девор билан ўралган қўргон. Музей боғбони Прим Кумар дарвозани очиб бизни ичкарига таклиф этди. Рўпарадаги махсус лавҳага кўзимиз тушди: «1526 йил 21 апрел». Ана шу куни Бобур қўшинлари билан Деҳли Султони Иброҳим Лўдий аскарлари ўртасида худди мана шу жойда жанг бўлди. Бу Панипат жанг бўлиб тарихга кирди.

Шундайгина дарё бўйига жойлашган бу майдон жанг учун қулай ер бўлган. Биз Панипат жанг очиқ мемориал музейини томоша қилиб, керакли таассурот лавҳаларни ён дафтаримизга ёзиб юрибмизу, Бобур бобомизнинг нақадар катта қалб эгаси, зукко саркарда эканига, унинг бутун дикқат-эътибори мана шу жанг майдонига, қулай жой танлашга қаратилганилгига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Уша пайтда Жамна дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб Иброҳим Лўдий катта куч билан Бобурга қарши келар эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Иброҳим Лўдийнинг катта кучга эга эканлигини билар ва унга қарши ақл-идрок билан бор ҳарбий санъатини ишга солишга ҳаракат қилар эди. Бобур душман томон доим ишончли кишисини юбориб ҳақиқий ҳолатдан хабардор бўлиб турар ва ана шу ҳолатга қараб зийрак ақл билан иш тутарди. «Бу юрга хабар топтук-

ким, Султон Иброҳимким, Деҳлининг бери ёнида эди, андии илгари боқа кўчубтур. Яна Ҳисори Ферузанинг шақдори Ҳамидхони хосса хайлий Ҳисори Феруза ва ул навоҳининг черики била Ҳисори Ферузадин ўн-ўн беш курух (бир курух 2,5 км.) берирак чиқиб келибтур», — дейди Бобур.

Уз душмани ҳақида ана шундай аниқ маълумотга эга бўлган Бобур барибир қаноатланмай Каттабекни хабар учун Иброҳимнинг ўрдусиға, Мўмин аткани эса Ҳисори Феруза аскарлари томон хабар олиб келиш учун яна юборади. Улар душман ҳақида янги ва аниқ маълумотлар билан қайтиб келадилар, Бобурга етказадилар.

Бобур тез чора кўради. Бориб Иброҳим Лўдийга қўшилиш ва унга кўмак бериш учун ўз аскарлари билан кетаётган Ҳамидхон йўлини қирқиб чиқиб уни яксон қилиш учун ёш Ҳумоюнни жўнатади. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Ҳумоюнни тамом буронгор кишиси била ким, Ҳожа Қалон ва Султон Муҳаммад дўлдой ва Вали Ҳозин бўлгай ва Ҳиндистонда қолғон беклардин Хисравбек ва Ҳиндубек ва Абдулазиз ва Муҳаммад Али жанг-жанг ва ғулдин, ичклиардин ва йигитлардин шоҳ Мансур барлос ва Каттабек ва Муҳиб Али ва бир пора киши қўшуб, Ҳамидхон устига таъян қилдук».

Ота тарбиясини олган, ўн саккиз ёшли навқирон Ҳумоюн Ҳамидхон қўшинини Иброҳим Лўдийга етказмасдан йўлда яксон қиласди. Ота топшириғини аъло даражада бажаради, юзга яқин асиirlар ва етти-саккиз филни олиб келиб падари бузруквори Бобурга мулоzамат қиласди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюклиги шунда эдики, Иброҳим Лўдий рўпараси — аждаҳонинг домига Ҳамидхон аскарларини йўқ қилиш учун ўз жигарбанди — Ҳумоюнни жўнатади. Тажрибали, етилган беклар йўқмиди? Бор эди, етарли эди. Лекин Бобур шундай хавфли ва қалтис топшириқни ўз фарзандига раво кўрди.

Шу ўринда Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг қўйидаги сўзлари ёдга тұшади. Уни шаҳзода билан илк бор таништирганларида муносабатларини бўлғуси умр йўлдошига дадил айтади: «Мен аёл бажариши зарур бўлган барча юмушларни адо этишим мумкин, бироқ сизнинг олдингизда бош эгиб яшашга рози эмасман!. Маълумки, эркаклар аёлининг мўмин-қобил бўлишини истайдилар. Мискин аёлдан эса култабиатли болалар туғилади. Бундай фарзандлар на миллатга, на давлатга наф келтира оладилар». Офарин!

Бу фикрлар Гулбаданбегимда қаерда, қайси шароитда, қандай пайдо бўлди? Гулбаданбегим Бобурдай ота даргоҳида ўди, шу оила муҳитида балогатга етди ва аёлларда кам учрайдиган ана шу ишлат эгаси бўлди. Демак, Бобур даргоҳида аёл, бош эгиб, мискин бўлиб кун кечирган, яшаган эмас. Эр томонидан ўз ёстиқдоши, фарзандларни оқсуг бериб ўстирган рафиқасига бўлган муносабат олий даржада бўлган. Зероки, Ҳумоюн ана шундай муҳитда тарбияланган, вояга етган эди-да. Бобурдай улур инсон ғоят қалтие ишга ўз фарзандини жўнататётгандан Ҳумоюннинг галабасига ишончи муқаррарлигига имоннинг комил бўлади киши.

Бобурдаги бу хислат, бошқа саркардаларга сабоқ эди. Ҳумоюнни валинаҳдликка тайёрлашдан далолат эди. Ута қалтие вазиятни ҳамма кўриб, билиб турган эди. Ана шундай мураккаб шароитда Ҳумоюннинг юборилиши, унинг ғалабаси Бобурнинг бобоси Темурга хос теран иродасидан нишона эди. Қолаверса, шу ғалаба Ҳумоюнни темурийзодалар шоҳсупасига кўтариб кўйди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳумоюннинг бу ғалабасидан мағрур бўлади. «Аввали юруши ва аввал иш кўргани бу эди. Шугунга бисёр яхши бўлди», — дейди. Бобур ўз фарзанди Ҳумоюннинг келажагига катта ишонч билан қарайди.

Бобур ва Иброҳим Лўдий қўшинлари бир-бирига яқинлашиб, зиддият кучая боради. Бобур душман ичига одам юбориш йўли билан Иброҳим Лўдий Довудхон ва Хайтимхон бошлиқ беш-олти минг аскарни булар томонга олдинроқ жўнатганини аниқлаб, дарҳол чора кўради ва Миёни Дуобда уларни яксон қилиб ташлайди.

Душманга яқинлашган сари Бобур пухта ҳозирлик кўра бошлайди. Иброҳим Лўдийнинг аскарлари бир неча баробар кўп бўлганлиги учун ҳужумни у бошласа керак, деб ҳисоблайди Бобур.

Прим Кумар ғоят дилкаш йигит экан. У Панипат жангига тарихини яхши билар, бу майдоннинг ҳар бир нуқтаси ҳақида бизга тўлқинланиб сўзлаб берарди. Очиқ мемориал музейни кўздан кечирар эканмиз, саркарда Бобур бу жойнинг табиатини нақадар яхши билгани ва жанг пайтида ҳисобга олганнини кўриб, ҳис қилиб, лол қолдик. Панипат шаҳри ўнг қўл томонда, чап томон эса очиқ дала. Ушанда унинг фармони билан етти юзта арава тўпланади. Устод Алиқулига Рум услубида ана шу араваларни жойлаштиришни топширади. Бу аравалар молнинг хом терисидан маҳсус эшилган

арқонлар билан бир-бирига матаб боғланади. «Ҳар ики ароба орасида олти-етти тўра бўлғай. Туфакандозлар бу ароба ва тўраларнинг кейинида туруб, туфак отқайлар», — буюради Бобур.

Бобур кучларни олдинги жангларда орттирган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириди. Қўшиннинг марказида ўзи турди ва бошқарди. Ўнг қанотга Ҳумоюн, Ҳожа Қалон бошлиқ, чап қанотга эса Муҳаммад Султон, Маҳди Ҳожалар қўмондон этиб тайинландилар. Уларга эса қўшимча бўлинмалар берилди. Ўнг қанот марказида қўшимча бўлинма қўмондони қилиб Чин Темир Султон ва Шоҳ Мансур барлос, чап қанот марказида қўшимча бўлинмага эса Ҳалифа ҳамда Ҳожа Мирмиронлар қўмондон этиб тайинландилар. Чап қанотнинг учиди Вали Қизил, Малик Қосимлар, ўнг қанотнинг учиди эса Қорақўзи ва Абул Муҳаммад найзабозлар ҳаракат қилдилар. Бу бўлинма аскарлари қўшинларнинг олди томонида «тўлғама» жангидаги қатнашдилар, яъни душман қораси кўриниши билан, ўнг ва чап қанотдан тез ҳаракат қилиб ўтиб, душман орқасидан ҳужум қиласидар. Маҳсус илғор бўлинмаларга қўмондонлик қилиш Хисрав Кўкалтош ҳамда Муҳаммад Али жанг-жангга топширилди. Душман кирдикорини ўрганиш учун маҳсус бўлинма тузилди. Бобурнинг суюнган ҳарбий саркардаларидан бири Абдулазиз Мирохур эса маҳсус зарбдор бўлинмага (тархқа) қўмондонлик қиласидаги бўлди.

Иброҳим Лўдийнинг куч-куввати, имкониятларини шундай таърифлайди Бобур: «Ганимнинг ҳозир черикини бир лак ченарлар эди. Ҳозир умаросининг минг-икки мингта ёвук фили бор дерлар эди. Икки отасидин қолғон хазина худ нақд илгидаги эди, Ҳиндистонда расме бордурким, мундоқ иш тушганларда ярмоқ бериб, мийод била навкар тутарлар. Бу элни бидҳиндий дерлар. Агар мундоқ хаёл қиласа эди, бир лак, икки лак ҳам навкар тута олур эди».

Бобур бу нуқтага — Панипат жангига майдонига келгунга қадар вақиб ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлган. Иброҳим Лўдийнинг катта бойлик эгаси эканини ҳам билган. Бойлик эса кўп нарсани ҳал қилиши мумкинлигини, шу тобда юз мингдан ортиқ аскарга эга бўлган Иброҳим Лўдий ҳоҳласа улар сонини икки юз мингга етказиши мумкинлигини Бобур яхши билар эди. Бобур ана шундай аждаҳоннинг комига ўн-ўн икки минг кишилик қўшини билан наъра тортиб борар эди.

Боргандага ҳам ғоят осойишталик, саранжом-саришталик,

сабр-тоқат билан доим ўз атрофидаги беклар, құмандонла-
ру аскарларнинг кайфиятини, руҳини күтарған ҳолда борар-
ди. «Мен Жұн дарёсіні гузар била кечиб бориб, Сарсовани
сайр қылдым. Ул кун маъжун ҳам едук. Сарсованинг чашма-
си бор, озроқча сув бу чашмадин чиқиб борадур, ёмон ер
эмас... Бир кемада толар ясатиб, гоҳи кема сайри қилур
әдим, гоҳи күчларда кема билан андин келур әдим», — дей-
ди Бобур.

Бобур юришда, туришда, муомалада ғоят осойишта кү-
рингани билан у ичидан, бутун вужуди билан бұлажак
жанг ҳәёт-мамот жангы эканлигини тұла ҳис қиласади. Бо-
бурнинг жанг араfasыда айтган мана бу сўзлари фикримиз-
нинг далили эмасми?! «Буронғор, жувонғор, ғул ясол ясаб
күрулди. Ул миқдорким, қиёс қилур әдук, онча черик назар-
ға келмади».

Демак, онча черик назарға келмагач, ташвишга тушди,
атроф қишлоқлардан арава тұллайды. Бу ернинг табиатини,
шаҳар ва қишлоқлар жойлашишини ўрганды. Душман би-
лан тұқнашадиган мана шу жанг майдонини олдиндан деяр-
ли билди. Бобур ўз құшинини шундай жойлаштирудыki, Па-
нипат шаҳри ўңг құлда қолди. Бу томондан унинг күнгли
анча тұқ әди. Негаки, қалин үйлар, деворлар душманини
дағғатан суріб жанг қилишдан тұсіб турарди. Бобур бун-
дан мудофаа тұсиги ҳамда бу ердан туріб душманга қаттық
зарба бериш чизиги сифатида фойдаланды.

Лекин чап томон очиқ дала әди. Бу томондан катта күч
билан келган рақибни дағғатан бир тұхтатиб қолиши, дами-
ни кесиши воситаси бўлиши керак әди. Тұпланған етти юз
аробалардан ана шу мақсадда фойдаланды Бобур. Чап қа-
нотта бир-бирига тери-қайиш тасма арқонлар билан муста-
таҳкам маталган аравалар шундай ўрнатилдики, керак
пайтда орадан юз-юз эллик отлиқ аскар зудлик билан ўта-
диган жой ҳам қолдирилди, зарур жойға эса хандақлар қа-
зилди.

Бобур Панипатда, жанг учун ҳамма нарса тайёр. Ибро-
хим Лұдий аскарлари тұлиб-тошган жангни филлари пиш-
қирған пайт әди. Лекин душман тебранмади. Чамаси Ибра-
хим Лұдий ҳам анойилардан бўлмаган күринади. У ҳам
Бобурнинг бир кесарлигини, мақсадидан қайтмаслигини,
айтганини қилишини сезган. Бобурнинг ўн-үн икки минг ки-
шилик құшини жанг чизигида турғанлигини яхши билган
бўлиши керак. Филлар олдида чумоли кичик күрингандай,
юз минг кишилик қайнаб-тошиб турған ўз құшини қарши-

сида ўн-үн икки минг кишилик Бобур құшнини унча назарға
илинмаган күринади. Иброҳим Лұдий құшини Бобурга, құ-
лингдан нима келарди, дегандай тебранмасди. Заҳириддин
Мұхаммад Бобур озгина күч билан тунда тұстадан ҳужум
(тегиши) қилиб душманин жунбишга келтирмоқчи бўлди.
«Алар ҳеч ҳаракате ва жунбише қилмаслар әди. Охир баъзи
давлатгоҳ ҳиндустоний бекларнинг раъти била амал қилиб,
Маҳди Хожа ва Мұхаммад Султон... бошлиғ тұрт-беш минг
кишини шаби хунға йибордук», — деб ёзади Бобур.

Бобур юборған аскарлар Иброҳим Лұдийнинг ҳалдан
ташқари қалин құшинини ёриб киролмай, тунги тұқнашув-
дан сұнг орқага қайтди. Мұхаммад Али жанг-жанг оғидан
үқ еб келди ва асосий уруш куни жангга ярамади.

Шундан сұнг, 1526 йилнинг 21 апрел куни Иброҳим Лұ-
дий құшини жангга саф тортди ва ҳужумга ўтди. «Султон
Иброҳимнинг қораси йироқдиким, күрунди, ҳеч ерда даранг
қилмай, тез-үқ келадур әди. Илгаррак кела бизнинг қора-
мизким, аларга кўрунди, бу тартиб ва ясонниким, мулоҳаза
қилдилар, хаср бўлуб, турай-турмай, келай-келмай дегандек
қилиб, не тура олди, не бурунғидек бедаранг кела олди», —
деб ёзади Бобур.

Ана шу ҳолатни күтган Бобур фурсатни бой бермай ҳу-
жумга ўтади, ўнг ва сұл қанотдан «тұлғама» жангни бош-
лашга буйруқ беради. Жанг, ўша машхур Панипат жангы
бошланди. Икки қанотдан «тұлғама» жангы аскарлари Ибра-
хим Лұдий құшинларининг икки биқинидан тез ва чаққон
ҳаракат қилиб унинг орқасынға ўта бошлади. Қанот жангчи-
лари шиддат билан ҳаракатта келдилар. Бириңчи бўлиб сұл
қанотдан Маҳди Хожа рақиб билан тұқнашди. Рақиб жанг-
чи фил билан ҳужум қилди. Буни кузатиб турған Бобур дар-
ҳол бириңчи жанг бошланған сұл қанотта ёрдам жүннатди.
Үнг қанотда ҳам уруш қойим бошланди.

Мұхаммад Али кўкалтош, шоҳ Мансур барлос. Юсуф Али
ҳамда Абдулло каби баҳодир жангчилар марказдан — душ-
ман рўпарасида урушга кирдилар. Иброҳим Лұдий аскар-
лари атрофдан тезлик билан ўраб олина бошланди. Ташаб-
бусни Заҳириддин Мұхаммад Бобур бириңчи бўлиб олиб
кетти.

Замбараклар ва бошқа қуроллар ишга тушди. Чаққон
«тұлғама»чилар душманга ортдан кучли зарба бера бошла-
дилар. Бұтунлай куршовла колган Иброҳим Лұдий аскарла-
ри ўнг ва сұлдан бир-икки қарши зарба бериш учун ҳужум-
га ўтиб, уриниб кўрдилар. Лекин ҳеч нарса чиқаролмадилар.

Чунки, Бобурнинг ақл-заковати билан ташкил этилган жанг ҳужумчилари Иброҳим Лўдийнинг бутун қўшинини тобора исканжага олиб сиқиб борар эдилар. «Оқибатда, ғанимнинг ўнг қўли ва сўл қўли бори бир ерда йиғилиб, андоқ тиқилиш бўлдиким, не илгари кела олдилар, не қочгали йўл топа олдилар», — деб ёзади Бобур бу ҳақда.

Мана шу майдонда жанг ярим кун давом этди. Заҳиридин Муҳаммад Бобур Иброҳим Лўдийни енгиб узил-кесил галаба қилди. Панипат жангни майдонида султон Иброҳим Лўдий ҳалок бўлди. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Намозидгар бор эдиким, Тоҳир Табарий халифанинг қайниниси Султон Иброҳимнинг ўлугини қалин ўлуклар ичидан таниб, бошини келтурди».

Тарихий далиллар шундан дарак берадики, Бобур жанг майдонида ҳалок бўлган ўзининг кучли рақиби шаънига, сенинг жасур мардлигиннга шон-шарафлар бўлсин, дейди ва Иброҳим Лўдий жасадини иззат-икром билан дафи этишини буюради.

Биз ҳамон Бобур бобомиз галаба қилган ана шу Панипат жангни майдонида очиқ мемориал музейини томоша қилмоқдамиш. Бу музей ақл-идрок ва юксак дид билан тарихий во-кеаларга имлй ва хаққоний ёндашган ҳолда ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу очиқ мемориал музейдаги ҳар бир экспонат ва битилган лавҳаларда Панипат жангни Бобур галабаси билан тугаганлиги ва Бобур, умуман, бобурийлар Ҳиндистон тараққиётида ижобий ҳолатни вужудга келтирсанликлари ҳаққоний акс эттирилган.

Панипат галабасидан сўнг Заҳиридин Муҳаммад Бобур қўшини Дехлига йўл олади. 1526 йилнинг 24 апрелида Дехлини эгаллайди. Жума намози куни мавлоно Маҳмуд ва Шайх Зайнлар Бобур номига хутба ўқийдилар. Бобур Ҳиндистонни эгаллайди.

Панипат жангни очиқ мемориал музейидан катта таассурут олиб, Дехли томон йўлга тушдик.

СЕВГИ ВА ВАФО ҚАСРИ

Панипат таассуротлари билан кўхна Дехлига кетяпмиз. Шаҳарга кенг ва кўркам Моҳандас Карамчанд Ганди номи билан аталувчи ката йўлдан кириб бормоқдамиш.

Ганди! Ҳиндистон миллий озодлик курашининг машҳур раҳнамоларидан бири. Ҳинд ҳалқи уни «Маҳатма» — Буюк

қалб, деб атайди, ҳурмат қиласди, эъзозлайди. Гандизм таълимотининг асосчиси. Дарҳақиқат, Маҳатма Ганди (1869-1948 йилларда яшади) «Сатяграха» (куч ишлатмасдан курашиш) тактикасини ишлаб чиқди. Буюк қалб эгаси ҳиндлар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга интилди. 1948 йил 30 январда реакцион «Ҳинд Маҳасабҳа» партиясининг аъзолари томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

Ганди ўлимидан сўнг атиги икки жуфт шиппак, кўзойнак, ўрин-кўрпа ва бир даста китоб қолди. Ватандошларига эса озодликка эришган мамлакат ҳамда Тинчликни қолдириди.

Деҳли шаҳрида Жавоҳарлаъл Неру, Индира Ганди, Раджив Ганди номларига қўйилган кенг шинам кўчалар, гўзал хиёбонлар бор. Ҳиндистон давлат ва сиёсий арбоби, ҳинд миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири, Гандининг содиқ шогирди ва сафдоши Неру Оллоҳобода таваллуд топди. У «Неру йўли»нинг ташкилотчиси сифатида майдонга чиқди. Неру ҳалқлар ўртасидаги тенглик, дўстлик, ҳамкорлик учун, уруш хавфига, неоколониализм ҳамда ирқчиликка қарши матонат билан курашган инсондир. У «Панча шила»— тинч-тотув яшашнинг беш тамойилини ишлаб чиқиша актив қатнашиди. Қизи Индира Ганди, невараси Раджив Гандилар Жавоҳарлаъл Неру ишини давом эттириб, Ҳиндистоннинг буюк инсонлари сифатида ҳалқ қалбидан абдий сақланиб қолдилар.

Деҳлига кириб бормоқдамиш. Шаҳар манзараси, кўрки, фикри-зикрингизни ўзига тортиб олади. Турли чеҳралар. Биз жуда кўп мамлакатларда бўлиб, ўнлаб шаҳарларда сайр-томоша қилганимиз. Лекин Ҳиндистон шаҳарлари, айниқса Деҳлидагидек кишини мафтун этувчи хилма-хил манзара — гўзалликни кўрмаган эдик.

Мустақил Ватанимиз — Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонасига йўл олдик. Мана, элчихона биноси. Яна ҳаяжондамиш. Элчихона биноси тепасида азиз Ватанимизнинг байроғи ҳилпираб турибди.

Юрак ҳаприқади. Бу табиий бир ҳол эди. Зероки, Деҳлида дунёдаги бошқа давлатларнинг байроқлари қаторида бугун тенг ҳуқуқли Ўзбекистонимизнинг байроғи баҳтиёр ҳалқимизнинг баҳт-саодатидан дарак бериб нур сочиб турибди.

Урта бўйли истараси иссиқ консулимиз Аҳмаджон Луқмонов ўзбекона қулоч очиб бизни кутиб олди. Ичкари таклиф этди. Бу ғоят синчков, зеҳни ўткир, сергайрат йигит

қисқа вақтда Хиндистан ва ҳиндистанликларни яхшигина ўрганибди, кўп дўстлар ортирибди.

Деҳли дунёдаги аҳоли энг кўп яшайдитан улкан шаҳарлардан бири. Шуниси диққатга сазоворки, Деҳлида аҳолининг сони бутун Хиндистандагидан икки марта тез кўпаймоқда. Бу соҳада Хиндистан демографлари илмий-тадқиқот олиб бормоқдалар. Уларнинг айтишларича, XXI асрнинг бошларига бориб Деҳли шаҳри аҳолисининг сони 20 миллионга етади. Битта шаҳарда истиқомат қилувчи ана ўшанча аҳолини кийинтириш, тўйдириш, иш билан таъминлаш керак.

Шаҳар икки қисмга — Янги ва Эски Деҳлига бўлиниади. Янги Деҳлида асосан давлат идоралари, янги, замонавий бинолар, ўқув юртлари жойлашган.

Эски Деҳлида тарихий жойлар жуда кўп. Султон Кутбидин номи билан аталувчи бутун дунёга машҳур Кутб Минор ҳам ўша ерда. Уни ғалаба минораси, деб ҳам атashади. Унинг ёнида 415 йилда тоза темирдан қўйилган устун ҳам жойлашган.

Шаҳарнинг шу эски қисми — Шоҳжаҳонободда юқоридағи қадим ёдгорликлардан ташқари 1193—1200 йилларда қурилган Кувват ул-Ислом масжиди, 1662 йилда қурилган Марварид масжид, 1644—1658 йилларда қурилган Жума масжиди жойлашган. Лаъл Қала (Қизил форт) сарой комплексида бобурийлар даврининг оқ мармардан ишланган маҳобатли саройларини кўрмабсиз. Деҳлида бўлмабсиз, дешишади ҳинdlар. 1565 йилда қурилган Хумоюн мақбараси ҳам Деҳлидадир.

Ҳозирги Деҳли қадимги Индрапрастха (Индарпат) шаҳрининг яқинида VIII асрнинг биринчи ярмида барпо этилган. 1206 йилдан Деҳли султонлигининг, 1526 йилдан эса то инглизлар босиб олгунга қадар бобурийлар империясининг пойтахти бўлди. 1803 йилда эса инглизлар босиб олди.

Шоҳ Жаҳон томонидан қурилган Қизил Қалъадаги кишини ҳайратга соловучи мармар саройлар, айниқса бизда катта таассурот қолдириди. Бу муқаддас қалъа бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда унинг резиденцияси бўлган. Дарҳақиқат, бу ўхшали йўқ улкан қароргоҳ Хиндистандаги туркум тарихий обидаларнинг энг катта ва улуғворларидан биридир. 1947 йили Бош вазир Жавоҳарлаъ Неру Қизил Қалъа қуббасига мустақил Ҳиндистаннинг уч ранги байроғини кўтарган эди. Ана шу байроқ ҳинд халқини улуғ мақсад йўлида олга даъват этиб порлаб турибди.

Тарихий далиллар шундан дарак берадики, 1192 йилдан

то инглизлар босиб олгунга қадар Деҳлини четдан келган мусулмонлар ва уларнинг авлодлари идора қилганлар. Айниқса, бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида бу шаҳар тараққиётининг гуллаб-яшнаган чўққисига эришган. Уша даврда бу ерга Италия, Франция, Миср, Эрон, Хитой ва бошқа мамлакатлардан савдогарлар келиб турганлар. Улар билан бирга дунё бойликлари оқиб келган. Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигидан кейингина шаҳар тушкунликка юз тута бошлади.

Деҳли гўзал Жамна дарёси бўйига жойлашганлиги билан ўзига хос бир латофатга ҳам эга. Бу ҳаётбахш Жамна Хиндистаннинг иккичи дарёси ҳисобланади. Шуниси диққатга моликки, Ҳиндистаннинг бутун тарихи давомида унинг барча пойтахт шаҳарлари Жамна қирғоқларига жойлашган. Жамна Деҳли шаҳрини айланиб ўтиб улуғвор ярим ҳалқа шаклини ташкил этади. Ана шу жойда бобурийлар қуриб қолдирган қалъалар, истеҳкомлар, мақбаралар жойлашган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари бир неча бор кечиб ўтган, қайиқда саир этган гўзал Жамна Деҳлидан нари машҳур Матхура шаҳри томон оқади. Ундан кейин Агра шаҳрига оқиб келади. Машҳур Тож Маҳал ёнидан ўтиб, бу ерда ҳам ярим ҳалқа шакли ясаб яна ўз изига тушадида, Оллоҳобод томон оқади. Оллоҳобод яқинида Гангага қўшилиб Сангамни — икки дарё қўшилган жойни ташкил этади.

Ганг! Бу дарё текисликлардан оқиб ўтиб ўзининг суви ни Бенгал қўлтиғига қуяди. Ганга ҳинdlар учун нафақат «Ҳаёт дарёси», балки «Ўлим дарёси» ҳамdir. Ҳар бир ҳинди Ганга қирғоғида жон беришни орзу қилади. Айниқса, ёшини яшаб, ошини ошаганлар Гангага интиладилар.

Ганганинг узунлиги 2500 километр бўлиб, унга ўн иккитадан ортиқ кичик дарёлар келиб қўшилади. Юқорида айтганимиздек шаҳарлар ана шу дарё қирғоқларига қурилган. Босқинчилар шаҳарларни вайрон қилганларида ҳам яна ўша ерга қайта тикланган. Тиклангач айримлари янги ном билан атала бошлаган. Масалан, Деҳли (Матхура), Каши (Патна), Варанаси (Банорас) каби шаҳарлар катта дарёларнинг бўйларига жойлашган.

Азим шаҳар Деҳлидаги Бобур ва бобурзодалар қадамжолари, миллий музей ҳамда тарихий жойларни зиёрат қилгач Агра томон йўл олдик. Уттар-Прадеш ҳиндистаннинг шимолий вилоятидир. Пойтахти Лакхнав шаҳри ҳисобланган бу вилоятда 110 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳинд ва Ганга дарёлари оралиғига жойлашган пасттекисликларни эгаллаган. Худди шу вилоятда Заҳириддин Муҳам-

мад Бобур Аграни бунёд этиб, ўзига пойтахт қилиб олган эди. Кейинроқ эса Шоҳ Жаҳон Аграда Тож Маҳални тиклайди.

Оллоҳобод ҳам шу вилоятда. У ерда Нерулар сулоласига тааллукли уй «Ананд Бхаван» (Кувончлар уйи) жойлашган. Бир сўз билан айтганда Уттар-Прадеш Ҳиндистондаги тарихий ёдгорликларга энг бой, аҳоли энг зич жойлашган вилоятдур.

Ана шу вилоятнинг тилларда достон бўлган, тарихий ёдгорликлар қўриқхонаси Аграта кириб бордик. Гўзал Агра Ҳиндистоннинг шимолидаги шаҳар, Жамна (Ямуна) дарёсининг ўнг соҳилидадир. Мамлакатдаги йирик темир ўйлузели, Агра — Бомбей автомагистралининг охириги нуқтасидир.

Заҳиридин Муҳаммад Бобур бу ернинг фоят хушманзара табиатини, гўзаллигини илк қадам қўйгандаёқ пайқаган ва боғ-роғлар барпо этиб, ноёб қурилишлар бошлаган инсондир. Дарҳақиқат, бобурийлар пойтахти бўлган, айниқса Акбар ва Шоҳ Жаҳон даврида равнақ топган Аграта илк бор файз-барака Бобур ҳазратлари шарофати билан кирган. Ана шу гўзаллик, ўзига хос файз ҳозир ҳам кишини оҳанрабодай чорлаб туради. Бу ердаги XVI-XVII асрларга доир мусулмон меъморчилигининг бетакрор ёдгорликлари кишини ҳайратга солади.

Биз ҳайратомуз тарихий ёдгорликлар, боғлар шаҳри Аграта қадам қўйишимиз билан таърифи етти иқлимга кетган Тож Маҳални қўришга ошиқардик.

Текис ва равон йўлдан боғлар оралаб бормоқдамиз. Атрофда сарвқомат дарахтлар, кўм-кўк майсалар. Машиналарнинг кети узилмайди, одамлар гавжум. Бу ерда курраи заминнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган сайёҳларни, невара-чевараларини атрофига олиб зиёратга келган ҳинди боболару момоларни учратасиз. Ҳамма Тож Маҳал томон интилади, зиёратчилар оқими узилмайди.

Машинамиз анча олисда қолди. Биз ҳам зиёратчилар оқимида қўшилиб (машиналар маҳсус жойда қолдирилади) Тож Маҳал томон бормоқдамиз. Йўл бўйида шинам дўконлар саф тортган. Салқин ичимликлар, енгил таомлар, газета-журналлар, тарихий ёдгорликлар рангли суратларда тасвирланган маҳсус букламлар. Саёҳат учун зарур бўлган барча нарслар топилади.

Ана шу йўл — хиёбондан бориб хиёл чапга буриласиз, рўпарангизда салобатли арк — дарвоза намоён бўлади. Бу

Тож Маҳал жойлашган катта боғ-қўриқхона қўргонининг ташки дарвозаси. Ундан ичкари кирасиз. Гўзал боғ. Обод расталар, кўркам хиёбон оралаб ичкари юрасиз. Жаннатманд боғнинг қоқ ўртасига бориб яна чапга буриласиз. Қаршингизда биринчисидан ҳам салобатли, ундан ҳам гўзал арк-дарвоза рўбарў туради. Боғ ана шу ердан боғ латофатига муносиб баланд девор билан бўлинган. Тож Маҳал ана шу деворнинг нариги томонига «яшириб» қўйилган. Маҳобатли арк-дарвозадан киришингиз билан Тож Маҳал, мана мен, деб тенгиз гўзаллиги билан бир неча қадам нарида, шундай рўпарангизда намоён бўлади, нигоҳингизни; бутун диққатингизни тортади.

Арк-дарвоза ердан анча кўтарилиганлиги учун, ичкари кириб мармар супада бир тўхтаб оласиз. Арк қизил ва кўкимтири рангли тошдан қурилган. Безаклари фоят нозик, дид билан иҷланган. Ана шу аркдан то Тож Маҳал супасигача бўлган бир неча қадам келадиган оралиқда энсиз — узун, икки лабига оқ мармар қопланган сунъий ҳовуз тиниқ зилол сув билан лиқ тўла. Ҳовуз ўртасига ўрнатилган йигирма бешта фаввора сувни юқорига отиб турибди. Ҳовузнинг икки лабида бўйи унча баланд бўлмаган сарвқомат яшил арчалар саф тортган. Ана шу арчаларнинг ости Боги Эрам гиламидай тўртбурчак барра майса билан қопланган. Зиёратчилар ана шу ҳовузнинг ўнг томонидаги кўркам хиёбондан Тож Маҳал томон борадилар. Чап томондан эса қайтадилар. Ана шу йўлак-хиёбондан кейин шу ернинг табиатига монанд ҳолда ўтқазилган, меҳр билан парвариш қилинаётган дарахтлар, катта боғ бошланади. Тож Маҳал табиат мўъжизасидай, кўм-кўк боғ орасидан ўсиб чиққандай, шу ернинг табиати билан йўғрилиб кетгандай туюлади. Унинг мовий ранги атроф-муҳит билан бирлашиб тип-тиниқ осмонга уланиб кетгандай.

Одамлар оқими узилмайди. Тож Маҳал супасида узлуксиз ҳаракатда бўлган зиёратчилар унга ўзгача бир гўзалик, ўзгача бир латофат бағишилагандай. Худди бутун боғ, Тож Маҳал ана шу зиёратчилар занжири билан боғланиб, тўё ҳаракатдаги тирик бир жисмдай сизга кулиб аждодлар тарихидан сўзлаб тургандай туюлади. Биз дунё кезиб Хеопс пирамидасини кўрганимиз, Луқсорнинг мўъжизакор обидаларини томоша қилганимиз, Тутанҳамоннинг мўмиёланган жасади сақланган Нил бўйидаги «Шоҳлар водийси»да бўлганимиз. Лекин бунчалик хаяжонланган эмасмиз. Тож Маҳал бизни ўзига ром қилиб қўйди. Бонси бў мўъжизасифат оби-

дани бизнинг аждодларимиз қуриб қолдирган. Биз бу ерда ана ўша аждодлар нафасини ҳис қилиб турибмиз. Қалбимизда ўзгача бир ғурур пайдо бўлди.

Биз ҳам одамлар оқимига қўшилиб Тож Маҳални зиёрат қила бошладик. Ҳовуз бўйлаб бориб йигирма битта зина-поядан Тож Маҳал супасига кўтарилидик. Гўзал Жамна дарёсининг зилол сувлари Тож Маҳал деворига урилиб оқиб ётибди.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо—Бобуршоҳ тўрт ўғил (Хўмоюншоҳ, Комрон Мирзо, Аскарий Мирзо, Ҳиндол Мирзо) кўрдилар. Хўмоюншоҳдан эса Бобуршоҳ неваралари Жалолиддин Акбаршоҳ ҳамда Муҳаммад Ҳаким Мирзо туғилдилар. Ҳиндистонда жуда катта ишларни амалга оширган, бобурийлар империясига куч-кувват бағишланган Жалолиддин Акбаршоҳдан эса Бобуршоҳ чевараси шахзода Салим (Жаҳонгир) дунёга келдилар. Шаҳзода Хуррам (Шоҳ Жаҳон) Жаҳонгир шоҳнинг учинчи ўғли, Бобуршоҳ эвақасидин.

Шоҳ Жаҳон 1592 йилда таваллуд топади. 1628 йилда таҳтга ўтиради. Гўзал ва латофатли Аржуманд Бону бегим унинг суюкли рафиқаси бўлган. Уни, саройда бекиёс, маъносида Мумтоз Маҳал деб аташган. Шу ном билан у жаҳонга машҳур. Мумтоз Маҳал оламдан анча ёш кўз юмган.

Айтишларича, Мумтоз Маҳал беҳол ётган пайтда Шоҳ Жаҳон унга, тила-тилагингни, дей пешонасига ҳароратли лабини босган. Шунда Мумтоз Маҳал, агар менинг куним битиб бу дунёдан кўз юмсан менга бир мақбара тикланг, жонда тенги ва ўхшashi бўлмасин, дей илтижо қилган экан.

Мумтоз Маҳал 1631 йилда дунёдан кўз юмди. Султон Шоҳ Жаҳон суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал васиятига мувофиқ Тож Маҳални қурдира бошлади. Бу тенги йўқ ва ўхшashi йўқ обиданинг қурилишида Марказий Осиё, Эрон ҳамда жанубий Европа меморчилигининг дурдона ютуқларидан фойдаланилган. Турк мемори Устод Муҳаммад Исахон афанди бошчилигига 1632-1650 йиллар давомида қурилган. Уни қуришда ҳинд усталари билан бирга Бухоро ва Самарқанд усталари ҳам қатнашганлар.

Тож Маҳал оқ мармардан қурилган. Беш гумбази бор. Деворлари ҳақиқ, марварид, садаф, каҳрабо, зумрад, ёқут каби қимматбаҳо товланиб турувчи рангли тош ҳамда фил суягидан мозаика билан безатиб ишланган Султон Шоҳ Жаҳон ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳал мақбраси шу ердадир. Ана шу сағана қўйилган маҳобатли хона катта гумбаз

бидан қопланган бош бинодир. У 104x104x7 метрлик супа устида жойлашган. Оқ мармар билан қопланган супа устидаги бинонинг тўрт томони баландлиги 45 метрлик тўртта катта гўзал бор билан қуршаб олинган.

Тож Маҳал ўрта аср меъморчилик санъатининг энг юқори чўққисидир. Унга нигоҳи тушган кишида осойишталик, эзгулик, гўзаллик туйғулари уйғонади. Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳал мақбраси севги ва гўзаллик рамзига айланган.

Пилнинг куз фасли—октябр ойида бу ерда «Шараф Пурним» деб аталувчи Тўлин ой фестивали ўтказилади. Бу байрам уч кун давом этади. Ой тўлишган пайтда кечқуруилари Аграга одамлар оқими узлуксиз келиб туради. Севги ва садоқат рамзи бўлган Тож Маҳал атрофида шоду хуррамлик бошланади.

Айтишларича, бу байрам биринчи марта Шоҳ Жаҳон ташбуси билан ташкил топган. У ўзининг суюкли хотини вафотидан кейин бир йил ўтгач Мумтоз Маҳал шарафи учун илк бор шу байрамни ўтказган. Ушанда Шоҳ Жаҳон оқ мотам либосида бўлиб, Мумтоз Маҳал қабрининг устига марваридлардан тўқилган чойшаб ёпилган эди. Шундан буён ҳар йили кузда Тўлин ой байрами ўтказилиб келинади.

Тож Маҳал йил ўн икки ой зиёратчилар билан гавжум. Мана, ҳозир ҳам келувчилар кети узилмайди. Уларга назар ташлаймиз. Сарвқомат қизлару, келишган йигитлар кўп. Ҳиндистон аёллари, айниқса, қизлари чиройли кийинишини ёқтирадилар. Асрлардан буён улар сарий кийиб келадилар. Нафис гулли матодан сарий кийган қиз-жувонлар гоят ноҳиз, хушбичим, латофатли ва гўзал кўринадилар. Улар сочларини янги узилган гул-ғунчалар билан безаб оладилар. Юз ва лабларининг табиий ҳолати ва рангини афзал кўриб упа ва бўёқдан фойдаланмайдилар. Қаро кўз ва қошлирга сурма қўядилар. Ана табиий гўзаллик!

Жамна дарёсининг нариги қирғоғига йўл олдик. У ерда Аграфорт—Қизил қалъа қасри жойлашган. Бу қаср асосан бобурийлар даври—XVI асрда, яъни, Жалолиддин Акбаршоҳ, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб Оламгир ҳукмронлик қилган даврда қурилди. Ана шу мўъжизакор Аграфортдамиз. Бу катта ва гоят мустаҳкам қўргон-қаср ичida «Марварид масжид» ҳамда бир нечта ҳашаматли саройлар бор. Жалолиддин Акбаршоҳ, Жаҳонгир Мирзо, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб Оламгирнинг дидларига мос, бир-бирини тақрорламайдиган

бу саройлар уларнинг ҳар бири ҳақида тарихдан дарак бериб турибди.

Қасрдаги «Марварид масжид», кутубхона ва саройларни зиёрат қиласар эканмиз Жамна дарёсининг бўйида доира шаклидаги очиқ саккиз даричали ғоят ноёб мармар хонада туриб қолдик. Бус-бутун сақланган бу хонани катта даричаларидан атроф табиат бор манзараси билан кўзга тўла ташланиб турибди. Пойнингизда Жамна дарёсининг зилол сувлари жимирлаб оқиб ётибди. Унинг нариги қирғоғида — рўпаратингида мовий осмонга бўй чўзган гўзал Тож Маҳал сарий кийган гўзал ҳинд қизидай латофат тўкиб турибди.

Ажиб бир манзара, қуббали, саккиз даричали мана шу шоҳона мармар айвон бобурйизодалар ҳаёти, уларнинг меъморчилик соҳасида бетакрор юксак дид ва фаросатларидан, қолаверса, уларнинг қисматидан шивирлаётгандай туюлади, бизга. Мана шу шоҳона айвонда туриб, гўзал Жамна дарёсининг нариги қирғоғида кишининг хаёlinи буткул олиб, қўядиган севги ва вафо қасри Тож Маҳалга боқар эканмиз, бобурйилар ҳақида ўқиган, эшитган ва билгандаримиз бирмабир хаёлимиздан ўта бошлади.

Манбаларнинг гувоҳлик беринича, «Севги ва вафо» қасрини бунёд этган Шоҳ Жаҳон ўз ҳаётининг сўнгги йилларини мана шу шоҳона мармар айвонда, тутқинликда, азоб-уқубатда, Жамнанинг нариги қирғоғида, мана мен Тож Маҳал, деб турган унинг учун ғоят муқаддас бўлган жойга боролмай, суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал қабрини зиёрат қиломай, унга итилган ҳолда ўтказди. Ҳа, тақдирнинг иккι қўли бор, дейдилар. Бир қўли билан эркалатиб юзингни силаса, иккинчиси билан тарсаки туширади.

Шоҳ Жаҳон! Севги-вафода улкан садоқатга эга бўлган бу инсон бобурйилар тарихида ўзига хос бетакрор олтии саҳифа қолдирган. Ана шундай инсоннинг сўнги кунлари ўтган мана шу айвоннинг мармар тош деворларини силаб-сийпалаб ушлаб кўрар эканмиз, бобурйларнинг аёлларга бўлган муносабати, соф муҳаббати бизни лол қолдирар эди. Зероки, шаҳзода Хуррам (Шоҳ Жаҳон) ҳам темурий—бобурйларга хос бўлган ана шу мұхитда дунёга келган, ўғсан, улғайган эди. Бизнинг назаримизда тақдир қанчалик тарсаки туширмасин, шаҳзода Хуррамнинг ўзгариши муҳаббат эътиқодидан зарра бўлса ҳам қайтиши мумкин эмас. Унинг юрагида улуғ Темур, буюк Бобур қони бор эди. Ундаги ўткир мантиқ, темурийларга хос хислат, Аллоҳ ато этган неъмат эди.

Унинг отаси Жаҳонгиршоҳ (шаҳзода Салим) Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган учини бобурий шаҳзода эди. Шаҳзода Салим Ҳиндистонда бобурийлар империясининг мустаҳкам олтин устунини ўрнатган машҳур Акбаршоҳнинг ўғли эди. Кунлардан бир кун шаҳзода Салим Меҳринисо исмли ғоят гўзал бир қизни бозорда кўриб, унга ошиқ бўлиб қолади. Меҳринисо асли келиб чиқиши Эрондан бўлиб, унинг ота-онаси йўқчилик сабабли Эрондан Ҳиндистонга кўчиб келишган. Меҳринисонинг зуваласи пишиқ бўлган отаси Акбаршоҳ саройида хизматга ёлланади.

Шундай қилиб, шаҳзода Салим Меҳринисога уйланишга жазм қиласди. Отаси Акбаршоҳ эса ўғлининг Меҳринисога уйланишига асло рози бўлмайди. Акбаршоҳ Меҳринисони сарой аъёнларидан бири — Али Кули Истажлий (Шерафкан) га турмушга чиқишга мажбур этади. Шерафкан Меҳринисога уйлангач, уни қўшинларга бошлиқ қилиб Бенгалияга жўнатиб юборади.

Шаҳзода Салимнинг Меҳринисога бўлган муҳаббати аланга олса оладики, сўнмайди. 1605 йилда отаси Акбаршоҳ вафот этади. Таҳтни унинг валиҳад ўғли шаҳзода Салим эгаллайди. Тақдирнинг тақозосини қарангки, 1611 йилда Шерафканхон Бенгалия ҳокими Қутбиддин билан жанжаллашиб қолиб, уни чавоқлаб ташлайди. Соқчилар эса, Шерафканхонни ҳам ўлдирадилар. Меҳринисо бева қолади ва Жаҳонгиршоҳ саройи — Аргага қайтади.

«Мунтаҳаб ут-таворих» асарининг муаллифи Ҳакимхон тўра Меҳринисонинг Жаҳонгиршоҳ никоҳига кириши ҳақида олдиндан башорат қилинган бир туш тафсилотини келтиради. Эмишким, Меҳринисо тунларнинг бирида туш кўради. Тушида осмондан қуёш тушиб келиб, унинг кўрпаси ичига киради. Бу тушии эри Шерафканхонга айтиб, таъбирини сўрайди. Шерафканхон, сенинг тўшагингга подшоҳ кирав экан, деб таъбир айтади.

Бева қолиб Аргага — саройга қайтиб келган Меҳринисони Жаҳонгиршоҳ ўз никоҳига олади. Шундай қилиб, Меҳринисо шаҳзода Салимнинг бир кўришдаёқ севиб қолганча бор эди. У ғоят гўзал, зийрак, ўта фаросатли, тадбиркор аёл эди. Ана шу хислатлари билан тез орада сарой аҳлини ҳам ўзига ром қиласди. Энди уни Меҳринисо эмас, Нурмаҳал (сарой нури) деб айтадилар. Қейинчалик, Жаҳоннинг нури — Нуржакон бўлиб кетади.

Юқорида айтганимиздек, Нуржакон (Меҳринисо)нинг отаси Эътимод-уд Давла зуваласи пишиқ одамлардан эди.

У Жаҳонгиршоҳ салтанатида бош вазирлик лавозимигача кўтарилади. Эътиомод-уд Давланинг ўғли, яъни Нуржаҳон бегимнинг акаси Осафхон эса сарой бошқарувчиси мансабини эгаллайди.

Албатта, бу, Нуржаҳон бегимнинг тадбиркорлиги шарофати туфайли эди. Зероки, Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳ салтанатида доно маслаҳатчи сифатида иш тутарди. У мамлакатнинг ижтимоий, маданий ҳаётига доир катта тадбирларни белгилаган ва бажарган. Нуржаҳон бегим дурустгина ихтиорчи ҳам бўлган. У гулоб ҳамда «Атри Жаҳонгирий»ни кашф этган аёл. Жаҳонгиршоҳ суюкли хотини Нуржаҳон бегим шарафига «Нурий Жаҳоний» деб номланган ўн икки граммли соғ олтин танга ҳам зарб эттирган.

Нуржаҳон бегим ўз замонасининг истеъдодли шоираси ҳам бўлган. Унинг мана бу ажойиб ғазалига бир қулоқ тутайлик:

Ҳадиси ҳоли ту дар нома сабт мекардам,
Сикандвор нуқат бир сари сухан месӯҳт.

Шаҳиди ишқи туро шаб ба ҳоб мединад,
Ки ҳамчу шуълайи фонус дар кафан месӯҳт.
Зи сўзи синайи Махфий шуд он қадар маълум,
Ки ҳамчу хас, миқааш дар гиристон месӯҳт.

Мазмунига қулоқ тутиниг: сенинг номаи аъмолингни ёзарканман, сўз устидаги нуқталар исириқ доналарилик ёнарди. Ишқингда шаҳид бўлганларни кечалари тушимда кўрадим. Улар худди фонус шуъласидек, ўз кафандари ичиди ёнардилар. Маҳфий қалбининг ёниши шу қадар эдик, йиғлаганда киприклари худди хасдек ёнарди.

Офарин, нақадар гўзал ўҳшатишлар, нозик дид аёл қалбининг образли нидоси. Бу ғазал мазмунида Нуржаҳон бегимнинг Жаҳонгиршоҳга бўлган интилиши, теран муҳаббат магзи ётгандай. Ўзга инсон билан бир ёстиққа бош қўйганда ҳам шаҳзода Салим унинг тушларига бетиним кириб турганига ишоратдай.

Иллар ўтиши билан Жаҳонгиршоҳ хасталаниб, давлат ишлари билан учалик машғул бўлолмай қолади. Салтанат ишларини Нуржаҳон бегим бошқара бошлайди. Лекин, Нуржон бегимнинг салтанат ишларидаги ҳаракатлари, унинг мавқеи Жаҳонгиршоҳ ўғилларига учалик ёқинқирамайди, кескин вазият вужудга кела бошлайди.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, Жаҳонгиршоҳ ва унинг суюкли хотини Нуржаҳон бегим мана шу вазиятнинг келишини олдиндан сезиб, чорасини кўргандай туюлади. Юқорида айтганимиздек, 1611 йили Нуржаҳон (Меҳринисо) Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққач, узоқни кўзлаб иш тутилди. 1612 йили Жаҳонгиршоҳнинг учинчи ўғли шаҳзода Хуррам, (Шаҳобиддин Шоҳ Жаҳон) Нуржаҳон бегимнинг акаси Осафхоннинг 19 ёшли қизи Аржуманд бонуга уйланган эди.

Хасталаниб қолган Жаҳонгиршоҳ 1616 йили ўзининг иккичи ўғли шаҳзода Парвезни валиаҳд қилиб тайинлади. Нуржаҳон бегим ўзининг аввалги эри Шерафкандан бўлган қизи Лодила бегимни Жаҳонгиршоҳнинг тўртинчи ўғли иродасиз ва қатъяйтсиз Шаҳриёрга никоҳлаб берган эди. Нуржаҳон бегимнинг нияти ўз куёви Шаҳриёрни валиаҳд қилиб таҳти эгаллаш эди. Акаси Осафхоннинг мақсади эса ўз куёви шаҳзода Хуррамни валиаҳдликка тайинлаш бўлган. Ана шундай кескин вазиятда шаҳзода Хуррам ўз отаси Жаҳонгиршоҳ, ўз оға-инилари қолаверса, Нуржаҳон бегимдан хафа эди. Таҳтнинг оҳанграбоси ўз кучини кўрсата бошлади, зимдан кураш кескинлашади.

Жаҳонгиршоҳ саройидаги парокандаликдан хабар топган Эрон ҳукмдори шоҳ Аббос Қандаҳорни тўсатдан қамал қилади ва қирқ кундан сўнг қўлга олади. Жаҳонгиршоҳ Қандаҳорни қайтариш мақсадида қўшин тўплаб шаҳзода Хуррамни жўнатмоқчи бўлади. Лекин, таҳт илинжида бўлган шаҳзода буни истамайди. Аксинча, тез кунда ўз отасига қарши исён кўтаради. (Ё ажаб, отага қарши бундай иш тутмаганда, кейинчалик мана шу шоҳона мармар айвонда тутқинликда бўлмасмиди. Айтадиларким, отага қилганингни фарзандингдан тортасан, деб). Исён бостирилади.

Бу пайт салтанатни Нуржаҳон бегим бошқаради. У мақсадларини рўёбга чиқариш истагида Жаҳонгиршоҳнинг содик лашкарбошиси Маҳобатхонни саройдан четлатиб, Бенгалияга жўнатади, мол-мулкини рўйхатга олдиради. Маҳобатхон унга қарши қўзғолади. Озгина вақт ўтгач Жаҳонгиршоҳ Нуржаҳон бегим билан бирга Кобулга сафарга чиқади. Норози бўлган Маҳобатхон ражпутли қўшини билан уларнинг изидан бориб, шоҳ карвонини ўраб, исканжага олади. Жаҳонгиршоҳ Маҳобатхоннинг барча шартларини ноҷор қабул қилади.

Нуржаҳон бегим макр-ҳийла йўлини қидириб Маҳобатхонни шоҳ карвонларини Кобулгача назорат қилиб боришга

күйндиради. Улар Кобулга қараб йўл оладилар. Кобулга кирилгач, Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳни Маҳобатхон соқчилари қўлидан қутқариб олади. Маҳобатхоннинг эса қочишидан бошқа иложи қолмайди. У қочиб бориб шаҳзода Хуррамга қўшилади.

Бу вақтда шаҳзода Хуррамнинг ҳам аҳволи оғир эди. У Эронга ўзини олиш тарафдудида эди. Лекин, 1626 йилнинг октябрь ойида акаси валиаҳд шаҳзода Парвез тўсатдан вафот этади. Шаҳзода Хуррамнинг умид юлдузлари жонлана бошлайди. 1627 йили Жаҳонгиршоҳ Кашмир бўйлаб саёҳатга чиқади ва қайтишда хастланниб йўлда вафот этади. Унинг жасади Лоҳурда дағи қилинади. Бу пайтда шаҳзода Хуррам Деканда эди. Отасининг вафоти ҳақида хабар эшигтагач, таҳти эгаллаш учун Аграга йўл олади.

Шаҳзода Хуррам Агра томон интилиб борар экан, унинг қайнотаси Осафхон марҳум шаҳзода Хусрав (1622 йилда отаси Жаҳонгиршоҳ томонидан ўз қарамогига топширилган ногирон (кўр қилинганд) акаси— шаҳзода Хусравни ўз келажаги ҳақида тарафдудланган шаҳзода Хуррам пинҳона бўғиб ўлдиритиради, отаси Жаҳонгиршоҳга эса «санчиқ азобидан ўлди», деб хабар юборган) нинг ўғли Довар Бахши таҳтга ўтқазади. Шаҳзода Шахриёрни ушлатиб, кўзига мил тортириб, кўр қиласи. Куёви шаҳзода Хуррам Аграга яқинлашиб кела бошлагач, Довар Бахши таҳти ташлаб Эронга қочишига «ундайди».

Шаҳзода Хуррам 1628 йил феврал ойида Аграга кириб келади. У таҳти эгаллаб, ўзини «Шоҳ Жаҳон» номи билан аташини буюради. Шоҳ Жаҳон ана шу муҳитда ўсиб, улғайиб, таҳти эгаллагач, ёш малика Аржуманд бону салтанат ишлариди эрига ёрдамлаша бошлади. Саройда маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимини эгаллади.

Шоҳ Жаҳоннинг отаси Жаҳонгиршоҳ ҳам Аржуманд бонуни бағоят эъзозларди. Негаки, ота-ӯғил ораларида келиб чиқкан айрим келишмовчиликларни оқила Аржуманд бону ҳал қилишга киришар ва уддасидан чиқарди ҳам. Саройда Аржуманд бону— Мумтоз Маҳал бегим (саройнинг кўрки) деб ном олган эди.

Мумтоз Маҳал бегим ғоят оғир дамларда ҳам, мashaқатли ҳарбий сафарларда ҳам Шоҳ Жаҳонга вафодор ёр, содиқ ҳамроҳ ҳамда жафокаш ҳамдард, ҳамнафас бўлди. «Тазқират ул-хавотин» асаридаги маълумотга қараганда, Мумтоз Маҳал бегимдан сакиз нафар — тўрт қиз, тўрт ӯғил қолган. Үғиллари Доро Шукуҳ, Шоҳ Шужоъ,

Аврангзеб, Мурод Бахш, қизлари— Жаҳоноро бегим. Анижуманоро бегим, Даҳроро бегим, Китиоро бегимлардир. У ўн тўрт нафар фарзанд кўрган, олти нафари ёшлигига но буд бўлган.

Шоҳ Жаҳон ҳукмдорлигининг тўртинчи йили эди. 1631 йилнинг 17 июн чоршанба куни навбатдаги сафар чогида. Бурхонпурда 14-фарзандини туғиш пайтида Мумтоз бегим 38 ёшида вафот этади. Шоҳ Жаҳон учун кутилмаган оғир жудолик юз беради. Мумтоз Маҳал бу ёруғ дунёдан кўз юмар экан, эри Шоҳ Жаҳондан ортида қолаётган фарзандларига доим улуғвор оталик меҳрини сингдиришни илтимос қиласи. Ва яна у бундан бўён бошқага уйланмасликни сўрайди. Ва ниҳоят, унга атаб, айтилгандек, жаҳонда тенги йўқ мақбара қурдиришни васият қиласи.

Ғоят оқила ва гўзал бўлган Мумтоз Маҳал бегим ўлими олдидан ўз фарзандлари билан рози-ризолашар экан, Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан хабар олиш, унга фарзандлик меҳр-муҳаббати билан ғамхўрлик қилишни катта қизи Жаҳон Оро бегимга топширади.

Жаҳон Оро бегим! Шоҳ Жаҳонга фарзандлик муруввати кўрсата олган фарзанд. Шоҳ Жаҳон таҳти эгаллаган пайтда Жаҳон Оро бегим 14 ёшда эди. Онадан етим қолган пайтда эса ўн еттида эди. Она васиятига кўра, шоҳ оиласини бошқариш унга қолди.

Шоҳ Жаҳон ўзининг бу қизига алоҳида меҳр билан қарарди. У Мумтоз Маҳалдан қолган жамики бойлик ҳамда мулкни шу қизига инъом этди. Бундан ташқари, Шоҳ Жаҳон таҳти эгаллаган вақтидан бошлаб Жаҳон Оро бегимга йилига 600 минг рупия миқдорида нафақа белгилаган ва 40 минг дона ёқут жавоҳир ҳадя этган эди.

Жаҳон Оро бегим отасининг яқин маслаҳатчиси эди. У салтанат ишларини бошқарйиц, ички ҳамда ташқи сиёсатда, дипломатия масалаларида Шоҳ Жаҳонга кўмаклашарди. Жаҳон Оро бегимда катта бобоси Бобуршоҳнинг ҳислатлари ҳам мавжуд эди. У меъморчилик, ободончилик ишларига қизиқар ва ҳавас билан қаради. Унинг лойиҳаси асосида Аграда жомеъ масжиди қурилган. Деҳли, Амбала, Бехал, Панипат, Сурат шаҳарларида карвонсаройлар қурдирган. Лоҳурда катта боғ бунёд эттириди. Кашмирда «Пари Маҳал» (Парилар саройи) боғини қурди. Шаҳданободда Алимардонхон аригини қаздириб, нақшкор ҳовуз қурдирди. Жаҳон Оро бегим мамлакатдаги гариб ва фақирларнинг ғамхўри ҳам эди.

Шоҳ Жаҳон Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятларига қатъий амал қилди. У севикли рафиқаси вафотидан сўнг (36 йил умр кўрди) бошқа аёлга уйланмади. Мумтоз Маҳал муҳаббати билан яшади. Мумтоз Маҳал васиятига содик қолиб улуғвор обида — «Севги ва вафо» қасрини бунёд этди. Мақбара битгач, мархум Мумтоз Маҳал бегимнинг хокини кўчириб келтириб дафи эттирди. Бу ўхшали йўқ улуғвор мақбарани Мумтоз Маҳал бошига кийдирган тож рамзида «Тож Маҳал» деб атадилар.

Иплар ўтди. Ёшлар кучга тўлиб, кексалар белидан эса кувват кета бошлади. Шоҳ Жаҳон бемор ва хасталаниб қолди. Дарҳақиқат, ҳаёт асал билан заҳарнинг омухтасидир. Шоҳ Жаҳон ҳаётидаги заҳарли кунлар бошланди.

Тахт талашган Аврангзеб Оламгир 1658 йили ўз акаси Доро Шукуҳни енгигиб, укаси Мурод Бахшини зинданга ташлайди. Хаста отаси Шоҳ Жаҳонни таҳтдан тушириб ҳисбага олиб, Аградаги «Қизил қалъа» саройидаги мана шубиз ҳозир зиёрат қилиб турган саккиз дарничали мармар айвонда маҳбусликда сақлайди.

Аврангзеб (1618—1707) ёшлигиданоқ Куръонни ёд билар, Маккан мукаррамага бориш ниятида эди. Аммо, қаттиқўл, қон тўкишдан қўрқмас, тошбагир инсон эди. У отаси Шоҳ Жаҳонга қарашли Декан вилоятининг ҳокими эди. Отасига қарши исёнлар кўтарди. Ниҳоят, мақсадига эришди. Укасининг бу қилиқларидан ранжиган Жаҳон Оро бегим мамлакатни оға-инилар ўртасида тақсимлашни таклиф этади. Лекин қайсар Аврангзеб бу таклифни рад этади.

Жаҳон Оро бегим изтиробга тушади, дили озор чеккан малика дунё ишларини йигиштириб маҳбусликда қолган хаста отасининг ёнида бўлади, отага хизмат қиласди.

Қайсарлиги тутган Аврангзеб кўп ўтмай катта акаси Доро Шукуҳни зиндандан олиб чиқади ва динсизликда айблаб шаҳар майдонида бошни кестиради. Кесилган бошни маҳбусликда зорланиб ётган касал отаси Шоҳ Жаҳон олдиға киритиб юборади. Шоҳ Жаҳон дардига дард қўшилади. Йиглаб кўзлари кўрмас ҳолга келади. Саккиз йил мана шумармар тош айвонда маҳбусликда ётган Шоҳ Жаҳон 1666 йилда гоят гариб ҳолда суюкли хотини Мумтоз Маҳал учун қурдирган, Жамнанинг нариги бетида мана ҳозир ҳам шу тош айвондан ярқираб кўриниб турган Тож Маҳал мақбара сига интилган ҳолда ўз қизи Жаҳон Оро бегим қўлларида жон берди.

Унинг жасадини ҳам ўзи қурдирган Тож Маҳалга — севимли ёри Мумтоз Маҳал ёнига қўйдилар.

Камтар ҳамда олийҳиммат эгаси бўлган Жаҳон Оро бегим бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам қизиқмади. У 1681 йили олтмиш етти ёшида вафот этди. Жаҳон Оро бегимнинг Дехлидаги Зарзари Бахш қабристонига дафи этадилар. Қўйилган қабр тошга шундай байт битилган экан:

Ба гайри сабза напушад насе мазори маро,
Ки қабрпўши гарибон ҳамин гиёҳ бас аст.

Яъни; «Яшил майсадан ўзга ҳеч ким қабримни ёпмасин, токи гариллар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи кифоядур».

Бу байт эҳтимол Жаҳон Оро бегимнинг ўз васиятига биноан қабр тошга ёзилгандир. Тақдир тақозосини қарангки, Шоҳ Жаҳондай ҳукмдор пушти камаридан дунёга келган, Мумтоз Маҳалдай она оқ сут бериб бешигини тебратган Жаҳон Оро бегим ўз қабри устида фақат беғубор майса униб туришини истади, холос.

СҮНГГИ НАФАС

Қизил қалъа (Агра-форт) қасридан чиқиб катта темир кўппридан Жамна дарёсининг нариги қирғоғига йўл олдик. Бобур Аграпи эгаллагач, Жамна дарёсининг бўйида-хушҳаво, хушманзара жойда Нурафшон (Оромбог, Ромбог) боғини бунёд этди ва шу ерда қароргоҳ қурди, яшади. Умрининг охирги дақиқаларини ҳам шу ерда ўтказди.

Бобур ҳазратларининг муборак ва муқаддас уйлари сақланган ўша боғнинг шарқий дарвозасидамиз. Бог девор билан ўралган. Девор, дарбоза оддий, ортиқча ҳашамлар харжланмаган. Ичкари кирдик. Юксак дид билан бунёд этилган боғдамиз. Ям-яшил гилам майсалар. Ҳар бир дарахт ўз ўринида, кўркам хиёбонлар. Мармар тош йўлаклар. Дарвозадан кириб боғ оралаб тўғрига юрдик. Бог ўртасида мармар ҳовуз. Ҳовузни ёнлаб ўтиб, бир неча зинапоядан хиёл баланд кўтариласиз. Шарқий дарвозадан кирганингизда боғнинг тўри Жамна дарёсининг қирғоғига бориб туашади. Бу жойда иккита унча катта бўлмаган гоят нафис дид билан қурилган шинам уй бор. Бу иккى уй орасидаги

ҳовли марказида ҳовуз. Уй, ҳовли ва ҳовуз ноёб мармар тошдан ишланган. Бу икки уй бир-бирига шундай ўхшайдики, биридан иккинчисига қарасангиз кўзгудаги аксни кўргандай бўласиз. Ана шу бинонинг шарқий дарвозадан кириб келишдаги ўнг қўлидагисида Бобуршоҳ ўз яқинлари билан яшаган. Чап томондагиси иш юритадиган, саркардаю меҳмонларни қабул қиласидиган жой бўлган.

Ҳар иккала бинонинг пойдевори Жамна дарёсининг қирғоги билан туташиб кетган. Ўнг қўлидаги бинонинг қирғоқ туташган тўрида очиқ даричали хона бор. Бу хона даричасидан табиат гўзаллиги яққол кўриниб турди. Бобуршоҳ мана шу хонада ўтириб ғазал битган, Жамнага тикилиб она Ватанини эслаган, изтироблар чеккан...

Бу жойнинг маҳобатли табиатини Бобуршоҳ ёқтирган, боғ бунёд этишда шу ернинг табиий гўзаллигидан нозик дид билан фойдаланган эди. Боғ табиий латофати билан Бобуршоҳга ёқар эди. У охирги йилларда тез-тез хасталанадиган бўлиб қолди. Шундай хасталик пайтида у Аргага—мана шу қароргоҳига келар эди.

«Бобурнома»да у бундай дейди: «...йўлда бир баҳона била элдин айрилиб, чисолиб Огрунинг бир куруҳигача ёлгуз келдим. Эл андин сўнг кейиндин келиб қўшулди. Намоз пешин Оргага тушилди. Якшанба куни муҳаррам ойининг ўн олтисида иситтим, титрадим, навбат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга торти. Доруйн кор ичдим. Охир баст ярасhti, уйқусизлиф, ва ташалиғдин бисёр ташвиш торттим. Бу мараз айёмида уч-тўрт рубоий айтилди. Ул жумладан бири будур:

«Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладир.
Кўздин ўчадур уйқу, чу оҳшом бўладир.
Ҳар иккиси гамим била сабримдек.
Боргон сайи бу ортадур, ул кам бўладур».

Андижонда таваллуд топиб, ўн икки ёшида подшоҳ бўлган, Самарқанду Андижонга сифмаган, қорли тоғлар, хавфли довонларни забт этиб Хинди斯顿ни эгаллаган, бобурийлар империясига асос солган Бобуршоҳ хасталаниб 1930 йилнинг 26 декабря Жамна қирғодаги мана шу ўз уйнада вафот этди.

Биз Заҳирiddин Муҳаммад Бобурнинг азиз жони узилган (Аллоҳ раҳмат қўлсин, у кишини) ана шу хонадамиз. Нақадар ҳаяжонли дамлар. Шу хонадан атрофга назар таш-

ласангиз ажойиб манзарани кўрасиз. Тож Маҳал миноралари, Агра — форт қасридаги ҳашаматли сарой гумбазлари, боғ-роғлар, табиатнинг хусни-жамоли кўз ўнгингизда тўлалигича намоён бўлади. Хона пойдевори остида эса Жамна дарёси оқиб ётибди. Шундай хушманзара жой танлаган Бобур шоҳга яна бир карра тасанно айтасиз.

Айтишларига қараганда, Бобур вафот этгач шу бинонинг остки қисмida маълум вақт махсус тайёрланган суюқликда (жасад бузилмаслиги учун) сақлаганлар. Сўнг Чорбоғда қурилган қабр—мақбарага дафи этилган. Биз Заҳирiddin Муҳаммад Бобур дафи этилган ана шу қабр—мақбарами излаб бордик.

Бобур қароргоҳи жойлашган оромбоғдан унча узоқ бўлмаган жойда мўъжазгина эски шаҳарча бор. Тор кўчанинг икки бетида хонадонлар жойлашган, дўкон расталари мавжуд. Бу шаҳарчанинг номи ҳозир ҳам Чорбоғ деб юритилади. Чорбоғдаги кичкина гузарчада тўхтадик. Ҳиндлар бизни ўраб олдилар, суҳбат бошланди. Гап Бобуршоҳ ва бобурийлар ҳақида борарди. Чорбоғликлар бобурийлар ҳақида маракланиб сўзлашарди.

Биз улардан Бобуршоҳ дафи этилган жойни сўрадик. Шунда улардан икки нафари ажралиб чиқиб, биз олиб борамиз у ерга, дейишди. Машинамизга ўтириб орқага қайтдик. Озгина юриб тўхтадик. Машинани йўлда қолдириб, маҳалла оралаб тор кўчадан Жамна дарёси томон кирдик. Озгина юриб қабристонсифат катта вайрона майдонга чиқдик. Ўнг қўл томонда маҳалланинг шундай этагида тепа қисми нураб тушган мақбара турибди. Икки бошловчимиз бизни ўша ерга олиб борди.

Қабр — мақбара ўз даврида жуда маҳобатли бўлгани кўриниб турибди. Тўрт бурчакли, тўрт минорали, ўртасида катта марказий қубба бўлган бўлса ажаб эрмас. Мақбарага тўрт томондан кириш йўли—очиқ дарбозаси бор. Иўл бошловчиларимиз бизни марказий қубба остидаги мўъжазгина майдонга олиб кириб, бу хилват марказини кўрсатиб, Бобуршоҳ шу ерга дафи этилган, дейишди. Улар яна бизга қўйидагиларни айтиши: «Боболаримиз, момоларимиздан бизгача этиб келган ривоятни биз яхши биламиз. Бобур шоҳнинг жасади шу ерга қўйилгач бу атрофга foят ёқимли бир ҳид таралиб турган. Лекин, маълум вақт ўтгач, уни бу ердан олиб кетишган, бошқа жойга дафи этишган. Уни олиб кетишгач атрофга таралиб турган ёқимли ҳид ҳам йўқолган».

Биз яна шу гўмбаз остида Бобуршоҳ руҳига бағишилаб

Күръон тиловат қылдик. У инсон илк бор дағи этилган бу мұқаддас қабрдан тупроқ олдик.

Тепаси нураган мақбара устига күтарилдик. Бу қабрис-тонифат харобанинг чети Жамна дарёсига бориб туташади. Атрофда биз зиёрат қилиб турған қабр — мақбарага ўхшаган биронта ёдгарлик күрінмайды. Бу атрофда эң узоқ сақланған маҳобатлы обида шу эканлиги шундай күзға ташланиб турибди. Бобуршоқ даврида бу жойлар гуллаб-яшнаган бир макон, бөг-рөг бўлғанлиги аниқ. 1539 йилда Бобуршоҳнинг Афроний оғача (Биби Муборак) исмли хотини унинг хокини бу ердан кўчириб, Кобулга олиб бориб дағи эттирган. Шундан кейин бу қабр—мақбара асрлар ўтиши билан қаровсиз қолиб харобага айланган бўлиши мумкин.

Аграда бобурийлар қадамжоларини, Бобуршоқ қароргоҳи жойлашган «Боги ором»ни, у улуғ зотнинг азиз жонлари узилган мұқаддас хонани зиёрат қиласр эканмиз, «Бобурнома»ни ёдга оламиз. Хожа Қалон билан Бобуршоқ ўрталаридағи самимий муносабат кўз олдимизга келади.

Хожа Қалон Бобуршоқ наздида улуғ саркарда, самимий инсон сифатида гавдаланади. Дарҳақиқат, Хожа Қалон Бобуршоқ даргоҳидаги энг эътиборли, катта ҳурмат-эъзозга эга бўлган саркарда. Бобуршоҳнинг Ҳиндистонга юришида 1525 йилнинг декабрида Ҳумоюн ва Хожа Қалон ўз қўшинлари билан келиб қўшилдилар. То Аграпи олгунга қадар бўлган машақатли йўлларни Бобуршоқ билан босиб, оғир ҳаёт-мамот жангидаги жасорат кўрсатиб келган саркарда эди.

Бобуршоҳнинг ўзи Хожа Қалон ҳақида шундай ёзади: «Хожа Қалон яхшилар борди, мардона сўзлар айтти ва соҳиб ҳимматон раъйлар кўрсатди...»

Бобуршоҳдай улуғ инсоннинг мана шундай ҳурмат-эътиборини қозонган Хожа Қалон, албатта, иззат-икромда бўлган. Ҳалқ ибораси билан айтганда, Бобуршоқ қаноти остидаги егани олдида, емагани кетида инсонлардан бири эди. Лекин Хожа Қалон Бобуршоҳдан ватанга қайтиб кетишга рухсат сўрайди. «...ваде Аграпи олғондин неча кун сўнгра тамом раъйлари ўзга бўлди. Бир бормоққа бажид Хожа Қалон эди», — деб ёзади Бобуршоҳ.

Лекин Бобуршоҳ даставвал унга рухсат бермайди. Қанча-қанча йўл босиб, қўшин тортиб, жанг қилиб деярли бутун Ҳиндистонин забт этиб, энди бу ерларда катта ишларни амалга оширадиган бир пайтда ташлаб кетиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Бу зафарлар Аллоҳнинг иродаси билан буларга насиб этганини айтди.

Барибир, Хожа Қалон ўз фикридан қайтмади. «Чун Хожа

Калоннинг турар кўнгли йўқ эди», — дейди Бобуршоҳ. Ҳўш, нега? Зероки, Хожа Қалон Бобуршоҳ билан ҳамфир, ҳамнафас эди. Бобуршоҳнинг қалбидаги Ватан муҳаббати турёнини у сезиб, ҳис қилиб турди. Хожа Қалоннинг қалби ҳам Ватанга талпингани табиий бир ҳол эди. Буни тўла ҳис этган, Ватан муҳаббати юрагини ўртаётган Бобуршоҳ, Газни Гардиз, Султон Маъсудий Ҳазорани Хожа Қалонга иноят қилиб, унга рухсат берди. Бобуршоҳдан рухсат бўлиши билан Хожа Қалон йўлга равона бўлади.

Сўнг Бобуршоҳ шундай ёзади: «Хожа Қалон чун ҳинду мутанаффир эди, борурида уйининг иморатларининг томида бу байтни битибтурким:

Агар ба ҳайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёҳ рўй шавам, гар ҳавон ҳинду кунам».

Мазмуни: «Агар соғ-саломат Синдан ўтиб олсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қиласам, юзим қора бўлсанн.

Бундан хабар топган Бобуршоҳ рубоний битиб Газнига, яъни Хожа Қалонга юборади:

Юз шукр де, Бобурки, Кариму Ғаффор
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иессиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Газни бор.

Офарин, бундай жавоб зукко шоир Бобур Мирзодан чиқарди, холос. Ҳа, тақдир тақозосига тан бериб, шукр қилиб, сабр-тоқат билан ҳинду тупроғида мустаҳкам империяга асос солди. «Синду Ҳинду мулки бисёр» ато қилган Парвардигор унга сабр-қаноат ва юқсак маҳорат ҳам инъом этган эди. Ҳиндистоннинг ҳаддан ташқари нам, иессиқ иқлимига ишора қилиб, агар бу иқлимга тоқат қилолмасанг, сенда сабр-тоқат бўлмаса совуқ юзини кўрай десанг Газни бор демоқда. Яъни, албатта Газни ҳавоси, иқлими Ҳиндистон ҳавосидан кескин фарқ қиласди. Бу ерда яна моҳирона таъкидланяптики, яъни юқоридаги мисраларни ёзган Хожа Қалоннинг совуқ юзини кўрай десанг Газни бор, деган маъно ҳам ётибди.

БОБУР АВЛОДИ ХОНДОНИДА

Гўзал Ҳайдаробод Ҳиндистон шаҳарлари орасида каттаги жиҳатидан олтинчи ўринда туради. Андҳра Прадеш вилоятининг пойтахтидир. Бу вилоятда 60 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиласди. Андҳра Прадеш вилояти ҳудудидан иккى гўзал—Годавари ҳамда Кришина дарёлари оқиб ўтади. Ана шу дарёлардан сув ичган водий фойт файзли, сербаракадир.

Мана, Ҳайдаробод шаҳридамиз. Бу қадими, кўхна шаҳар азалдан асосий маъмурӣ ва сиёсий марказлардан бири бўлиб келган. Қутбоҳлар, кейинроқ Низомлар авлодлари даврида ҳам бу ерда меъморлик ёдгорликлари, ҳашаматли саройлар, сўлим боғлар бунёд этилган.

Ҳайдаробод бобурийлар даврида янада гуллаб-яшнаган. Шаҳарнинг қоқ ўртасида Чор Минор қад кўтариб турибди. Уни шарқнинг ғалаба дарвозаси деб атайдилар. Бу ажойиб тарихий ёдгорликнинг ҳар бири 55 метр баландликка эга бўлган тўртта минораси бор. Бу салобатли, юксак маҳорат билан безалган миноралар она заминнинг тўрт томонига қараган очиқ дарвозаларнинг четида қад кўтарган.

Чор Минор шундай ёнгинасидағи Макка масжидда бўлдик. Бу тарихий обида Макқаю мукаррамадаги масжид шаклида қурилган. Ана шу масжидда Ҳайдаробод шаҳрида истиқомат қиласиган мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқиидилар.

Биз шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини зиёрат қилиб Салар-Жанг музейида бўлгач кечга томон марказдаги меҳмонхонага жойлашдик. Энди ювиниб, нафасни ростлаган ҳам эдикки, меҳмонхона ходими бизни шу ерли бир одам йўқлаётгани ва пастда кутиб турганини айтди. Пастга тушдик. Рӯпарада қораҷадан келган, ўрта бўйли, истараси иссиқ бир одам турарди. У бизга пешваз келиб ҳар биримиз билан самимий ва илиқ кўриши. Экспедициямиз таржимони Аҳмаджон дарҳол ишга тушди.

— Узбекистондан, Андижондан келдиларингизми? — сўради у.

— Ҳа, қаердан билдингиз?

— Деҳли радиоси хабаридан сизларнинг Бобур изидан сафарга чиқиб, Ҳиндистонга келганликларингизни эшигтан эдим. Бугун мана бу машиналарингизни кўриб қолдим. Ундағи «Туркистон», «Ўзбекистон», «Андижон», «Бобур изидан» деган сўзларни ўқидим ва сизларни топишга, мулоқотда бўлишга жазм қиласди. Биламанки, Ҳайдарободга келган

саёҳлар Салар-Жанг музейи билан танишмасдан кетмайдилар. Сизларни шу ерда кутдим. Музей ходимлари шу меҳмонхонада эканликларингизни айтишиди.

У оғир-босиқ, осойишта, салмоқ билан сўзлар эди. Биз ҳам унинг сўзларига диққат билан қулоқ тутиб турардик.

— Гап шундаки, мен Бобур авлодлариданман, сизларни кўргим келди — деди у.

Бобур авлодиданман, деган сўзни эшигимиз билан ҳаяжонланиб кетдик. Негаки, сафар чогида қаерда бўлмайлик, ким билан учрашмайлик Бобур авлодини сўраб-суринтириб келаётгани эдик. Биз гўзал Лоҳурда бўлиб, Покистоннинг таниқли олими профессор Сайфи Раҳмон билан учрашган пайтимизда Бобур авлодлари бор-йўқлигини суринтириб сўраганимизда, Лоҳурдан 14 километр четда Жалолиддин Муҳаммад Акбар исмли одам яшайди. уни Бобур авлоди, деб эшигтанман, деган жавобни айтди ва телефон рақамларини берди. Телефон орқали алоқа боғлаб Жалолиддин Муҳаммад Акбарни топишимиз мумкинлигини айтди. Кўнироқ қилдик, у киши иш билан узоққа кетган экан. Учрашолмай Ҳиндистон томон йўл олган эдик. Мана бугун Бобур авлоди ўз оғи билан келиб, ҳузуримизда турибдилар.

Қайтадан қучоқлашиб ўзбекона кўришдик, хонамизга таклиф қиласди. У ўзини Зиёвиддин Тусийман, деб таништириди. Узоқ сухбатлашдик. Зиёвиддин Тусий эртаси куни тушликка ўз уйига таклиф этди ва келиб бизни олиб кетишини айтди.

Шу йилнинг 25 август куни Зиёвиддин Тусий келиб бизни бошлиб кетди. Ҳайдаробод шаҳрининг шинам ва янги Осмонгоҳ мавзесидамиз. Бу ер шаҳарнинг деярли чети бўлиб, баландлик жой экан. Торроқ кўчадан борганингизда ўнг қўлда «Галактика» деб номланган мактаб, чап қўлда эса Зиёвиддин Тусий хонадони истиқомат қиласиган уй. Шу уйининг ёнида унинг укаси оиласи билан алоҳида яшар экан.

Зиёвиддин Тусий бизни ичкари таклиф этди. Хоналар шинам. Кўрпачалар тўшлиб, дастурхон ёзилган хонага кирдик. Бизни фойт латофатли, мунис-мулойим, юз-қўзларидан нур ёғилиб турган онахон қарши олди. У куръон мутолаа қилаётгани экан. Зиёвиддин ва Масхиддин Тусийларнинг волидаси Лайло Уммахони эканлар. Лайло Уммахонининг ўғиллари, неваралари дастурхон атрофига жамул-жам бўлди. Она фотиҳа қиласидар. Дастурхонга турли ноз-неъматлар тортилди. Лаганда ўзбекнинг палови келтирилди, чинни чойнакда чой дамланиб пиёлага қўйиб узатилди...

Шу хонанинг тўрига суратлар қўйилган. Бизнинг нигоҳимиз ана шу суратларга тушганда Бобур сулоласи ҳақида гап кетди. Зиёвиддин Тусий меҳмонхонадаги гапни давом эттириб, тушунтира бошлади:

— Бизнинг онамиз Лайло Уммахони,— деди у,— Она-мизнинг дадалари Мирзо Абдулғофур бўладилар,— четдаги суратни кўрсатди.— Мирзо Абдулғофур уч фарзанд кўрган, бири бизнинг онамиз Лайло Уммахони. Ҳозир етмиш икки ёшга кирдилар. Онамизнинг опалари борлар, улар бошқа шаҳарда яшашади. Яна бир ўғил туғилган ва 18 ёшида қазо қилган.

Ҳамманинг нигоҳи суратларга қадалган. Зиёвиддин навбатдаги суратни авайлаб қўлига олиб бизга кўрсатган ҳолди:— Бу киши Мирзо Абдулғофурнинг дадалари Мирзо Абдулло, Мирза Абдуллонинг оталари Мирзо Қуёш,— девордаги суратни кўрсатди.— Мирзо Қуёш эса Баҳодир II нинг энг кичик ўғли,— деди у.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ҳиндистон устида қора булутлар пайдо бўла бошлади. Мустамлакачиликнинг совуқ нафаси бу ерларга ҳам човут сола бошлади. Охироқибат 1858 йили инглиз қўшинлари Ҳиндистонни босиб олди.

Бу даврда Бобур авлоди бўлмиш Баҳодиршоҳ II инглиз босқинчиларига қарши қаттиқ кураш олиб борди. Лекин ҳарбий соҳада катта куч ва қуролга эга бўлган инглиз босқинчилари қаршисида қўли калталик қилди. Босқинч душман лашкари уни таъқиб қилиб, тобора исказижага олиб кела бошлади.

Деҳлида чор атрофи тош девор билан ўралган гўзал бор-қўргон бор. Ана шу бор ўртасида Ҳумоюн Мирзо дағн этилган. Унинг ғоят салобатли мақбараси узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турди. Маъмурӣ жиҳатдан ноён бу мақbara бобурийлар қолдирган тарихий ёдгорликлар орасида бир марварид донасида инсон эътиборини ўзига жозибали тортиб турибди. (Биз бу муқаддас жойини зиёрат қилдик, Ҳумоюн Мирзо руҳи покларига атаб қуръон тиловат қилдик, Ҳумоюн Мирзони Парвардишор раҳмат қилсин).

Баҳодиршоҳ II ёвуз ёв хуружидан қочиб ана шу бор—қўргонга ўзини олади. Буюк бобокалони дағн этилган даҳмага тушиб жон сақлайди. Аммо босқинчилар бу муқаддас жойини ҳам шафқатсиз оёқ ости қиладилар. Сўнгги бобурий Баҳодиршоҳ II ни шу ерда ушлаб тож-тахтдан маҳрум этидилар. Баҳодиршоҳ II Рангунга бадарга қилинади.

Босқинчиларнинг тажовузига қарши ҳалқ кўтарилади.

Юрагида буюк Темур қони—ҳарорати бўлган Баҳодиршоҳ II Рангунда мустамлакачиларга қарши кўтарилган ҳалқ қўзголонига раҳномалик қиласди. Бироқ босқинчиларда ҳеч қандай шафқат йўқ эди. Озодлик учун, ҳақ-хуқуқ учун бош кўтаргандар аёвсиз саваланади ва қўзғолон бостирилади.

Баҳодиршоҳ II босқинчилар қўлида 72 ёшида шаҳид бўлади. Бу мудҳиш ҳол бобурийлар сулоласига сўнги нуқта бўлиб тушади. Буюк темурийлар ҳукмдорлигининг қудратли занжири шу нуқтада узилди.

Севимли неваралари қуршовида ўтирган мунис Лайло Уммахони бизга яна бир самимий миннатдорчилик изҳор этиб ўша узоқ ўтмишдан, бобурийлар тақдирни ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Инглизлар Ҳиндистонни босиб олгач, бобурзодаларга қарши аёвсиз қатлиом бошладилар. Баҳодиршоҳ II нинг Жавонбахт Зийнат Маҳал, Роҳат Маҳал исмли хотинлари, фарзандлари, (бешикдагилари ҳам) қариндошруғлари, хизматчилари ҳам аёвсиз қатл этилди. Ёшини яшаб мункиллаб қолган кексаларга ҳам раҳм-шафқат қилинмади...

Босқинчилар мустамлакачилар бобурийларни бу дунёдан мутлақо йўқотиб-супуриб ташлашни мақсад қилиб олган ва бунга эришдик, деб ўйлаган эдилар. Лекин яратган Парвардишор Баҳодиршоҳ II нинг ўғли-ёш гўдак Мирзо Қуёшни ўз паноҳида омон сақлаб қолади. Имонли одамлар уни асрайдилар.

Тақдир тақозоси Мирзо Қуёшнинг бошига не кунларни солмайди, дейсиз. У Темур ва Бобурдек инсонлар зоти-зурриёди эканини яшириб яшайди. Улгайиб вояга етади. Ўйланади. Фарзанди солиҳ-ўғил кўради. Исмини Мирзо Абдуллоҳ деб атайди. Мирзо Абдуллоҳдан эса Мирзо Абдулғофур, Мирзо Абдулғофурдан бир ўғил, икки қиз туғилади. Унинг Мирзо Юсуф исмли ўғли ўн саккиз ёшида вафот этиди. Шундай қилиб, Мирзо Абдулғофурдан — яъни бобурийлардан ёдгор бўлиб икки қиз қолади. Каттаси — Ҳуснижаҳон бегим, кичинги невараларини бағрига олиб бизнинг рўпарамизда ўтирган мезбон момо — Лайло Уммахонидилар.

Чеҳраларидан табассум аримайдиган, мунис-муштипар Лайло Уммахони 1920 йили Ҳайдарободда тавалуд тонган. Бардам, бакувват кўринадилар. Лайло Уммахони Муниниддин Тусий билан турмуш қурган. Муниниддин Тусий Алигарҳ муслим дорилфунунида фалсафа ва инглиз тили мутахассислиги бўйича таҳсил олган. У ўн уч йил муқаддам вафот этиди. Лайло Уммахони тўрт ўғил, уч қизи билан бева қолади. Зиёвиддин, Масиҳиддин, Шажоиддин, Орифиддин, Мо-

ҳирих, Гулруҳ, Лайлоруҳларни тарбиялаб вояга етказди. (Кенжা ўғли Орифиддин бундан беш йил илгари вафо этган, ундан Ҳабибуддин исмли фарзанд қолди).

Лайло Уммахонининг Ҳамроnisобегим, Насиймбону, Канис Фотима, Зартожбегим исмли келинлари бор. Улар Лайло Уммахонини ардоқлашади.

Лайло Уммахони тарих ва ислом ақидаларини чуқур ва пухта эгаллаган. У ўз отаси Мирзо Абдулғафурдан таҳсил олган. Чуқур мазмунли сұхбатдан Лайло Уммахонининг пок эътиқодли бир мусулмон она сифатидаги фазилатлари сезилиб турибди.

«Бугун парвардигор бизнинг хонадонимизга нур ёғдирган кун,— дейди Лайло Уммахони.— Тангрига шукрлар бўлсин-ким, боболаримиз юртидан — Бобур ҳазратларининг қиндиқ қони томган муқаддас юртдан Сизлар ташриф буюрдингиз. Сизлар ғоят савобли ишга қўл урибсизлар, бел боғлаб бизнинг бобойи бузрукворимиз изидан журъат этиб йўлга чиқибсизлар. Улуғ аждодларимиз руҳини шод этмоқдасизлар.

Биз бобокалонларимиз ватани Узбекистонни мустақилликка эришиб озодликка чиққанини эшитиб билдик. Шодлигимиздан бошимиз осмонга ётди. Ислом Каримов жанобларига Тангридан соғлик-саломатлик, куч-кувват ва омад тилаймиз. Зероки, боболар юрти гуллаб-яшинашига доим тилакдошмиз».

Лайло Уммахони жўзларидан қалқиб чиққан ёшларни оҳиста артар экан сўзида давом этди: «Бобокалонларимиз ватани — Узбекистон ҳақида жуда кўп яхши гаплар эшитганман. Азиз аждодларим юртини тушларимда кўрганман. У азиз юртга бир бориш, муқаддас тупроқни зиёрат қилиш менинг орзуимdir».

Биз уларга Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига мустақил Узбекистонимизда кенг кўламда тайёргарлик кўрилаётгани, бунга юртбошимиз Ислом Каримов шахсан раҳномалик қилаётгани ҳақида сўзлаб бердик.

Лайло Уммахонидан опалари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик. Ҳуснижаҳоноробегимнинг Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Бокир, Муҳаммад Асқар исмли уч ўғли, Аҳтар Фотима, Нодира Фотима, Муштар Фотима, Наири Фотима исмли тўрт қизлари бор экан. Ҳуснижаҳоноробегим 76 ёшга кирибдилар. Бобурийзода соҳиби тож Аврангзеб Оламир номи билан аталувчи Аврангбод шаҳрида туришади.

Ҳиндистон бўйлаб сафаримиз давомида ҳинд ҳалқининг бобурийларга бўлган баланд эҳтиром—хурматларини сездик. Бобурийлар даврида қурилган, ҳозир эса Ҳиндистон мада-

нияти дурдонасига айланган ёдгорликлар кўз қорачигидек сақланимоқда. Инглизлар босқини даврида ва вақт ўтиши билан «хасталанган» ёдгорликлар халқ усталари томонидан таъмирланмоқда. Барча ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинган.

Улуғ ҳинд ҳалқига хос яна бир олижаноб хислатни кўриб ғоят қувондик. Бутун сафар давомида тарихий обидалар — бобурийлар қадамжонларини ихлос билан зиёрат қилаётган ҳиндиларни кўрдик. Улар орасида етти ёшдан тортиб етмиш ёшгача бўлган эркак-аёллар бор эдилар. Невараларига бобурийлар тарихидан сўзлаб берётган нуроний боболар, мўнис момоларни кўрдик. Улар орасида узоқ-узоқ чекка қишлоқлардан маҳсус буюртма машиналарда маҳалла-маҳалла бўлиб келиб бобурийлар қадамжоларини ихлос билан зиёрат қилаётганлар кўп эди. Ҳа, ўз тарихини ҳурмат қилган, эъзозлаган ҳалқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Улар билан сұхбатлашсангиз бобурийлар ҳақида фахрланиб сўзлайдилар. Бобурийлар сулоласининг охирги тождори Баҳодиршоҳ II ҳақида фахрланиб, тўлиб-тошиб гапирадилар. Тақдир Баҳодиршоҳ бошига оғир кўлфатларни солди. Уша пайтда ҳарбий қурол-аслаҳалар жиҳатидан аллақанча юқори бўлган инглизлар бешафқат бостириб кирди. Баҳодиршоҳ II бобурийларга хос гайрат-шижоат билан бу ёвуз кучга нисбатан ўз ҳалқини кўтарди, курашди. Зероки, Баҳодиршоҳ II бу буюк ҳалқ қалбида Ҳиндистоннинг мустақиллик учун олиб боргай курашидаги миллий қаҳрамонларидан бири сифатида эсланади.

Ҳиндистон ҳалқи 1962 йили ўз миллий қаҳрамони — Баҳодиршоҳ II ўлимининг юз йиллигини кенг нишонлади. Бу буюк мамлакат ҳалқи Баҳодиршоҳ II хотирасига нисбатан ғоят баланд эҳтиромда эканликларининг гувоҳи бўлдик. Буни бутун сұхбат давомида Лайло Уммахони ва фарзандлари ҳам алоҳида таъкидладилар. Лайло Уммахонининг айтишларича, Баҳодиршоҳ II вафотининг юз йиллиги муносабати билан «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» ташкилоти тузилган.

Бу ташкилотга Лайло Уммахони асос солдилар ва унинг биринчи раисаси бўлдилар. «Жамиятимизнинг асосий вазифаси,— дейди Лайло Уммахони,— бобурийлар шажарасининг тарқалиб кетган вакилларини аниқлаш, қидириб тошиш, бирлаштиришдир. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан баҳоли қудрат қўллаш, улар тақдирини ўрганиб, эл-юргита таништиришдир».

Лайло Уммахони хона деворларида бизга боқиб турган суратларга нигоҳ ташлади. Унинг юзларига мулојим табас-

сум югурди. Бенхтиер биз ҳам бошимизни кўтариб суратларга қарадик. Шоҳона кийимда тож соҳиби Баҳодиршоҳ II ва унинг авлодлари салобат билан турибдилар. Тангрига шукрлар бўлсинким, мустақил Ўзбекистондан узоқ йўл босиб келиб, Бобур авлодлари хонадонида улар билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат бўлиб ўтирибмиз.

Жамиятнинг ишини юритишида Лайло Уммахони раҳнамолигида асосан унинг ўғиллари масъул ҳисобланадилар. Заёвиддин Тусий бош котиб сифатида катта ишларни амалга оширипти. Урта бўйли, бардам-бақувват, истараси иссиқ, кўзларида меҳр чақнаб турган Зиёвиддин 1941 йилда тугилган. Шу шаҳардаги Усмония университетида ўқиди. Тилшунослик қасбини эгаллаган. У ҳукумат хизматида, катта-кичик лавозимларда меҳнат қилган. Тангри унга ҳам алоҳида ақлидирок инъом этган. У ўн беш ёшидан вақтли матбуотда ўзининг ёзишмалари билан қатнашиб келади.

«Асосий қасбим журналист,— дейди Зиёвиддин,— урду, инглиз тилларида ижод қиласман. «Раҳнамон Деккан», «Муслим», «Сиёсат», «Деккан хроникл» каби газета ҳамда журналарда фаол қатнашаман».

Дарҳақиқат, Зиёвиддин темурийлар ҳамда бобурйларнинг бой тарихи, маданиятини тиклашда сабр-матонат билан меҳнат қўлмоқда. Ана шу соҳада мақола ва тадқиқотлари чоп эйтлган кўпгина манбаларни кўрдик.

Масиҳиддин Тусий жамиятнинг маданий ишлар бўйича котибидир. Бу жаноб 1950 йилда таваллуд топган. Коллежни битирган, ўрта маълумотли. Урду, инглиз, араб тилларини яхши билади. «Мусиқа ва мутолаа менинг жони дилимдир»,— дейди Масиҳиддин. У ҳозир асосан жамиятнинг маданий ишлари билан шуғулланади.

Жамиятнинг ташқи алоқалар котиби Шажониддин Тусий Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти — Абу Дабида оиласи билан истиқомат қиласар ва шу шаҳардаги ҳалқаро аэропортда менежер бўлиб ишлар экан.

Биз Лайло Уммахонидан ташкилотнинг фаолияти, ютуқлари ҳақида сўраганимизда, онахон мамнуният билан: «Мўгуллар оиласи» жамиятини ташкил этиб тўғри иш қилдик, — дедилар ва давом этдилар: — Ҳозирнинг ўзида жамиятимизнинг расман эътироф этилган аъзолари етмиш олти нафарга етди. Үмидимиз катта, жами Ҳиндистон ва хорижда яшаётган янги-янги номлар топилади, аниқланади».

Биз қизғини суҳбат чоригда Лайло Уммахони ва унинг фарзандлари диққатини муҳим бир масалага қаратдик. Яъни

биз қаерда бўлмайлик — Покистон, Ҳиндистон ҳалқи, олимлари, тарихчилари наздида «Мўгуллар империяси» деган тушунча қаттиқ ўрнашиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, бобурйлар салтанати замонининг зайди билан тарихда «Буюк мўгуллар империяси» номи билан машҳур бўлиб кетган. Биз қаерда бўлмайлик бу тушунча хотўғри эканлиги, Бобур мўғул эмас, ўзбек эканлиги, у буюк Темурнинг эвараси Умаршайхнинг фарзанди экани, Андижонда таваллуд топгани ҳақида гапирдик, тушунтирдик. Экспедициямиз аъзолари Лоҳурдалигимиз пайтида вақтли матбуотда «Бобур мўғул эмас, ўзбек» деган мақола ҳам чоп эттиридилар.

Мустақил мамлакатимизнинг бобуршунос олимлари бу соҳада жиддий илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётганликларид, улар, албатта «Буюк Мўгуллар империяси» деган хато таъбирга илмий аниқлик киритадилар, деб уларни ишонтирдик. Шунда Лайло Уммахон ҳамда у зотининг фарзандлари бундан бўён жамиятнинг номини «Ҳиндистондаги ҳинд-ўзбек бобурйлар маданий академияси» деб аташ ниятини билдиридилар.

Зиёвиддин ичкаридан бир даста вақтли матбуот тахламини олиб чиқди. Биз газета ба журнallар саҳифаларини у билан биргаликда кўздан кечирдик. Бу саҳифаларда ушбу уонадон аъзолари ва бошқа бобурйзодалар ҳақида илмий мақолалар босилган эди. Бундан ташқари Лайло Уммахони архивида уларнинг Бобур авлоди эканликларини ифодаловчи расмий ҳужжатлар ҳам сақланади. Экспедиция раҳбарни ана шу ҳужжатлар нусхасини олди ва Андижонга келтириди.

Миллий урф-одатимизга кўра Ўзбекистондан олиб борган совга-саломларни топширдик. Зиёвиддинга ўзбек тўни, дўлпини кийдириб белбоғ боғлатдик. Ўзбекона кеңт қулоч очиб бағримизга босдик. Бобомиз Бобур Мирзонинг асрлар оша илиқ ва сўнмас нафаси урилгандай бўлди юзимизга. Лайло Уммахони, фарзандлари, невара-чеваралари даврасида яқин қариндош-уруғлар учрашиб тўпллангандай шодхуррамлик кайфияти ҳукм сурди.

«Ўзбек ҳалқига тинчлик, баҳт-саодат тилайман, — дейди Лайло Уммахони. — Азиз ва мұтабар боболаримиз юртига бир бориш орзусидамиз. Сизлар улуғ бобомиз Бобур изидан у улуғ зот авлодларини йўқлаб Ҳиндистон диёрига келиб-сизлар бизнинг бошимиз осмонга етди, зероки руҳлари ҳам шод бўлди. Ўзбекистон ҳалқига Аллоҳ баҳт-саодат ато этсин».

Биз улар билан хайрлашиб Авангобод томон йўл олдик.

«Азиз ва мўътабар боболаримиз юртига бир бориш орзу сидамиз». Лайло Уммахонининг ана шу орзуси ушалди. Унинг фарзандлари Зиёвиддин, Масиҳиддин, Шажоиддин Тусий азиз диёримиз — Узбекистонга ташриф буюрдилар.

Маълумки, Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция ўша бобурийлар хонадонида бўлган ўзининг учинчи сафаридан қайтгач, ана шу хушхабар биринчи маротаба юртимиз узра тарқалди. Ана шу кезлари Деҳлидаги консулхонамиз ходимлари орқали «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» жамиятининг Бош котиби Зиёвиддин Тусий жаноблари президентимиз Ислом Каримов номига мактуб йўллаган эди. Мактубда Узбекистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёр гарлик кўрилаётганини эшигтан бобурийзодаларнинг миннатдорчилиги изҳор этилган ва Узбекистон халқига яхши тилаклар билдирилган эди.

Президентимиз мактубни катта қизиқиши ва хурсандчилик билан кутиб олдилар ва дарҳол маҳсус вакил — Президент девонининг масъул ходими, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоси Хайриддин Султонов орқали Ҳайдарбодга жавоб мактуби йўлладилар. Ҳиндистонга ташриф буюрган маҳсус вакил президентимизнинг мактуби ва қимматбаҳо совғаларини Лайло Уммахони бошлиқ Тусийлар хонадонига топшириб, юртбошимиз номидан уларни Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллик тўй-тантаналарига таклиф этган эди.

1993 йил декабр ойининг икinci ярми. Изғирин совуқ, ҳаммаёқни оппоқ қор қоплаган. 18 декабр эрта билан Андижон аэропортига маҳсус самолёт Ватанимиз пойтахти азим Тошкентдан келиб қўнди. Унда азиз ва мўътабар меҳмонлар — бобурийзодалар Зиёвиддин, Масиҳиддин, Шажоиддин бобо юртига учиб келдилар ва муқаддас Андижон тупроғига асрлар оша илк бор қадам қўйдилар. Андижонликлар азиз меҳмонларни қулоқ очиб кутиб олдилар. Уларнинг юриштуришларидан, сўзларидан қалбларидағи севинч ва фахр ҳиссиятлари шундай уфуриб турар эди.

Зиёвиддин, Масиҳиддин, Шажоиддин Тусийлар меҳрибон оналари — Лайло Уммахонининг халқимизга йўлланган дуои саломларини, яхши тилакларини етказдилар. Онахонининг Узбекистонда қишили-қировли кунлар бўлганлиги учун келломаганикларини, иссиқ кунларда боболар диёрига, албатта, ташриф буюриб, бу муқаддас диёр тупроғини кўз-

ларига суртишдек эзгу истак билдирганлигини айтдилар. Иншооллоҳ муҳтарама Лайло Уммахони бу орзусига эришсин.

Бобурни зодалар Заҳириддин Муҳаммад Бобур киндик қони томган Андижон билан таниша бошладилар. Эски шаҳар даҳаси, Темирчилик растаси — очиқ музей. Темирчи болгасининг тарақа-туроқ овози қулоқни қоматга келтиради. Бозгончининг лаҳча чўғида тобланаётган темир устанинг қўлида турли шаклга киради. Моҳир темирчи усталар қўли билан ясалган турли-туман буюмлар териб қўйилган. Кетмондан тортиб тешагача, бешикдан тортиб сумаккача ҳамма нарса бор. Бобур замонини эслатади. Ана шу темирчилик расталари оралаб борар экан ҳаяжонга тўлиб тошган бобурийзодалар Бобур Мирзо уй-музейини зиёрат қилдилар.

Боғишамол! Шаҳардан чиқиб боришингиз билан ажиб бир маизарага дуч келасиз. Қадимий услубда қурилган катта арк дарвоза. Дарвозадан ичкари қадам қўйсангиз ажиб бир хиёбон — бое бўлиб, бу уч юз гектарли Бобур миллий боғи. Рўпарангизда, сал тепароқда Бобур Мирзонинг қуйма қомати миллий боққа файз киритиб турибди. Сонсиз-саноқсиз зина-поялардан яна тепага қўтариласиз. «Бобур Мирзо ва жаҳон маданийти» деб номланган ғоят муҳташам музей биноси. Музейга кириб Бобур замонига назар ташлайсиз, ундан чиқиб чиройли зинапоялардан яна тепага қўтариласиз. Бу ерда Бобур Мирzonинг рамзий қабри. Бу ерга Заҳириддин Муҳаммад Бобурниң Кобулдаги ҳамда Аграда илк бор лағи ғилилган қабрларидан экспедициянинг сафари чоғида келтирилган тупроқ қўйилган. Мақбаранинг андозаси эса Кобулдаги қабрмақбарадан олинган. Чиқиб боришингизда ўнг томонда, рамзий мақбара ёнгинасида (худди Кобулдагидай) кичкина, шинам масжид қад кўтарган. Ана шу жойларни зиёрат қиласиз. Бобур Мирзо билан фахрланасиз, қушдай енгил тортасиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллик тантаналари авжга чиқсан, бутун Узбекистон узра садо бериб турар эди. Бу тантаналарда бобурийзодаларнинг иштирок этиши қалбларни янада қувончга тўлдириб, байрам файзини янада ошириб юборди.

Зиёвиддин, Масиҳиддин, Шажоиддинлар Бобур номи билан боғлиқ бўлган жойларни чексиз ихлос ва эҳтиром билан зиёрат қиласар эдилар. Ким билан ширин суҳбат қурилмасин, барчаси Бобур ва бобурийлар ҳақида борар эди.

Биз Ҳайдарбодда Тусийлар хонадонида бўлганимизда Шажоиддин билан суҳбат қуролмаган эдик. Чунки ўша вақт-

да у Абу Даби шаҳрида эди. Мана энди боболари юрти Андиконда батафсил сұхбатлашиш насиб этди.

Шажоиддин Тусий 1951 йылда таваллуд топган. 1970 йылда Ҳиндистон ҳарбий ҳаво күчлари сафиға хизматта кирган. Хизматни ўтагач, дорилғаннинг тайёрлов бўлимида ўқиган. Ҳарбий ҳаво күчлари сафида хизмат қилган пайтларида ўйгонган ҳавас уни Саудия Арабистонига етаклади. 1980 йылдан бошлаб Саудия Арабистони ҳалқаро аэропортида менежер ёрдамчиси бўлиб ишлади. Икки йылдан сўнг эса Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Дабига кўчиб келди. Ҳалқаро аэропортда менежер бўлиб ишлайди. Каниз Фотима исмли қизга уйланган. Рафиқаси илоҳиёт муаллимасидир.

Шажоиддин шаҳримизда бўлган учрашувда бадиҳа тарисида инглиз тилида ўз шеърини ўқиб берганди андиконликлар уни қизғин олқишилдилар. Ҳамманинг чехраси гулгун порлаб кетди.

— Бобур ҳазратлари руҳи мадад қиласин! — деган хитоблар янгради унинг шаънига. Ҳа, гўё Бобур Мирзо руҳи Андиконда, у киши бу тантаналарда руҳан қатнашаётгандай эди.

Шажоиддин иқтидорли шоир сифатида элга танилиб бормоқда. 1993 йилнинг баҳорида Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида «Миллий шеърият кутубхонаси» ташкилоти ташабуси билан ҳалқаро мушоира уюштирилди. Шажоиддин Тусий ана шу ҳалқаро мушоирада ўзининг «Оловнинг кўзёшлари» шеъри билан қатнашиб биринчи ўринни эгаллади. Мушоира ташкилотчиси Ховард Елоу имзо чеккан гувоҳнома, табрик мактуби ҳамда мінг доллар мукофотга сазовор бўлди.

«Оловнинг кўзёшлари!» Шеърий ташбеҳнинг жозибали, гўзаллигини қаранг. Шажоиддин иштирок этган ҳалқаро мушоирада янградан шеърлар «Оловнинг кўзёшлари» номи билан китоб бўлиб чиқди. У урду ва инглиз тилларида шеърлар ёзади. Бобур Мирзо ҳамда Баҳодиршоҳ-Зафар руҳлари бу машаққатли йўлда сенга доим мадад қиласилар, Шажоиддин!

Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги шарафига ўтётган тантаналар чўққиси Андиконнинг марказий майдонига кўчган. Майдон марказида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг суворий ҳайкал мағрур қад кўтарган. Ўзбекистонимиз давлат мадҳиясининг улуғвор садолари майдон узра янграй бошлади. Бобур ҳайкали устига ёпилган оппоқ чойшаб сидирилиб тушди. Ҳайкал очилиб буюк шоҳ ва армонли шоир Бобур Мирзо ўз Андикони ва андиконликларига мағрур

нигоҳ ташлаб турарди. Атрофни қарсаклар садоси босиб кетди. Ҳамманинг нигоҳи муazzам ёдгорликка қадалган...

Ёдимиизга етмишинчи йиллар келди. Ӯшанда моҳир ташкилотчи, Бектош Раҳимов обкомнинг биринчи котиби эди. Бир куни бизни ўз кабинетига таклиф этди. Кирдик. Саломаликдан сўнг биринчи котиб асосий мақсадга ўтди: «Вилоятимизда юз элликдан ортиқ хўжаликлар мавжуд. Уларнинг номларини бир кўриб чиқсан. Чунки ҳар бир районда доҳийлар номига қўйилган хўжаликлар бор. Ленин номли, Маркс, Энгельс, Дзержинский... номли. Ана шулар номи билан аталадиган хўжалик вилоятда битта бўлса — деди Бектош Раҳимович. Яна шундай деди: — Жаҳон ҳалқлари тан олган, эъзозлаётган Ибн Сино, Берунийларимиз бор-ку!»

Утириб қоғозга юз элликдан ортиқ ном ёздиц. Булар орасида Улугбек, Беруний, Бобур...лар бор эди, (Албатта доҳийлар номи бус-бутун сақланди). Эртасига рўйхатни Бектош Раҳимовичга олиб чиқдик. У киши бошдан охиригача қараб чиқди-да, «яна бошдан кўз югуртириб,» Горький, Шевченко... Тўҳтағул... Бобур, — дей овоз чиқарив ўқиди ва деди: «Қаранг зўр инсонларнинг номлари, байналмилал, яхши».

Эртаси куни ҳозирги Олтинкўл туманида вилоят миёссида катта йиғилиш бўлди. Йиғилиш охирида Бектош ака кечаги номлар ҳақида фикрни ўртага ташлаб, бир ўйлаб кўринглар, деди-да рўйхатдаги айrim номларни ўқиб берди. Қарсак бўлиб кетди. (Бу хатнинг қўллаб-куватлангани эди).

Машҳур Жўраполвоннинг ўғли Холмамат Хўжаобод туманидаги «Ленинград» колхозининг раиси эди. Йиғилишдан чиқиб тўғри Булоқбошига борибди. Колхозчиларни тўплаб, бундай санаб чиқсан вилоятимизда ўнга яқин «Ленинград» деб аталувчи колхоз бор экан. Биз шу номни ўзгартириб, хўжалигимизни Бобур номи билан атасак, деган экан, ҳамма Холмаматни қўллаб-куватлади. Колхоз «Ленинград» эмас, Бобур номига эга бўлди.

Уша пайтда ҳурматли профессор Гани Холматович Андикон Давлат педагогика институтининг ректори эди. У киши ҳам институтнинг номини шу ерда киндик қони томган буюк шоир ва аллома Бобур номи билан атаймиз, деб қарор лоиҳаларини катта иштиёқ билан тайёрлади.

Ана шу пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мафкура бўйича котиби ва марказдан келган олий мартабали меҳмон Андиконга ташриф буориб қолишиди. Улар Булоқбошидаги илғор «Ленинград» колхозига боришиди. Бориша, «Ленинград» эмас, Бобур номли колхозга

хуш келибсиз! — деб ёзиб қўйишибди. Воқеадан хабардор бўлган марказдан келган меҳмон аста мийғида кулиб, улуғ Ленин номи билан аталувчи, буюк революция бешиги «Ленинград» қаерда-ю, босқинчи Бобур қаерда деб қўйди. Шу фикр кифоя эди...

Бектош аканинг халқ орасидаги обрўси, унинг принципиаллиги кўпгина одамларни жазодан сақлаб қолди. Ҳа, у кунлар энди эртакдай туюлади, шундай эмасми? Биз ҳеч кимни қораламоқчи, ҳеч кимга таъна қилмоқчи эмасмиз. Мустамлака давр ва унинг сиёсати керакдай эди. Эркимиз, ихтиёrimiz марказ қўлида эди. Лекин ўша пайтда ҳам халқимиз Темурни, Бобурни, Чўлпонни, Абдулла Қодирйларни, демакки, Ватанин ардоқлаб яшарди.

Ана шуларни ўйлар эканмиз, Аллоҳга шукрлар қиласмизки, мана энди ўзлигимизни намоён қиласдиган замон келди. Мустамлакачилик занжирни парчаланиб тамом бўлди.

Шаҳарнинг қоқ ўртасида — марказий майдонда тантана давом этмоқда. Бу майдонда биз андижонликлар жуда кўп марта бўлганимиз.

Бугунги байрам ўзгача, мустақиллик тантаналарига узвий боғланиб кетган. Бу ерда Бобур Мирзо бутун Ўзбекистон халқига мағрур нигоҳ ташлаб турибди. Илоҳим, Темур, Бобур руҳлари мадад қилсин, ватанимиз қудрати мустаҳкамланаверсин.

Бобурийзодалар ғоят шод, хуррам эдилар. Улар Андижондан жуда катта таассурот олганликларини, бобомакон юрт меҳри улар қалбida мухрланиб қолганини айтдилар.

Андижонликлар азиз меҳмонлар — бобурийзодаларни ҳурмат ва эҳтиром билан Тошкентга кузатиб қўйдилар.

БОБУР — ТАБИАТШУНОС ОЛИМ

Қисқа умри давомида Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўпгина асарлар ёзи. Ана шулар орасида, гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган бўлса-да, «Бобурнома» тенги йўқ ноёб асардир.

«Бобурнома» улуғ бобомиздан қолган энг муҳим ва йирик меросдир. «Бобурнома»нинг муҳим ва ноёблиги шундаки, унда Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг бундан беш юз йил илгариги тарихи, географияси, табиати, этнографиясига оид нодир маълумотлар берилган. Айни вақтда «Бобурнома» ўша давр ўзбек класик адабиётни ҳамда адабий тилининг ёрқин на-мунаси ҳамдир.

Биз халқаро илмий экспедициямизнинг автомобилда Бобур изидан чет элларга қилган сафаралари чорида улуғ зотнинг мамлакатлар тарихи, географияси, этнографияси ва табиатига бўлган муносабатини кузатиш баҳтига мусассар бўлдик. Сафаримиз чорида «Бобурнома»да келтирилган далилларни беш асрдан сўнг солиштириш, қиёслаш асосида кўрган-билганларимизни ҳукминигизга ҳавола этишга журъат этдик.

Дарҳақиқат, Бобур жаҳонгашта сайёҳ ва улуғ табиатшунос олим бўлган. У ёшлигидә ё саёҳатда бўлишини севган, сафарларда чиниқиб Фарғона водийсини, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шаҳар ва қишлоқларни, воҳа ва тоғларни кезиб, тақдир тақозоси билан Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистон ўлкаларида бўлиб, қимматли илмий маълумотлар ёзиб қолдирган.

Бобурнинг қаҳратон қишида қалини қор устидан юриб, Ҳиндикуш тоғларидан ошиб ўтгани ҳам мардонавор жасоратдир. «Бобурнома» ёзилгандан бўён жаҳон зиё аҳлининг диққатини ўзига жалб этиб, фанинг турли соҳаси намояндалари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Биз «Бобурнома» да мавжуд, лекин шу кунгача олимлар назаридан бироз четда қолиб келаётган соҳа—яъни тоғлар, ўсимликлар, дарёлар, водийлар ҳақидаги фикрларни, жумладан, геология, сейсмологияга оид Бобур томонидан ўша пайтда айтилган қимматли маълумотлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиromoқчимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз охирги ўн-беш йил давомида баҳоли қудрат Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой (Шарқий Туркистон) ўлкаларида, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Қозогистондаги Бобур қадамжоларида бўлдик. Бобур кўрган, ёзган илмий таассуротларини сайёҳ сифатида кузатишга мусассар бўлдик. Биз Бобур номли халқаро илмий экспедиция аъзолари Помир, Тян-Шан, Ҳиндикуш ва Ҳимолай тоғ ёнбағирларидан — водий, дарёлардан ўтиб борган вақтимизда Бобурнинг табиатшунос олим сифатида, юз берган табиий ҳодиса-жараёнларни бевосита кузатиб «Бобурнома»да синчковлик билан акс эттирганига ва ўша фикрлар буғунги кун илм-фан ҳақиқатига нақадар яқин келганлигини ҳис этдик. Бобур изидан бориб у улуғ зот таъкидлаган ҳодисаларни кузатдик ва бу табиий жараёнларнинг шоҳиди бўлдик. Бобур жаҳонгашта олим бўлатуриб, табиатшуносликнинг геологик соҳасига тегишли ғоят нодир маълумотлар қолдирганинг гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, Бобур ўзи қизиқкан ҳар

бир соҳа бўйича чуқур билимга, катта илмий мушоҳада хислатига эга бўлган инсон эканлигига имонимиз комил бўлди.

Зероки, Бобур ўз даврида ҳар бир соҳани аниқ билишга иштилган. У яшаган, ҳукмронлик қилиб, ижод қилгас шаҳарлар Андижон, Кобул ва Агра атрофидаги жойлар аҳолисининг таркиби, географик тузилиши, табиати, маъмурий бўлиниши, тоглари, сувлари, водийлари ва у ерларда ўсадиган ўсимликлар дунёси ҳақида батафсил маълумот берид, геология фанига хос қазилма бойликлар, геотектоник жараёнлар ва зилзилашунослик — сейсмология фанига хос ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам аниқ ва равшан тилда баён этиши кишини лол қолдирди, албатта.

Бобур ўз замонасида мамлакатда ҳамжиҳатлик ўрнатиш билан бир қаторда моддий ва маънавий бойликлар бунёд этиб мўл-кўлчиликни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор беради. У жойларнинг табиий бойликларини аниқлаб тасвирлар экан, уларнинг хўжаликдаги аҳамияти, инсонларга қандай нафи борлигини ҳам баён қиласди.

Албатта, Бобуршоҳ бундай тушунчаларга эга бўлиши учун табиатшунослик соҳасидаги илм-фан тушунчаларини синковлик билан ўргангандан тоғу даштларни, водий, дарёларни, шаҳар-қишлоқларни кезиб, ўз кўзи билан кўрган ҳолда, таҳлил этиб ўзининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб, кейинги фан тараққиётiga бебаҳо мерос қолдирган буюк олимдир.

Бобурдаги табиатга, уни билишга, хусусан, она юртнинг ўзига хос хусусиятларини тўла англашга эътиқоди—муҳаббати кучли бўлган. Бобур Ҳиндистонни забт этибдикни, уни Мовароуннаҳрга таққослади: «Фарид мамлакате воқиъ бўлубтур, бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмгури ва ели борича ўзгача воқиъ бўлубтур». Ўз ватанини таърифлаганда унинг дикқат-этиборидан ер ости ҳазиналари ҳам четда қолмади.

У Фаргона водийсининг чор атрофидаги тоғларда, айниқса, Еттикентда феруза (сочма ҳолда) ва темир конлари бор, деб ёзган. Ҳозир бизга маълумки, водийнинг шимолий гарбига жойлашган темир конлари мавжуд. Буларга Чоқадамбулоқ, Ғова, Чимён каби конларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бугунга келиб Узбекистонда ферузанинг ўттизга яқин консифат маъданни мавжудлиги маълум бўлди. Бу маъданларнинг кўпчилиги Қурама тоғ тизмасининг (Фаргона) водий томонида ва Марказий Қизилқумда жойлашган. «Бобурно-

ма»да Уш шаҳри атрофидаги Барокӯҳ (Сулаймон тоги) тоғида қизил ва оқ рангли ажойиб тош бор. Ундан ўша замонда пичоққа даста, камарга тўқа ва бошқа буюмлар ясалган, дейилган. Бобур тилга олган ўша Барокӯҳ тошлари Олой тоғ тизмаларига кириб, палеозой эрасининг тошкумир даврига мансуб бўлган оҳактошдан иборат. Ундаги томирлар кальцит номли деярли юмшоқ, оқ рангли минераллардан ташкил топган. Қизғиши томирлар темир оксидлари таъсирида рангланади. Бизнинг давримизда бу тошдан иморатларга пойдевор ва оҳак олиш мақсадида фойдаланимоқда. Ҳозир, гарчанд бу жойдаги ва Ширмонбулоқ қишлоғида топилган кўп миқдордаги оҳак тошлар орасидаги кальцит (уникс) қимматбаҳо маъданлардан Бобур ёзганидек даста ва тўқа ясашга эҳтиёж қолмаган бўлса-да, иморатларни безашда, ҳунармандчилик ва ҳалқ амалий санъати-заргарликда, зебу зийнатлар таёrlашда хом ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

Бобур Ҳўжандининг шимолида мўту-гил (ҳозирги Оқур) тоғида феруза ва бошқа маъдан конлари мавжуд, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўша жойларда, яъни Оқур тоғда ферузадан бошқа кўплаб маъданлар мавжудлиги маълум: қўргошин, рух, кумуш, олтин, вольфрам ва бошқа моддалар борлиги аниқланди. (Консой, Оқур ва бошқа конлар очилган).

Аллома Бобур Афғонистонда бўлганда замин ва маъдан ҳақидаги маълумотларни тўплади ва шахсий кузатувларини қоғозга туширди. Масалан, «Бобурнома»нинг 193-бетида «Кобул вилоятида 14 туман бор. Фурбанд туманидаги тоғларда кумуш кони, ложувард кони бўлур», деган иборани учратамиз. Бу фикрни ойдинлаштириш учун ўлканинг ҳозирги минерал хомашё ресурслари ҳақидаги маълумотлардан келтирамиз. Ҳозирги кунда Афғонистонда соф кумуш кони йўқ, балки олтин конлари бор. Улар Бадаҳшон ва Газна вилоятларида жойлашган. Табиатда кумуш, асосан, олтин ва қўргошин-рух маъданни (Биби Гавҳар, Тулак ва ҳоказо) таркибида ҳамроҳ элемент сифатида қатнашади. Аслини олганда кумуш бирималарининг мустақил конлари табиатда жуда кам учрайди. «Ложувард» деб аталувчи кўк рангли қимматбаҳо тош Бадаҳшон (Помир) тоғларида борлиги маълум. (Сирисанг кони). Узбек лексикасида қадимдан сакланган «ЛАЪЛИ БАДАҲШОН» ибораси ҳам шу жойга лаҳлдор. Бу жойда ложувард билан бир қаторда кам микидорда ёқут (лаъл) деб юритиладиган нафис тош бор. Нуристонда эса зумрад кони очилган. Бу борада «Бобурнома»да

куйнадаги тафсилотга дүч келамиз. «Латофатеким, Ҳиндистонда бор—улуг вилояттур. Ва олтун ва ярмоги (кумуш) қалин бўладур». Дарҳақиқат, бу мамлакат олтин конларига эга. Шулардан энг муҳимлари — Колар ва Хаттия конларидир (Майсур штати). Конларда олтин маъдани 3100 метр чуқурликдан қазиб олинар экан. Нодир ва қимматбаҳо тошлар, шулар қаторида олмос конлари ҳам мавжуд. Соғ кумуш конлари маълум эмас. Юқорида айтгани миздек, у олтин ва қўрғошин-рух (Рожастон штати) маъданидан олинади.

Ҳиндистонда фойдали қазилмалар — темир, кўмир, боқсит (алюминий хомашеши), хром, марганец, мис, қўрғошин, рух — зийнат тошлар, нефт, газлар орасида дастлабки учтаси муҳим ўрин тутади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, илк бор олмос (гавҳар)ни эрамиздан анча олдин ҳиндлар томонидан Боренсо оролидан қазиб ола бошлаганлари маълум.

«Бобурнома»да минерал хомашё хусусида айтилган фикрлар ҳам ўрин олган бўлиб, «Ўз ризалари билан қалин жавоҳир ва жаров Ҳумоюнга пешкаш қилур. Бу жумладин бир ашҳар олмос эдиким, Султон Алоуддин келтурган экандур. Андоқ машҳурдирким, бир муқайим шунинг қийматини тамом оламнинг иккى ярим кунлуқ харжи дебтур, голибо секкиз мисқолдир». Дарҳақиқат, бутун оламга машҳур бўлган «Қўҳинур» деб аталмиш 787 қирот оғирликдаги бриллиант Годовари ва Кришна дарёлари ҳавзаларидан топилган бўлиб, бобурнийларга совға қилинган ва ҳукмдорлар қўлидан қўлига ўтиб, 1849 йили унга Ост-Индия компанияси эга бўлади. 1850 йилда эса Англия қироличаси Викторияга совға қилинади, Шундай қилиб, «Қўҳинур шу кунга қадар Виктория авлодларида сақланиб келинмоқда.

«Бу тог элидин матоъ нофа, мушк ва қўтоси баҳрий ва заъфарон ва сурб ва масдур». Бу жумла гўзал табиатли Ҳиндистон ўлкасининг ер ости ойликлари ҳақидаги қимматли маълумотдир. Бобур ўзининг бу қомусий асарида бошқа кўпгина маъданлар улкан мамлакатда кўп эканлиги ҳақида маълумотлар берган. Лекин улар (кумуш, лаъл ва ҳоказо) фақат шу ўлка заминининг ҳосиласи дейиш қишин.

Маълумки, ўрта асрда айниқса, Осиёда, жумладан, Туркестон ўлкасида ҳалқаро савдо жуда ривож топган эди. Бу бойликлар кўлдан-кўлга ўтиб борган. Буюк «Ипак йўли» деб аталмиш қитъалараро савдо йўлларининг мавжудлиги фикримизга далил бўла олади.

Бобур табиат мўъжизаларини ўрганар экан, тоғларнинг ташки кўришишида бир-биридан фарқланишига эътибор беради. «Кобул вилоятининг шарқ тарафдаги тоғлари иккى турлукдур... Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари та мом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур... Яна бир Нижров ва Ламғонот ва Бажур ва Савод тоғлағи қалин ножува чилгўза ва балут ва зайдун ва ханжаклиқ тоғлардур... Агарчи ул тоғларча баланд эмас... Ҳар ердин отлар била юруб бўлмас».

Биз сафарда бўлган вақтимизда, юқорида таҳлил этилган геологик жараёнларни кўришга ва кузатишга мусассар бўлдик. Геология фани, қайси бир тоғ серчашма бўлса, демак, бу ерда тектоник жараёнлар кўпроқ ривож топган деб ўргатади. Бундай заминда дарзилклар кўпаяди, бу эса чашмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Маълумки, серчашма жойлар сердараҳт бўлади. Дарзилклар таъсирида тошлар майдаланади, нураш натижасида эса тоғ емирилиб, юмшоқ қиёғага киради (Ҳисор, Фарғона, Андароб, Хоси, Бадахшонот тоғлари).

Бобур қиёсий таърифлаган айrim туманлар йирик тошли дейилган. Бундай ҳолат ўсиш жараёнини кечираётган ёш даврларга мансуб тоғларда (масалан Помирда, Ҳимолайдада) кузатилади. Яна бир жойда тоғларнинг ранги бир-биридан ажralиб туриши олимнинг диққатини жалб қиласи: «Урванинг (Мултон вилояти) уч тарафи тоғ воқиъ бўлубтурс. Тоғнинг ранги Биёна тошларидек қизил эмас, бир нима барангроқтурс». Биз Покистон давлатининг Мултон вилоятида бўлғанимизда кузатувлар шуни кўрсатадики, буюк олим тоғу тошларнинг геологик жараёнлар натижасида табиий ранги билан турланишига тўғри илмий исбот билан тушунтира билганини ҳамда геохимия соҳасида ҳам етарли тушунчаларга эга бўлганлигини кўрдик ва тушундик. Тоғ тизмаларида геологик ва кимёвий таркиби билан боғлиқ бўлиб, қизил ранги тош силиций, алюминий (гранит, аплит, грандиорит) га бой ёки нураш жараёнда темир оксиднинг таъсирида қизғиши тусга эга бўлган. «Бобурнома»да Ҳимолай тоғини «Сивалак Барбат» деб атайди. «Сивалак Барбат» маҳаллий ҳалк тилида «Мингдан зиёд тоғ» деган тушунчани билдиради. Демак, Ҳимолай энг баланд ва бир неча юз тоғлар тизмасидан ташкил топгандир.

Буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур саноат соҳасида ҳам катта билимдан бўлган. «Бобурнома»да келтирилган далилларга асосланган ҳолда, саркарда Бобурнинг ҳарбий қурол-аслаҳа тайёрлайдиган корхонаси бўлган дейиш-

га ҳақлимиз. Ўзи төг жинсларини яхши билган ҳолда ўз атрофида ўта билимдон ноёб усталарни түплаган. Қуроласлача ясаш учун зарур бўлган хомашё ҳам ўзи аниқлаган геологик жараёнларни кўришга ва кузатишга мусассар бўлган. Қиличдан тортиб замбараккача ўзи тайёрлатган.

«Бобурнома»да келтирилган мана бу маълумотларга эътибор берайлик: «Биёна ва баъзи кирмаган қўргонлар маслаҳатиға бир улук қозон Устод Алиқулиға буюрулуб эдиким, қўйғай. Кўра ва жамчи масолиҳини тайёр қилиб, манга киши юборди. Душанба куни мұҳаррам ойининг ўн бешида Устод Алиқулининг қозон қуярининг тафарружига бордук. Қозон қуяр ернинг гирдида секкиз кўра қилиб, олотни эритибтур. Ҳар қўранинг тубидин бир ариғе бу қозоннинг қолибиға рост қилибтур. Биз борғоч, қўраларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдан эриган сувдек шарилдоб қолибга кирап эди. Бир замондан сўнг қолиб тўлмай, бу қўралардин келатурган эриган олотнинг қелмоги бирав-бирав муниқате бўлди. Қўрада ё олотга қусуре бор экандур. Устод Алиқулиға гарис ямон ҳолате бўлди, Дарин эдиким, ўзини қолиб ичиндаги эриган мисқа ташлағай. Устод Алиқулиға дилжўйлуқ қилиб, хилъат кийдируб, бу инфиъолдин чиқардуқ. Бир-икки кун қолиб савуғондин сўнг очтилар. Устод Алиқул кўп башошат била киши йиборубтурким, қозоннинг тош уйи бекусурдур. Дорухонасини қўймоқ осондур. Қозоннинг тош уйини чиқарнб, жамъэни аниңг ислоҳига тайин қилиб, ўзи қозоннинг дорухонасанни қўймоққа машгул бўлди».

Офарин, қарагки, замбарак қуиши жараёнини қисқа, аниқ, лўнда жумлаларда шунчалик батафсил ва аниқ таърифлаганки, бу фақат Бобур Мирзога хос хислатдир. Қўриниб турибдики, Устод Алиқули замбаракнинг қолипини ясаган. Ерга ўрнатилган ана шу қолип атрофида саккизта кўра ўрнатиб унда мис эритган. Эриган олот-мис қолишига оқиб тушадиган махсус тарнов қурилма ясаган. Қўйма замбарак тайёрлаган. Қўриниб турибдики, Устод Алиқули гоят ориятли, Бобурга содик зукко ва билимдон инсон бўлган. Устод Алиқули икки ўғли билан Бобур қўшинларида моҳир тўпчи сифатида жуда катат ишлар бажарган. Ҳаёт-мамот жангига ҳал қилувчи нуқталарда туриб душманга кучли зарба берган.

Бобурнинг буюклиги шундаки, у ўз атрофидаги ҳар бир инсонни нима билан машғуллиги, қандай наф келтираётгани ҳақида тўла тасаввурга эга бўлган ва ўз вақтида рағбатлантира билган. Оқибатда қўлида хилма-хил ҳунарн бўл-



Экспедиция ботаниги Зокиржон Матпрабов ёқувчилар Ҳайриддин Султонов, Турсуной Содикона, Ҳуршид Даирон билан шаҳодий мудоқотда.

ган, ўша даврнинг ўта билимдон кишилари Бобур атрофига тобора жипслашиб боргандар. Бобур эса, ўзининг самимий меҳригиёси билан улар қалбига кириб борган. Бобурнинг мана бу сўзларига қулоқ тутайлик: «Мир Мұхаммад Жолабонға Ганг дарёсига яхши кўпrik боғлагони учун муставжibi иноят бўлуб эди, бу Мир Мұхаммадга ва яна туфакандозлардин паҳлавон Хожа Мұхаммад ва паҳлавон Баҳлул ва Вали Порсчийга яккаханжар иноят бўлди. Устод Алиқулиниң икки ўғлига ҳам ханжар инъом бўлди».

«Бобурнома»да географияга оид маълумотлар оз эмас. Бу ҳақда профессор Ҳ. Ҳасанов батафсил изоҳ берган. Дарҳақиқат, Бобур «Бобурнома»да сайёҳ-табиатшунос сифатида 36 йил давомида олиб борган кузатувлари натижасини тасвирланган. Бу мақсад учун у ёшлигиданоқ кундалик хотира дафтари тутиб маълумотларни ёзиб борган. Ана шу хотира дафтари билан тарихчи Хондамир Бобур билан бирга сафарда юрган чоғидаёқ танишган эди. У подшо билан бирга бўлиб, 1528 йилда Аграда ижодини давом эттирган.

Бобур сафарга чиқиши ўзига одат қилиб олган. Уратепа атрофи табиатини ўрганиш учун ялангоёқ юриб айланади ва ов қиласди. 15-16 ёшида Фарғона, Самарқанд ва Тошкент оралигини бир неча марта кезиб чиққан. 19 ёшида Ҳисор тоғини кезди. У қаерга борса аввал шу жойни яхши биладиган кишилари билан сухбатда бўлган ва сўнгра ўзини қизиқтирган жойларни бориб кўрган, сўнг таърифини ёзган. У Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисоргача борди, кейинчалик саргузаштлик Ҳиротгача давом этди.

Бобур ўз салтанатига қарашли ерлар жуғрофиясини яхши ўрганган билимдон олим бўлган. Шу нуқтai назардан қараганда, ўзининг оромгоҳи қилиб кўл остидаги бепоён юртлардан энг хушҳаво, табиати гўзал жойни—Кобулни таилагани бежиз эмас. Кобул шаҳри ҳақида ўзи шундай деб ёзган: «Иқлими шунчалик жозибалини, биз билган оламда бунинг тенги йўқдур. Кобул аркida май ич, косани кетма-кет тўхтатмай айлантирики, бу ер ҳам тоғ, ҳам дарё, ҳам шаҳар, ҳам саҳродир».

«Бобурнома»да бир мингга яқин географик атамалар—мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар, қалъалар, қўрғон, даштлар, тоғлар, довонлар, даралар, кўпrikлар, кечувлар, кўллар, чашмалар, боғлар, яйловлар, ўтлоқлар ва бошқа жойларнинг номлари қайд қилинган. У ўзи юрган сафар йўлидан олисда жойлашган мамлакатлар — Арабистон, Ироқ,

Эрон, Озарбойжон, Рум, Тибет, Хитой, Қошғар номларини беради. Демак, Бобур кенг билимга эга эди.

Географик маълумотларни маълум бир тартибда—жойнинг географик ўрни, иқлими, қишлоқ ҳўжалиги, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, қазилма бойликлари ва аҳолиси этнографияси, обзор ва қисқача якун сифатида тасвирланган. Ирик шаҳарларнинг топогеографиясини аниқ белгилаб берган.

Бобур ўз асарида ҳозирги замон географиясининг афзал усулларидан бири-қиёсий усулни кенг қўллаган. У жойларнинг маъмурӣ номларига ҳам тўхталади: «Самарқанд ва Бухоро ва Афғонистонда туман дерлар. ва Андижон ва Қошғар ва ул орада урчин ва Ҳиндистонда паргани дерлар»—деб ёзди Бобур.

Ҳиндистон билан Мовароуннаҳр табиатининг бир-бирига ўхшамаслигини ҳам баён этган. Олим табиатдаги ҳар бир «сирли» ҳодисага қизиқсан, ҳосиятли жойларни ўзи бориб кўрган, Ислом кўрсатмаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда қаллоб кимсаларнинг айрим соҳта мўъжиза»ларини фош қилган, фирибгарларни жазолаган. Ушдаги «Тахти Сулаймон» тепасида турган «коқ уй» одамлар сифинадиган «қадамжо» эмас, балки бобурийлар қурган сайргоҳнинг сақланиб қолган бир қисми, деб уқтиради. У Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонтоннинг иқлими горизонтал йўналишда, шимолдан жануб томон ўзгариб бориши сабабларини ҳам қайд қилган. «Қўқон», «Бекобод шамоли»ни келтириб чиқарувчи манбаларни тўғри изоҳлаган. Олим ҳар бир ҳалқнинг тилини ҳурмат қилган, улардан фойдаланган, туркий, форсча, афғонча, ҳиндча атамаларни тўғри ишлата билган.

Асарда Ҳиндистон табиати манзарасини тасвирлар экан, унинг улкан мамлакат эканлиги, ҳалқи жуда кўплиги, мевалари хилма-хиллиги, унинг уч томони океан билан туташганилигини баён этган. Унинг пойтахти Деҳлидир, дейди. Фарғона, яъни Мовароуннаҳдан бутунлай ўзгача оламдур. Ҳиндистонда уч фасл бўлади, ҳеч сув йўқ ерларда вақтингча дарёлар оқади. Ҳавоси кўп вақт сернам бўлади, деган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини шунчалик синчковлик билан тасвирлайдики, фақат оғарин, дейсан киши. Мана бу тасвирга эътибор беринг:

«Бу кентлардин қуян доманада тоғ била Борон суйининг оралиғида киик парча ҳамвор дашт воқиъ бўлубтур. Бирини Курраи Тозиён дерлар, яна бирни Даشت Шайх. Ёзлар жиқин тола ўти бисёр яхши бўлур, Атрок ва аймоқ ёз мун-

да келурлар. Бу доманада ранго-ранг ҳар нав лола бўлур. Бир қатла санаттим, ўттуз икки-ўттуз уч нав ғайри муқаррар лола чиқди. Бир нав лола бўлурким, андин андак қизил гул иди келур, лолан гулбўй дер эдук. Даشت Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас. Яна ушбу доманада Парвондин қўйироқ садбарг лола бўлур, ул ҳам бир парча ерда Фурбанд тангисининг чиқишида бўлур».

Бобур Мирзонинг Фурбанд тумани ҳақидаги бағоят ихчам, ўта аниқ маълумотларни қамраб олган сўзлари неча аср илгари айтилганига қарамай, кишини лол қолдиради:

«...Фурбанд туманинур. Ул вилоятларда кўталларни банд дерлар. Фур сари бу кўтал била борурлар, голибо ул жиҳатдин Фурбанд дебтурлар. Сардарраларини ҳазоралар шуғул қилибтур, бир неча кентдурким, камҳосилроқ ердур. Дерларким, Фурбанд тоғларида кумуш кони ва ложувард кони бўлур».

Мубоғаласиз айтиш мумкинки, Бобур ўз давридаги бир неча фан соҳасида ўзига хос ўрин эгаллаган буюк алломадир. «Бобурнома» билан фаннинг бирқанча тармоқларини тараққиётининг янги босқичига кўтара олганини далилловчи манбаларга эгамиз.

Бобур Мовароунинаҳр, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон географиясининг табиий жарабёнларини туркий тилда илк бор ёзган олим ҳисобланади. Бобур юқорида зинр этилган мамлакатларнинг геологик-сейсмологик ҳолати ва фойдали қазилма бойликлари ҳақида, ҳайвонот дунёси, ўсимликлари, табиатини шунчалик моҳирлик билан ўрганиб қозогга туширганки, уларни ёзиш, таърифлаш, системага олиш, таҳлил қилиш ва илмий холосалар чиқариш учун бизнингча, бир қатор илмий экспедиция уюштириш ва турли фан соҳалари бўйича тадқиқотлар бошлиш лозим кўринади. Улур ҳам иншоотларини, бояни эъзозлаб сақлаш, шу билан бирга янада ривожлантириб равнақ топтириш, уни ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилотидан рўйхатдан ўтказиб, миллий боя мақомини олишдек маъсулиятли, ёзгу орзу-истакларимиз бор. Бу истакларнинг рўёбга чиқишида ҳалқимизнинг юртпарвар кишилари бош-қош бўладилар, раҳнамолик қиласидар, деган умиддамиз.

Президент Ислом Каримовнинг Ватанга, тилга, дину диёнатимизга, урф-одатларимизга теран ҳурмати, сермазмун тарихимизни асл ҳолда тикилаш йўлида саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек ҳалқининг ғуури Бобур номини абадийлаштириш ва жаҳон миқёсида тарғибу ташвиқ этиш имкониятлари вужудга келди. Бу соҳада Бобурнинг она юрти Андижонда ҳам вилоят ҳокимлигининг маҳсус номи билан гўзал миллий боя, марказий ҳиёбон барпо этилди. Буюк бобомиз номини абадийлаштириш борасида бошланган бир қанча муҳим иш-

лар ниҳоясига етказилди. Бобурнинг бронзадан ҳайкали милий бояга қад ростлади. Бу ерда музей, арк иншоотлари бунёд этилди. Рамзий мақбара ҳалқимиз зиёратгоҳига айланди.

Шунингдек, Бобур Мирзонинг киндик қони тўкилган ва илк бор таҳсил олган Аркчи маҳалла атрофидаги мадрасада ўй музейи, мусаффо осмон остида ишлаб турган ўрта аср даврига хос ҳунармандчилик комплексларӣ, улуғ зотнинг Андижон шаҳар марказидаги ҳайкали навқирон Андижонга файз киритиб турибди.

Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Бенгалия ўлкаларида Бобур ва бобурийлар бунёд этган юзлаб боялар мавжуд. Бобур ва бобурийларнинг боя-роғлар яратиш санъати, шаҳарларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш бобидаги буюк хизматлари ҳинд олимни М. Рандхаванинг «Асрлар ошган боялар» деган китобида муҳтасар ифодаланган. Маҳаллий ҳалқларнинг айтишларича, хушбўй атиргулни Ҳиндистонга биринчи бўлиб Бобур келтирган экан. Биз, авлодлар, улуғ зотдан ўrnak олиб, юртимизни ҳар қанча гўзал ва обод қылсан арзиди.

Эндиликда тарихий обидалар қаторидан жой олган Андижондаги меъморчиликнинг шарқона услубда бунёд этилган иншоотларини, бояни эъзозлаб сақлаш, шу билан бирга янада ривожлантириб равнақ топтириш, уни ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилотидан рўйхатдан ўтказиб, миллий боя мақомини олишдек маъсулиятли, ёзгу орзу-истакларимиз бор. Бу истакларнинг рўёбга чиқишида ҳалқимизнинг юртпарвар кишилари бош-қош бўладилар, раҳнамолик қиласидар, деган умиддамиз.

Улур Бобурнинг даври, ҳаёти ва серқирра ижоди ҳақида бадиий, илмий ва тасвирий санъат асарлари бизга нисбатан чет мамлакатларда кўпроқ ёзилганлигининг гувоҳи бўлдик. Илмий қафаримиз давомида улардан намуналар олиб келишга мусассар бўлдик.

Чет элликларнинг шу соҳадаги фаолиятларини кўрар эканмиз, биз ўзбек олиму адаблари, зиёлилари бутун оламга Андижонни—Ўзбекистонимизни танитган бобомиз Бобур Мирзо олдида кўп қарздормиз, деган холосага келдик. Унинг «Бобурнома» ва бошқа асарларини янада чуқурроқ таҳлил қилиб, ҳалқимизга етказишида ҳали талай ишлар қилишимиз керак. Қолаверса, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар қолдирган тарихий, маданий меросни ўрганиш ўзлигимизни билишида аҳамият касб этади. Демак, вақт келди, энг аввало, биз Бобурнинг кўп қиррали

фаолиятини ўргансакқина бу зотнинг буюклигини яна ҳам яхшироқ сезамиз ва чуқурроқ англаб етамиз.

НУРИ ИСЛОМ ЮРАГИ

Хакандаги маҳалла чойхонасида ҳалқ ва уламоларнинг оқ фотихаларини олгач, Бобур ҳазратлари туфайли ташкил топган ҳалқаро илмий экспедиция шарофати билан ўн тўрт киши Маккай мұкаррама зиёратига йўлга чиқдик. Гўзал Тошкент орқали кўхна Самарқандга етиб бордик. Самарқанд! Дунёга машҳур инсонларнинг олтин бешигисан, Самарқанд! Ўзбек номини жаҳонга маълум ва машҳур этган қанчаканча улур авлиёи киромларнинг муборак марқадлари, қабрлари сенинг бағрингдадир, кўхна Самарқанд!

Ана шундай улур зотлардан бири ислом тарихида олтин саҳифа қолдириган имом ал-Бухорийдир. Илми, ҳадисда «саҳиҳ» йўналишининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Бухорода туғилди. У киши жами—олти юз минг ҳадис тўплаб, шулардан юз минг «саҳиҳ» ва икки юз минг «гайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд олганлар.

Ҳадис илми бобида қуввату иқтидорлари бениҳоят ортиб, ислом оламида катта шуҳрат қозонганлар. Минглаб шогирдлар етиштирганлар.

Тарихий обидалар маскани мана шу кўхна Самарқанддан бир неча чақирим нарида (ҳозирги Пойариқ тумани ҳудудида) ислом дунёсига маълум ва машҳур бўлган улур зиёратгоҳ бор. Дарҳақиқат, бу зиёратгоҳ Хожа Исмоил масжиди номи билан машҳурдир. Ҳижрий 194 йилда таваллуд топиб, ҳижрий 256 йили Рамазон ҳайити куни 62 ёшда вафот этган ал-Бухорий шу оромгоҳда ётибдилар.

Кўхна Бухорога кириб борар эканмиз, ундан 12 чақирим наридаги Қасри Орифон қишлоғига йўл олдик. Ахир Маккай мұкаррамадай муқаддас жойга Баҳоуддин Нақшбанддай улуг инсон қабрини зиёрат қилмай ўтиб кетиб бўладими! *

Мана, Баҳоуддини Нақшбанддий масжиди. У кишининг муборак қабрлари ҳам шу ерда. Қабр устида кичкина минарали, гумбазли мақбара кўзга ташланади. Мозористонга кираверишда дарвешлар маскани-салобатли хонақоҳ асрлар нидосини ютиб турибди. Хонақоҳ саҳнида иккита муқаддас куруқ ва бошқа осори-атиқалар бор.

Ал-Бухорий каби Бухоро номини жаҳонга машҳур қилган алломалардан бири Сайид Мұҳаммад Баҳоуддин ибн Сайид Жалолуддини Нақшбанд 1318 йили Бухо-

роди туғилди. Етти ёшида Қуръони Қаримни тўлиқ ёд олди. Шайх Самосий берган бу илмлар уммони Баҳоуддинга кейинчалик олий оламларнинг сирлари эшигини данг очиб берди.

Баҳоуддини Нақшбанд сўфиylар, дарвешларнинг таркидунёчилик қилишига, бу дунё ишларидан этак силкиб, қўлини ювиб, қўлтиққа уришига қарши чиқди. У дарвеш ва сўфиylарни бирорларнинг қўлига қараб қолмаслик учун ҳалол меҳнат билан, ҳунармандчилик билан шуғулланишга чақириди. Хожа Баҳоуддиннинг ўзи барча соғдил фуқаролар қатори ҳунармандчилик билан машғул бўлиб, ипак матъкимхоб тўқиб, нақш боғлаб тирикчилигини ўтказарди. Шоғирдларига ҳам ҳунар ўргатар эди. У Туркистонда биринчилардан бўлиб дарвеш, сўфиylарнинг ҳам меҳнат, касб, ҳунар билан шуғулланиб, ҳам илм-маърифат олишини ёқлаб чиқсан буюк аллома эди.

Баҳоуддини Нақшбанд, руҳоний, дарвеш, сўфиининг кўли меҳнатда, хаёли парвардигорда бўлиши керак, деб ҳибрайди. Бу таълимотни лўнда қилиб: «Дил ба ёру, даст ба кор», сўзларида ғоят теран ифодалайди. Ҳа, унинг асосий шиори, хақ субҳанаҳу ва таъоло дилда бўлсин, қўл эса меҳнатда, демакдир. Шу буюк аллома туфайли Бухорода оламга машҳур нақшбандийлик тариқати юзага келди. Бу ўша даврда тарки дунёчилик (ҳатто, уйланимаслик, оила қурмаслик) авж олиб бораётган бир муҳитда ислом дунёсида бекиёс жасорат ҳам эди.

Бухорон шарифдан қўшни Туркманистон диёрига йўл олдик. Ашҳободда тунаб, саҳарда Эрон томон йўлга чиқдик. Гўзал Қулмирза довони орқали тоғлар ўлкаси Эронга кириб бордик. Гўзал қишлоқлар, боғ-роғлар, олтин бошоқли буғдоизорлар оралаб кафтдек тасмасимон текис йўлдан илдам илгари босдик. Бобомиз ҳазрати мир Алишер Навоий яшаб ижод қилган Хурросон вилоятининг энг йирик ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган Машҳадга кириб бордик.

Унинг асарларидан, улур аждодлар ҳаётидан ҳикоя қиувчи тарихий обидаларини бориб кўрдик.

Бизда, айниқса, имом Ризо ҳарами ғоят чуқур таасурот қолдириди. Имом Ризо мақбарасини зиёрат қилдик. Бу меъморий комплекс — ҳарам шу даражада улкан, ўта гўзал, ва жозибадорки, уни таърифлашга сўз топиб бўлмайди. Хоналар салобатли ва кенг. Ана шу уч минг одам жойлашадиган хоналарга таърифи оламга кетган Эрон гиламлари тўшалган. Деворлари, гумбаз ости шифтлари маҳсус

жимжимадор ойналар билан қопланган. Нафис безакли бу бино бизнинг хотирамизда ўчмас из қолдирди.

Саккиз миллион аҳолиси бўлган Техронга эрта билан кириб бордик. Бу гўзал шаҳарга кириб бораверишда ёшина бир эрон йигитчанинг қаршисида тўхтаб, марказга қандай боришни сўрадик. У машинамизга чиқиб бизга йўл кўрсатиб, шаҳар марказига бошлади. Хушчақчақ, бегубор, ўн беш-ўн олти ёшлардаги бу йигитчанинг исми шарифи Абдулмажид иби Муҳаммад экан

Абдулмажид бизни Техрон чеккасигача кузатиб қўйди. У ғоят зийрак, дилкаш, сўзамол йигитча эди. Унга ўзбекча тўйи, дўпти кийдириб қарғашоҳи белбог борладик. Хайрлашаётсиб ундан, улғайиб Эрон жумхурятининг президенти бўлсанг нима қиласр эдинг, деб сўрадик. Абдулмажид кулиб, агар президент бўлсан эски машиналарни (ғиз-ғиз ўтаётган машиналарни қўли билан кўрсатиб) яп-янги қиласр эдим, дея жавоб берди.

Боракалло, ниятнинг яхши ва улуғлигини қаранг. Ишондоюх, айтганинг келсин, Абдулмажид. Жаҳонда тинчлик, осойишталик бўлсин. Биз ана шунинг тилашдошимиз. Хайр, Абдулмажид, соғ бўл, омон бўл.

Дилимиз бир, тилимиз бир қондош-жондош бўлган турк эндиамиз. Унчалик баланд бўлмаган довонлар ошиб, кўм-кўк водийларда ризқ-рўз учун меҳнат қилаётган турк дех-қонлари, қўра-қўра қўй ҳайдаган чўпонлари билан учрашиб, ширин суҳбатлар қурдик. Мавжланиб оқаётган дарё бўйларида мириқиб ҳордиқ чиқардик ва яна йўл босдик.

Туркия давлатининг пойтахти, ҳамиша гавжум, меҳмондўст, гўзал Анқарага кириб бордик. Яқин йилларда қуриб бўтказилган жоме масжидида бўлдик. Анқаранинг қоқ марказидаги ҳашаматли бу масжид қурилиши 1967 йилда бошланган. Қурилиш турк мэъмори Фатҳ Хисрав бошчилигида олиб борилди ва 1987 йили бўтказилди. Бу ноёб обида яқинда қурилганига қарамай бизда жуда катта таассурот қолдирди. Унда турк миллий мэъморчилик санъатининг ютуқлари ўз аксини топган.

Масжид ички хонасининг кенглиги 67×67 метр. Марказий қуббанинг баланлиги 47 метр бўлиб, кенглиги 14×14 метрдир. Марказий хонақоҳининг ўзида (бинонинг ичидаги) бир вақтда 25 минг одам намоз ўқиёди. Ана шу хонақоҳга зинапоялардан кўтарилиб ғоят ўлкан гўзал мармар супа оркали ўтиб борамиз. Шу саҳни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бу масжидда бир вақтнинг ўзида 500 минг одам намоз ўқиёди. Жомеънинг 26 қуббаси бўлиб 14 та қуббасига олтин суви

билан безак берилган, кўзни қамаштиради. 4 та минораси бор, баландлиги 88 метрдир.

Масжид раҳнамоларидан, бири, олижаноб дилкаш инсон Жамол ҳожи билан минора ичидаги лифтда 80 метр баландликка кўтарилидик. Гўзал Анқара салобат билан кўз ўнгизгизда намоён бўлади.

Анқарадан тарихий шаҳар Кўнёга йўл олдик. Кўнё тилни ёрадиган олтинранг узуми, зўр ҳавоси билан дунёга машҳур. Кўнё — шу ерда бўл, қўниб ўт, деган маънони англатади. Бу шаҳарда Жалолиддин Румий ҳазратларининг марқадлари бор. У улуг инсон қабрларини зиёрат қилдик.

Сафимиздаги олижаноб инсон қори Муҳаммад Содикнинг дўсти турк йигити Ёкубжоннинг хонадонида меҳмон бўлдик. Ёкубжоннинг қўшилари, дўстлари тўпланиб келишибди. Қимхоб кўрпачалар тўшалиб, туркона ёзилган ноз-нельматли дастурхон атрофида ширин суҳбат авжга чиқди..

Туркиянинг қайси шаҳари ёки қишлоғида бўлмайлик ажойиб меҳнаткаш, меҳмондўст кишиларни учратдик. Ҳамма ерда юзлаб, минглаб магазин, дўконлар ишлаб турибди. Истаган нарсангизни, озиқ-овқатни ҳоҳлаганча миқдорда сотиб олишнинг мумкни. Қувончлиси шундаки, ҳамма жойда завод-фабрикалар, уй-жой бинолари қурилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Биз ота-боболаримиз босган йўллардан юриб Мадинаи мунаввара, Маккан мукаррама томон интилиб бормоқдамиз. Гўзал Туркиядан ўтиб, Сурия, Иордания мамлакатларининг шаҳар, қишлоқларинда бўлдик. Кўхна шаҳар Дамашқ бизда чуқур таассурот қолдирди. Гўзал тог оралиғида, дарёнинг икки лабига жойлашган, ўзига хос тақрорланмас афсонавий гўзлалик кашф этган Иорданиянинг марказий Уммон шаҳрига тонг саҳар кириб бордик. Бу шаҳарнинг одамлари ғоят эрта уйғонадилар. Шаҳар кўчалари, майдон ва хиёбонлар, ошхонаю чойхоналар, магазин ва дўкоилар эрта тонгдан гавжум одамлар билан лиммо-лим тўлиб-тошади.

Электр чироқлар юксак дид билан шаҳар табиатига монанд ўринатилганки, тунги шаҳарни томоша қилиб тўймайсиз. Ниҳоят, 1992 йилнинг 31 май куни Саудия Арабистони тупроғига қадам қўйдик. Чегара текширишларидан сўнг саҳарда Мадинаи мунаввара томон йўл олдик. Йўл ойнадек теп текис. Қуёш қиздиради, ҳарорат юқори, Атроф қип-қизил дашт — гиёҳсиз тош. Йўлнинг икки чети ҳайвон-жониворлар ўтолмайдиган қилиб маҳсус чиройли тўр сим билан тўсилган. Машинангиз юраги — мотори 'бақувват бўлса бас, соатига 10-150 километр босиб кета беради.

сиз. Йўл шунчалик текис, машина шунчалик равон юрадики, гўё ер бағирлаб учайдандай белбогингизни учи ҳам қимирламайди.

Бир-икки соат йўл босганингиздан сўнг йўл бўйида минара кўринади. У масжид минорасидир. Намоз вақти етган бўлса, яқинлашиб бориб тўхтайсиз. Салқин машинанинг эшигини очиб тушасиз. Баданингизга гуп этиб қизиган тандирнинг дамидай иссиқ уради. Масжидга кирасиз, гилам тўшалган, саранжом-саришта, покиза, салқин. Ёнида таҳоратхона. Ҳаммаёқ тоза. Таҳорат қиласиз, ҳоҳласангиз бу ерга ўрнатилган мослама мурувватини бурайсиз, тепангиздан (душдан) илиқ сув тушади. Роҳатланиб чўмиласиз.

Масжиднинг салқин хонасига кириб намоз ўқийсиз. Йўл босиб ҳориган бўлсангиз ҳузур қилиб дам олшингиз мумкин. Масжид ёнида шинам ошхона, иссиқ чой десангиз — чой, кофе десангиз — кофе, мева шарбати десангиз — шарбат, овқатни буюрсангиз, дарҳол тайзрлаб беради. Унинг ёнида машинага ёнилғи қуядиган ва техник хизмат кўрсатадиган устахона ҳам бор. Қип-қизил яйдоқ чўлда мўъжизасифат ана шу жойда ювиниб-тараниб, намозингизни қазо қилмасдан ўқиб, қоринни тўйғазиб, машинагизни созлаб яна йўлга равона бўласиз. Бир-икки соат йўл босгач, яна ҳалиги мўъжизага дуч келасиз, йўл боса берасиз мўъжизага рўбарў бўла берасиз...

Агар синчковлик билан атрофга назар ташлаб, эътибор берсангиз, яна бир мўъжизанинг гувоҳи бўласиз. Оқин сув йўқ, ҳа, оқин сувнинг ўзи йўқ! Лекин, сувсиз қолган хонадон ҳам йўқ. Ҳа, сувсиз қолган масжид, муассаса, бирон бир даргоҳ йўқ. Сув ташиб келтирилади, ҳамма вақт улгурилади, узлуксиз сув бўлади. У ҳам майли, ҳозирги электр ва техника замонида одамни учалик лол қолдирмасдир. Лекин, қип-қизил, бамисоли ёниб турган тошли саҳрова жаннат сифат боғни, олтин бошоқли буғдойзорни кўрганингизда албатта, лол қоласиз, ҳайратга тушасиз. Бу ернинг ҳалқи — арабларнинг сабр-тоқати, матонати ва меҳнатига тан берасиз, балли, дейсиз. Биз араб дунёсида минглаб чақирим йўл босдик, бирор жойда жилдираган оқин сув кўрмадик, аммо олов пуркаб турган саҳроаро жаннатсифат боғларни, узумзору лимонзорларни, олтин бошоқли буғдойзорларни кўрдик. Офарин, бу ерларнинг меҳнатсевар ҳалқига! Ҳамиша Аллоҳ ёр бўлсин!

Биз ана шундай ҳис-ҳаяжонга тўлиб-тошган ҳолда шу йилнинг биринчи июн куни Мадина мунавварага кириб бордик. Ассалом, Мадина ан-набий-пайғамбар шаҳри. Бу

ерда Пайғамбаримизнинг масжидлари, ул зотнинг муборак марқадлари, шу билан бирга бир қанча саҳобаи киромларнинг қабрлари мавжудdir. Биз Мадина мунавваранинг муқаддас кўчасига қадам босишимиз, унинг муборак кўринишига қўзимиз тушиши билан Мұхаммад Саллолоҳу алайҳи васалламга саловатлар ўқидик. Сўнgra, «Оллоҳимма ҳозо ҳараму набийнка фажъалху виқоятан ли маннаннари ва аманан минал азаби ва сунил ҳисабин», деб дуо айтдик.

Гусл қилгач, ювилган тоза кийимлар кийиб товозуъ билан пайғамбаримиз масжидлари томон йўл олдик. Маълумки, бу мўътабар масжиднинг ўрнини пайғамбаримиз ансорийлардан бўлган икки етим боладан сотиб олганлар. Шу ерда масжид барпо эттириб, унинг қурилишида ўзлари иштирок этганлар.

Бу масжид ҳазрати Умар ҳамда ҳазрати Усмон давларида кенгайтирилди. Кейинги ҳалифалар ва подшоҳлар ҳам масжид атрофини кенгайтириб ободонлаштирилар.

Нече минг чақирим йўл босиб, интилган ана шу муқаддас масжидга етиб келиб, ўнг оёғимизни остонодан ўтказиб бу мўътабар жойга «бисмиллаҳи вас салату вас саламу ала русулиллаҳа. Оллоҳуммаftаҳ ли авваба роҳматика ва фазлика», деб қадам босдик. Шу ерда пайғамбаримиз минбарлари билан қабрлари ўртасида туриб икки ракаъат таҳиятул масжид намозини ўқидик. «Қабрим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бир боғ жойлашган ва менинг минбарим эса жаннат ҳовузнинг устидадир», — деган эканлар пайғамбаримиз.

Ана шу мўътабар жойда икки ракаъат намоз ўқигач, Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари ёнига бордик. «Ким қабримни зиёрат қилса, унга менинг шарофатим вожиб бўлади. Кимки мени ўлганимдан сўнг зиёрат қилса, гўё мени тириклигимда зиёрат қилгандек бўлади», — деганлар пайғамбаримиз. Бош томонларида туриб пайғамбаримизнинг муборак сиймоларини кўз олдимизга келтирдик. Гўё бизнинг назаримизда пайғамбаримиз тириклару, ҳузурларига келганимизни кўриб, сўзларимизни эшитиб ётгандек туюлади бизга.

Пайғамбаримизнинг, кимки менга салом йўлласа, Аллоҳ унинг саломини менинг руҳимга етказади ва мен унинг саломига жавоб қайтараман, деган сўзларига амал қилиб у кишига салом бердик:

«Ассаламу алайка я расулаллоҳ, ассаламу алайка я набияллоҳ, ассаламу алайка я сафияллоҳ, ассаламу алайка я ҳабиблаллоҳ, ассаламу алайка я набияр роҳма, ассаламу

алайка я шафиъал умма, ассаламу алайка я сайнадал мурасин, алайка я хотаманнабийин, ассалам алайка я Мұхаммад, ассаламу алайка я Ахмад, ассаламу алайка ва аъла аҳли байтиқат тоййибин, ашҳаду аннақа балағтар рисолата ва аддайтал аманта ва насахтада уммата ва жоҳадта филиҳи ҳаққо жиҳадиҳа фасаллалоҳу аъла руҳика ва жасадака ва қабрика солатан даиматан ила явмиид дин».

Пайғамбаримизга ана шу саломни бергач, ҳазрати Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу қабрларининг бош томонларига сурилиб у кишига салом бердик, сұнгра ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу қабрларининг бош томонларига ўтиб, у зотга салом бердик. Саломлар тугагач, яна пайғамбаримиз қабрларининг бош томонига ўтиб, ота-оналаримиз, хешақраболаримиз, ёру биродарларимиз, ошна-оғайни, дўстларимиз ҳаққига дуои хайрлар қилдик, одамларга инсоғ ва имон тиладик.

Масжид ғоят салобатли, атрофида қурилиш давом эттирилмоқда. Ҳозир унинг 232 устуни бор. Махсус соябонлар зиёратчини қуёшнинг жазирама ўткир тифидан сақлаб туради.

Сұнгра «Ал-Бақиъ» номли мозористонни яиерат қилдик. Бу ерда ислом учун азиз жонларини құрбон қылған Үхуд тоги жанги шаҳидлари, пайғамбаримиз ақраболарининг қабрлари бор. Жұмладан, ҳазрати Үсмон Бин Аффон, ҳазрати Ҳамза, ҳазрати Алиниң фарзандлари Ҳасан, пайғамбаримизнинг ўғиллари Иброҳим ҳамда аммалари Сафия ва бошқа азиз инсонларининг муборак турбатлари мана шу мозористондан жой олган, (Розияллоҳу анҳум). Мозор оддий лой дөвор билан ўраб қўйилган, ниҳоятда содда, ҳашаматли ёдгорликлардан ном-нишон бўлмаса-да, ғоят салобатли туюлди бизга.

Үхуд тогида пайғамбаримиз душманлардан яширинган горни кўрдик. Мадина мунаvvаранинг бошқа муқаддас қадамжоларини зиёрат қилдик.

Мадинаи мунаvvara зиёратидан сұнг Маккан мукаррама сафарига ҳозирлик кўрдик. Мадинаи мунаvvara орқали ҳажга борувчиларнинг мийқоти Зул Хулайфада тұхтадик. Ҳаж бошланадиган жой—мийқот, дейилади. Шаръий мийқотлар бешта бўлиб, улардан бири Мадина шаҳридаги Зул Хулайфадир, Ироқ томонидан келадиган ҳожилар учун Зоту Ирқ деган жой; Шом (Сурия), Миср, Мағриб томондан ташриф буюрадиган ҳожилар учун ал-Жуҳфа; Нажд ва Қувайт томондан келадиган ҳожилар учун Қарн; Яман ва Ҳинд томондан келадиган ҳожилар учун эса Яламлам деган жой-

лардир. Ана шу беш мийқот, ҳажга қай тарафдан келишга қараб, мусулмонларнинг иҳром боғлашлари учун чегара ҳисобланади. Иҳром умра ёки ҳаж құлувчи зиёратчи киядиган махсус кийимлардир. Иҳром иккى бўлак, бирор жойига нина теккизилмаган оқ матодан иборат бўлиб, бири билан одамнинг аврат қисми, иккинчиси билан эса белдан юқори қисм бекитилади. (Эркаклар учун).

Зул-Хулайфада ювиниб поклангач иҳром кийдик. Иккি ракаъат намоз ўқиб, инят қилдик. Иҳром кийгандан то қурбонлик қилгунча айтиладиган талбияни ўқиб Маккан мукаррама томон йўл олдик: «Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк, иннал ҳамда ван неъматлақа вал мулк, ла шарика лак»...

Маккан мукаррамага етиб келгач «ал-Масжид ул-ҳарам» га зиёрат учун йўл олдик. «ал-Масжид ул-ҳарам» Қаъбатулоҳ атрофида барпо этилган ноёб ва улкан масжиддир. Бу масжидни биринчи бор Умар бин ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу бунёд этганлар. Умар бин ал-Хаттоб Қаъбатулоҳ атрофидаги жойларни сотиб олиб, Қаъбатулоҳга саҳн очиб, атрофини кенгайтирганлар ва девор олдирганлар. У улур зотдан кейин ҳам подшоҳ ва давлат арбоблари бу муқаддас жойга катта зътибор бериб келадилар. Бу жойни кенгайтириш, таъмирлаш ва обод қилиши ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунда масжиднинг ети минораси, 25 та эшигидарвозаси бўлиб, унинг саҳни 75 минг квадрат метрдир.

Зиёратни «ас-Салом» дарвозасидан киришдан бошладик. Ҳис-ҳаяжонга тўлиб-тошган ҳолда дарвозадан ичкари қадам қўйишимиз билан кўзимиз Қаъбатулоҳга тушди. «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, аллоҳума антас саламу ва миннас салам, ҳайина роббана бис салам ва адхилна дарос салам, аллоҳумма зид байтака ҳаза ташриfan ва маҳабатан ва таъзиман, аллоҳумма такоббал тавбатий вағfir ли хотиатий я Ханинану я Маниан», дея тавофи қудумни бошладик. Яъни Қаъбатулоҳга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни изҳор эта бошладик. Қаъбатулоҳни чап томонимизда қолдир, Қоратош ўрнатилган—Ҳажарул асвад» бурчагидан бошлаб ети мартада айланиб зиёрат қилдик. Барча тавоф қилувчилар қоратошга интиладилар, етиб борганлар унга юзларини қўйиб бўса қиладилар, бунга иложи бўлмаганлар унга қўлларини суртадилар, унинг ҳам иложи бўлмаса (чунки тавоф қилувчилар ҳар доим ғоят кўп бўладилар) узоқдан унга ишора қилиб дуо ўқийдилар: «Аллоҳумма ийманан бикитабика ва тасдийқан бикитабика ва вафаан биъаҳдика ват-

тибаъан лисуннати набийика сайидина Мұхаммадин салла-лоҳу алайҳи васллам».

Тавоғи қудумни ниҳоясига етказғач, Иброҳим Ҳалилул-лоҳ мақомларида иккі ракаъат нафл намозини ўқидик. Та-воғни адо этгач оби Замзам ичгани тушдик. Оби Замзам! Мұйжизага ўшайды. Миллионлаб зиёратчилар түйіб ичиб, юз-құлларини юрган билан камаймайды, зиёратчилар ка-майганды эса тошиб ҳам кетмайды. Саломат кишилар учун таом, ҳар бир касалманд учун шифо бўлган Оби Замзамдан түйіб-түйіб ичдик. Роҳатланасиз, пўлатга сув бергандай танангиз яйрайди, чарчонгиз чиқиб, қушдек енгил торта-сиз.

Кейин ҳажнинг навбатдаги рукнини адо этмоқ учун Сафо ва Марва тоғларига бордик. Сафо эшигидан кириб саъӣ қи-лишни бошладик. Саъӣ қилишни Сафо тағидан бошлаб, ик-ки тоғ орасини етти марта босиб ўтиб, Марва тоғида тугат-дик.

Зулҳижжа ойининг саккизинчи куни бомдод намозидан сўнг Минода қишлоғига йўл олдик. Эртасига бомдод намозига қадар шу ер-Минода истиқомат—ибодат қилдик. Бомдод на-мозидан сўнг Арофат тоғига йўл олдик. Арофат Маккан му-карраманинг жанубий-шарқида тахминан 25 чақирим узоқ-ликда жойлашган. Баландлиги ер сатҳидан 750 қадамни ташкил этади.

Арофат тоғининг шимол томонида Раҳмат тоги жойлаш-ган. Пайғамбаримиз сўнгги ҳажларида ана шу тоғда видо-лашув хутбаларини ўқиганлар. Пайғамбаримизга, бутун сиз-лар учун динингизни мукаммал қилдим, неъматимни ниҳоя-сига етказдим ва исломни сизлар учун дин бўлиб қолишига рози бўлдим, деган сўнгги оят шу ерда нозил бўлган.

Арофатда зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни бўлиб, ҳажнинг асосий арконларидан бири — Арофат тоғида тў-ташликни адо этиб, пешин ва аср намозларини жамлаб ўқигач ҳайитнинг биринчи куни Куёш ботгандан кейин Аро-фат тоғидан жўнаб Муздалифа томон йўлга тушдик.

Қўпчилик муфассирлар Қуръони Қаримда зикр этилган «ал-машарул Ҳаром»дан мурод Муздалифадур, демишлар. Пайғамбаримиз алайҳис салом қуёш ботгандан кейин тую-ларини оҳиста юргазиб келганилклари, одамлар издиҳом бўл-маган жойни танлаб, у ерда «талбия» айтганилклари, дуо зикрлар қилганилклари ва Қуръони Қаримдан оятлар ўқи-ганиллари ривоят қилинган. Пайғамбаримиз босган ана шу йўллардан оҳиста юриб Муздалифадан шом ва хуфтон намоз ларини бир аzon ва икки такбир билан қўшиб ўқидик. Муз-

далифа саҳросида тонг оттиридик, бомдод намозини ўқиб, қуёш чиқмасдан яна Минога қайта бошладик.

Қуёш чиқиши билан шайтон кепатаси акс эттирилган тепаликка бориб, Муздалифа саҳросидан териб олинган тош-лардан етти донасини, Аллоҳу акбар, дея шайтонга отдик. Биринчи тошни отгандан кейин «талбия» айтиши тўхтат-дик.

Шайтонга тош отиш амалини бажарганимиздан сўнг, Ми-нода турган пайтимизда ҳар бир зиёратчи атаб берган маб-лағ ҳисобига сотиб олинган жонлигининг сўйилгани — қур-бошлиқ қилингани ҳақида ҳар биримизга алоҳида аниқ ха-бар келди. Ана шундан сўнг соchlаримизни олдирдик ва та-воғи ифозани бажо келтириш учун яна Қаъбатуллоҳга йўл олдик. Қаъбатуллоҳни етти марта тавоғ қилдик. Сўнг Оби Замзамга келиб, ундан тўйгунча ичдик, юз-құлларимизга суртдик, бошимиздан қўйдик. Яхши ниятлар қилдик.

Муқадас Қаъбатуллоҳга бокамиз. Олтин ва кумуш ип-лардан тайёрланган парда-чодир Қаъбатуллоҳни янада пур-виқор қилиб юборган. Усталар ипак матога Қуръони Қарим оятларини ёзиша ўзларининг бор маҳорат ва санъатларини намойиш этганилари яқол кўриниб турибди. Қаъбатуллоҳ-дан кўзимизни узмаган ҳолда ортга тисланиб юриб масжид-дан чиқдик.

Маккан мукаррамадан жуда катта таассурот олдик. Биз-га мамлакат подшоси Фаҳд ибн Абдул-Азиз меҳмони си-фатида алоҳида эҳтиром-эътибор, самимий ғамхўрлик кўр-сатдилар. Саудия Арабистонида, умуман, араб дунёсида му-қаддас жойларининг муҳофаза этилиши, юксак дид билан сақланиши таҳсинга лойиқдир. Миллионлаб келган зиёрат-чиларга муҳайё қилиб берилган шароит, зиёрат вақтида тартиб-интизомни кўриб, ҳайратланасиз.

Мамлакатдаги ҳар бир бинонинг ўзи бир тарихий обида-га ўшайды. Аксарият бинолар рангли мармардан қурилган, ойнавандли, ҳовлисидағи фавворалардан зилол сувлар оти-либ туради.

Биз Мадинаи мунаввара, Маккан мукаррамада бўлган пайтларимизда у ерда истиқомат қилаётган ватандошларимиз — ўзбеклар билан самимий учрашдик, ширин сұхбатлар қурдик. Улар бизларни ўз хонадонларига таклиф этдилар, бордик. Улар ўрта ва кичик ҳажмдаги тижорат ишлари билан шуғулланадилар. Сармоялари етарли, ўзларига тўқ яшайдилар. Бизни қувонтирган нарса шу бўлдики, ватан-дошларимиз — ўзбеклар ерли халқ — араблар билан гоят дўстлашин кетганиллар, ниҳоятда иноқ яшайдилар. Аммо улар она

Ватанинни төйт согинганлар, бутун вужудлари билан Ватанинни күмсайдилар. Ана шу нараса сұхбат чөгіда яққол сезилиб турди.

Бу улуғ зиёрат пайтида яна шуни тұла ифтихор ила ҳис этдикки, Қаъбатулоқ — Нури исломнинг юраги. Ана шу Юрак доим уриб турибди. Она Ер құррасидаги жамики, мұммән-мусулмонлар ана шу Юракка интиладилар. У ерда покланыб, яна танага—она Ерга тарқаладилар.

Биз бу муқаддас даргоҳға Ер юзидан келган турли міннелат вакиллари билан бирга ҳамнағас бўлдик. Уларнинг уст-бошлари, танасининг ранги, сўзлашадиган тиллари ранг баранг, ҳар хил эди. Энг муҳими ягона дин-исломга эътиқод қўйған диллари бир бутун эди. Ҳа, бу муқаддас даргоҳда Исломнинг Ер юзи инсонларини Тинчлик йўлида мустаҳкам бирлаштирувчи, мўмин-мусулмонларни жипслаштирувчи жучини, буюк құдратини кўрдик.

Зизрат муддати тугаб, Маккан мұкаррама билан хайрлашиш пайти келди. Биз Қаъбатулоқга келиб вожиб амаллардан бири бўлган видолашиш тавоғини адо этдик. Қаъбатулоқни тавоғ қилишни яна насиб этгин, дея она Ватанга равона бўлдик.

* * *

Мўмин-мусулмон инсон ҳаётіда бекінеш аҳамият қасб этадиган бу улуғ зиёрат бизнинг қалбимизда чуқур из қолдирди. Аввалинда машинада ўн саккиз минг километр йўл босиб, ота-боболаримиз юрган йўллардан ўтдик, улар нағас олган ҳаводан нағас олдик. Улар руҳини эсладик, хотирлаб Куръон тиловат қилдик. Бутун сафар ва зиёрат дағомида уларнинг сабр-тоқатига, матонатига, ҳалол-поклигига, бир-бирларига нақадар садоқатли дўст-ҳамроҳ бўлганликларига беадад таҳсинлар айтдик, улар сиймоси қаршиисида таъзим этдик. Нақадар эътиқодли, иймони бутун инсонлар авлоди эканимиздан қалбимиз фахрга тўлди.

Зероки, бу муқаддас жойларда Бобур Мирзонинг тугишган опаси, темурий маликалардан бири бўлган Хонзодабегим, суюкли фарзанди, ўз замонасининг донишманд маликаси, «Хумоюннома» номли ажойиб тарихий асарнинг муаллифаси Гулбаданбегим ҳам юрганлар, муқаддас ҳаж сафарини адо этганлар. Бобур Мирzonинг ардоқли ўғиллари бўлмиш Комрон Мирзо ва Аскарий Мирзо ҳам иродан ҳаж қилиб Қаъбатулоқ зиёратига борганлар. Комрон Мирзо бир қанча вақт Маккан мұкаррамада яшаб, 1557 йилнинг

декабрь ойида вафот этади. Унинг жасади пайғамбаримиз Мұхаммад мустафо саллолоҳу алайҳи вассалламнинг хотини Ҳадичан кубаро қабрининг оёқ томонига қўйилган. Орадан бир йил ўтгач эса Аскарий Мирзо муқаддас ҳаж сафари пайтида Шом билан Макка оралиғида вафот этади ва акаси Комрон Мирзонинг Маккадаги қабри ёнига дағи этилади. Шундай қилиб, нури ислом юраги — Маккан мұкаррамада темурий-бобурийларнинг авлодлари ҳам мангу ором олиб ётибдилар.

Дарҳақиқат, ҳаж қилиш шундай бир улуғ ибодатким, унинг қудратини, ҳикмату донишларини фақат қалби пок, иймони бутун ва бақувват мўмин-мусулмонларгина тұла ҳис эта оладилар. Ҳаж қилишини ният қилган ҳар бир мўмин-мусулмон учун бу ҳам жисмоний, ҳам мoddий, ҳам руҳий бир улуғ синов эканлигига иймонимиз комил бўлди. Муқаддас зиёратни бенуқсон адо этмоқ учун — қуёшининг иссиқ ҳароратига бардош бериш, қанча-қанча йўл босиш, йўл азобини енгис, сувсизлик-ташиналикка бардош бериш, сабр-тоқатли бўлиш зарурлигини амалда кўрдик. Бизнинг иймонимиз яна шунга комил бўлдик, ҳаж — бу бутун дунё мусулмонларининг Маккан мұкаррама зиёратига тўпланиб ўзаро катта мuloқot қиласидиган буюк бир анжумани ҳамдир. Ҳақиқий байналмилалчиликнинг беназир намунаси бўлган бу анжуман иштироқчилари — зиёратчилар тили, жинси, ирқи ҳамда танасининг рангидан қатъий назар, тұла маънодаги тенг ҳуқуқли инсонлардир. Зероки, бу ерда барча ҳожилар бир хил кийим киядилар, уларнинг қиёғаларидан ким бою ким камбағал, ким подшоҳу ким гадо, ким мулкдору ким фақир-бечора, асло ажратиб бўлмайди. Ҳамма бир-бирига меҳрибон, олижаноб, ҳазрати инсонга айланади.

Нури ислом юраги — Қаъбатулоқ! Бу улуғ ва муқаддас даргоҳда нафақат инсон қони, балки, жамики мавжудот — жондор ҳайвоноту ҳашарот қонини тўкиш, ҳатто уларга озор бериш асло мумкин эмас. Ҳатто кўқариб турган дараҳт баргини узиш, шохини синдириш ҳам гуноҳи азим ҳисобланади. Бу хислатлар дунёда тинчлик, осудаликни таъминлаш ва сақлаш исполненинг том маънодаги даъвати эмасми?

Иншооллоҳ, дунёда тинчлик, осойишталик барқарор бўлсин. Узбекистон ҳалқига куч-ғайрат, хуш кайфият доим ёр бўлсин. Аллоҳ ҳар бир хонадонга файз-барака ато қилсин. Қаъбатулоқни зиёрат қилиш ҳар биримизга, иншооллоҳ, насиб этсин.

Китапхана

Ўзбекистон аттардағы №100
Мемлекеттик педагогикалық
институты ИНА

МУНДАРИКА

Она бешик — Андикон	6
Бобуршинг Фарғона мулкни тарқ этиши	26
Боғлар шаҳри	36
Құшлар ҳам қайтиб келмоқдалар	64
Шаҳарлар онаси — Балх	77
Элмурод Аргун ҳикояси	81
Ассалом, Ҳирот!	88
Панинат қиссаси	103
Севги ва вафо қасри	118
Сүнгти нафас	133
Бобур авлоди хонадонида	138
Бобур — табиятшунос олим	150
Нури ислом юраги	162

ИЛМИЙ-МАЪРИФЛӢ НАШР

**ЗОКИРЖОН МАШРАБОВ
СОБИРЖОН ШОКАРИМОВ**

АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН БОБУР

Рассом: Полякова И.
Муҳаррир: Мирзаева З.
Расмлар муҳаррири: Габзалилов Ю.
Тех. муҳаррир: Ким У.

Босмахонага берилди 03.02.97. Босишига рухсат этилди 15.05.97.
Бичими 84×108^{1/32}. Нашр. табори 10.62. Шартли босма табори
9.24. Нашр ҳажми Жаъми пусха 5000. Буюртма 25. Шартнома
4—97. Баҳоси шартнома асосида.

«Езувчи» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод
даҳаси, Муродов қўчаси, 1-й.